


63.3(543)
Э99

БОХОДИР ЭШОВ

Қадимги Ўрта Осиё
шаҳарлари тарихи




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Боходир Эшов

Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари тарихи

(Олий ўқув юрталари талабалари учун ўқув қўлланмаси)



Тошкент — 2006

Ушбу қўлланмада Ўрта Осиё қадимги шаҳарсозлиги тарихи масалалари ёритилган. Муаллиф бой илмий адабиётларни ўрганиш ҳамда айрим қўҳна шаҳар харобалари қазилмаларида иштирок этиши асосида ўлкамиз ҳудудларидаги урбанизация жараёнларининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари муаммолари бўйича хулосалар берган. Ҳозирги кунга қадар «Шаҳарлари тарихи» махсус курси бўйича талабаларга мўлжалланган қўлланма ёки дарслик яратилмаган. Тарихчи, иқтисодчи, географ ва демограф талабалар ҳамда ўқитувчилар учун мўлжалланган ушбу дарслик бу борадаги дастлабки қўлланмалардан бири бўлганлиги сабабли унда айрим камчиликлар бўлиши табиийдир. Шу боис қўлланма юзасидан билдирилган фикр — мулоҳозаларни бажони — дил қабул қиламиз.

Масъул муҳаррир: т.ф.д., проф. Сағдуллаев А.С.

Тақризчилар: акад. т.ф.д. Буряков Ю.Ф.

т.ф.д.проф. Сулаймонов Р.Х.

г.ф.д.проф. Солиев А.С.

Кириш

«Шаҳарлар тарихи» фани ўқитилишининг долзарблиги ва аҳамияти

Ўрта Осиё урбанизацияси асрлар давомида жаҳон цивилизацияси тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Қадимги дунёнинг машҳур шаҳарсозлик маданияти марказлари қатори Ўрта Осиё қадимий шаҳарлари ҳам жаҳон маданий, иқтисодий ва сиёсий марказлар билан узвий алоқада ўзига хос йўналишда тараққий этди. Республикамизда тараққий этган ўтроқ деҳқончилик маданияти, илк шаҳарсозлик ва давлатчилик жараёнлари нафақат Ўрта Осиё, балки қадимги Шарқ цивилизациясининг ҳам марказий бўғинини ташкил этган. Бинобарин, Турон—Мовароуннаҳр жаҳон цивилизацияси ўчоғларидан бири ҳисобланиб, бу ҳудудларда энг қадимги даврлардан бошлаб турли муҳим тарихий—маданий жараёнлар бўлиб ўтган. Қадимги даврлардан бошлаб бу минтақа қулай географик жойлашувга эга бўлиб Шарқ ва Ғарб мамлакатларини бир бирига боғлаб турган. Айнан мана шу муҳим омил, яъни, воҳаларда деҳқончилик ривожланиши учун қулай шароит дунё тарихидаги дастлабки деҳқончилик ўчоқлари бўлган Олд Осиё ва Эрон билан қадимий узвий алоқаларга асос бўлди.

Тарихий жараёнлардаги асосий босқичлардан ҳисобланган урбанизация масалаларини тадқиқ этиш ҳозирги тарих фанининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Зеро, қадимги шаҳар маданияти заминида ўзбек давлатчилигининг асосий омиллари ётади. Тарих фанининг ушбу ва бошқа кўпгина ечими ҳаётий зарур бўлган долзарб масалалари Республика Президенти И.А.Каримов томонидан ҳам махсус таъкидлаб ўтилди.

Дарҳақиқат, ўзбек халқи тарихи, ўзбек давлатчилиги тарихи, маданий ҳаётнинг ривожланиши шаҳарлар тарихи билан узвий боғлиқдир. Ушбу боғлиқлик мустақиллик йилларида айниқса яққол кўзга ташланди. Мисол учун, сўнгги йилларда турли шаҳарларнинг юбилейлари муносабати билан ўтказилган махсус илмий—тадқиқотлар ва олимларимизнинг чет элик ҳамкасблари билан

ҳамкорликдаги ишлари Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси ўчоғларидан бири эканлигини исботламоқда. Ушбу цивилизация тизимида илк шаҳарсозлик маданияти ва унинг давлатчилик тараққиётидаги аҳамияти беқиёсдир. Бинобарин, талабаларининг ушбу жараёнларни ўрганиши ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Юртимизда илк шаҳарсозлик асосларининг пайдо бўлиши, шаклланиш босқичлари асосан ёзувсиз замонларга тўғри келади. Бу ўринда археологик маълумотларнинг аҳамияти ниҳоятда улкан бўлиб, илк шаҳарлар тарихини тадқиқ этишининг чигаллиги ва кўплаб баҳс – мунозараларга сабаб бўлиши ҳам ушбу ҳолат билан изоҳланади.

Қадимги жамиятлардаги урбанизация жараёнини ўрганиш ҳозирги кунда ўта муҳимдир. Чунки бу жараён биринчидан, умумий ижтимоий қонуниятларни ўзида акс эттирса, иккинчидан, бу воқеанинг ўзи шу қонуниятларни кучайтирувчи ва мустаҳкамловчи омил ҳисобланади. Шаҳарлашиш жараёнини уч босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқичда йирик марказларда маданий ва иқтисодий омилар тўпланса, иккинчи босқичда қишлоқ аҳолисининг шаҳар маданиятига қўшилиш жараёни кузатилади. Учинчи босқичда эса воқалардаги йирик аҳоли пунктлари – шаҳарлар маълум бир ҳудудлардаги аҳолининг, жамиятнинг ҳаётидаги асосий, ажралмас таркибий бўғинга айланади. Ушбу жиҳатларни ҳар томонлама ўрганиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Қадимги дунё тарихи билан қиёсий таққослайдиган бўлсак, Ўрта Осиё илк шаҳарсозлик масалалари Месопотамия, Миср, Ҳиндистон ёки Эроннинг қадимги шаҳарларига нисбатан кам ўрганилган. Ўлкамиз ҳудудларида бўлиб ўтган маълум даврдаги урбанистик жараёнлар ҳақида турли йилларда тадқиқот ишлари олиб борган олимларнинг илмий ишларини инкор этиб бўлмайди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу йўналиш бўйича иш олиб борган археолог – тарихчи ўз ишларида масаланинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратадилар.

Аҳолининг ўтроқлашуви натижасида йирик қишлоқларнинг пайдо бўлиши урбанизация жараёнининг янада жадаллик билан тараққий этишида муҳим аҳамият

касб этади. Шунинг учун ҳам шаҳарлар — ривожланиш жараёнига фаоллик билан таъсир этувчи омил ва цивилизация билан боғлиқ бўлган янги тарихий — ижтимоий муносабатларнинг асосий ифодаловчисидир. Ушбу тарихий муносабатларнинг пайдо бўлиши ўзининг бетакрор аҳамиятига кўра, жамият ривожланишининг умуммаданий анъаналарида ҳам кузатилади.

Ўқувчилар шунга эътибор беришлари лозимки, дастлабки шаҳарлар ўз даври тарихи учун жиддий тарихий тараққиёт босқичи бўлиб, улар бошқарув тизимида сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларга айланади. Дастлабки цивилизациялар, шаҳарсозлик маданияти ва илк давлат уюшмалари пайдо бўлиши жараёнлари ўртасида диалектик боғлиқлик мавжуд. Ушбу боғлиқликни ўрганиш қадимги давр тарихини ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Хуллас, қадимги шаҳарлар тарихини ўрганиш бўйича турли мақолалар, монографиялар яратилган бўлса — да, бу йўналишда талабалар учун махсус курсларга мўлжалланган ўқув қўлланмаси яратилмаган. Муаллиф шаҳарсозлик масалалари бўйича ўзига қадар олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида ҳамда айрим қўҳна шаҳарлар қозишмаларида шахсан иштирок этган ҳолда ушбу қўлланмани яратишга ҳаракат қилган. Назаримизда қўлланма айрим нуқсонлардан ҳам холи эмас. Аммо, иш бу йўналишдаги дастлабки ҳаракатлардан бири бўлганлиги боис уни қўллаб — қувватлаш мумкин.

**А.С.Сагдуллаев, тарих
фанлари доктори,
профессор**

1–Мавзу. Илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиш даври тарихи

1 §. Цивилизация тушунчаси. Моҳияти ва мазмуни


Дастлабки цивилизациялар, уларнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти, цивилизациянинг илмий – назарий таҳлили, цивилизацияга тарихий – фалсафий ёндошув, умуман Шарқ ва Ғарб цивилизацияларининг қиёсий таҳлили масалалари бўйича А.Тойнби, О.Шпенглер, К. Ясперс, И.М. Дьяконов, В.М. Массон, Л.С. Васильев, М. Барг, М.Ф.Альбедиль, А.В. Коптев, Ю.В. Яковец каби олимлар тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Дунё тарихига фикран назар ташлайдиган бўлсак, турли ҳудудларда ижтимоий – иқтисодий ва табиий шароитлардан келиб чиқиб ўзига хос цивилизациялар тараққий этганлигини кузатишимиз мумкин. “Цивилизация” сўзи лотинча сўз бўлиб айнан таржимаси “фуқаролик” (“civilis”) деган маънони англатади. Ижтимоий фанларда цивилизация тушунчаси асосан маданият ва маданий тараққиётнинг барча қирраларини ифодаловчи тушунча сифатидаги мазмун касб этади. Ушбу мазмунни қисқача таърифлайдиган бўлсак, цивилизация тушунчаси – муайян ҳудудларда яшайдиган одамларнинг турмуш тарзи ва ҳўжалик юритиш фаолияти, ушбу одамлар ҳамда ҳудудлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, маълум даврларда яратилган маънавий ва моддий маданият, жамиятнинг тараққий этиш жараёнида одамларнинг ижодий имкониятлари ва қобилиятининг таъсири самарасини англатади. Шу нуқтаи назардан ҳам цивилизация инсоният тараққиётининг асосий мезони сифатида талқин этилади.

Ушбу бўлимда цивилизация ривожланишининг дастлабки босқичи, унинг таркибий қисмлари пайдо бўлган ва аста – секин шаклланиб, бутун жамиятга ёки тизимга сифат жиҳатидан янги хусусиятлар олиб кирган архаик муҳитни тарихий таҳлил асосда кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Таъкидлаш жоизки, шаклланишининг дастлабки босқичида цивилизация жараёнлари асосан археологик маълумотлар асосида ўрганилиб, ушбу маълумотлар цивилизациянинг ташқи ва ички қиёфасини нисбатан яққолроқ акс эттиради.

Даставвал цивилизациянинг асосий мезонлари ҳақида ўз юритадиган бўлсак, Ю.В.Качановский ўзигача бўлган гадқиқотларни умумлаштириб цивилизациянинг бир қатор мезонлари мавжудлигини таъкидлайди. Иқтисод соҳасида бу эзиқ – овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рақомиллаштириш, саноатни ривожлантириш, меҳнатни шаҳар ва қишлоқ ўртасида ижтимоий тақсимлаш, доимий савдогарлар ва пулнинг пайдо бўлишидир. Ижтимоий – сиёсий соҳада бу – мулкий табақаланиш (қарама – қарши кучлар), бошқарув тартиби, давлат, ерга нисбатан мулкни ва мулкдорликни мерос қолдириш ва ниҳоят, маданият соҳасида – ёзув ҳамда санъатнинг мавжудлигидир.

Жамият тараққиётининг цивилизацияон кўриниши



Ўтган асрнинг ўрталарида инглиз олими Г.Чайлд ўша пайтдаги археологик маълумотлардан кенг фойдаланиб юқоридаги белгиларни янада ривожлантирди ва унга қўшимчалар киритди. Ушбу белгилар айрим тадқиқотчилар томондан эътироф ҳам этилди. Г. Чайлд таклиф этган цивилизациянинг ўн белгиси – шаҳарлар, маҳобатли ижтимоий иншоотлар, солиқ ёки бож тизими, фаол иқтисодий ҳаёт, шу жумладан савдо – сотиқ, ихтисослашган ҳунармандларнинг ажралиши, ёзув ва илм – фан тараққиётининг бошланиши, ривожланган санъат, имтиёзли табақалар ва давлатни ўз ичига олади. Шу билан бирга Г.Чайлд археологик кашфиётлар асосида диний ва дунёвий маҳобатли иншоотлар ёки эҳромлар, сағаналар дастлабки цивилизацияларнинг асосий белгилари бўлганлигини ҳам қаёд этди.1958 йил Чикагода бўлиб ўтган илк шаҳарлар ҳақидаги мунозараларда К.Клакхолм Г.Чайлд таклиф этган рўйхатни қисқартириб ундаги учта белгини – маҳобатли меъморчилик, шаҳарлар ва ёзувни қолдириш лозим деган фикрни билдирди. Бу уч белги тараққиёт учун туртки бўлган алоқалар тизими воситасида маълум жамиятда содир бўлган ижтимоий ҳамда сиёсий жараёнлар билан бирлашиб, дастлабки цивилизациялар маданиятининг чўққисини ташкил этади. Қайд этиш лозимки, ушбу уч белги цивилизацияни авваламбор, маданий мажмуа сифатида таърифлайди. Мулкий табақаланиш ва давлатнинг пайдо бўлиши эса бу ҳодисанинг ижтимоий – иқтисодий мазмунини ташкил этади.

Юқорида зикр этилган уч белгига қисқача умумий таъриф берадиган бўлсак, маҳобатли меъморчилик обидалари улуғворлиги, ички ва ташқи кўринишлари жиҳатидангина эмас, балки уларни барпо этган жамиятларнинг ишлаб – чиқариш салоҳияти нуқтаи назаридан ҳам эътиборга молиқдир. Уларда мавжуд иқтисодий тизимда олинган қўшимча маҳсулот, оддий ишлаб чиқариш усулидан самарали фойдаланган жамиятнинг уюшқоқлик даражаси ўз ифодасини топган. Дастлабки ибодатхоналар, улкан иншоотлар, ҳимоя деворлари – буларнинг барчаси жамоаларнинг оддий турар – жойларидан айнан, сарфланган меҳнат ҳажми ва ишчи кучи билан фарқ қилади. Кўплаб меҳнат ҳажми ва

ишчи кучи сарфланган иншоотларга дунё тарихидан (Миср, Месопотамия, Хитой, Месоамерика ва бошқ.) кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ёзувнинг вужудга келиши ҳам дастлабки цивилизациялар тараққиётида муҳим аҳамият касб этган. Зеро, бу жараён — янги ривожланиш босқичига қадам қўяётган жамиятнинг зарурий эҳтиёжи бўлган. Дастлабки цивилизацияларда ҳукмрон бўлган мураккаб ижтимоий ва иқтисодий тизимда хилма — хил ахборотлар жадал кўпайиб борган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни ҳисобга олиш ҳамда деҳқончилик ишларини режали равишда ташкил этиш қатъий тартибга солишни талаб қилган. Нафақат ишлаб чиқариш ва хўжалик ҳаёт балки, сиғиниш ва топиниш билан боғлиқ бўлган диний жараёнларда ҳам тизимлаштириш ва тартибга солиш эҳтиёжи мавжуд эди. Юқоридагиларнинг барчаси дунё тарихидаги илк ёзувлар мазмунларида ўз аксини топган.

Ёзувнинг пайдо бўлиши (маълумки, дастлабки ёзув бундан 5 минг йил илгари Мисрда пайдо бўлган) ижтимоий нуқтаи назардан ҳам муҳим аҳамиятта эга бўлди. Бу шунда кўринадики, ёзув дастлабки цивилизацияларнинг бошқа ўзига хос хусусиятини — ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралишини намоён этади. Айтиш мумкинки, бу жараён ибтидоий даврнинг сўнги босқичларида кучайган ишлаб чиқаришнинг турли соҳалар бўйича ихтисослашувининг мантиқий яқуни бўлди. Айнан мана шундай ажралиш жамиятдаги айрим кучларни, санъатни ва ижобий билимларнинг турли шакларини ривожлантиришга йўналтириш имконини берди.

Дастлабки даврларда анчагина мураккаб тизимни ташкил этган ёзувнинг вужудга келиши янги касб эгалари — ҳаттотларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Махсус мактабларда ҳаттотлик илмининг ўқитилиши ижобий билимларнинг куртак отишига ҳам туртки берди. Ҳаттотларни тарбиялаш ва ўқитиб — ўргатиш жараёнида мазкур табақанинг дунёқараши ва ижтимоий психологияси шаклланиб борди.

Бизга тарихдан маълумки, турар — жойлар, ибодатхоналар, саройлар ва қалъалар, ҳимоя иншоотлари, умуман маҳобатли меъморчилик шаҳарларнинг асосий

белгилари бўлиш билан бирга уларнинг кўрки ҳисобланган. Шаҳарларда аҳоли зич яшаган. Шунинг учун ҳам "цивилизация" тушунчасининг этимологияси фуқаролар, шаҳар жамоасига бориб тарқалиши бежиз эмас. Тадқиқотлар натижаларидан хулоса чиқарадган бўлсак, ижтимоий табақаланиш жараёнлари айнан шаҳарларда нисбатан жадалроқ кечади. Жамиятни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ғоявий бошқарув марказлари, ихтисослашган ҳунармандчилик марказлари айнан шаҳарларда жойлашади. Шаҳарларда айирбошлаш ва савдо – сотиқнинг ҳам роли нисбатан устун бўлади. Ушбу жараённи нафақат дунё тарихидаги балки Ўрта Осиёнинг шаҳармонанд ва илк шаҳар марказларда (Намозгоҳ, Олтиндепа, Сополли, Жарқўтон ва бошқ.) ҳам кузатишимиз мумкин. Қишлоқларда эса, одатда, ибтидоий даврда шаклланган ўзини – ўз таъминлаш тизими ҳукм суради.

Шаҳарлар аҳоли яшайдиган йирик марказлар бўлиб, жамиятнинг ижтимоий тизимида ўзига хос вазифаларни бажарган. Шунинг учун ҳам қадимги шаҳарларни аҳамияти уларнинг вазифалари билан белгиланади. Шаҳарлар даставвал қишлоқ хўжалик, ҳунармандчилик, савдо – сотиқ ва албатта ўзига хос ғоявий марказ вазифасини бажарган. Кўп ҳолларда маданий марказнинг мавжудлиги маълум ҳудудларда шаҳарларнинг шаклланишига туртки бўлган.

Цивилизацияларнинг вужудга келиши. Ҳозирги замонавий тарихий, фалсафий ва илмий – оммабоп адабиётларда ривожланган (кўп ҳолларда ғарб типидagi) жамият типини цивилизация деб ифодалаш айниқса кенг тарқалган. Бу ўринда цивилизациялашган жамият ҳозирги даврда иқтисодий ривожланиш, ижтимоий тартиб ва сиёсий барқарорлик меъёри сифатида қабул қилинган даражага етмаган жамиятларга қарама – қарши қўйилади. Цивилизация айни дамдаги ижтимоий маданият ривожланишининг энг олий даражаси синоними бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, ибтидоий ривожланиш тузуми доирасидан чиқиб маданийлашган турли жамиятларга нисбатан ҳам цивилизация атамаси қўлланилади.

XIX асрдаёқ тадқиқотчилар цивилизацияга ўз муносабатларни билдирган бўлсалар, XX аср тадқиқотчилари ақлий ва жисмоний меҳнатнинг

ажратилишини, диний дунёқараш ва ёзувнинг вужудга келишини, шаҳарлар иқтисодий ва маданий турмуш марказлари вазифасини бажаришини цивилизация белгилари сифатида қайд этадилар. Бу маънода цивилизация ижтимоий маданиятнинг маълум ривожланиш даражаси синонимидир. Бундай ёндошувдан сўнг цивилизациянинг ҳар хил турлари ҳақида тўхталб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ўтган асрда яшаб ижод этган инглиз тарихчиси А.Ж.Тойнби "цивилизация" тушунчаси ёрдамида тарихни ўрганиш асосларини ишлаб чиқди. Муаллиф цивилизациялар фарқини энг аввало тафаккур тарзида кўради. У маданий белги ўзида "цивилизациянинг қалби, қони, моҳияти"ни ифодалашни тўғрисидаги қонидани асослади. Тойнбининг фикрича, цивилизация географик, миллий, диний белгилар ва бошқа белгиларнинг умумийлиги билан фарқ қилувчи жамиятнинг тор ва маҳаллий ҳолатидир. Тадқиқотчи уларга боғлиқ равишда жаҳон тарихида 21 та цивилизацияни ажратиб кўрсатди. Булар: Миср, Хитой, Фарб, Узоқ Шарқ, Ҳиндистон, славян, араб, Американинг туб халқлари (майя, инклар, ацтеклар) цивилизацияси ва бошқалардир. Умуман олганда, турли олимлар томондан цивилизацияларнинг 15–20 тадан 30 тагача тури фарқланади.

Бевосита цивилизация назариялари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу назарияларнинг иккита типи мавжуд: а) цивилизациянинг босқичма–босқич назариялари; б) маҳаллий цивилизация назариялари. Босқичма–босқич ривожланиш назариялари цивилизацияни инсоният жадал тараққиётининг умумий жараёни сифатида ўрганеди. Бу тараққиёт жараёнида маълум босқичлар ажратилади. Мазкур назариянинг тарафдорлари фанда илгари ҳукм сурган формациялар назарияси ўрнига маданият деган янги мезонни киритиб бу назарияни ривожлантиришга ҳаракат қиладилар. Ижтимоий–иқтисодий формациялар ўрнига ижтимоий–маданий цивилизациялар қўйилмоқда.

Фикримизча, бундай ёндашув давр талаби бўлиши билан бирга фанга айрим назарий чалкашликлар ҳам киритиш мумкинлигини таъкидлаш жоиздир. Чунки, юқорида кўриб ўтганимиздек, кишилиқ жамияти ривожланиши ва

тараққиёти босқичлари фақат маданият ва айрим халқларнинг менталитети билангина белгиланмайди. Маданият — моҳият эътибори билан ҳосила, инсон ижодининг маҳсули, ижтимоий тизимда баъзан одамларнинг хулқ — атворини белгиловчи ўрин тутиб, ижтимоий ҳаёт белгисидир. Айрим ҳолларда маданият ижтимоий ҳаётнинг объектив қонуниятларини белгилаб беради — ки, айрим тадқиқотчилар бу жараёни эътироф этмайдилар.

Ижтимоий ва маданий ривожланиш қонуниятлари мажмуалари инсоният ижтимоий тараққиётининг ҳар бир босқичи учун маълум маънодаги ягона цивилизацияни вужудга келтирмайди. Ҳозирги замон фанида ажратилаётган қонуниятлар фикримизча, цивилизацияларга эмас, балки ижтимоий организмларга ёки сиёсий тизимларга хосдир. Бу йўналишда содир бўлаётган айрим маумоларнинг сабаби шундаки, ҳозирги тадқиқотчилар ўтган даврлардаги ижтимоий ривожланиш жараёнини кўп ҳолларда ягона — индустриал цивилизация ҳукм сураётган ҳозирги даврга қиёслаб, цивилизация тушунчасига янгилик киритишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг яна бир хатолари шундаки, цивилизацияга илмий ёндашув жараёнида, мазкур цивилизация шакланган давр, муҳит ёки ҳудуд диққат — эътибор марказида турмоғи мақсадга мувофиқдир.

Маҳаллий цивилизациялар назариялари тарихий — маданий жараёнлар натижасида вужудга келиб, маълум ҳудудларни эгаллаган ҳамда ўз ижтимоий — иқтисодий ва маданий ривожланиш хусусиятларига эга бўлган катта цивилизацияларни ўрганади. Бундай цивилизациялар маълум ҳудудларда пайдо бўлиб, ҳудудлар ўртасидаги турли муносабатлар туфайли ўзига хос айрим хусусиятларини қўшни ҳудудларга ҳам тарқатиши объектив тарихий — маданий ҳодиса ҳисобланади. Мисол учун, Хараппа маданиятининг Ўрта Осиёга кириб келиши ёки Эллинизм маданиятининг бутун Шарққа ёйилиши ва ҳоказо.

Энг қадимги цивилизациялар. Ҳозирги замон тарихчиларининг фикрича, инсоннинг тегишли ижтимоий ва маданий шаклларни вужудга келтириш орқали атроф муҳитта мослашиши натижасида ижтимоий организм (қавм, уруғ, жамоа, элат, давлат) тарихий жараёнларнинг асосий субъективига айланиб боради.

Бизга тарихдан маълумки, юқори палеолит даврининг охирларига келиб инсоният фақат индивидуал (биологик) белгилари (ирқ ва антропологик тишлар) жиҳатидангина эмас, балки тил ва маданият бирлиги (қабилавий ёки этник ёҳуд уруғга хос белгилар) жиҳатидан ҳам ривожланиб боради. Ижтимоий – иқтисодий ҳаётдаги олға силжишлар, хусусан, деҳқончиликка асосланган иқтисодга ўтиш атроф муҳит билан муносабатларда сифатий ўзгаришлар ясаб, демографик ўсишга олиб келди ва ижтимоий тартибга солишнинг янги механизмига бўлган талабни янада оширди. Янги ижтимоий – маданий белгиларга эга бўлган ижтимоий тузилмалар маълум уруғ ва жамоаларнинг вужудга келишига катта туртки бўлдики, бу жараёнда энг қадимги цивилизацияларнинг ҳам ўрни беқиёсдир. Фикримизча, бундай тузилмалар бир ёки бир нечта этник бирликлардан ёки уларнинг қисмларидан тузилиши мумкин эди.

Маданият тушунчаси меҳнат ва жанговар қуролларда, меъморчиликда, адабиёт ва санъатда, диний эътиқод ва турли дунёқарашда, фалсафа ва бошқа кўпгина фанларда ҳамда бошқа соҳаларда ифодаланган жамиятнинг моддий ва маънавий ютуқлари мажмуини ўз ичига олади. Тарихда мавжуд бўлган барча цивилизацияларнинг, жумладан, энг қадимги цивилизациянинг маданиятлари қайсидир ўзига хос бўлган жиҳатлари билан ажралиб туради. Бу ўзига хосликлар маълум жамият ҳаётида бўлиб ўтган ижтимоий – иқтисодий ва айниқса, маданий кашфиётлар орқалигина ифодаланиши мумкин. Шунингдек, ўзига хослик ижтимоий онг жамиятнинг қайси йўналишларини устивор деб эътироф этгани билан ҳам аниқланади. Шунинг учун ҳам бу устиворликлар маълум цивилизацияда тўла мужассамлашади. Бундай устиворликлар тарихий – илмий адабиётларда **қадриятлар тизими** деб аталади. Бу тизим ўз навбатида жамият ривожланиши ва тараққиётини белгилаб берувчи деб эътироф этилган ғоялар мажмуини ўзида мужассамлантиради. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар бир энг қадимги ёки қадимги цивилизациялар ўз қадриятлари мажмуи билан ҳам фарқланади. Фикримизча, айнан шунинг учун ҳам цивилизацияни маълум қадриятлар тизими

асосида ўзини – ўзи ривожлантирувчи ижтимоий – маданий тизим деб таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий онгнинг устиворликлари ўз навбатида шахсий қадриятларни вужудга келтиради ва инсон учун нима муҳим эканлигини белгилаб беради. Жамият ривожланиши поғонасида намоён бўлувчи ижтимоий ва шахсий қадриятларнинг бундай нисбатини ҳозирги замон олимлари **менталлик** деб атайдилар. Цивилизация қадриятларининг ўзига хос хусусиятлари жамият ташкилоти билан жамият ҳаётининг муайян шарт – шаротлардаги тарихий нисбати билан аниқланади. Тадқиқотчи М.А.Баргнинг қуйидаги таърифи ана шу концепцияга асосланади: цивилизация – бу кишилик субъективлиги ривожланишининг бир томондан турмушнинг табиий негизлари ва иккинчи томондан – объектив равишда – унинг тарихий шарт – шароитлари билан белгиланган ривожланиш даражаси бўлиб, улар шахсларнинг образида, уларнинг табиат ва ўзига ўхшашлар билан алоқа қилиш усулида намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам цивилизация абстракт – назарий тушунча эмас, балки муайян тарихий тушунчадир. Шунингдек, у тарихий – маданий шарт – шароитларсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Цивилизация жамият тараққиётининг маълум босқичи бўлиб, у ижтимоий организм сингари туғилувчи, ўсувчи ва инқирозга учровчи жамият демақдир.

Цивилизация масалалари кўриб чиқилган кўпгина адабиётларда **Шарқ цивилизацияси** ва **Ғарб цивилизацияси** деган тушунчалар ишлатилади. Қадимги Шарқда бир – биридан мустақил равишда деярли бир вақтнинг ўзида бир нечта, Хитой, Ҳинд, Яқин Шарқ ва бошқа цивилизациялар ҳукм сурган. Қадимги Шарқ тушунчаси мазкур цивилизациялардаги жамиятларнинг ривожланишидаги умумий жиҳатларни қадимги Ғарб цивилизацияси – антик цивилизацияга қиёсан ўрганади. Эътибор бериш лозимки, Шарқ цивилизациясининг ўзига хослиги кўп ҳолларда ижтимоий хусусиятларда намоён бўлади.

Цивилизациянинг типлари. Мил.авв. VII – IV минг йилликларга келиб янги жамоалар типининг бошланғич, ташқи муҳитга мослашган негизини деҳқончилик ташкил

этган эди. Деҳқончилик жамоалари гуруҳлари вужудга келганидан сўнг деҳқончилик иқтисоди учун қулай шарт—шароитлар яратишга ҳаракат қилганлар. Дастлабки деҳқончилик жамоаларига йирик дарёлар ва уларнинг ирмоқлари воҳалари, тоғ олди ҳудудларидаги шарт—шароитлар маъқул келган. Тарихдан бизга маълумки, бу шарт—шароитларда кучли демографик ўсиш мавжуд иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарди. Ижтимоий маданият бошланғич ижтимоий организмларга—катта оилали ва жамоавий гуруҳларга мос этник маданиятдан мураккаброқ ижтимоий тизим ривожланиши имкониятига эга бўлди. Яъни, ҳозирги замон фанида **илк шаҳарлар ва илк давлатлар** деб эътироф этилувчи мураккаб ижтимоий тузилмалар вужудга келди. Одамларнинг фақат атроф муҳит билангина эмас, балки ўзаро алоқалари ҳам мураккаблашди ва ранг—баранг тус олди. Табиий шароитнинг умумийлиги ягона ижтимоий маданиятнинг шаклланишига ва қадриятларнинг умумий тизими вужудга келишига олиб келди. Дастлабки цивилизациялар—қадимги Миср, Месопотамия, Ҳинд, Хитой, Месоамерика, Анд цивилизациялари ана шундай пайдо бўлган.

Бир цивилизацияни бошқасидан қуйидаги мезонларга қараб ажратиш мумкин: **а)** нисбатан барқарор чегараларга эга ҳудуд; **б)** ижтимоий—иқтисодий хусусиятлар; **в)** айнан мана шу хусусиятлардан келиб чиққан маданият тип; **г)** унинг ҳаётни таъминловчи қадриятлари; **д)** диний—этник тизим. Вужудга келувчи цивилизациялар ўз ютуқлари ва турмуш тарзини кенгайтириш—тарқатиш анъаналарига эгадир.

Тадқиқотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бир этнос кўпинча турли цивилизацияларнинг таъсир доирасига тушиб қолган. Турли маданиятлар ва ижтимоий тартиблар таъсирида унинг қисмлари турли хусусиятлар касб этиб борган. Цивилизациядан олдинги даражадаги жамият билан алоқалар чегара зонасида одатда кучли ижтимоий—маданий майдонни вужудга келтиради. Цивилизация айнан мана шу майдон орқали мавжуд жамиятларга таъсир кўрсатади. Бу таъсир ўз навбатида, цивилизация доирасида қабилавий тузумнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Цивилизация тараққиётини шартли равишда икки даврга бўлиш мумкин. **Биринчи давр**—бу дастлабки деҳқончилик ўчоқларида ёки уларга яқин жойларда вужудга келган. Булар бирламчи (ёки она) цивилизациялар—қадимги Миср, Месопотамия, Ҳинд, Хитой, Месоамерика, Анд цивилизацияларидир. Цивилизацияларнинг ўзини ўраб турган олам билан алоқалари уларнинг ютуқларини қўшни ҳудудларга тарқатиш учун шарт—шароитлар яратиши натижасида иккиламчи (ёки бола) цивилизациялар—Сурия, Бақтрия, Марғиёна, Анатолия, Миной, Крит—Микен, Япон ва бошқа цивилизациялар пайдо бўлган. Уларнинг маданияти бирламчи цивилизациялар маданиятига ўхшаш бўлиши билан бирга қайсидир жиҳатлари билан фарқланади. Таъкидлаш жоизки, цивилизациялар дастлабки марказлардан аста—секин узоқлашиб, ўз ижтимоий ва маданий қиёфасини ўзгартириб борган. Айрим ҳолатларда бу жараён ўзини вужудга келтирган цивилизациядан ажралиб, мустақил цивилизацияга айланишга имконият яратган—ки, антик давр цивилизацияси бунга мисол бўлиши мумкин.

Иккинчи давр. Бирламчи цивилизациялар иккиламчи цивилизацияларнинг мустақилликка интилишига кўпинча тўсқинлик қилиб келган. Улар муттасил кенгайишга интилиб ўз атрофида жуда кўп аҳолини, баъзан бир нечта маҳаллий цивилизацияларни бирлаштирган. Натижада жамият бошқарувини назорат қилувчи давлат тузилмалари ва жаҳон динлари шаклидаги мафкура пайдо бўлган. Шу тариқа цивилизацияларнинг тараққиётида иккинчи давр бошланади. Бу жараён Ўрта Осиёда мил.авв. VIII—VI асрлар давомида, Ҳиндистонда мил.авв. IV—III асрларда, Хитойда мил.авв. III—II асрларда, Европада милодга яқин даврларда, Жанубий Америкада XV асрда пишиб етилган эди.

Хуллас, ижтимоий—иқтисодий тузум тушунчасидан фарқли ўлароқ, цивилизация социологик эмас, балки муайян тарихий тушунча бўлгани учун цивилизацияларнинг бир нечта типини ажратиш мумкин:

1) этник муҳитда вужудга келган дастлабки цивилизация;

2) ташқи таъсирсиз, ички сабаблар туфайли пайдо бўлган бирламчи цивилизациялар;

3) бирламчи цивилизацияларнинг маълум этник гуруҳларга ижтимоий — маданий таъсири ҳудудда вужудга келган иккиламчи цивилизациялар;

4) мавжуд цивилизациялар ёки уларнинг қисмларининг ижтимоий — норматив кўринишларини сифат жиҳатидан қайта тузиш натижасида вужудга келган цивилизациялар.

Цивилизацияларнинг ўзига хос хусусиятлари.
Цивилизацияларнинг пайдо бўлиш бўлиш ва ривожланиш босқичларида айрим умумий жиҳатларини қуйидагича изоҳлаш мақсадга мувофиқдир:

— Ҳар бир цивилизация ўзига хос белгилари ва тарқалиш ҳудуди аниқ кўзга ташланувчи ўз мантиқий марказига эгадир.

— Маълум этник ўзак бирламчи цивилизациялар тарқалишининг негизини ташкил этади. Шунинг учун ҳам бирламчи цивилизацияларнинг маданияти маълум этник хусусиятга эгадир. Маданиятга ижтимоий ривожланиш мезони деб қараш этнос (халқ) ва цивилизация тушунчасини бир қаторга қўяди. Гарчи, дастлабки цивилизациялар вужудга келганидан сўнг этносларнинг пайдо бўлиши жараёни тўхтаб қолмаган бўлсада, қадимги этнослар ва цивилизация бир хил тушунча эмас. У ёки бу цивилизацияда этник маданият белгилари озми, кўпми мавжуд бўлса — да, ҳозирги даврда этник маданият цивилизация маданиятига нисбатан иккиламчидир.

— Иккиламчи цивилизациялар ижтимоий — сиёсий тизимнинг етуклик босқичида вужудга келади. Улар пайдо бўлганда қайта қурилувчи ижтимоий — сиёсий муҳитгина эмас, балки етук мафкура тизими ҳам бирлаштирувчи асос бўлиб хизмат қилади.

— Цивилизациянинг ўзига хос муҳим хусиятларидан бири — имкон қадар кенгайишга, яъни, ўз турмуш тарзига ва маданий ютуқларига асосланган ижтимоий — норматив жиҳатларини тарқатишга интилиш ҳисобланади. Географик чегаралар, бошқа экологик тизим ҳукм сурувчи шароит, қўшни цивилизациянинг қаршилиги каби омиллар цивилизациянинг кенгайишига тўсқинлик қилади. Ижтимоий нуқтаи назардан сиёсий бирлашиш

У-6490/2

цивилизацияни ягона ижтимоий – сиёсий организмга айлантиради.

– Шаҳар цивилизация ижтимоий – иқтисодий тараққиётининг бош бўғинидир. Унинг типологияси цивилизациянинг ижтимоий ҳолатини белгиловчи ижтимоий алоқалар тизимидан келиб чиқади. Бинобарин, шаҳар маҳобатли меъморчилигининг хусусияти ҳукмрон ижтимоий – иқтисодий маданиятга боғлиқ бўлади.

– Ҳар бир цивилизация ўзига хос бўлган умумий (халқаро) тил ва ёзувни талаб қилувчи ҳудудлар билан чегараланади.

– Қадимги цивилизация маданиятида икки хил қатъий поғонани ажратиш мумкин. Цивилизация жамоа тартибидан анча юқори бўлган давлатлар шаклига эга бўлади. Бундай ижтимоий тизимда ҳукмрон табақа цивилизациянинг ижтимоий жиҳатларини тарқатувчи ва жорий этувчи сифатида иштирок этади. Тобе табақа эса нисбатан бажарувчи бўлиб, кўп жиҳатдан анъанавий қадриятларга ва этник маданиятга амал қилади.

– Ҳар бир цивилизация ривожланиш жараёнида ўз атрофида ижтимоий – маданий ҳудуд кўринишидаги таъсир доирасини вужудга келтиради. Ушбу таъсир доираси цивилизация атрофидаги этносларда содир бўлувчи ижтимоий жараёнларни рағбатлантиради ва уларда қабилалар, ижтимоий ташкилотлар, ҳамда уларнинг иттифоқлари тарзида шаклланишига туртки беради.

– Ҳар бир цивилизация ўз ижтимоий тизимидан келиб чиққан ҳолда умумий диний – этник тизимни ривожлантиради. Бундай мафкура тизими сиёсий тизим билан бир қаторда яна бир таъсир этиш воситаси бўлиб хизмат қилади ва шунинг учун ҳам сиёсий тузум билан бирлаштирилиши мумкин.

– Ҳар бир цивилизация ўзи тўплаган иқтисодий, ижтимоий ва маданий салоҳиятнинг табиий жойлашув ҳамда тарихий шарт – шароитлар – этник муҳит ва қўшни цивилизациялар билан ўзаро таъсирга киришиши орқали белгиланувчи ўзига хос шарт – шароитларда ривожланади. Цивилизация билан уни қуршаган муҳит ўртасидаги мувозанат ичдан (масс:, демографик ўсиш натижасида) сирtdан (табиий жойлашув, иқлим ва тарихий муҳитдаги сифатий ўзгаришлар натижасида) ўзгариши мумкин. Айнан мана шу

ҳолатдаги цивилизацияни икки хил изоҳлаш мумкин. Авваламбор, цивилизация мудофаа ва истилочилик мақсадида ташқи кенгайишнинг сиёсий ва мафкуравий воситаларини ишга солади. Бунда муваффақиятсизликка учраса, у худди шу воситалардан ижтимоий ҳолат, сиёсий тизим ва мафкурани ислоҳ қилиш учун фойдаланади.

– Ташқи савдони жадаллаштириш цивилизация билан ташқи муҳит ўртасидаги барақарорликни таъминлашнинг қўшимча усули бўлиб хизмат қилади.

Ушбу бўлимга хулоса тариқасида шуни айтиш мумкинки, цивилизациялар ички ривожланиш натижасида ўзидан ҳеч қандай из қолдирмай таназзулга учрамайди. Ташқи муҳит билан тўқнашувда цивилизациялар ё ҳалок бўлиши, ё ғалаба қозониши, ё ўз негизини сақлаган ҳолда ўзгариши ёки ўз ижтимоий жиҳатлари ва қадриятлар тизимини сифат жиҳатидан ўзгартириб иккиламчи цивилизацияга айланиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон олимлари цивилизациянинг инқирози ва таназзули деб эътироф этувчи ҳолатни моҳият эътибори билан уни янги асосларда шакланган ҳамда янги сифатли иккиламчи цивилизациянинг пайдо бўлиши деб таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, бирламчи ёки иккиламчи бўлишдан қатъий назар, цивилизация – бу деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланувчи, шаҳарлар барпо этувчи, ўз ёзувига эга ва маълум қадриятлар тизимига асосланган ҳамда умумий этник белгилар билан бирлаштирилган ижтимоий организмларнинг муайян – тарихий тараққиёт босқичидир.

Маданий алоқалар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳозирги кунда Ўрта Шарқдаги мил. авв. III–II минг йилликларга оид илк шаҳар цивилизациялари қуйидагилардир: Элам, Ҳинд, Турон, Қандаҳор, Сейистон, Эрон – Балужистон, Кветтмаргар, Бақтрия – Марғиёна, Урмийолди.

Юқоридаги цивилизация марказларининг барчаси етарли даражасида тўлиқ ўрганилмаган бўлса – да, тадқиқотчиларнинг катта гуруҳи улар ўртасида кенг миқёсидаги ўзаро тарихий – маданий таъсир ва боғлиқлик борлигини эътироф этадилар. Ўзаро алоқалар ҳақида гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Шарқ тарихий

цивилизацияси ривожланишига азадан Шумер – Элам анъаналари асос бўлган. Уларнинг ўзаро таъсир даражаси манзилгоҳларнинг меъморчилик – режавий тузилишида, афсонавий манзараларда, сополлар беагида, айрим ҳунармандчилик маҳсулотларида ва диний – ибодат маросимларда кўзга ташланади. Ундан ташқари энеолит – бронза давридан бошлаб Ҳинд цивилизацияси ҳам Ўрта Шарқ маданиятига кучли таъсир ўтказганлиги тадқиқотчилар томонидан эътироф этилади.

Бронза давридан бошлаб кейинги маданий экспансия давомида урбанистик ривожланиш доираси Шимолий ва Шимоли – шарқий йўналишда Жануби – Фарбий Тожикистон ҳудудларигача ёйилиб Дашт чорвадорлари маданияти соҳиблари билан тўқнашади. Шу вақтдан бошлаб дашт ва ўтроқ жамоалар чегара ҳудудларидаги маданий таъсир туфайли минтақадаги мавжуд бўлган тарихий – маданий асосда этник – сиёсий жараёнлар янада мураккаблашади.

Демак, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталари қадимги Бақтрия ҳудудларида тўрт йўналишдаги – Сополли – Дашли кўринишидаги ўтроқ деҳқончилик (Сополлитепа, Жарқўтон, Дашли, Молали, Бўстон, Тандирийўл, Норак) маданияти; аралаш кўринишдаги чорвачилик (илк Тулхор, Аруқтов, Вахш, Маконимор, Ойгул, Жарқўл) маданияти, Андроново кўринишидаги дашт (Қўрғонтепа макони) маданияти, ўтиш даври кўринишидаги деҳқончилик – чорвадор (Тегизак, Конгурттут, Қўшсой) маданиятлари ривожланади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, жанубдаги деҳқонлар ва шимолдаги чорвадорлар ўртасидаги тобора ўсиб бораётган ўзаро муносабатлар (дастлаб алоқалар орқали, кейин эса тўғридан тўғри босқинчилик ёки кўчиб бориш орқали) мил. авв. II минг йилликда Ўрта Шарқдаги тарихий – маданий жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатди ҳамда бу ҳудудларда яшовчи жамоалар тарихий тақдирини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бронза даври Ўрта Осиё ҳудудларида тараққиёт даражаси нуқтаи назаридан турли тарихий – маданий регионлар мавжуд бўлиб улар ўртасидаги турли муносабатларнинг кучлилиги ҳамда қарама – қаршилиги

маданий ҳаётнинг янги ҳалқасида иккита этник маданий тизимнинг (ўтроқ ва кўчманчи) бир хил даражада бўлмаган ижтимоий – иқтисодий ривожланиши туфайли янада мураккаблашади. Ушбу икки этно – маданий тизимда геосиёсий алоқалар маданий – ижтимоий муносабатларга кўндаланг туради. Натижада Осиёнинг тарихий – маданий майдонида айримлари инқирозга учраган, бошқа бирлари шакллана бошлаган, баъзилари қўшилиб кетган ижтимоий қурилмаларнинг қайта гуруҳлашув жараёни янада фаоллашади. Археологик тадқиқотлар натижасида ушбу мураккаб тарихий маданий жараёнлар даставвал Намозгоҳ, Олтиндепа, Сополитепа, Гонур, Мергар, Шаҳри Сўхта каби илк урбанистик марказларнинг ривожланиши давомида бўлиб ўтганлиги аниқланган.

Маданий экспансия кўп ҳолларда кучли этно – сиёсий тўқнашувлар билан бирга бўлиб ўтади ҳамда бу жараён ижтимоий вазият ва урбанистик тараққиёт хусусиятлари билан бевосита боғлиқ ҳолда кечади.

Тадқиқотлар натижаларини қиёсий – тарихий таҳлил этиш шуни кўрсатадики, Ўрта Осиёнинг турли регионларидаги илк шаҳарсозлик цивилизацияси пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнидаги ижтимоий – маданий можаролар аввало, бўлиниб кетиш ва алоҳида бирлашиш йўллари орқали ҳал этилган. Ўз хусусиятларига кўра умумижтимоий бўлган бу кўринишлар маданий мослашув ва ижтимоий – иқтисодий ривожланиш йўлидаги цивилизациянинг тарихий ҳаракати асосини ташкил этади. Улар Ўрта Осиёдаги кўп қиррали урбанистик тараққиётда ўз аксини топиб, бу ҳудудлардаги энеолитдан илк темир давригача бўлган археологик материаллар орқали тарихий – маданий юксалиш сифатида ўз исботини топади.

Таянч сўзлар

Цивилизация тушунчаси, дастлабки босқич, цивилизациянинг асосий мезонлари, цивилизациянинг асосий белгилари, тараққиётнинг цивилизация кўриниши, маҳобатли меъморчилик, шаҳарлар ва ёзув, цивилизациянинг вужудга келиши, энг қадимги

цивилизациялар, менталлик, Шарқ цивилизацияси, Ғарб цивилизацияси, цивилизациянинг типлари, цивилизация давлари, маданий алоқалар.

Савол ва топшириқлар:

1. Цивилизациянинг асосий мезонлари ҳақида гапириб беринг.
2. Цивилизацияларнинг вужудга келиши ҳақида нималарни биласиз?
3. Энг қадимги цивилизациялар ҳақида маълумот беринг.
4. Қадимги маданий алоқалар ҳақида гапиринг.

2-§. «Шаҳар» тарихий тушунчасини англашдаги илмий-услубий ёндошувлар

Ўрта Осиё, умуман дунё тарихида рўй берган урбанистик (шаҳарсозлик) жараёнлар хусусида турли давларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил этиш ва қиёслаш бу жараённи чуқур ва ҳар томонлама таърифлаш имконини беради. Зеро, илк шаҳарлар тарихини манбаларга таянган ҳолда, археологик ва ёзма маълумотлар асосида таҳлил этиш—жамиятда рўй берган қадимги тарихий—маданий жараёнларни англаб етишда беқиёс аҳамият касб этади.

Жамиятда рўй берган урбанистик жараёнлар ва тараққиёт даражасининг асосий омиллари хусусида тадқиқот ишлари олиб борган кўпчилик тадқиқотчилар «илк шаҳар» ёки «шаҳар» тушунчасини бир—бирларига боғлиқ бўлмаган ҳолда турли давларда турлича талқин қилишларига қарамай, кўп ҳолларда улар тадқиқотлари хулосаларининг бир—бирига анча яқинлигини кузатишимиз мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, кўпчилик тадқиқотчилар (А.Асқаров, В.Массон, Б. Литвинский, И.,Дьяконов, Т.Ширинов, Б. Удемуродов, И. Масимов ва бошқ.) Ўрта Осиёдаги урбанистик жараёнларнинг асослари энг қадимги давларга бориб тақалишини таъкидлаган ҳолда, унинг бошланишини энеолит—бронза даври билан белгилайдилар ва ўз

хулосаларини далиллар билан исботлашга ҳаракат қиладилар.

Аввало шунга эътибор бериш лозимки, тарихий, илмий ва социологик адабиётларда кўплаб учрайдиган «урбанизация» («шаҳарлашиш», «шаҳарлашув», «шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши» ёки «шаҳарсозлик маданияти») тушунчасининг моҳият ва мазмунини тадқиқотчилар турлича талқин этадилар ҳамда бу борада улар орасида аниқ фикрга келиниб, ягона концепция яратилмаган. Ушбу йўналиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борган мутахассисларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

— Хорижлик тадқиқотчилар. Улар ўз илмий ишларида урбанизациянинг жамият тараққиётида етакчи ўринда туришини таъкидлаган ҳолда, қишлоқлар ва шаҳар атрофларининг ҳам шаҳар қулайликларидан кенг фойдаланишини эътироф этадилар (Сьюберг, Триггер, Кристаллер, Оппенхейм, Вебер ва бошқ.);

— собиқ иттифоқ давридаги тадқиқотчилар. Улар ушбу йўналишдаги тадқиқотларга турли ҳудудларда шаҳарлар сонининг ортиб бориши ҳамда шаҳар аҳолиси сонининг ўсиб боришини асосий мезон қилиб олгандилар (В. Массон, Б. Литвинский, М. Дьяконов, Э. Ртвеладзе, А. Сагдуллаев ва бошқ.);

— ушбу гуруҳдаги тоифага кирувчи тадқиқотчилар ўз илмий ишларига миграция (маълум ҳудуд аҳолисининг шаҳарларга кўчиши ва орқага қайтиши) қадимги йўллар ва халқаро алоқалар жараёнларини асосий мезон қилиб олишган. (Сарианиди, Асқаров, Ширинов ва бошқ.);

Ибтидоий турмуздан жамият ривожланишининг нисбатан юқори поғонасига ўтишнинг умумий манзарасини тадқиқ этиш ҳозирги кунда услубий ёндошувни янада чуқурлаштириш ҳамда ушбу тадқиқотларда аниқ йўналиш ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳам шаҳарларни урбанизация жараёнининг асосий мезони сифатида талқин этиш масаласи ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Методологик томондан шаҳарни фақат янги шаклдаги жамият тоифасига кирувчи ҳодиса эмас балки, муҳим ва асосий омил деб ҳисоблаш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Бу жиҳатдан шаҳарларнинг пайдо бўлишини

тузумдаги янги ижтимоий белгиларнинг юзага келиши ва шаклланаётган тузум алоқалари ҳамда муносабатлари билан емирилаётган ибтидоий жамият ўртасидаги қарама қаршилиқни бартараф этувчи жараён сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Дастлабки шаҳарлар марказларининг тузилиши ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш шаҳарлар тарихини ўрганиш учун ниҳоятда муҳимдир. Ижтимоий – иқтисодий таҳлил жараёнида фойдаланиладиган тушунча нуқтаи назаридан қадимги шаҳарлар – аҳоли бир ерда зич жойлашган жой, ишлаб чиқариш қуроли ва воситалари марказлашган ҳудуд, маданий ва мафкуравий имкониятлар маркази, ўзига хос ҳунармандчилик ва савдо – сотиқ вазифаларини бажарувчи йирик пунктлар сифатида изоҳланади.

Турли тармоқлар марказлашган ҳудуд сифатида шаҳарларнинг аҳамияти аввало, зич қурилган иншоотлар ва маҳобатли меъморчиликнинг ривожланиши билан изоҳланадиган шаклий хусусиятларда ўз аксини топади. Маълумки, ибтидоий жамоа муносабатлари емирилиши билан меъморчиликда, одатда, шаҳар марказларида жойлашадиган нуфузли иншоотлар – қалъа, сарой ва ибодатхоналар мажмуаларининг ўзига хос қурилиш услублари ишлаб чиқилади. Аҳоли жойлашувининг миқдорий белгилари турли хўжаликлардаги, биринчи навбатда, деҳқончилик тизимидаги аҳоли зичлиги билан мос тушмоғи лозим. Маълум ҳудудни ёки манзилгоҳни (қишлоқни) шаҳар сифатида изоҳлашда ташқи миқдорий кўрсаткичлар билан бирга ички сифатий ва тузилишга оид ўзгаришлар ҳам ниҳоятда муҳимдир.

И.Шифманнинг фикрича, шаҳар эркин аҳолининг ижтимоий ташкилот шакли сифатида ўзининг ички ва ташқи ишларида мустақил ҳокимиятни у ёки бу даражада амалга оширадиган фуқаролар жамоасини ўзида акс эттиради. Ижтимоий уюшма сифатида шаҳар ҳокимият органларининг маълум тартибига эга бўлади. Шаҳар уюшмаси учун мустақамланган марказ ва марказдан четда бўлиб унга бўйсунувчи фуқароларнинг турли иншоотлардан иборат турар жойлари мавжудлиги ҳам хосдир. Шаҳар қишлоқ жамоаларидан пайдо бўлади ва ривожланади. Фикримизча,

шаҳарларнинг қишлоқ жамоалардан фарқи шундаки, у ўзига хос бўлган хусусиятлардан ташқари давлатга хос бўлган хусусиятларни ҳам ўзида мужассамлантиради.

Ўз хусусиятига кўра «шаҳар»ни таърифлаш турлича бўлиши мумкин. Шаҳарлар учун фақат бир нарса — улар бир—бирига туташ (нисбатан бўлса ҳам) манзилгоҳларни, аҳоли яшаш ҳудудини, бир ёки бир нечта алоҳида жойлашган турар жойларни ўзида акс эттириши умумийдир. Одатда «шаҳар» дейилганда бу атамадан бошқа яна бир миқдорий белги—шаҳар катта манзилгоҳ эканлиги ҳам назарда тутилади. Бизнингча, ушбу атама ўз маъносига деярли мос тушади. Хусусан, Ўрта Осиё, умуман дунё тарихидаги энг қадимги шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланишини таҳлил этганимизда ушбу фикрнинг тўғрилиги аён бўлади.

Социологик нуқтаи назардан «шаҳар» — бир—бирига туташ уйлардан иборат аҳоли зич жойлашуви турар—жойлари сифатида изоҳланади. Бундай таърифдан сўнг катта қишлоқларни «шаҳарлар» деб ҳисоблаш билан кифояланиш ҳам мумкин. Аммо, шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу таърифнинг ҳақиқатга қанчалик яқин эканлиги ва объективлиги умумий тарихий—маданий шарт—шароитларга боғлиқдир.

Иқтисодий нуқтаи назардан шаҳарни аҳолининг катта қисми қишлоқ хўжалиги эмас, балки, ҳунармандчилик ва савдо—сотиқ билан шуғулланувчи ҳудуд сифатида таърифлаш мумкин. Аммо, фикримизча, шунга ўхшаш барча ҳудудларни ҳам «шаҳарлар» деб аташ мақсадга мувофиқ эмас. Тарихий адабиётларда одатда вилоят ва туманларнинг маданий, хўжалик ва маъмурий марказлари бўлган йирик манзилгоҳлар «шаҳарлар» сифатида талқин этилиб, улар ҳақиқатдан ҳам, том маънодаги ҳунармандчилик ва савдо—сотиқ билан узвий боғлиқ бўлади.

Ижтимоий—иқтисодий таҳлил пайтида ишлатиладиган тушунча нуқтаи назаридан қадимги шаҳарлар—аҳоли марказлашиб яшайдиган йирик ҳудудлар, ишлаб чиқариш ва маданий марказлар, мунтазам савдо—сотиқ ва ҳунармандчилик вазифаларини бажарувчи ўзига хос марказлар сифатида кузатилади ва талқин этилади. Қадимги манзилгоҳларнинг паҳса уйлардан иборат зич қурилган

иншоотларини ҳисобга олган тадқиқотчиларнинг фикрича, уларнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган миқдорий чегара ўлчамлари илк шаҳар марказлари шаклланиб ривожланган Месопотамия ва қадимги Бақтрия учун 6–7 гектардан иборатдир. Тадқиқотчилар айнан шунга ўхшаш, яъни, майдони 6–7 гектардан ортиқ барча манзилгоҳларни «шаҳарлар» деб эътироф этадилар. Шунингдек, Ўрта Осиёнинг жанубидаги илк шаҳарларнинг минимал майдонининг шартли чегараси 3–6 гектар бўлиши мумкин деган фикр ҳам бор. Бу ўринда шаҳарлар учун хос бўлган бошқа кўпгина хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш ўта муҳимдир. Фикримизча, ички, сифатий ва режавий хусусиятлар ҳам ниҳоятда муҳимки, улар ташқи ва миқдорий ўзгаришлар билан бир қаторда айрим манзилгоҳлар гуруҳини «шаҳарлар» деб таърифлаш учун кенг имкониятлар яратади.

Бир ижтимоий тузумдан иккинчи бир жамиятга ўтиш даврида шаҳарларнинг пайдо бўлиш жараёни ҳам муаммоли масала ҳисобланади. Бу даврда «шаҳар тузилмалари» илк деҳқончилик қабилаларининг илгари мавжуд бўлган тузилмалари асосида ўсиб борадики, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, бу жараёни «шаҳарсозлик инқилоби» дейиш мумкин. «Шаҳарсозлик инқилоби» деганда, илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақаладиган ва меҳнатнинг иккинчи йирик тақсимоти (бронза даври) билан узвий боғлиқ бўлган ҳамда қадимги цивилизациялар иқтисодий ва маданий шаклланишига олиб келадиган аниқ тарихий жараёни тушуниш лозимдир.

«Шаҳар» тушунчасини турли тадқиқотлар асосида таҳлил этиб талқин қилар эканмиз шунга алоҳида эътибор бериш лозим бўладики, бу тартибда асосий белги шаҳарнинг ўзи ҳисобланади. Ушбу йўналишда «шаҳар» тушунчасини ҳар томонлама изоҳлаш ниҳоятда муҳимдир. Демак, бу борадаги айрим тадқиқотчилар қарашларини қиёслаймиз. И.М. Дьяконов «шаҳарни» атроф манзилгоҳлар унга туташ марказ, шунингдек, ихтисослашган ҳунармандчилик, маҳсулот ва бошқа турдаги алмашувлар ҳамда заҳиралар маркази деб ҳисоблайди. В.М. Массон эса, анчагина умумий ва кўпчиликка маълум ушбу изоҳга «йирик марказ» тушунчасини ҳам қўшиш лозим деган фикрни билдиради.

В.И. Ионесовнинг фикрича «илк шаҳар» цивилизацияси пайдо бўлиши ва ривожланиши йўналишидаги ижтимоий — маданий жараёнлар аввало, бўлиниб кетиш ва алоҳида бирлашиш йўллари орқали такомиллашиб, ривожланиб боради.

Жуда кўплаб археологик материаллар таҳлили асосида хулоса чиқарган Т. Шириновнинг фикрича, бронза даври Ўрта Осиёнинг илк шаҳарлари қишлоқ хўжалик атроф ҳудудлар маркази, воҳаларнинг ҳунармандчилик, маъмурий ва диний маркази эди.

Маълумки, ўтган асрнинг ўрталарида инглиз олими Г.Чайлд бошқа белгилардан ташқари аҳолиси 5000 ва ундан ортиқ бўлган аҳоли яшаш ҳудудларини «шаҳар» деб ҳисоблаш мумкинлиги ҳақида таклиф киритган эди. Бу ҳолат, масалан деҳқончилик аҳолисининг зичлиги юқори бўлган Месопотамия учун хос бўлиши мумкин. Аммо, фикримизча, бошқа ҳудудлардаги аҳолиси анча кам бўлган кичик шаҳарларни маълум бир тоифаларга ёки гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Тузилиш — вазифавий таҳлил нуқтаи назаридан қадимги шаҳарлар ягона бир бутун тизим сифатида изоҳланиши мумкинки, бунда асосий белгилар (режа, ўлчам, ишлаб чиқариш марказлари, меъморий иншоотлар: шаҳар маданияти ва бошқалар) бир — бирига муносабат нуқтаи назаридан ташқи объектларни эмас балки, шу муносабатлар туфайли бутунлай янги сифат оладиган мазкур тизимнинг ўзаро боғлиқ қисмини ўзида акс эттиради.

Шаҳар тушунчасини англаш ва уни ишлаб чиқишдаги илмий — услубий ёндошувлар ҳақида гап кетар экан, И.М. Дьяконов ва В.А. Якобсонлар мил. авв. III минг йиллик қадимги Шумер мисолида шаҳар — давлатлар шаклларини аниқловчи айрим белгиларини ажратадилар. Булар — унчалик катта бўлмаган ҳудуд, бир ҳудудий жамоа ёки бир — бири билан узвий алоқада бўлган бир нечта жамоа чегарасида жойлашув, табиий чегаралар: тоғлар, атроф воҳалар, даштлар, сугориш каналлари ўраб турган кенгликлар, бош худо ибодатхонаси ва унинг атрофида маъмурий хўжалик ҳамда ҳунармандлар устахоналари жойлашган марказлар, бу ҳудудни ўраб турган деворлардир. Фикримизча ушбу концепция, «илк шаҳар» тушунчасининг

кўпгина жиҳатларини ўзида мужассамлантиради ва бу жараёни изоҳлаш учун кенг имкониятлар яратади.

Шунингдек, Дьяконов – Якобсон концепциясига кўра қадимги Шарқ илк шаҳарлари асосан маълум бир бутун воҳаларнинг иқтисодий – сиёсий марказлари сифатида, бутун воҳада етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини марказлаштириш ва қайта тақсимлаш вазифасини бажарган. Яъни бу функция илк давлатчилик тизими кучи билан амалга оширилиб унинг маркази илк шаҳар тузилишида мужассамлашган: маъмурий ҳокимият – саройда, диний – мафкуравий ҳокимият эса эҳромларда. Яъни, Шарқда илк шаҳарларнинг асосий вазифаси шаклланаётган илк давлатларнинг иқтисодий ҳаётини бошқариб уни тараққиёт сари йўналтирган.

Бу концепция ҳақиқатга анча яқин бўлиб кўпчилик тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Таъкидлаш жоизки, уни кўп ҳолларда мил.авв. III минг йилликдаёқ том маънодаги давлатчилик шакллана бошлаган Миср ва Месопотамияга нисбатан қўллаш мумкин. Ўрта Осиёнинг жанубидаги Олтиндепа, Намозгоҳ, Сополи, Жарқўтон кабилар маълум давлатларнинг марказлари эмас эди. Бошқа ҳудудларда эса бу жараён нисбатан кечроқ бошланган.

В.В.Бартольд томонидан ишлаб чиқилган шаҳар ҳақидаги концепция Ўрта Осиё шаҳарсозлиги масалаларини тадқиқ этиш жараёнида нисбатан кўпроқ ёйилган бўлиб, тадқиқотчи бу концепциясида IX – XII асрлар шаҳарлари учун уч қисмли тузилиш (арк, шаҳристон, робот) хусусиятли деб ҳисоблайди. Аммо, шунга эътибор бериш лозимки, ушбу хусусият фақат ўрта асрлар шаҳарларига хос бўлиб, янада қадимгироқ давр шаҳарлари тузилиши бундан мустасно.

Сўнгги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, илк шаҳарлар ривожланишида ягона режа йўқлиги ва уч қисмли шаҳар тузилиши Ўрта Осиёнинг барча шаҳарлари учун хос эмаслиги тасдиқланмоқда. Фикримизча, ушбу ҳолат. табиий – географик шарт – шароитлар ва албатта, ижтимоий – иқтисодий ва ҳарбий – сиёсий омиллар билан изоҳланади.

Шунга алоҳида эътибор беришимиз лозимки, «шаҳар» тушунчасини изоҳлаётган пайтимизда изоҳланаётган шаҳар қайси даврга оид эканлиги ниҳоятда муҳимдир. Чунки,

дастлабки шаҳарлар, антик давр ёки ўрта асрлар шаҳарлари тузилиши ва бажарган вазифаси нуқтаи назаридан бир хил бўлмаслиги мумкин. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, қадимги манзилгоҳларни ўрганишда гектарларда акс этадиган ҳудудий (ёки ўлчовга оид) ёндошув «шаҳар» тушунчасини ифодалаш учун унчалик ҳам ишончли эмас. Аммо, бу ёндошувни бутунлай инкор этиб ҳам бўлмайди. Бу ҳолатни айниқса, Ўрта Шарқ суғорма деҳқончилик маданияти манзилгоҳларини ўрганиш жараёнида кузатиш мумкин. Ўлчамлари нуқтаи назаридан «шаҳар» тушунчаси изоҳланаётган пайтда илк шаҳарнинг шартли чегара майдони 3—6 гектар бўлиши мумкин. Шундай ўлчамга эга бўлган манзилгоҳларнинг ички тузилишини ҳисобга олган ҳолда уларни шаҳарлар сафига киритиш мумкин.

Тадқиқотчилар «шаҳар» тушунчасини уларнинг вазифавий ҳолати нуқтаи назаридан ҳам ифодалайдилар. Бу борада тадқиқотчиларнинг бир—бирини инкор этувчи турли фикрлари мавжуд. Айрим хорижлик олимлар манзилгоҳларнинг босқичма—босқич ривожланишида сиёсий жиҳатдан устун мавқега эга бўлган ҳар қандай манзилгоҳни шаҳар деб эътироф этадилар.

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса аҳолиси деҳқончилик билан шуғулланмайдиган манзилгоҳларнинг барчасини шаҳарлар қаторига киритишни таклиф этадилар. Яна бир гуруҳ олимлар эса фақат сиёсий марказ вазифасини бажарган манзилгоҳларни шаҳарлар деб ҳисоблайдилар.

Ўрта Осиёнинг илк шаҳарлари даставвал, хўжалик ҳамда маълум деҳқончилик воҳаларининг марказлари бўлиб, улардаги аҳоли географик шароитлардан келиб чиқиб, кўп ҳолларда атроф ҳудудларда деҳқончилик билан шуғулланганлар. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида очилган кўп сонли моддий маданият буюмлари шундан далолат берадики, бронза даври Ўрта Осиёнинг илк шаҳарлари атроф қишлоқ хўжалик марказлари, маъмурий ва диний марказлар ҳисобланган. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, илк шаҳарлар вазифавий ҳолатида савдо—сотик, ҳарбий, сиёсий ва маданий жараёнлар ҳам муҳим ўрин эгаллаган.

Ўрта Осиёда урбанизация жараёнларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши масалалари ҳали кўплаб

тадқиқотлар талаб этишига қарамай, тадқиқотчиларнинг турли фикрларини умумлаштириб таҳлил этганимизда илҳомли нарсани аниқ бўладигани, дастлабки, энг қадимги шаҳарларнинг ҳозирги «шаҳар» тушунчаси нуқтаи назаридан ёндошишнинг мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, пайдо бўлиш ва шаклланишнинг нуқтаи назаридан, ҳамда асосий шаҳарсозлик белгилари ва вазифавий нуқтаи назаридан илк шаҳарлар ҳозирги ҳаётнинг ҳаттоки, ўрта асрлар шаҳарларидан ҳам кескин фарқланади.

Дастлабки шаҳарсозлик маданияти дунёнинг турли ҳудудларида турли даврларда шаклланиб ривожланганлиги каби, шаҳарлар пайдо бўлган илк даврда ёки ривожланган даврда турли вазифаларни бажарган бўлиши ва турли босқичларда тараққий этиш жараёнида турли даврларнинг бошдан кечирган бўлиши мумкин.

Шаҳарлар тарихини таҳлил этиш жараёнида маркази пойтахт шаҳарларидан ташқари, шаҳар—давлатлар, аграр (деҳқончилик) шаҳарлар, савдо шаҳарлари (айри ҳудудларда порт шаҳарлар) ва шу қабилар бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳар бир тарихий даврда ўша давр тарихий—маданий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва тараққиётидан келиб чиқиб ўзини хос «шаҳар» тушунчалари бўлади. Мисол учун, «илк шаҳарлар», «антик давр шаҳарлари», «ўрта аср шаҳарлари» ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар урбанизация жараёнининг турли даврлардаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб шаҳарларни энг қадимги, қадимги, ўрта асрлар ва замонавий шаҳарларга бўладилар. Бу ўринда улар ўшандай даврда бажарган вазифаларини ҳисобга олиш ҳам ниҳоятда муҳимдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, шаҳар—одамларнинг нисбатан қадимги ва шу билан бирга энг замонавий ҳудудга жойлашув шакли бўлиб, унинг тақдири ва гуллаб—яшнаши билан унда яшовчи ҳар бир фуқаро қизиқиши табиийдир. Шаҳарларнинг пайдо бўлиши, мавжудларининг ривожланиши атроф—муҳитнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ бўлиб бу жараён ижтимоий тузум тараққиёти билан хусусиятини ўзида акс эттиради. Шунингдек, ҳар бир тарихий давр шаҳарсозлигининг ўзига хос хусусиятларини мавжуд.

Шаҳар — бу инсоният томонидан табиий яратилган ҳаётий зарурат бўлиб, унинг ҳар томонлама фаолият кўрсатиши учун ўта муҳимдир. Жамият тараққиёти натижасида шаҳар шаклланади, ривожланади ва кенгайиб боради. Шаҳар — меъморчилик ва қурилиш фаолиятининг нисбатан юқори ва мураккаб кўринишидир. Айнан шунинг учун ҳам шаҳарларнинг пайдо бўлиши меъморчилик иншоотларининг қад кўтариши билан бевосита боғлиқдир. Шаҳар — бу режали, мураккаб тузилишга эга ҳудуд бўлиб бу ерда ишлаб чиқариш кучлари, маданий анъаналар, ихтисослашган ҳунармандчилик кабилар марказлашади. Шаҳарларнинг тараққий этиши кўплаб омилар, аввало, аҳолининг ўсиши ва унинг меҳнат фаолияти ҳамда турмуш тарзи билан бевосита боғлиқдир.

Таянч сўзлар

Урбанизация жараёнлари, шаҳарлашув, илк шаҳарлар, шаҳар маданияти, «шаҳар» тушунчаси, ижтимоий — иқтисодий таҳлил, эркин аҳолининг ижтимоий ташкилот шакли, социологик таҳлил, аҳоли марказлашиб яшайдиган ҳудуд, «шаҳар тузилмалари», «шаҳарсозлик инқилоби», «йирик марказ», тузилиш — вазифавий таҳлил, Дьяконов — Якобсон концепцияси, ҳудудий ёндошув, шартли чегара майдони, хўжалик ва деҳқончилик воҳалари маркази.

Савол ва топшириқлар:

1. Илк шаҳарлар тарихшунослиги бўйича нималарни биласиз?
2. «Илк шаҳар» тушунчасини илмий изоҳлашда қандай жарёнларга асосий эътибор бери лозим?
3. Шаҳарлар ҳақидаги Дьяконов — Якобсон концепцияси моҳиятини тушунтириб беринг.
4. «Шаҳар» тарихий тушунчаси ҳақидаги билимларингизни ошириш учун бу масалага доир кўшимча адабиётлардан фойдаланинг.

3-§. Илк шаҳарлар пайдо бўлиши асослари ва шарт шароитлари.

Жамиятдаги маълум бўгин сифатида илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши бутун жамият ҳаётидаги чуқур сифати ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, ушбу тарихий – мадани ривожланиш натижасида шаҳарлар қишлоқлардан ажрала чиқади. Ушбу ажралиш туфайли иккала қарама – қаршили бирлашувига асосланган жамият ривожланишининг дае тақозо этган ўта муҳим янги қонуниятлари маълум тузу сифатида ўрнатилади. Муҳим янги ижтимоий жараё сифатида шаҳарлар шаклланишидаги дастлабки шарт-шароитлар илғор ва нисбатан жадал ривожланган (маълум тарихий ва табиий шароитларда, албатта) жамиятда, кў қиррали меҳнат тақсимоти жараёнининг доими чуқурлашуви натижасида пайдо бўлади.

Илк шаҳарларнинг пайдо бўлиш асослари ва омилар масалалари бўйича турли йилларда В.М. Массон, Б.А.Литвинский, А.А.Асқаров, В.И. Сарияниди, Э.В.Сайкис, И.М.Дьяконов, Г.Е.Арешян, Т.Ш.Ширинов, Э.В.Ртвеладзе, А.С.Сағдуллаев ҳамда қатор хорижлик олимлар маълум даражада тадқиқот ишлари олиб бордилар. Уларнинг турли ҳажмдаги мақолалари ва монографияларида илк шаҳарлар пайдо бўлиш асослари, омилари ва шарт – шароитлар, дун тарихидаги қадимги шаҳарлар билан қиёсий таҳлил масалалари кўриб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, каммаҳсул меҳнат ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг нисбатан паст даражаси шароитида меҳнат тақсимоти жамият ривожланишининг ягона асоси эди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, доимий табақаланиш жараёни ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ихтисослашуви меҳнатнинг умумий ҳажми ва қўшимча маҳсулот ўсишини таъминлаб, эҳтиёжлар тартибининг мураккаблашувига олиб келади. Фикримизча, бу жараён эса ўз навбатида ижтимоий – иқтисодий ҳамда маданий – маиший муносабатларнинг кейинги табақалашуви учун кенг имкониятлар яратади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига қараганда, цивилизациянинг энг қадимги ўчоқларида дастлабки деҳқонларнинг меҳнат шароитлари ҳамда таъминоти,

меҳнатнинг ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тобора ўзига хос бўлиб бораётган ташаббускорлик, бунёд — корлик, ҳарбий ва диний вазифаларнинг алоҳида бўлишига олиб келади. Айни пайтда, дастлаб табақавий тенгсизлик кўринишида бўлган ижтимоий табақаланиш бўлиб ўтади. Шунингдек, мулкӣ тенгсизлик ва шахсий қарамликнинг пайдо бўлиши учун имкониятлар юзага келади.

Сиёсий жамиятдаги ижтимоий табақаланишнинг хусусиятлари ва даражасини изоҳлаш пайтида, турли муносабатларни эмас балки, уруғ жамоасининг устунлик қилишини ҳисобга олган ҳолда қадимги кўмиш маросимлари, турар — жойлар ва бошқалардан табақаланиш ҳақидаги археологик маълумотларнинг тарихий таҳлиliga эҳтиёт — корлик билан ёндошув талаб этилади. Кўп қиррали меҳнат тақсимотининг умумий тартибда ажралиши ва турли кўри — нишдаги бошқарув вазифалари манзилгоҳлар турларининг ўлчамларига кўра ҳамда жамоат ишларининг ташкилий аҳамиятига қараб табақаланишга имконият яратди.

Демак, қуйидаги шарт — шароитлар илк шаҳарлар пайдо бўлиши учун асосий ва муҳим ўринда туради:

1. Қишлоқ (манзилгоҳ)ларнинг аҳоли сонига қараб кенгайиб бориши;
2. Қишлоқ (манзилгоҳ)ларда аҳоли табақаланишнинг бошланиши;
3. Меҳнатнинг марказлашуви ва меҳнат фаолиятининг чуқурлашиб бориши;
4. Меҳнатнинг янги эҳтиёжларни қондиришдаги зарурий шарт сифатида ихтисослашуви.

Бронза давридаги меҳнатнинг иккинчи йирик тақсимоти илк шаҳарлар шаклланиб бошланиши учун муҳим имконият яратибгина қолмай, бу жараённинг асосий иқтисодий омили ҳам бўлди. Ушбу меҳнат тақсимоти натижасида ҳунармандчилик деҳқончиликдан ажралиб чиқди. Бу жараён натижасида жамиятда ишлаб чиқариш бўғинларининг хусусиятларида ва унинг тузилишида ўзгаришлар бўлиб ўтади.

Ижтимоий — иқтисодий фаолиятдаги ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг ривожланиши ва ижтимоий меҳнат тақсимоти илк шаҳар маданияти пайдо бўлишининг дастлабки шарт шароитлари ҳисобланади. Тарихий — маданий ва ижтимоий —

тарихий тадқиқотлар урбанизация жараёни шакллана бошланган даврдаги ишлаб чиқарувчи иқтисод даражаси ва ижтимоий меҳнат тақсимоти шакллари аниқлашда кенг имкониятлар яратади. Ижтимоий – иқтисодий муносабатларнинг мавжуд даражаси алоҳида бошқарув иттифоқи ва ижтимоий ҳаётни бошқаришга бўлинган жамият ташкилотининг анчагина табақалашган шаклига мос тушади. Дастлабки шаҳарларнинг ижтимоий ҳаётдаги сифатий янгилик даражаси ўзига хос бўлиб, у ҳар томонлама қишлоқ жамоалари турмуш тарзидан кескин фарқланади.

Илк шаҳарнинг пайдо бўлишида кўпга ижтимоий – маданий хусусиятдаги омилар сабаб бўлишига қарамай, турли шароитларда у ёки бу гуруҳ сабаблар нисбатан устулик қилади. Фикримизча, аниқ тарихий – маданий шароитларда шаҳар маданиятининг шаклланиши ижтимоий – иқтисодий (ҳунармандчилик ва савдо – сотиқнинг ривожланиши), ҳарбий – сиёсий (мудофаа иншоотларига бўлган эҳтиёж) ва бошқарув (бошқарув тизимининг ажрлиши) тартибларининг мавжудлиги билан узвий боғлиқдир.

Меҳнат тақсимотини шаҳарлар пайдо бўлишидаги асосий сабаблардан бири сифатида кўриб чиқаётган пайтимизда бу жараённинг дастлабки даврда нисбатан тор ҳудуд доирасида юз беришини ҳам алоҳида қайд этиш зарур. Шаҳар маданиятининг шаклланиши хўжалик – маданий типлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти ривожланиб айрим жамоалар ўртасидаги меҳнат тақсимотига айланиш даражасига мос келади.

Илк шаҳар маданиятининг муҳим кўринишларидан бири – аҳолининг турли қатламлари яшовчи турли шаклдаги аҳоли пунктларининг пайдо бўлиши ва ўзаро муносабатлари ҳисобланади. Бу ўринда шунга алоҳида эътибор бериш лозим бўладики, шаҳар маданиятининг шаклланиши этногенетик жараёнларда сифатий янги босқич бошланганлигидан далолат беради.

Мил. авв. IV минг йилликнинг охири – III минг йиллик бошларига келиб Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳудудларида ўтроқ деҳқончилик иқтисодиёти ва аҳолининг ўсиши натижасида йирик аҳоли манзилгоҳлари, озиқ – овқат заҳираси, ҳунар – мандчилик фаолияти, жамоа ибодатхоналари ҳамда ҳоки –

мият органлари марказлашган ҳудудлар — қишлоқ хўжалик вилоятлари ёки воҳаларнинг марказларига айлана боради.

Илк шаҳарларнинг вазифавий ҳолати ҳамда уларнинг ички тузилиши ўзига хос хусусиятларга, ўз ривожланиш хусусиятига эга. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бронза даври Ўрта Осиё шаҳарсозлигининг шаклланишида суғорма деҳқончилик асосий аҳамиятга эга бўлган бўлсада, Ўрта Шарқнинг айрим илк шаҳарлари бундан мустасно (мисол учун, Афғонистондаги Мундигакнинг шаклланишида ложувард — транзит йўли катта аҳамиятга эга бўлган).

Жаҳон тарихига назар ташлайдиган бўлсак, урбанизация жараёнлари барча ҳудудларда бир хил кечмаган ва бу жараён бир неча давр ва босқичлардан иборат. Мисол учун, мил. авв. IV минг йилликнинг иккинчи ярмида Мисрда Энхаб (Нехен) ва Буто шаҳарлари пойтахт шаҳарлар сифатида шакланса, мил. авв. III минг йиллик бошларида Месопотамияда Киш, Урук, Лагаш, Умма, Ларса каби йирик шаҳарлар мавжуд эди.

Қадимги Элам ва Эронда дастлабки йирик шаҳар марказлари Суза, Аншан, Шаҳри Сўхта кабилар ҳам мил.ав. III минг йилликнинг бошларига оиддир.

Айнан мана шу даврда Ҳиндистонда Моҳенжодаро, Хараппа ва Калибанган каби йирик шаҳар марказлари тараққий этади. Дунё тарихидаги ушбу илк шаҳар марказ — ларининг ривожланиши бир неча даврларни ўз ичига олади.


Дастлабки шаҳарлар ўша давр (яъни, бронза даври — Б.Э.) учун жиддий кўриниш бўлиб улар, бошқарув ва турли маросимлар марказига айланади. Уларда ҳунармандчилик ишлаб чиқариш, аҳоли эҳтиёжлари учун хизмат қиладиган манзиллар, ҳукмдор ва унинг маъмурияти, диний маросимлар вакиллари, шунингдек, атроф қишлоқ хўжалик туманларида ишловчилар мавжуд эди.

Ишлаб чиқаришдаги иқтисодийнинг ташкил топиши, суғорма деҳқончилик ва уй чорвачилигининг ривожланиши, дастлабки металлнинг (мис, бронза) ўзлаштирилиши ҳамда улардан меҳнат, жанговар, уй — рўзгор буюмларининг тайёрланиши ва ниҳоят, дастлабки шаҳарларнинг пайдо бўлиши инсоният тарихида, жумладан, Ўрта Осиё халқлари давлатчилиги тарихида жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, Ўрта Осиёнинг ҳар бир тарихий — маданий воҳасида ижтимоий —

иқтисодий тараққиёт ва ривожланган деҳқончилик асосида илк шаҳар марказлари пайдо бўлади. Ўзида илк шаҳарсозлик белгиларини акс эттирувчи марказларга ҳозирги кунда Жанубий Туркменистондаги Олтиндепа, Намозгоҳдепа, Улуғдепа, Гонур I, Жанубий Ўзбекистондаги Сополитепа, Жарқўтон, Шимолий Афғонистондаги Дашли 3, Жанубий Афғонистондаги Мундигак, Жануби – шарқий Эрондаги Шаҳри Сўхта, Шимолий Эрондаги Ҳисор кабиларни киритиш мумкин.

Жамиятдаги мавжуд шарт – шароитлар ва омиллар мил. авв. III минг йилликнинг охири – II минг йилликнинг бошларига келиб Ўрта Осиё ҳудудларида ўзида шаҳарсозлик маданияти белгиларини акс эттирувчи аҳоли манзилгоҳларининг пайдо бўлишига олиб келди. Дастлабки шаҳарларда аҳолининг турли ишлаб чиқаришдан келган қўшимча маҳсулоти, йирик иншоотлар – саройлар, ибодатхоналар, мудофаа иншоотлари каби қурилишларда, маданий ва иқтисодий алоқаларда ўзининг моддий аксини топди.



Жамият ҳаётида меҳнатнинг иккинчи ижтимоий тақсимооти юз бериши натижасида ихтисослашган ҳунармандчилик тараққий этади. Кўп сонли археологик маълумотлар кўҳна шаҳарларда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари — кулолчилик, металлга ишлов бериш, заргарлик каби соҳалари анча ривожланганлигидан далолат беради. Ўрта Осиёдаги дастлабки шаҳар марказлари улардаги йирик қурилиш иншоотлари (саройлар, ибодатхоналар ва бошқ.) кўплаб ҳунармандчилик устахоналарининг мавжудлиги мавқеи билан қишлоқлардан ажратиб туради.

Шаҳарларни жамият тараққиётининг етакчи омили сифатида юзага келиши инсоният ривожланиши тарихидаги муҳим воқеа бўлиб, бу жараён ибтидоий турмушдан цивилизацияга, уруғчилик тузумидан давлатчиликка ўтишнинг бош ва асосий белгисидир. Тадқиқотчиларнинг кўпчилиги эътироф этганларидек, цивилизация — инсоният тараққиёти бўлиб ўтаётган жамият ҳаётининг маълум даврида пайдо бўлади. Цивилизациянинг пайдо бўлиши ва юксак даражада ривожланишида шаҳарсозлик маданиятининг аҳамияти беқиёсдир. Чунки, айнан илк шаҳар марказларида цивилизация ривожини таъминловчи кўпгина тарихий — маданий жараёнлар бўлиб ўтган.

Олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилиш ва солиштириш шуни кўрсатадики, Ўрта Осиё жумладан, Ўзбекистон цивилизацияси ҳам Шарқдаги дастлабки цивилизациялар Месопотамия ва Ҳиндистоннинг Хараппа маданияти билан узвий алоқада шаклланган ва ривожланган. Бу иккала машҳур цивилизациялар оралигида жойлашган Ўрта Осиё қадимги Шарқ халқларининг ягона иқтисодий ва маданий тизимга бирлашувида ҳамда улар ўртасидаги турли олоқаларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мил. авв. III минг йилликка келиб Ўрта Осиё дарё воҳаларида ўлчамлари кихатдан каттагина бўлган жамоат иншоотлари, душмандан димояланиш воситаси бўлган мустаҳкам деворлар пайдо бўлиши дастлабки шаҳарсозлик маданияти белгилари эди. II—II минг йилликларга келиб эса Ўрта Осиё жамиятида одир бўлган иқтисодий тараққиёт жараёнлари илк шаҳарларнинг кейинги ривожланиши учун кенг имкониятлар яратади. Илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши

дастлабки давлатчилик шаклланишидаги энг муҳим ва асосий омил бўлиб бу иккала жараён узвий боғлиқ ҳолда кечган.

Мил. авв. III минг йилликнинг охири—II минг йилликнинг ўрталарига келиб, ўзида илк шаҳарсозлик белгиларини акс эттирувчи марказлар—Олгиндепа, Намозгоҳдепа, Улуғдепа, Сополлитепа, Жарқўтон кабилар маданиятининг шаклланиши ҳам жамият тараққиётида бўлгани каби узлуксиз тараққиёт йўли билан ривожланиб боради. Бу қонуниятга кўра шаҳарсозлик маданияти узоқ ва босқичма—босқич даврларни босиб ўтган.

Демак, айрим тадқиқотчиларнинг илк шаҳарлар босқичлари ва тараққиёт даврлари ҳақидаги маълумотларини таҳлил этамиз. Ўтган асрдаги инглиз олими В.Тарннинг фикрича, Ўрта Осиёда грек—македон босқинига қадар мустаҳкамланган манзилгоҳлар—шаҳарлар бўлмаган. Тадқиқотчи ушбу фикрини Помпей Трог ва Чжан Цзян берган маълумотларига урғу бериб Бақтрия ва Фарғонанинг кўп сонли шаҳарлари Грек—Бақтрия подшоларининг маълум сиёсати туфайлигина пайдо бўлган дея асослайди.

Аммо, С.П.Толстов унча кўп бўлмаган маълумотларга асосланиб Ўрта Осиёнинг аҳмонийларгача ҳам, ундан кейинроқ, эллинизм даврига оид бўлган мустаҳкамланган манзилгоҳларининг истеҳкомларида ҳамда уларнинг ички режавий тузилишида грек маданиятининг таъсири сезилмайди деган фикрни илгари сурди.

Э.В.Ртвеладзенинг фикрича, С.П.Толстовнинг бу фикри бир томондан тўғри. Чунки аҳмонийларгача бўлган даврда Ўрта Осиё шаҳарлари тузилиши ўзига хос бўлиб, уларда ташқи таъсир кам бўлган. Иккинчи томондан эса ўтган асрнинг 50—йилларидан бошлаб Бақтрия ва Парфия ҳудудларида олиб борилаётган кўп сонли археологик тадқиқотлар маълумотлари Ўрта Осиёнинг эллинистик ва кушон—парфия даври меъморчилиги ва шаҳарсозлигида эллинизмнинг таъсири кучли бўлганлигини кўрсатади. Шу билан бирга бу ўринда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиёда ҳозирги кунга қадар бутунлай эллинизм шаҳарсозлиги анъаналарига асосланиб бунёд этилган шаҳарлар аниқланмаган (Ойхоним қўҳна шаҳри бундан мустасно).

Ўрта Осиё шаҳарсозлиги маданияти қадимги даврларга бориб тақалиши кўпчилик тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Б.А.Литвинский Ўрта Осиё қадимги шаҳарсозлиги маданиятини қуйидаги босқичларга бўлади:

- 1) дастлабки шаҳармонанд (протогород) манзилгоҳлар (мил. авв. III – II минг йилликлар);
- 2) энг қадимги шаҳарлар (мил. авв. II минг йилликнинг охири – I минг йилликнинг биринчи чораги);
- 3) антик давр шаҳарларининг шаклланиши (мил. авв. VI – IV асрлар);
- 4) шаҳарсозлик дуализми ва Ўрта Осиё эллинистик аралашувнинг бошланиши (мил. авв. IV – II асрлар);
- 5) Ўрта Осиё – Эллинизм – Ҳинд маданияти умумлашуви ва Ўрта Осиё қадимги шаҳарларининг нисбатан ривожланиши (мил. авв. I – милодий III – IV асрлар).

В.М.Массон эса Ўрта Осиё урбанизация жараёнини қуйидаги икки даврга бўлади:

1) қадимги Шарқ (мил. авв. III минг йилликнинг охири мил. авв. I минг йилликнинг ўрталари):

2) антик давр (мил. авв. III – милодий IV асрлар).

Т. Шириновнинг фикрича, тадқиқотчилар томонидан таклиф этилаётган урбанизация жараёнларини даврлаштириш жуда мушкул. Қолаверса, ҳар бир тадқиқотчининг ўртага ташлаган фикри ўша тадқиқотчини ўз материали ва иш услубидан келиб чиққан ҳолда яратилади. Урбанизация жараёнларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши қай даражада ечилишига қарамай, тадқиқотчилар бир нарсага умумий фикр билдирадilar: Марказий Осиёда шаҳарлар бошқа жойларга нисбатан анча олдин пайдо бўлган.

Юқоридаги қадимги шаҳарлар ривожланиш босқичлари ва даврлари асосан Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларига хосдир. Чунки, Ўрта Осиёнинг шимолий ва хусусан, шимолий – шарқий ҳудудларида шаҳарларнинг ривожланиши шаклланишининг бошқача йўларини акс эттирувчи бошқачароқ тарихий – маданий шароитларда бўлиб ўтган. Фикримизча, Ўрта Осиёнинг турли тарихий – маданий вилоятларидаги шаҳарлари маълум умумийликка эга бўлиш билан бирга пайдо бўлиши ва ривожланиши, меъморий тузилиши, моддий ва бадий маданияти ҳамда

шаҳар ҳаёти нуқтаи назаридан бир – биридан кескин фарқланади. Бу ўринда, бутун Ўрта Осиё учун хос бўлган, бир неча аср мавжуд бўлиб кейин инқирозга учраган кўҳна шаҳарлар учун турли босқичлар ва даврларни бошдан кечириш мустаснодир.

Кўпчилик тадқиқотчилар фикрларини қиёсий ва умумлашма таҳлил асосида, қадимги Ўрта Осиёдаги урбанистик жараёнларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини қуйидаги тўртта асосий даврга бўлиш мумкин:

1) Жанубий Туркманистон ҳудудларидаги энеолит даврининг нисбатан ривожланган дастлабки деҳқончилик манзилгоҳлари (мил. авв. IV – III минг йилликлар);

2) Ўзбекистоннинг жануби, Зарафшон воҳаси, Шимолий Афғонистон, Жанубий Туркманистон ҳудудларидаги бронза даврининг ривожланган манзилгоҳлари ва уларнинг шаҳарларга айланиши (мил. авв. III – II минг йилликнинг охирлари);

3) Бақтрия, Сўғдиёна, Фарғона водийси, Тошкент воҳаси ва Хоразм ҳудудларидаги илк темир даврининг дастлабки шаҳарлари (мил. авв. I минг йилликнинг иккинчининг чораги);

4) Ўрта Осиё ҳудудларидаги эллинистик – антик давр шаҳарлари (мил. авв. III – милодий III асрлар).

Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий омиллар шаҳарлар белгилари учун асосий ҳисобланади. Ундан ташқари шаҳарсозлик учун табиий – географик омиллар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, шаҳарнинг географик жойлашуви ҳудуди, сув билан таъминланганлиги, қазилма бойликлари мавжудлиги, савдо – маданий алоқалари (карвон йўллари), диний иншоотлар ҳам муҳимдир. Демак, кўпчилик тадқиқотчилар «шаҳар» деб эътироф этадиган йирик аҳоли яшаш маконида барча шарт – шароитлар, яъни шу ҳудудда аҳолининг уюшиб яшаши учун керак бўладиган барча дунёвий, диний ва иқтисодий уюшмаларнинг бир бутун, яхлит ташкилоти қарор топади.

Сўнгги йилларда илк шаҳарлар масалалари билан шуғулланаётган Т.Ш.Ширинов докторлик диссертациясида бронза даври Ўрта Осиё илк шаҳарларининг қуйидаги археологик белгилари рўйхатини келтиради:

1. Юқори табақа вакиллари, ҳоким яшайдиган сарой тизими;

2. Тоат – ибодат қилинадиган жойлар – ибодатхона, топиниш ва сигиниш билан боғлиқ иншоотлар мавжудлиги;

3. Ҳимоя деворлари билан ўралган қалъа – аркнинг алоҳида бўлиши, унинг ичида ҳукмдор ва унинг яқинлари яшайдиган уй – жойларнинг бўлиши;

4. Турар – жойлар ва бошқа жамоат маҳаллари, зич қурилишлар билан банд бўлган ҳудуднинг катта (3–6 гектардан кам бўлмаган) майдони, ишлаб чиқарувчи кучларнинг бир ерга тўпланиши, суғорма деҳқончилик воҳасининг маркази;

5. Ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг юқори даражаси, ҳунармандчилик даҳалари – кулолчилик, заргарлик, металлчилик, тўқувчилик, қурилиш, тошга ва терига ишлов бериш кабиларнинг алоҳида бўлиши;

6. «Йўлбошчилар» даҳмаларида қимматбаҳо буюмлар, ажралиб турувчи муҳр – рамзлар ва бойликнинг мавжудлиги;

7. Маҳобатли қурилишларнинг (сарой, ибодатхона ва бошқ.) ташқи кўриниши, режавий тузилиши ва хоналари ишланиш – жихозлаш услублари жиҳатидан бошқа турар – жойлардан кескин фарқланиши;

8. Кенг савдо – алмашинув жараёнларидан дарак берувчи ва ўша ҳудуд маданиятига хос бўлмаган сопол, суяк, тош, металл буюмлар ва қимматбаҳо тошларнинг мавжудлиги.

9. Тошга нақш ўйиш санъати (глиптика), балки, ибтидоий ёзувнинг мавжудлиги.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, юқоридаги археологик белгилардан биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи ва еттинчи белгилар асосий бўлиб қолганлари иккинчи даражали ҳисобланади.

Тадқиқотчилар фикрларини умумлаштирийдиган бўлсак, бронза даврига келиб Ўрта Осиёнинг кенг деҳқончилик воҳалари ҳудудларида аҳолининг алоҳида жойлашуви тизими шаклланади. Бу жараён ўз навбатида ўзида илк шаҳарсозлик белгиларини акс эттирувчи аҳоли манзилгоҳларининг пайдо бўлиши ва кейинги ривожланиши учун кенг имкониятлар яратади.

Ушбу имкониятлар қуйидаги асосий ижтимоий — иқтисодий омиллар билан боғлиқ эди:

— ўтроқ деҳқончиликнинг пайдо бўлиши натижасида аҳолининг маълум ҳудудларга тўпланиши ҳамда бу ҳудудларда бошқа ҳудудларга нисбатан зич жойлашуви;

— меҳнатнинг иккинчи йирик ижтимоий тақсимоти, яъни ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши натижасида айрим аҳоли манзилгоҳларида ихтисослашган хўжаликларининг пайдо бўлиши;

— ижтимоий табақаланиш жараёнларининг чуқурлашуви ҳамда мавжуд жамиятдаги бошқарув тизимининг янада мураккаблашуви (аҳоли йирик манзилгоҳларида бошқарув тизими шаклланади ва марказлашади);

— энг қадимги йўлларнинг ривожланиши натижасида ҳудудлар ўртасида маданий ва иқтисодий муносабатлар, хусусан, савдо — сотиқ алоқаларининг тараққий этиши (мил. авв. IV—III минг йилликлардаёқ Жанубий Туркменистон ҳудудларида дастлабки лойдан ясалган гилдираклар пайдо бўлган бўлса, мил.авв. III минг йиллик ўрталарига келиб эса туяга, баъзан, ҳўкизга қўшиб ишлатадиган аравалар пайдо бўлади). Транспорт воситаларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши қишлоқ хўжалиги ҳудудларининг маркази ҳамда кундалик зарурий ва қўшимча маҳсулотни тақсимловчи марказ вазифасини бажариш имконини яратади.

Шаҳарлар пайдо бўлишининг дастлабки босқичларида ижтимоий — иқтисодий омиллардан ташқари диний, ҳарбий — стратегик ва табиий — географик омиллар ҳам ниҳоятда муҳимки, фикримизча, улар қуйидагилар:

— эътиқод, диний — мафкуравий қарашларнинг тараққий этиши натижасида ибодат иншоотларининг шаҳар марказларида қад кўтариши (шаҳарлар диний марказ сифатида);

— қалъаларнинг пайдо бўлиши ва уларда мустаҳкамланган манзилгоҳларнинг қўрғонлар ҳамда шаҳарларнинг муҳим белгиси сифатида шаклланиши;

— ўз давридаги ҳарбий — сиёсий вазият (атроф кўчманчиларнинг ва ўзаро урушлар) туфайли қалъаларнинг қўрғонларга айланиши ва ҳимоя иншоотлари билан ўраб олиниши;

—экологик ва географик шарт—шароитлар (дастлабки шаҳарларнинг яшаш учун қулай бўлган дарё воҳалари ва тоғ олди ҳудудларида пайдо бўлиши) мавжудлиги;

Шаҳарлар тараққиётининг кейинги босқичларида шаҳарларнинг айрим тузилиши белгилари турлича ўзгаришига қарамай шаҳарсозлик кўринишининг асосий моҳияти ҳисобланган ҳамда ўзида ижтимоий ва маданий—маиший белгиларни мужассамлаштирган уч қисмлиқ (қалъа — ҳоким маскани; шаҳарнинг ҳунармандчилик ишлаб чиқарувчи, савдо—сотиқ ҳамда турар—жойлар мавжуд бўлган қисми; шаҳар олди—диний кўмиш маросимларига оид ва ишлаб чиқарувчи қисм) аслида ўзгармасдан аввалигича қолади.

Демак, асослари энеолит даврига бориб тақалувчи Ўрта Осиё шаҳарсозлигининг ўзига хос тарққиёт йўли ва ривожланиш босқичлари ҳамда давлари мавжуд. Ушбу жараёни даврлаштиришда асосан археологик маълумотларга таянганимиз туфайли у оғир кечади ҳамда кўп ҳолларда мукамал эмас. Бинобарин, бу масала ҳали тўлиқ ечимини топган эмас ва ҳали яна кўплаб тадқиқотлар талаб этиладиган масала ҳисобланади.

Жаҳон цивилизациясининг маълум давларида урбанизация жараёнлари жамиятнинг ҳар томонлама тараққий этишида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун ҳам жамиятнинг ривожланишини шаҳарларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, шаҳарларнинг ривожланиши иккита—тартибсиз бунёд этиладиган иншоотлар ва бир ҳудудда жойлашган манзилгоҳлар ўсиб шаҳар уюшмаларига айланиши, шунингдек, маълум давларда жамоат, турар—жой, мудофаа иншоотлари, кўчалар ва

Қадимги шарқнинг шаҳармонанд ва қадимги шаҳарлари ҳақида маълумот

Номи	Майдони	Мудофаа девори	Арқ-қалъа	Санаси	Жойлашган ҳудуди
Олтиндепа	25 га	+	+	мил.авв. III м.й. ўрталари	Туркменистон
Намозгоҳдепа	70 га	+	+	мил.авв. III м.й. ўрталари	Туркменистон
Сополитепа	3 га	+	+	мил.авв. II м.й. 1 – ярми ва ўрталари	Ўзбекистон
Жарқўтон	100 га	+	+	мил.авв. II м.й. 2 – ярми	Ўзбекистон
Далварзин	24 га	+	+	мил.авв. II м.й. охирлари I м.й. бошлари	Ўзбекистон
Чуст	5	+	+	мил.авв. I м.й. охирлари	Ўзбекистон
Шаҳри Сўхта	80 га	+	+	мил.авв. III м.й. 2 – ярми	Эрон
Меҳинжо – Доро	260 га	+	+	мил.авв. III м.й. ўрталари	Ҳиндистон
Мундигак		+	+	мил.авв. III м.й. охирлари II м.й. бошлари	Афғонистон
Чженчжоу	60 га	+	+	мил.авв. II м.й. ўрталари	Хитой
Годин	15 га	+	+	мил.авв. II м.й. 1 – ярми	Эрон

майдонлар каби омиларнинг ўзаро таъсири натижасида бўлиб ўтади. Шаҳарлар пайдо бўлиши учун юқорида эслатилган турли – туман омилар сабаб бўлганидек, шаҳарларнинг ўзи илк давлатчиликнинг асосий ва муҳим омили сифатида шаклланади.

Таянч сўзлар

Сифатий ўзгаришлар, табақаланиш жараёнлари, ишлаб чиқариш жараёнларининг ихтисослашуви, меҳнат тақсимооти, қўшимча маҳсулот, бошқарув вазифалари, алоҳида бошқарув иттифоқи, узлуксиз ва босқичма – босқич тараққиёт, ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий оми, аҳолининг алоҳида жойлашув тизими, диний ва ҳарбий – стратегик омилар, шаҳарларнинг тузилиши.

Савол ва топшириқлар:

1. Қандай шарт – шароитлар илк шаҳарлар пайдо бўлиши учун асосий ва муҳим ўринда туради?
2. Илк шаҳарлар пайдо бўлишининг асослари нималардан иборат?
3. Шаҳарлар пайдо бўлишининг аҳамияти ва бу жараёнларнинг цивилизация билан боғлиқлиги ҳақида нималарни биласиз?

4-§. Қадимги Шарқ шаҳарсозлик марказларининг пайдо бўлиши.

Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб бутун дунё ҳудудларида кенг миқёсда олиб борилаётган археологик қазилмалар ҳамда тадқиқотлар дунё тарихидаги илк шаҳар марказларини ўрганиш масалаларига кўплаб аниқликлар киритиш ва янги маълумотлар олиш имкониятларини яратди. Бу борада, дунё тарихидаги илк шаҳар марказлари пайдо бўлишининг асосий – ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий омилари ҳақида янги илмий маълумотлар айниқса диққатга моликдир.

Ҳозирги кунга қадар мавжуд бўлган илмий—тарихий адабиётларни қиёсий—тарихий таҳлил этиш асосида шундай хулоса чиқариш мумкинки, жамият ҳаётида меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ўтроқ деҳқончиликнинг тараққий этиши, ихтисослашган ҳунармандчилик ҳамда ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг ривожланиши каби омиллар жаҳон тарихидаги илк шаҳарлар пайдо бўлиши учун ҳам хосдир.

Дунё тарихидаги дастлабки урбанизация марказлари қуйидагилардир:

- Месопотамия, Миср
- Ҳиндистон, Хитой
- Эрон, Ўрта Осиё, Афғонистон
- Крит, Юнонистон

Дунё тарихидаги илк цивилизация ўчоғларидан бири ҳисобланган қадимги Месопотамия ҳудудлари асосан ҳозирги Ироқ ерларига тўғри келади. XIX асрнинг ўрталарида бошланган Месопотамия ёдгорликларини ўрганиш борасида ҳозирги кунга қадар самарали ишлар амалга оширилди. Бу ишлар орасида Л.Вулли, С.Ллойд, Ф.Сафар, Ж.Оутс, Р.М.Мунчаев, В.М.Массон, А.Л.Перкине, Г.Чайлд, И.М.Дьяконов, А.И.Тюменков каби тадқиқотчиларнинг ишлари айниқса муҳимдир. Бу борада айниқса Месопотамия паст текислигининг шарқий чегараларда жойлашган Али Қўш манзилгоҳи тадқиқотлари диққатга сазовордир. Асослари мил. авв. VII—VI минг йилликларга оид бўлган ушбу ёдгорликдан қўпол хом гиштлардан (25x15x10) қад кўтарган турар—жой қолдиқлари, чорвачилик ва деҳқончилик билан боғлиқ бўлган буюмлар, ҳунармандчилик ашёлари топиб ўрганилган.

Илмий адабиётларда Хассун маданияти деб ном олган Иккидарё оралиғига хос маданият мил. авв. VI минг йилликнинг ўрталари ва охирлари билан саналанади. Ушбу маданият соҳиблари асосан ўтроқ деҳқончилик ва чорвачилик хўжалиги юритганлар. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, Хассун моддий маданиятининг муҳим томони пахса—блоклардан қад кўтарган уйлар ҳисобланади. Уйларнинг режавий тузилиши кўп ҳолларда тўғри бурчакли айрим ҳолларда ярим айлана кўринишда бўлган. Топилмалар орасида ҳайвон суяклари,

қўпол сопол идишлар, деҳқончилик билан боғлиқ қуроллар ва айниқса мис ашёлар кўпчиликни ташкил этади. Хассун манзилгоҳини «шаҳар» деб таърифлашга етарли асос бўлмасада, ушбу ёдгорлик жамият бошқарувида маълум аҳамиятга эга бўлиб, аҳолиси ўтроқ турмуш тарзи ўтказганлиги шубҳасиздир.

Месопотамия цивилизациясида муҳим аҳамиятга эга бўлган Алаф маданияти ҳам мил. авв. VI минг йилликка оид бўлиб, ушбу маданият соҳиблари Иккидарё оралиғига хос деҳқончилик ва чорвачилик, хўжалик ҳамда маданий анъаналарни сақлаб, уларни янги асосда ривожлантирганлар. Ушбу маданиятнинг босқичма—босқич ривожланишини жанубий Месопотамиядаги мил. авв. V—IV минг йилликка оид Эриду қазилмалари тасдиқлайди. Бу ердан топилган топилмалар (идишлар, тақинчоқлар ва бошқ.) Ур ва Урук топилмаларига анча ўхшаш бўлиб, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, қадимги Шумернинг учта муҳим марказлари бўлган Эреду, Ур ва Урук айнан мана шу даврдан ўз тараққиёт йўлини бошлайди.

Мил. авв. V минг йилликнинг сўнги чораги—IV минг йилликнинг биринчи ярмига келиб Жанубий Месопотамия тараққиётида янги босқич бошланиб ушбу босқич суғориш каналлари тартиби, ҳунармандчиликдаги кулолчилик, металлга ишлов бериш, заргарлик, тўқимачилик каби соҳаларнинг тараққий этиши билан изоҳланади. Аҳоли сонининг ўсиши натижасида кичик манзилгоҳлар билан биргаликда майдони 10 гектаргача бўлган йирик марказлар пайдо бўлади. Майдони кенгайган манзилгоҳлар нафақат агроф қишлоқ хўжалик марказлари балки, ҳунармандчилик ва савдо—сотик марказлашган ҳақиқий маънодаги шаҳарларга айланиб боради. Ушбу илк шаҳарларнинг маркази ибодатхона, айрим ҳолларда бутун ибодатхона мажмуи ҳисобланган. Илк шаҳарлар бошқарув тартибида қоҳинлар катта аҳамиятга эга эди.

Мил. авв. IV минг йилликнинг охири — 3 минг йилликнинг бошларига келиб қадимги Месопотамия ижтимоий—иқтисодий ҳаётида катта ўзгаришлар бўлиб ўтади. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, бу давр Жамдет Наср (шу номли манзилгоҳдан олинган) маданияти даври бўлиб, ушбу маданиятга хос ёдгорликларда

мис қуроллар кўпчиликни ташкил этиб, қурилиш ишларида пишиқ гиштлар кўпроқ ишлатила бошланади. Мудофаа – фортификация тартиби ҳам ривожланиб ибодатхона ва саройлар мустақкам мудофаа деворлари билан ўраб олинади.

Мил. авв. III минг йиллик бошларига келиб Месопотамияда кўплаб турли тилли халқлар яшар эдилар. Мисол учун, Жанубда шумерлар, Дажла ва Фротнинг ўрта оқимида аккадлар, шимолда хурритлар кабилар яшардилар.

Месопотамиянинг турли ҳудудларидаги кичик манзилгоҳлар ривожланиб Ашшур, Мари, Ниневия каби йирик шаҳар марказлари пайдо бўлади. Айнан мил. авв. III минг йилликнинг биринчи ярмига келиб Месопотамиянинг жанубида Эреду, Ур, Ларса, Урук, Лагаш, Умма, Шуруппак, Иссин, Нишпур, Киш каби шаҳар – давлатлар мавжуд эди. Ушбу шаҳар – давлатлар асосида кейинги даврларда йирик марказлар тараққий этдики, улар ривожланишида қадимги Шарқ урбанизация жараёнларининг ўзига хос томонлари ҳамда ўзаро алоқаларини кузатишимиз мумкин.

Қадимги Месопотамия шаҳар – давлатларининг тузилиши



Қадимги Эрон ҳудудларида деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ва дастлабки манзилгоҳлар ҳамда кўҳна шаҳарлар масалари бўйича турли йилларда Ж.Морган, Э.Шмидт.

Р.М.Гиршман, Р.Брейдвуд, П.Маргенсен, К.Фианнери, Р.Дайсон, П.Амьё, М.В.Массон, Ле Бретон, М.Този каби олимлар тадқиқод ишлари олиб борганлар.

Ўрта Осиёнинг жануби ва жануби — ғарбий ҳудудлари билан бевосита чегарадош бўлган қадимги Эроннинг тоғ олди ҳудудлари ва уларга яқин бўлган ерлари мил. авв. VI минг йилликнинг ўрталаридаёқ ўтроқ деҳқончилик жамоалари томонидан ўзлаштирила бошланган эди. Тадқиқотлар натижасида аниқланган Сиалк I маданияти айнан мана шу жараёндан далолат беради. Ушбу маданиятга хос ёдгорликлар Эрон ясси тоғлиги марказидаги учбурчаклик Қазвин — Теҳрон — Кашан ҳудудларида айниқса кенг тарқалган эди. Бу ҳудудлардаги субтропик иқлим чегараланган миқдорда бўлса ҳам ғалла экинлари ўстиришга имконият яратиб, бу жараён сунъий суғоришнинг дастлабки кўринишлари билан боғлиқ эди. Айнан мана шу ҳудудларда илк деҳқончилик аҳолисининг манзилгоҳлари пайдо бўлиб, дастлабки деҳқончилик воҳалари шаклланади. Сиалк I маданияти учун пахса уйлар, нақшиндор сополар, мис тақинчоқлар хос бўлиб, Сиалк манзилгоҳининг ўзи ўлчамлари жиҳатдан унча катта бўлмасдан 3 гектарга яқин майдонни эгаллайди.

Мил. авв. V — IV минг йилликларда Сиалк I маданияти тараққиёт босқичларини (Сиалк II, III) босиб ўтади. Қадимги Эрон ҳудудларидаги бевосита шу даврга оид — Хўда Фируз, Чашма Али, Гиён, Исломобод, Тепа Ҳисор, Тали Бакун каби ёдгорликларида олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, бу давр қадимги Эрон жамияти ҳаётида катта ўзгаришлар бўлиб ўтади. Аҳолининг ўтроқлашув жараёнлари фаоллашиб хўжаликда ҳайдама деҳқончилик устунлик қила бошлайди. Ишлаб чиқаришнинг фаоллашуви натижасида ортиқча маҳсулот пайдо бўлади. Меҳнатнинг ижтимоий тақсимооти чуқурлашиб ҳунармандчилик соҳалари чуқурлаша бошлайди.

Тарихий — маданий ривожланиш жараёнларининг жадаллашуви Эроннинг жануби — ғарбий ҳудудларидаги нотекис тараққиётга сабаб бўлди. Бу ҳудудларда иккита зона — қадимги Шарқ кўринишидаги шаҳар цивилизацияси ҳамда айнан шу йўлдан, лекин секинроқ тараққий этган ўтроқ деҳқончилик жамоалари шаклланади. Марказий ва

Жануби – шарқий Эронда янги, ўзига хос маданиятлар пайдо бўлиб, бу ўчоғларга ўзига хос маданий анъаналарга эга бўлган илк Элам экспансияси кузатилади. Бу ҳудудларда тараққий этган маданият Шимолий Балужистон, Жанубий Туркманистон, шимолий Месопотамияга (Убайд маданияти) хос маданият билан кўп ҳолларда ўхшашлик топади.

Мил. авв. III–II минг йилликнинг биринчи ярмига келиб Элам ҳудудларида Хузистон ва бошқа илк деҳқончилик маданияти ўчоғларидан ташқари шаҳармонанд ёки илк шаҳар маданияти кўринишидаги маҳаллий цивилизация ривожланиш жараёнлари кузатилади. Тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, ушбу жараён Элам жамоалари ривожланиши билан солиштириб қараганда нисбатан секинроқ даражада бўлиб ўтади ҳамда кўп ҳолларда маҳаллий маданий мажмуалар билан қўшилиб кетган Шумер ва Элам шаҳарсозлик маданияти анъаналарини давом эттиради.

Ушбу янги даврга оид топилмаларни Шимоли – шарқий Эрон ҳудудларидаги Тепа Ҳисор, Шоҳтепа, Тўрангтепа каби ёдгорликларда кузатиш мумкин. Булар орасида нисбатан ривожлангани Тепа Ҳисор бўлиб рангдор сополлар, турар – жой қолдиқлари, меҳнат қуроллари ва кўплаб тақинчоқларнинг топилиши шундан далолат беради.

Эроннинг шарқидаги (Сейистон) Гильменд дарёси ҳавзасида унча катта бўлмаган қатор илк деҳқончилик манзилгоҳлари жойлашган бўлиб, улар орасида ўлчамлари катталиги ва маданиятининг бойлиги билан Шаҳри Сўхта кўҳна шаҳри алоҳида ажралиб туради. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Шаҳри Сўхтанинг қуйи қатламлари мил. авв. IV минг йилликнинг охири – III минг йилликнинг бошларига оид ҳамда бу ёдгорлик қадимда бутун воҳанинг маркази ҳисобланган. Маълум бўлишича, Гильменд дарёси ҳавзаси ўзлаштирилиши даврида бу ҳудудларга келиб чиқиши жиҳатидан турлича бўлган аҳоли гуруҳлари кириб келади ва улар маданий анъаналарга сезиларли таъсир кўрсатадилар. Ушбу таъсирни Шаҳри Сўхта топилмаларининг Шимолий Балужистон, Жанубий Туркманистон топилмаларига (сопол идишлар, тақинчоқлар, муҳрлар, турар – жойлар тузилиши ва бошқ.) ўхшашлиги орқали кузатишимиз мумкин.

Мил. авв. III минг йилликнинг бошларига келиб Шаҳри Сўхта кўҳна шаҳри тараққиётида сезиларли ўзгаришлар бўлиб ўтади. Турли шаклдаги сополлар ўрнига, кулолчилик чархида тайёрланган сопол идишлар пайдо бўлади. Шаҳар майдони кенгайиб 80 гектарга яқинни ташкил этади. Қурилиш услуби ўзгариб, турар – жойлар зичлашади. Кўҳна шаҳарни ўраб турган ғимоя деворлари пайдо бўлади. Топилмаларнинг кўпчилигига қараганда айнан мана шу даврда Шаҳри Сўхта қимматбаҳо ложувард (лазурит) тошини қайта ишлаш ҳамда кўшни ҳудудларга олиб чиқиш марказига айланади. Хуллас, мил. авв. III минг йилликнинг иккинчи ярмида Шаҳри Сўхта йирик шаҳар маркази сифатида мавжуд эди.

Эроннинг шимоли – ғарбий ҳудудларидаги ривожланиш жараёнлари нисбатан кам ўрганилган. Бу ҳудудларда сиёсий ҳокимиятнинг шаклланишида кўшни Месопотамия давлатларининг ғарбий – савдо экспансияси сезиларли даражада таъсир ўтказди. Бу ердаги мил. авв. II минг йилликнинг биринчи ярмига оид шаҳар кўринишидаги йирик марказлар фикримиз далилидир. Мисол учун, Годин манзилгоҳи 15 гектарга яқин ҳудудни эгаллаб, мустақкам мудофаа иншоотларига, ҳамда сарой хусусиятига эга бўлган маҳобатли қурилишларга эга эди. Годин қурилиш услуби ва топилмалари Хасанлу (Месопотамия) аъёналарига ниҳоятда ўхшашдир.

Мил. авв. III минг йилликнинг бошларига келиб қадимги Эрон ҳудудларида илк давлат уюшмалари пайдо бўлиб, ана шундай уюшмалардан бирининг маркази Корун ва Керхи воҳаларидаги йирик кўҳна шаҳар Суза эди. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, ушбу кўҳна шаҳар Элам ва Месопотамия, Шимолий ва Шарқий Эронни боғловчи савдо йўллари кесишган жойда жойлашганлиги сабабли бронза давридаёқ шаклланиб кейинги даврларда тараққиёт жараёнларини бошдан кечиради ҳамда дунё тарихидаги улкан империялардан бирининг пойтахт шаҳарига айланади.

Мил. авв. II–I минг йилликнинг бошларига келиб Қадимги Эрон жамоалари орасида сезиларли ўзгаришлар бўлиб ўтади. Қадимги Эрон тарихидаги катта ўзгаришлар бошланиб, бу ўзгаришлар мил. авв. VII – VI асрларда дастлаб

Мидия, кейин эса Аҳмонийлар давлатининг пайдо бўлиши билан тугалланади. Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталари – I минг йилликнинг бошлари Эрондаги маданий жараёнларга иккита муҳим омил ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Булардан биринчиси Ҳисор ва Шаҳри Сўхта кўринишидаги қадимги шаҳармонанд цивилизациянинг инқирозга учраб давлатчиликнинг янгидан шаклланиши бўлса, иккинчиси – айниқса шимолий ҳудудларда, ўзаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши натижасида мулкдорлар табақаланишининг кучайиши эди.

Мил. авв. VI минг йилликнинг охирларига келиб Нил дарёси воҳасида ўтроқ аҳоли манзилгоҳлари пайдо бўла бошлайди. **Қадимги Миср давлатининг** асосини ташкил этувчи улкан дарё воҳаси ҳавзасининг ўша давр аҳолиси кўп ҳолларда чорвачилик ва айрим ҳолларда деҳқончилик хўжалиги юритганлар. Тадқиқотлар натижаларига кўра, қуйи Мисрдаги Фаюм кўли ёқасида жойлашган деҳқончилик манзилгоҳлари мил. авв. V минг йилликка оиддир. Бу манзилгоҳларда яшаган аҳоли йирик ва кичик шохли чорва сақлаганлар. Хўжалиқда балиқчилик ҳам устунлик қилган.

Тахминан мана шу даврда Юқори Мисрда Таси маданияти соҳиблари бўлган чорвадор – деҳқонлар жамоалари мавжуд эди. Ушбу маданият соҳиблари донли экинлар ўстириш, чорва моллари сақлаш билан бирга ўзига хос нақшларга эга бўлган сопол идишлар ҳам тайёрлаганлар.

Қадимги Мисрнинг турли даврларига оид ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ва маданият тарихи билан турли йилларда К.Лепсиус, Г.Бругш, Ф.Питри, О.Мариетт, Д.Брестед, А.Море, Г.Масперо, Э.Майер, Б.А. Тураев, В.В.Струве, В.И.Авдиев каби олимлар тадқиқот ишлари олиб бордилар.

Қадимги Миср жамоаларидаги кейинги ривожланиш жараёнларини мил. авв. IV минг йилликнинг биринчи ярмига оид Амра маданияти мажмуаларида кузатиш мумкин. Бу даврга келиб кўп ҳолларда деворлар билан ўраб олинган манзилгоҳлар пайдо бўладики, бу ҳолат аҳолининг бир ерда тўпланиши ҳамда суғорма деҳқончилик тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. IV минг йилликнинг иккинчи ярмига келиб (Герзе маданияти даври) сунъий суғоришга асосланган Миср деҳқончилиги катта муваффақиятларга

эришади. Бу даврда ҳунармандчилик деҳқончиликдан ажралиб чиқади ҳамда аҳоли ўртасида ижтимоий табақаланиш жараёнлари бошланади. Тадқиқотлар натижаларига кўра бу даврда ўзаро айирбошлаш ва савдо — сотиқ ҳам ривожланиб боради. Мисол учун, Осиёдан қўрошин, кумуш ва ҳатто ложувард келтирилади, топилмалар орасида Месопотамия муҳрлари ҳам учрайди.

IV минг йилликнинг иккинчи ярмига келиб Қадимги Мисрда хўжалик ва иқтисодий ҳаётни, бошқарув тизимини тартибга солиб турувчи бошқарув қурилмалари ташкил топа бошлайди. Бу ҳудудлардаги дастлабки давлатлар унча катта бўлмаган вилоятлар (номлар) ҳудудларида пайдо бўлади. Бундай вилоятлар ҳокимнинг қароргоҳи ва бош худонинг ибодатхонаси жойлашган шаҳар маркази ҳамда унинг атрофидаги манзилгоҳларни ўз ичига олган. Тадқиқот — чиларнинг ҳисоб — китобларига кўра, Юқори Миср ҳудудларида 22 та, Қуйи Миср ҳудудларида 20та номлар мавжуд бўлган. Демак, ном — вилоятлар марказлари вазифасини бажарган шаҳарлар (ёки шаҳар — давлатлар) сони Қадимги Мисрда 40 тадан кам бўлмаган.

IV минг йилликнинг охирларига келиб Нил дарёси ҳавзасидаги қулай табиий шароит, ижтимоий — иқтисодий тараққиёт кўп сонли ном — уюшмаларнинг бирлашувига сабаб бўлди. Дастлаб Юқори Миср, кейинроқ эса Қуйи Миср ном — уюшмалари бирлашадилар. Тарихий маълумотларда Юқори Мисрнинг пойтахти Энхаб (Нехен), Қуйи Мисрнинг пойтахти эса Буто шаҳри бўлганлиги эслатилади. Қадимги Мисрнинг бу иккала йирик давлати бир муддат қўшни яшаб ўзаро урушлар олиб боришган бўлсаларда, кейинроқ улар бирлашиб III минг йилликнинг бошларида Нилнинг бошланишидан то Ўрта ер денгизигача бўлган ҳудудларда марказлашган Қадимги Миср давлати ташкил топади.

Қадимги Мисрда минглаб йиллар давомида турли сулолалар ўртасида, ички ва ташқи таъсир туфайли ҳарбий — сиёсий тўқнашувлар, сулолалар алмашинуви бўлиб ўтгани бизга тарихдан маълум. Шунга қарамай маълум муддат Қадимги Шарқ ижтимоий, иқтисодий сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган Миср жамиятида қадимги шаҳарларнинг аҳамияти беқиёс бўлди.

Бу ўринда, суғорма деҳқончиликка асосланган ўтроқ манзилгоҳлар тараққиёти, ихтисослашган ҳунармандчиликнинг чуқурлашуви ҳамда ўзаро алоқалар ва маданий муносабаталар натижасида шаклланиб тараққий этган Қадимги Миср шаҳарлари ривожига ўзига хос хусусиятларга эга бўлиш билан бирга дунё тарихидаги илк шаҳарлар, жумладан Ўрта осийё шаҳарсозлиги тараққиёти билан ҳам умумийликка эгаллигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Фикримизча, ушбу ўхшашлик ҳудудлар ўртасидаги қадимги даврлардаёқ бошланган ўзаро иқтисодий ва маданий (айрим ҳолларда ҳарбий – сиёсий) муносабатларининг самараси эди.

Қадимги Ҳинд цивилизациясини ўрганиш бўйича Д. Маршалл, Э. Маккей, С.Пиггот, М.Уиллер, Б.Суббарао, Х.Санкалиа, В.В.Струве, В.М.Массон каби кўплаб олимлар тадқиқот ишлари олиб борганлар. Ушбу ва бошқа кўплаб тадқиқотлардан маълумки, дунё тарихида, ижтимоий – иқтисодий тараққиётда Ҳинд цивилизациясининг ўрни беқиёсдир. Ҳинд ва Ганга дарёлари ҳавзаларидаги қулай табиий – географик шароит Қадимги Ҳиндистон ҳудудларида илк деҳқончилик маданияти тараққиёти учун кенг имкониятлар яратди. Панжоб воҳасида жойлашиб неолит даврига оид бўлган Жалилпур ёдгорлиги дастлабки деҳқончилик марказларидан бири ҳисобланади. Бу ёдгорликдан деҳқончилик билан боғлиқ бўлган кўплаб меҳнат қуроллари билан бирга хом гиштлардан қад кўтарган қурилиш қолдиқлари ҳам аниқланган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Жалилпур деҳқончилик билан шуғулланиб ўтроқ ҳаёт кечирувчи аҳолининг унча катта бўлмаган қишлоқ жамоасига тегишлидир.

Мил. авв. III минг йилликка келиб Ҳиндистоннинг ижтимоий – иқтисодий ҳаётида ўзига хос бўлган ҳамда қўшни ҳудудларга ҳам таъсир ўтказган Хараппа маданияти жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Хараппа маданиятига оид манзилгоҳларнинг сони мингга яқиндир. Аммо, уларнинг типологияси ҳали етарли даражада яхши ўрганилмаган. Ушбу маданиятга оид иккита йирик марказ – Хараппа ва Моҳенждаро ҳамда майдони 5 гектардан 12 гектаргача бўлган кўҳна шаҳарлар (Калибанган, Лотал, Котади ва бошқ) мавжуд. Ёдгорликларнинг асосий

қисмини майдони 1 гектаргача бўлган кичик манзилгоҳлар ташкил этади. Мунтазам режа асосидаги қурилишлар, ободончиликнинг юқори даражаси ҳамда ички тузилишнинг пухта ташкил қилиниши каби хусусиятлар Хараппа йирик манзилгоҳлари учун хосдир. Хараппа марказлари айнан мана шу белгилари билан илк деҳқончилик манзилгоҳларидан ажралиб туради.

Хараппа маданиятининг ажойиб намуналаридан бири, ўзида барча шаҳарсозлик белгиларини акс эттирувчи йирик марказ Моҳенждаро ҳисобланади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ушбу кўҳна шаҳарнинг умумий майдони 260 гектарни ташкил этиб унда 35000 дан 41000 гача аҳоли яшаган бўлиши мумкин. Тузилиш жиҳатда Моҳенждаро икки йирик қисмдан — алоҳида жойлашган қалъа қўрғон ва унинг шарқидаги «пастки шаҳар»дан иборат. Ушбу қисмларда олиб борилган қазишма ишлари натижасида аниқ режавий тузилиш, маҳаллалар, кўчалар, қадимги дунё тарихидаги дастлабки канализация қолдиқлари аниқланган. Моҳенждаро иншоотларининг асосий қисми пишиқ гиштдан қад кўтарган.

Хараппа кўҳна шаҳри қазишмалари Моҳенждаро сингари кенг кўламда олиб борилмаган бўлсада, бу ёдгорлик ҳам икки қисмли тузилишдан иборат эканлиги аниқланган. Бу ердаги қалъа тузилиши жиҳатдан параллелограм шаклини эслатади. Хараппа иншоотлари ҳам йирик гиштлардан қад кўтариб, турар жойлар атрофида хўжалик хоналари жойлашган (мисол учун, ғалла омбори).

Ушбу мураккаб тузилиш ва аниқ режа белгилари маълум маънода унча катта бўлмаган Хараппа марказларида ҳам аниқланган. Булар орасида ҳинд археологлари томонидан нисбатан яхши ўрганилган Калибанган ҳисобланади. Ушбу марказда ҳам шаҳарсозликни акс эттирувчи асосий белгиларнинг (ҳимоя иншоотлари, қалъа, ибодатхона қолдиқлари, хўжалик ва турар — жой иншоотлари) барчаси мавжуддир.

Хараппа маданиятининг йирик марказлари савдо — ҳунармандчилик фаолияти марказлашиб, мафкуравий ва ташкилий — хўжалик фаоллашган марказ вазифаларидан ташқари ҳарбий бошпана вазифасини ҳам бажарган. Олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижаларини

умумлаштириб таҳлил этиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, Хараппа маданияти ҳамда бу маданиятга оид ёдгорликлар ижтимоий – иқтисодий ва маданий тараққиёт учун улкан аҳамиятга эга бўлган Қадимги Шарқ цивилизациясининг ёрқин намунасидир. Хараппа ва Моҳенждаро кўринишидаги шаҳарсозлик маданияти – кўп қисмли тузилиш, мураккаб меъморчилик, ҳунармандчиликдаги турли тармоқларнинг (заргарлик, кулолчилик, тўқимачилик, муҳрсозлик, металлга ишлов бериш ва бошқ.) тараққий этиши, атроф деҳқончилик хўжаликларнинг шаҳарлар ривожига таъсири, ўзига хос мураккаб дафн маросимлари Қадимги Ҳинд цивилизацияси учун ўзига хос хусусиятдир. Ушбу ўзига хос маданиятни Олд ва Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон каби маданий ўчоқлар билан ҳар томонлама узвий алоқалари мавжуд эдики, бу алоқалар ҳақида дарсликнинг махсус бўлимларида тўхталиб ўтилади.

Месопотамия цивилизациясига яқин қўшни бўлган Шарқий Ўрта Ер денгизи ҳудудларига ҳозирги Сурия, Ливан, Фаластин ерлари киради. Ушбу ҳудудларда мавжуд бўлган қадимги ижтимоий – иқтисодий тараққиёт масалалари бўйича К.Кеньон, Я.Ядин, Ж.Перро, М.Дёнан, К.М.Шифер, В.М.Массон, Н.Передо каби олимлар тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Таъкидлаш жоизки, Шарқий Ўрта Ер денгизи бўйларида илк деҳқончилик маданияти, манзилгоҳлар ва дастлабки шаҳарларнинг шаклланишида Месопотамия ва Миср цивилизациялари билан бўлган алоқалар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг тараққиёти, савдо – сотиқнинг ривожланиши натижасида мил. авв. III минг йилликка келиб Сурия ва Ливан ҳудудларида шаҳар кўринишидаги манзилгоҳлар шакллана бошлайди. Шулардан бири Библи эди. Кўҳна шаҳар тош девор билан ўралган, ичкари ҳудудида тош асосда йирик иншоотлар – ибодатхоналар ва қалъалар аниқланган. Қабрлардан топилган буюмлар Библи жамиятидаги мулкий тенгсизликдан далолат беради. Демак, Библида шаҳарсозликнинг шаклланиши ижтимоий жараёнларнинг мураккаблашуви билан бирга кечган.

Тадқиқотчилар томонидан қадимги Эбла билан айнан бир деб ҳисобланаётган Тол — Мардих кўҳна шаҳри ҳам мана шу даврда шаклланади. Мил. авв. III минг йилликнинг биринчи ярмида бу ерда миххат архивлар сақланиб қолган шаҳар — давлат мавжуд эди. Миххат ёзувлар Шумер тартиби билан маҳаллий тилда битилган. Тадқиқотлар натижасида аниқланишича, Месопотамия билан маданий алоқалар нитажасида Сурияга дастлаб нақшиндор идишлар кириб келган бўлса, кейинчалик ёзувнинг миххат тартиби ҳам кенг тарқалади.

Мил. авв. III минг йилликнинг бошларига келиб **Фаластиндаги** иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларни бажарувчи манзилгоҳларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Воҳаларда илгаридан мавжуд бўлган Иерихон, Мегиддо каби манзилгоҳлар янада тараққий этган бўлса, Лахиш, Аи кабилар янгидан пайдо бўлади. Бу шаҳарчаларнинг барчаси буржлари бўлган ҳимоя деворлари билан ўраб олинган бўлиб, 2 — 4 гектар майдонни эгаллайди. Илк бронза даври фаластин жамоаларида шаҳарларнинг шаклланиш жараёни сиёсий вазият туфайли бирмунча мураккаблашади. Бу даврда Миср фиръавларининг юришлари туфайли кичик шаҳарлар аҳолиси атрофларини мустаҳкам ҳимоя деворлари билан ўраб оладилар. Мил. авв. III минг йилликнинг охири — II минг йилликнинг биринчи ярмида Йордан дарёси воҳасидаги йирик манзилгоҳ — Хазорнинг майдони 50 гектарга яқин бўлиб, марказий пойтахт вазифасини ўтаган бўлиши ҳам мумкин. Кўҳна шаҳар ҳудудидан йирик иншоотлар қолдиқлари кўплаб аниқланган. Фаластин шаҳарларининг тараққиётида Миср ва Месопотамия цивилизациясининг кучли таъсири сезилса ҳам, ўзига хос маҳаллий анъаналарни ҳам кузатиш мумкин.

Кичик Осиё шаҳарсозлик масалалари бўйича Г.Шлиман, Ж.Гаретанг, С.Лайд, Д.Мелларт каби олимлар тадқиқот ишлари олиб борганлар. Ушбу тадқиқотлар натижасида Троя, Мерсина, Бойчасултон, Алажа — Хуюк, Хожилар, Чотал — Хуюк каби марказларнинг моддий маданияти ўрганилган.

Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мил. авв. VI минг йилликнинг иккинчи ярми — IV минг йилликнинг

биринчи ярмида Кичик Осиё ҳудудларида ўтроқ деҳқончилик маданиятининг ривожланиш жараёнлари бўлиб, янги манзилгоҳлар шаклланади. Бу ҳудудларнинг табиий шароити маданий ва этник турли-туманлик учун имкониятлар яратди. Айрим тадқиқотчилар бир вақтнинг ўзида бир-бирини такрорламайдиган 10 та маданият мавжуд бўлганлигини таъкидлайдилар. Қазиб очилган манзилгоҳларда қаттиқ ёнғин излари кўплаб учраса, мазор-қўрғонлар харобаларида қадимги қурол-яроқлар катта кўпчиликни ташкил этади. Бундай ҳарбий-сиёсий вазият шароитида цивилизациянинг шаклланиши узоқ вақт давом этиб, бу жараёнда нисбатан қадимги цивилизациялар марказлари билан бўлган маданий ва савдо алоқалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Кичик Осиёнинг шимоли – ғарбидаги Троя кўҳна шаҳри харобалари нисбатан яхши ўрганилган. Қазилмалар натижасида турар-жойлар ва йирик меъморчилик обидалари очилган бўлиб, йирик иморатларнинг нафақат асослари балки, бутун иншоот тошдан қад кўтарган. Кўҳна шаҳарнинг ўзидан ва атрофларидан кўплаб бронзадан ишланган меҳнат ва жангавор қуроллар, турли рангдаги нақшланган ва нақшланмаган сопол буюмлар топиб ўрганилган. Кейинги даврларда ҳам Троя Кичик Осиёдаги муҳим савдо-сотиқ маданий ва айниқса, сиёсий марказ сифатидаги мавқеини сақлаб қолади.

Қадимги Шарқ халқлари тараққиётида Хитой цивилизациясининг ўрни беқиёсдир. Қадимги Хитой тарихи ва маданияти масалалари билан турли йилларда И. Андёрсон, Чен Чжан Гауанчжи, С.В.Киселев, М.В.Кирюков, С.Кучера, Л.С.Васильев каби олимлар тадқиқот ишлари олиб бордилар. Қадимги Хитой тарихи бўйича тўпланган маълумотлар бошқа кўпгина ҳудудларда бўлгани каби бу ерда ҳам цивилизация тараққиёти асосида қадимги деҳқончилик маданияти ётганлигини изоҳлаш учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Хуанке дарёси воҳасида Баныпо манзилгоҳи очиб ўрганилган. Ушбу манзилгоҳ мил. авв. IV минг йилликнинг биринчи ярмида пайдо бўлиб, унинг соҳиблари ўзига хос маданият яратганлар. Ушбу маданият ярим чайла турар-жойлар, геометрик нақшлар ва ҳайвон тасвирлари билан

безатилган сопол идишлар ҳамда турли қурол — яроғлар орқали изоҳланади. Ундан ташқари Хуанхе воҳасида Яншао, Цышан, Пейлиган, Лушан, Давэнкоу, Мяодигоу, Лянчжу каби илк деҳқончилик марказлари мавжуд эди.

Мил. авв. III минг йилликнинг охирларига келиб Хитой ҳудудларида Эрлитоу кўринишидаги кўҳна шаҳарлар шаклланади. Ушбу кўҳна шаҳар икки қатор мустаҳкам деворлар билан ўраб олинган бўлиб, бир неча кўчалар билан ҳунармандчиликнинг маълум йўналишига ихтисослашган маҳаллаларга ажратилган. Кўҳна шаҳар марказидан катта бино асоси очилган. Бино атрофида деворлари қалин бўлган кўп хонали турар — жойлар аниқланган. Бу ердаги топилмаларнинг асосий қисми мил. авв. III минг йиллик охири — II минг йилликнинг бошларига оиддир. Сўнгги йилларда Эрлитоу кўҳна шаҳри Ся подшолиги (мил. авв. 2205 — 1767 й.й.) нинг пойтахти бўлган бўлиши мумкин деган тахминлар илгари сурилмоқда.

Мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарига келиб Чженчжоу кўҳна шаҳари илк Инь подшолигининг пойтахти сифатида шаклланади. Кўҳна шаҳар пайдо бўлган даврдаёқ асосининг максимал қалинлиги 36 метр, сақланиб қолган баландлиги 9 метр бўлган мустаҳкам девор билан ўраб олинади. Хитой археологларининг маълумотига кўра, ушбу мустаҳкам мудофаа иншоотларини барпо этиш учун 10 000 ишчи 18 йил давомида ишлаши керак бўлган. Чженчжоунинг ичкари қисмидан сарой ва диний маросимлар билан боғлиқ иншоотлар қолдиқлари очилган бўлса, ташқари қисмидан кенг шаҳар олди аниқланган. Бу ерда кўп сонли ихтисослашган ҳунармандчилик марказлашган. Мил. авв. 1384 йилга келиб Инь подшолигининг пойтахти Чженчжоудан Аньян кўҳна шаҳрига кўчади.

Янцзи дарёсининг ўрта оқимларидан мил. авв. II минг йилликка оид ўзига хос маданият излари аниқланган. Ушбу маданиятнинг маркази Паньлун кўҳна шаҳари эди. Мустаҳкамланган, аммо унчалик катта бўлмаган ушбу кўҳна шаҳар марказида ҳукмдор қароргоҳи ҳамда унинг атрофида учта табақага (қоҳинлар, оддий аҳоли, ҳунармандлар) мансуб турар — жойлар аниқланган.

Умуман олганда, қадимги Хитой шаҳарларидаги анъаналар маҳаллий асосларга эга бўлсада, қадимги Шарқ

цивилизациясининг таъсири қисман сезилади. Бу таъсир кўҳна шаҳарлар тузилишида ва айниқса моддий маданиятда кўпроқ кузатилади.

Чап қирғоқ Амударё воҳаси қадимда Бақтрия давлатининг жанубий қисмини ташкил этган бўлиб, асосан ҳозирги Афғонистон ҳудудларига тўғри келади. Ўтган асрнинг 60–70–йилларида Афғонистон ҳудудларида иш олиб борган совет–афғон экспедициясининг тадқиқотлари туфайли бу ҳудудлардаги шаҳарсозлик маданияти масалаларига кўпгина аниқликлар киритилди. Осиёнинг ичкарасида жойлашган Афғонистон ўз атрофидаги ўтроқ деҳқончилик маданиятлари ўртасида ўзига хос маданият пайдо бўлган ҳудудлар сирасига киради. Бу ҳудуд орқали турли йўналишларни бирлаштириб турган қадимги савдо–маданий йўлларининг ўтганлиги маданий тараққиёт учун кенг имкониятлар яратган эди.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, мил. авв. IV–III минг йилликларда Марказий Балужистон ҳудудларида ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳлари пайдо бўлиб, деҳқончилик учун қулай бўлган кенг ҳудудлар ўзлаштирилиб борилади. Айнан мана шу даврда ҳозирги Афғонистон ҳудудларида Мундигак, Саид Қалъа, Деҳ Мораси, Ажира, Қили Гхул Муҳаммад каби манзилгоҳлар пайдо бўлади. Бронза даври Афғонистон ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳлари тўртта: Давлатобод, Фаруҳобод, Ничкин ва Дашли воҳалари бўйлаб жойлашади.

Афғонистон ҳудудларида илк шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши ва ривожланишини Мундигак ёдгорлиги мисолида кузатишимиз мумкин. Мундигак III даврида яъни, мил. авв. III минг йилликнинг учинчи чорагига келиб бу ёдгорликда маҳаллий маданиятнинг тараққиёти бошланади. III минг йилликнинг охирларига келиб (Мундигак IV) бутун ёдгорлик ва унинг атрофлари ҳам ўзлаштирилади. Тепаликлар харобаларида бунёд этилган маҳобатли сарой ва диний иншоотлар Мундигакнинг илк шаҳар маркази бўлганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, жаҳон цивилизациялар тизимида урбанизация жараёнларининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Қадимги Шарқ шаҳарсозлик маданияти ўзига хос йўналиш бўйича ривожланган бўлса–да, кўп ҳолларда бир–бири билан ўхшашлик топади. Бу ўхшашликни қиёсий

таҳлил асосида Ўрта Осиё шаҳар маданияти тараққиётида ҳам кузатиш мумкин.

Таянч сўзлар

Меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг ривожланиши, дастлабки урбанизация марказлари, қадимги Месопатамия урбанизацияси, Хассун маданияти, Алаф маданияти, шаҳар—давлатлар, қадимги Эрон шаҳарсозлиги, Сиалк I, Исломобод, Тепа Ҳисор, маданий алоқалар, Шаҳри Сўхта, қадимги Миср шаҳарлари, Герзе маданияти, Энхаб, Буто, қадимги Ҳинд цивилизацияси, Хараппа ва Моҳенждаро, Сурия, Ливан, Фаластин қадимги шаҳарсозлиги, Иерихон, Мегиддо, Кичик Осиё, Троя, Хитой цивилизацияси, Яншао, Цьшан, Пейлиган, Афғонистон урбанизацияси, Мундигак.

Савол ва топшириқлар:

1. Ўрта Осиё ва қадимги Шарқ цивилизацияси ўртасидаги диалектик боғлиқлик ҳақида нималарни биласиз?
2. Қадимги Шарқ шаҳарсозлиги ҳақида умумий маълумот беринг.
3. Қадимги шарқ шаҳарсозлиги ва Ўрта Осиё урбанизацияси тараққиётидаги қандай умумийлик ва қандай ўзига хосликни биласиз?

5-§. Ўрта Осиёдаги дастлабки шаҳар марказлари—ўчоқларининг ва ўтроқ аҳолисининг районлашуви.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, илк шаҳарларнинг пайдо бўлишида кўплаб ижтимоий—маданий хусусиятдаги омилар сабаб бўлишига қарамай турли шароитларда у ёки бу гуруҳ сабаблар нисбатан устунлик қилади. Ундан ташқари илк шаҳар цивилизациясининг муҳим кўринишларидан бири турли шаклдаги аҳоли пунктларининг пайдо бўлиши ва уларнинг ўзаро муносабатлари ҳисобланади. Айнан турли шарт—шароитлар, турли шаклдаги аҳоли пунктлари, кўчманчи аҳоли яшаш ҳудудлари, ўтроқ аҳоли билан улар

ўртасидаги чегаравий ҳудудлар — буларнинг барчаси аҳоли ҳудудий районлашувининг (маълум ҳудудларда маълум турмуш тарзи юритган аҳоли жойлашуви) асоси ҳисобланади. Шунингдек, аҳолининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган (деҳқончилик, ҳунармандчилик ва бошқ.) фаолияти ҳам районлашувни белгилаб беради.

Тадқиқотлар натижаларини илмий — қиёсий таҳлил қилиш натижасида Ўрта Осиёдаги дастлабки шаҳар марказлари ва ўчоқлар районлашувини қуйидаги даврларга ажаратиш мумкин:

I давр — мил. авв. III — II минг йиллик биринчи ярми — Жанубий Туркменистон (Олгинтепа, Намозгоҳ), Юқори Зарафшон (Саразм), Жанубий Ўзбекистон (Сополитепа);

II давр — мил. авв. II минг йилликнинг ўрталари — Жанубий Туркменистон (Гонур), Жанубий Ўзбекистон (Жарқўтон);

III давр — мил. авв. II минг йиллик охири — I минг йилликни ўрталари — Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Фарғона ва Тошкент воҳаси.

Сўнги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига қараганда, мил. авв. III минг йилликнинг ўрталарига келиб Ўрта Осиёнинг Қизилқум, Қорақум чўлларининг ичкарилари, Помир ҳамда Олой тоғларининг этаклари аҳоли томонидан ўзлаштирилиб борилади. Бу даврда Ўрта Осиёнинг шимоли ҳамда шимоли — шарқида яшаган аҳоли асосан чорвачилик хўжалиги юритганлар. Бу ҳудудлардан топиб тадқиқ этилган Андроново, Тозабоғёб, Замонбобо, Қайроққум каби ёдгорликлар бронза даври ўзига хос жараёнларидан далолат беради. Ўрта Осиёнинг жанубий қисмида яшаган аҳоли ўтроқ турмуш тарзига ўтиб асосан деҳқончилик билан шуғулланишган. Бу ҳудудларда аҳолининг Намозгоҳ, Сополли, Дашли, Олгиндепа, Гонур каби ўтроқ деҳқончилик маданиятлари шаклланиб тараққий этади. Ундан ташқари айнан жанубий ҳудудларда қадимда Бақтрия, Сўғдиёна, Гиркания, Парфия, Ария ва Марғиёна каби тарихий — маданий вилоятлари шаклланади. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, ўтроқ деҳқончилик хўжаликлари юритган аҳоли бронза давридаёқ воҳа — воҳа бўлиб яшаганлар. Аҳолининг бундай жойлашув тартиби табиий — шароитлар билан боғлиқ бўлган (мисол учун, сув

ресурслари бирмунча чегараланган) Ўрта ва Яқин Шарқ қадимги ҳудудлари учун хосдир.

Сўнги бронза ва илк темир асри Ўрта Осиё тарихида кескин ижтимоий – иқтисодий ва маданий ўзгаришлар даври бўлди. Бу давр жамият ҳаётида ибтидоий муносабатлар инқирозга учраб янги ижтимоий – иқтисодий муносабатлар ривожлана бошлади. Айнан мана шу даврдан бошлаб жамиятдаги ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган илк шаҳарларнинг шаклланиш жараёни ниҳоясига етиб ривожланиш босқичига ўтади. Кўпчилик тадқиқотчилар эътироф этган дастлабки цивилизациялар, илк шаҳарсозлик маданияти, давлатлар пайдо бўлиши жараёнлари ўртасида диалектик боғлиқликни дастлабки шаҳар марказлари ўчоқларининг районлашуви жараёнларини таҳлил этганимизда ҳам кузатишимиз мумкин.

Ўрта Осиёнинг энг қадимги ўтроқ деҳқончилик маданияти минтақанинг жануби – ғарбида, Копетдоғнинг шимолий тоғ олди текислигида пайдо бўлади. Бу жар энга иккита муҳим омил – кичик воҳаларда деҳқончилик ривожланиши учун қулай шароит ва дунё тарихида дастлабки деҳқончилик ўчоғлари бўлган Олд Осиё ва Эрон билан қадимий узвий алоқалар асос бўлди. Ўтган асрнинг 60 – йилларида олиб борилган тадқиқотлар Копетдоғ тоғ олди текисликларида Қадимги Шарқ кўринишидаги цивилизация ривожланганлиги ҳақида масала кўтарилишига сабаб бўлди.

Ўрта Осиёнинг жанубида кенг миқёсда олиб борилган археологик тадқиқотлар, Мурғоб воҳасида очилган мил. авв. II минг йиллик маданияти ва Амударёнинг ўрта оқими маданиятлари ушбу марказларнинг узвий боғлиқлигини кўрсатади.

Бу тадқиқотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари қадимги Шарқ кўринишидаги юқори даражали маданият соҳиблари бўлган ўтроқ жамоалар томонидан анча илгари ўзлаштирилган.


Аниқланишича, дастлабки деҳқонлар Копетдоғ тоғ олди текислиги ҳудудлари билан чегараланиб қолмасдан энг юқори ривожланиш даражаси жараёнида Мурғобнинг қадимги ҳавзаси ҳудудларини ўзлаштириб, Зарафшоннинг юқори оқими ҳудудларигача борадилар. Бу ҳудудлардан Жанубий Туркманистон сўнги энеолит даври маданиятига

хос Саразм манзилгоҳи ўрганилган. Ушбу кўп сонли ва турли – туман маълумотлар Ўрта Осиё, ҳеч бўлмаганда унинг жанубий вилоятлари бошқа минтақаларда бўлгани каби илк деҳқончиликдан дастлабки цивилизациягача ривожланиш қонуний жараёни бўлиб ўтган мустақил қадимги маданият ўчоғи деган фикрларни яна бир марта исботлайди.

Мил. авв. IV минг йилликнинг охири – III минг йилликнинг бошларига келиб қадимги Бақтрия ҳудудларида овчилик, балиқчилик ва чорвачилик билан шуғулланган Ҳисор маданияти соҳиблари кичик ва йирик дарёлар воҳаларини, Бойсунтоғ ва Кўҳитанг тоғларигача бўлган тоғ олди ҳудудларини ўзлаштирадilar. Кўпчилик тадқиқотчилар бу давр учун тўртта – Сополи, Бешкент, Вахш ва турли ҳудудларда мавжуд бўлган бронза даври Дашт маданиятларини ажратадилар. Маҳаллий чорвадорлар маданияти бўлган Бешкент ва Вахш маданиятлари Қуйи Кофирниҳон ва Вахш воҳаларидан топилган қабристонлар орқали ифодаланади. Ўтроқ деҳқончилик маданияти ёйилган ҳудудлар асосан Ўзбекистоннинг жанубидаги Кўҳитанг ва Бойсунтоғ тоғ олди ҳудудлари ва қисман Тожикистоннинг жанубий ҳудудларини қамраб олади.

Бу ҳудудларда асослари янада қадимгироқ даврларга бориб тақаладиган дастлабки ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳлари мил.авв. II минг йилликнинг бошларида унчалик катта бўлмаган тоғ сойлари бўйларида пайдо бўлиб гуруҳлаша бошлайди. Э.В. Ртвеладзенинг фикрича, айнан мана шу даврдан бошлаб илк темир асрининг бошларигача маълум чегараланган ҳудудларда жойлашган унчалик катта бўлмаган воҳалар тизими Шимолий Бақтрия аҳоли жойлашувининг асосий ҳудудларига айланади.

Қадимги шаҳарсозлик маданиятининг марказлари



Тадқиқотчи А.Асқаров шунга ўхшаш бронза даврига оид учта — Шеробод, Бандихон ва Шўрчи воҳаларини ажратса, А.Сағдуллаев уларни тўртта — Улонбулоқсой (Музработ), Шеробод, Ҳалқажар (Миршоди) ва Ҳисор воҳалари мавжуд бўлганлигини таъкидлайди. Э.Ртвеладзе эса, бу тадқиқотчиларнинг фикрларига қисман қўшилсада, воҳаларни қуйидагича гуруҳлайди: Улонбулоқсой (Музработ), Шеробод, Ҳалқажар ва Ҳисор. Унинг фикрича марказларнинг районлашуви — воҳа даставвал, Қўхитангдан бошланиб қадимда Амударёга қуйилувчи унча катта бўлмаган Улонбулоқсой пайдо бўлади. Тадқиқотлар натижаларини солиштириб шундай хулосага келиш мумкинки, бронза даври шимолий Бақтрияда дастлаб Улонбулоқсой ва Шеробод, кейинроқ эса, Ҳалқажар ва Ҳисор воҳалари ўзлаштирилади.

Турли воҳаларнинг ўзлаштириб борилиши аҳолининг ўтроқлашуви ва ўтроқ манзилгоҳларнинг янада тараққий этиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, илк бронза даврида маҳаллий жамоаларнинг ишлаб чиқариш салоҳияти унчалик кучли эмас эди. Ундан ташқари, аҳолининг сони ҳам кўп меҳнат сарфланадиган йирик дарёлар воҳаларини ўзлаштириш даражасида кўп эмас эди. Шунинг учун ҳам аҳоли дастлаб ўзлаштирилиши осон бўлган тоғ олди ҳудудлари ва кичик дарё воҳаларини танлаганлар.

Ўтроқ аҳоли томонидан ҳосилдор воҳаларнинг жадаллик билан ўзлаштирилиши натижасида сўнгги бронза даврига келиб деҳқончилик воҳалари янада кенгайиб боради. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан хулоса чиқарган Ш.Б.Шайдуллаевнинг фикрича, сўнгги бронза даврига келиб Шимолий Бақтриянинг деҳқончилик воҳаларига бўлиниши қуйидагича:

1. Шеробод воҳаси (Улонбулоқсой ва Шеробод деҳқончилик туманларини ўз ичига олади, воҳанинг маркази Жондавлаттепа).
2. Бойсун воҳаси (Бандихон, Миршоди, Сангардак — Тўпаланг деҳқончилик районларини ўз ичига олади, воҳанинг маркази Қизилтепа кўҳна шаҳри).

3. Сурхон воҳаси (Ўрта Сурхон ва Термиз атрофлари деҳқончилик районларини ўз ичига олади, воҳанинг маркази Ҳайитободтепа кўҳна шаҳри).
4. Кофирниҳон воҳаси (ўнг қирғоқ Кофирниҳон, ўрта Кофирниҳон, Вахш деҳқончилик районларини ўз ичига олади, воҳанинг маркази Қалаи Мир кўҳна шаҳри).
5. Панж воҳаси (воҳанинг маркази Бойтудашт кўҳна шаҳри).

Ўрта Осиёнинг шимоли — шарқий ҳудудлари, хусусан, Фарғона водийсида бронза даври бошқа ҳудудларга нисбатан тарихий тараққиёт нуқтаи назаридан ўзига хос бўлиб унда архаик элементлар узоқ давр мобайнида сақланиб қолган. Водийдаги бронза даврига оид бўлиб Чуст маданияти номи билан маълум ва машҳур бўлган деҳқончилик маданиятини тадқиқотчилар турли йилларда гоҳ бронза, гоҳ илк темир даври билан саналаб келдилар.

Шоҳимардонсой — Марғилонсой ҳамда Косонсой ҳавзаларида олиб борилган кейинги йиллардаги археологик — палеографик изланишлар Фарғона водийсининг суғорма деҳқончилиги тарихига бирмунча аниқликлар киритиш имкониятини берди. Мисол учун, тадқиқотлар натижаларига кўра, Косонсойнинг қуйи оқимида Ахсикент воҳасининг асосий қисми мил. авв. X—IX асрларда ўзлаштирилган бўлиб, Эски Акси ёдгорлиги ҳудудида деҳқончилик манзилгоҳи бўлганлиги аниқланди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Фарғона водийсидаги айнан шунга ўхшаш кўплаб манзилгоҳларнинг (маълум ҳудудлардаги) маркази Далварзин бўлган бўлиши керак. Далварзин илк шаҳар сифатида Фарғона водийсидаги дастлабки давлатнинг пойтахти бўлган бўлиши ҳам мумкин.

Бугунга қадар олиб борилган археологик маълумотларни солиштириб ва таҳлил қилиб хулоса чиқарадиган бўлсак, Фарғона водийсида қадимги деҳқончилик маданияти мил. авв. II минг йилликнинг сўнгги чорагидан бошланади. Асосан деҳқончилик билан шуғулланган Чуст маданиятига оид манзилгоҳлардан деҳқончилик билан боғлиқ кўплаб ашёлар топилган. Бу маданият аҳолиси бронза даврида асосан деҳқончилик учун қулай ерларни ўзлаштирадилар. Фарғона водийсида бу даврдаги аҳолининг сув бўйидаги унумдор ҳудудларни

ўзлаштирганликларига қараб қуйидаги воҳа — районларга ажратилади:

1. Говасой воҳаси ва Кўксараксой бўйлари.
2. Косонсой воҳаси.
3. Қорадарёнинг чап қирғоғи.
4. Хўжаобод ва унинг яқин атрофидаги ҳудуд.
5. Аравонсой воҳаси.
6. Оқбурасой воҳаси.
7. Толдиқсой ва унинг ирмоқлари бўйлари.
8. Қорадарё ва Ясси оралиғидаги воҳа.
9. Аравонсойнинг юқори оқими ва Қирғиз — Отасой бўйлари.

Мил. авв. I минг йилликнинг бошларига келиб Ўрта Осиё қадимги хўжаликларида сезиларли ўзгаришлар бўлиб ўтади. Темирнинг ҳаётга жадаллик билан кириб келиши ва кенг тарқалиши натижасида алоҳида жамоаларнинг ишлаб чиқарувчилик салоҳияти жадаллашади. Қатор ҳудудларда маданий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берувчи ҳамда тарихан бир — бири билан боғлиқ бўлган хўжалик юритиш усуллари шаклланади. Бу даврдаги деҳқончилик ва чорвадор қабилаларнинг жойлашуви аввало, табиий шароитнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ эди.

Даставвал, аҳоли жойлашув ҳудудлари яққол кўринадиган Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларига назар ташлайдиган бўлсак, илк темир даври бу ҳудуд аҳолиси аниқ тарихий — маданий жойлашувга эга эди. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, бу даврда Мурғобнинг қуйи оқимларида, Балхобда, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳалари ҳамда уларга қўшни бўлган ҳудудларда аҳоли жойлашувининг ўтроқ шакли кузатилади. Археологик тадқиқотлар маълумотларига таянган А.Сагдуллаев илк темир даври Ўрта Осиёнинг жанубидаги аҳоли жойлашуви районларини қуйидаги гуруҳларга ажратади:

1. Дарё — сойлар соҳилларида марказлашган тоғ олди районларининг кўп сонли манзилгоҳлари.
2. Сой (ёки канал) ёки бевосита йирик дарё ирмоғи бўйида жойлашган тоғ олди ҳудудлари районларининг битта — иккита манзилгоҳлари.

3. Мурғоб, Зарафшон, Балхоб дарёлари этаклари ва ирмоқлари ҳавзаларидаги манзилгоҳларнинг зич жойлашув районлари.
4. Ўрта Зарафшон ва Қашқадарёнинг ўрта оқими ҳудудларидаги географик жиҳатдан қулай бўлган (баланд адирлар, қум барханлари бўлмаган) дарё текисликлари районлари.

Ҳозирги кунга келиб Шимолий ва шимоли—шарқий Афғонистон, Жанубий ва Жануби—Ғарбий Туркменистон, Жанубий Тожикистон ва Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида илк темир даврига оид кўп сонли ўтроқ аҳоли манзилгоҳлари аниқланган. Ушбу манзилгоҳлар ўзига хос аҳоли жойлашув районларини ташкил этиб, уларнинг кўпчилиги дастлабки шаҳар марказлари эди. Уларнинг барчасида ўзлаштирилган майдонлар ва суғориш тартибидан ташқари турар—жойлар ва манзилгоҳлар, ўзлаштирилмаган ерлар ва яйловлар мавжуд бўлиб, энг муҳими бу ерларда аҳоли фаолият кўрсатган. Ушбу жойлашув районларини белгиловчи белгилар биринчи навбатда, табиий—географик, ижтимоий—иқтисодий ва маданий омиллар билан боғлиқ эди.

Бу омилларни жамият тараққиётига қай даражада таъсир этишини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, табиий—географик нуқтаи назардан аҳоли марказлашган район—ҳудуд доимо аҳоли жойлашуви ҳамда одамлар жамоалари яшаш учун моддий шарт—шароитлар яратилган географик кенглик сифатида шаклланади. Ушбу географик кенгликда инсон турмуш тарзи учун ўта зарур бўлган шарт—шароитлар—сув манбалари, яйловлар, қурилиш хом ашёси, қурилиш учун қулай жойлар кабилар мавжуд бўлади. Бир ҳудудда узоқ яшаш натижасида одамлар ўзлари учун моддий ва маънавий шароит яратиш билан бирга ҳудудларга таъсир ўтказиб унинг табиий—географик шароитларини мумкин қадар ўзларига мослаб оладилар. Географик муҳит одамларнинг турмуш тарзи, маданияти ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятига кучли таъсир кўрсатсада, ижтимоий—сиёсий тараққиётга деярли таъсир кўрсатмайди.

Ижтимоий—иқтисодий нуқтаи назардан аҳоли районлашуви жараёнлари шунда кузатиладики, бу жараёнда марказ—район ҳудуди меҳнат ва ишлаб чиқариш объекти,

ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари марказлашган жой, хўжалик, маданий ҳамда бошқа ижтимоий муносабатлар маркази ҳисобланади.

Район — марказлашувнинг маданий омиллари нуқтаи назаридан таҳлил этсак, бу жараёнда ҳар бир ўзига хос район шу ҳудудда мавжуд бўлган манзилгоҳлар ва турли кўринишдаги турар—жойлар, диний ва ҳунармандчилик иншоотлари, ишлаб чиқариш ва турмушда ишлатиладиган буюмлар — меҳнат қуроллари, жанговар қуроallar, тақинчоқлар, сопол идишлар мавжудлиги ҳамда турмуш тарзининг юқори даражаси ва мавкуравий тасаввурларнинг ривожланганлиги билан изоҳланади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, «районлашув», «марказлашув», «район—воҳа», «район—марказ» атамалари фикримизча, қадимги ўтроқ аҳоли жойлашуви тартибини у ёки бу даражада нисбатан тўлиқроқ ўзида акс эттиради. Бу ўринда албатта, аҳолининг бир ҳудудда зич ёки тарқоқ жойлашуви тартибини ҳам ҳисобга олиш зарур. Аҳоли бир ҳудудда нисбатан зич жойлашган ҳудудлар учун «район—марказ», нисбатан тарқоқ жойлашув ҳудудлари учун «район—воҳа» атамасини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, аҳоли жойлашуви район—воҳаларнинг маълум маънодаги ҳам ички, ҳам ташқи чегаралари мавжуд эди. Ички чегаралар асосан мавжуд аҳоли манзилгоҳларининг ўзига хос хусусиятлари билан (ҳудудлари, режавий тузилиши, турар—жойларнинг жойлашиши) боғлиқ бўлса, ташқи чегаралар ҳудудлар оралиғида жойлашган ўзлаштирилмаган ерлар орқали белгиланган. Бундай ерларга маълум жамоалар эгалик қилишга улгурмаган ёки улар ўзлаштирилиши қийин бўлган (адир, дашт ва бошқ). Атроф муҳит ҳақида турли маълумотлар тўплаш, аҳоли сонининг доимий ўсиб бориши ва ниҳоят, янги ерларни ўзлаштиришга бўлган интилишлар аҳоли яшаш ҳудудлари дастлабки чегараларининг кенгайиши ва ўзгариб туриши учун жиддий асос бўлиб хизмат қилган.

Шундай қилиб, аҳоли жойлашувининг ҳудудий районлашуви дастлабки шаҳар марказларнинг кейинги тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлди. Қадим даврлардаёқ айрим қабилалар ёки қабила гуруҳларининг

ўзига хос услубда бир ерда ўтроқ марказлашуви натижасида ҳудудий бирлик юзага келиб илк шаҳарлар ушбу ҳудудий бирликнинг марказлари сифатида тараққий этади. Шаҳарлар тараққиёти натижасида аҳоли жойлашувининг географик чегаралари яққолроқ кўрина бошлайди. Ундан ташқари ҳудудий бирлик—маданий, этник ва тил бирлиги учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, ҳудудий бирлик кўринишидаги аҳоли жойлашувининг районлашуви ижтимоий—иқтисодий, маданий—сиёсий муносабатларнинг кенг миқёсда тараққий этиши учун ҳам жиддий аҳамиятга эга бўлдики, ушбу жараён дастлабки шаҳар—марказлардаги ўзига хос маданиятни белгилаб берувчи тараққиёт босқичлари учун асос бўлиб хизмат қилди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан хулоса чиқариб, Ўрта Осиё ўтроқ аҳоли жойлашуви районларини ўзига хослиги ва тараққиёт хусусиятларига қараб қуйидаги гуруҳлар ва даврларга ажратиш таклиф этилади:

1. Жанубий Туркменистон неолит—энеолит даври аҳолисининг Копетдоғ этаклари ва Мурғоб дарёси воҳаларида марказлашуви (мил. авв. VI—III минг йиллик бошлари).
2. Сурхон ва Ўрта Амударё воҳаларида ҳамда Зарафшон воҳаси бронза даври аҳоли жойлашув ҳудудлари (мил. авв. III—II минг йилликлар).
3. Хоразм, Бухоро воҳаси (мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми).
4. Фарғона водийси сўнгги бронза ва илк темир даври аҳоли жойлашув районлари (мил. авв. II минг йиллик сўнгги чораги — I минг йиллик бошлари).
5. Сўнгги бронза ва илк темир даври Сурхон, Балхоб, Кофирниҳон, Панж, Зарафшон, Қашқадарё воҳалари аҳоли жойлашув район—марказлари ҳамда уларда илк шаҳарларнинг тараққий этиши (мил. авв. II минг йиллик ўрталаридан I минг йиллик ўрталаригача).

Таянч сўзлар

Ҳудудий районлашув белгилари, районлашув даврлари, бронза даври маданиятлари, воҳа бўлиб жойлашув янги

ижтимоий – иқтисодий муносабатлар, жойлашув тартиби, ўтроқ хўжаликлар, кўчманчи жамоалар, ўтроқ аҳоли ва кўчманчилар муносабатлари, воҳа тизими, жойлашуви районлари, географик кенглик, марказ – район, район – воҳа, ички чегаралар, ташқи чегаралар, жамоа ер эгаллиги, ҳудудий бирлик, маданий бирлик, этник ва тил бирлиги.

Савол ва топшириқлар:

1. Ўрта Осиёдаги дастлабки шаҳар марказлари ва ўчоқлари қайси даврларга бўлинади ва бу даврларга изоҳ беринг?
2. Ўрта Осиё қадимги манзилгоҳлари ривожланишининг воҳа тартибини Қадимги Шарқ ҳудудлари билан қиёсий таҳлил асосида сўзлаб беринг.
3. Тарихий географиянинг долзарблиги ва унинг аҳамияти ҳақида батафсил сўзлаб беринг.

2–Мавзу. Ўрта Осиёда бронза даври маданиятлари ва илк шаҳармонанд маданиятларнинг ривожланиши тарихи

1–§. Металлдан фойдаланишга ўтилиши. Бронза даврининг тарихий – маданий таснифи.

Дастлабки металлнинг кашф этилиши ва хўжалик ҳаётига жадаллик билан кириб келиши жамият тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлди. Ўрта Осиё ҳудудларида дастлабки металлнинг пайдо бўлиши ва ёйилиши бронза даври маданиятлари хусусида турли йилларда С.П. Толстов, Б.А. Куфтин, Б.А. Литвинский, В.М. Массон, В.И. Сариниди, И.Н. Хлопин, А.А. Асқаров, Т.Ш. Ширинов, Л.Б. Кирчо ҳамда қатор хорижлик олимлар тадқиқот ишлари олиб борган бўлиб, ушбу тадқиқотлар натижасида мил. авв. III – I минг йиллик бошларидаги тарихий – маданий жараёнларга кўплаб аниқликлар киритиш имкониятлари пайдо бўлди.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, Месопотамия ва Олд Осиёда дастлабки металлдан (мисдан) фойдаланишга ўтилиши (энеолит даврининг бошланиши) илк шаҳар— давлатларининг вужудга келиши билан изоҳланади. Мил.авв. IV минг йилликнинг иккинчи ярмига келиб, Қадимги Шарқнинг маданияти юқори даражада ривожланган ўчоқларида ва илк давлатларида мисдан ишланган меҳнат куроллари ва зеб—зийнатлар кенг тарқалади.

Ўрта Осиёда дастлабки металлнинг пайдо бўлиши Жанубий Туркменистон ҳудудлари билан боғлиқдир. Бу ҳудудларда мил.авв. IV—II минг йилликларга оид археологик ёдгорликлар кўп бўлиб, ушбу археологик ёдгорликларнинг хронологияси бутун Ўрта Осиё неолит—энеолит—бронза даври мажмуаларини тадқиқ этиш ва улардаги топилмаларни саналашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Жанубий Туркменистон археологик топилмаларининг стратиграфик устуни (колонка) Р.Пампеллининг Ановда қазишмалар ўтказган экспедицияси пайтида тузиб чиқилган эди. Бу жараёнда бирин—кетин бир—бирини алмаштирувчи тўртта—Анов I—IV мажмуалари ажратилган эди. Ушбу даврлаштириш тадқиқотчилар томонидан кўплаб мунозараларга сабаб бўлишига қарамай ўтган асрнинг ўрталарига қадар ундан фойдаланиб келинди. 1949—50 йилларда Б.А.Литвинскийнинг Номозгоҳтепадаги қазишмалари туфайли ушбу ёдгорликлар кўлами янада кенгайди.

1952 йилда Б.А. Куфтин Копетдоғ тоғ олди ҳудудларидаги ёдгорликлар хронологик тартибини тузиш учун махсус тадқиқот ишлари олиб борди. Асосий стратиграфик ишлар шу ҳудудлардаги йирик, маданий қатлами 34 метр бўлган Номозгоҳтепада олиб борилди. Ушбу тадқиқотлар натижасида тадқиқотчи кетма—кет келувчи олти мажмуани—Номозгоҳ I—VI ни аниқлади. Унинг фикрича, Анов I ва Номозгоҳ I илк энеолит, Номозгоҳ II ўрта энеолит, Номозгоҳ III сўнгги энеолитга, Номозгоҳ IV, V, VI эса илк, ривожланган ва сўнгги бронза даврларига оиддир.

1956 йилда В.М.Массон ушбу мажмуалар топилмаларини қўшни Эрондаги топилмалар билан қиёсий таҳлил асосида қуйидаги хронологияни таклиф этди:

Жойтун ва Анов I—мил.авв. V минг йиллик, Номозгоҳ I, II—мил.авв. IV минг йиллик, Номозгоҳ III—IV—мил. авв. III минг йиллик, Номозгоҳ V—мил.авв. II минг йилликнинг биринчи ярми, Номозгоҳ VI—мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмига оиддир.

Шунингдек, В.М. Массоннинг фикрича, Жанубий Туркманистондаги илк энеолит мажмуи Анов I нинг пайдо бўлиши Копетдоғ тоғ олди ҳудудларидан турли қабилалар гуруҳларининг кириб келиши билан боғланади. Тадқиқотлар натижаларидан хулоса чиқарар эканмиз, Жанубий Туркманистон жамиятида бу даврдаги янгилик шундан иборат эдики, аҳоли турмуш тарзида мис ва хом ғишт пайдо бўлиб манзилгоҳлар аниқ режавий тузилишга эга бўлади, сопол идишларнинг сифати яхшиланиб нақшларида янги услублар шаклланади ҳамда тўқимачилик пайдо бўлади.

Ушбу ҳудудларнинг асосий ишлаб чиқариш иқтисодиёти кўп ҳолларда ўтроқ суғорма деҳқончилик бўлиб хўжалик ҳаётида чорвачилик ҳам етакчи аҳамиятга эга эди. Тарихий—маданий тараққиёт натижасида мил.авв. IV—III минг йилликларга келиб алоҳида манзилгоҳларда яшовчи аҳолининг унчалик мураккаб бўлмаган суғориш тартиби пайдо бўладики, бу ҳолат сунъий суғоришнинг ривожланишига асос бўлди.

Жанубий Туркманистон энеолит даври аҳолиси маданияти шу даврга оид қазилмалар бошланган ёдгорлик номи билан Анов маданияти деб юритилади. Мил. авв. IV минг йилликдаёқ ушбу маданият соҳиблари Копетдоғ тоғ олди ҳудудларидаги каттагина ерларни ўзлаштира бошлайдилар. Мил. авв. IV минг йилликда Тажан дарёси этакларида марказий манзилгоҳи Геоксюр I бўлган алоҳида воҳа шаклланади. Тадқиқотлар натижаларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, бир томондан манзилгоҳларнинг мавжудлиги ва жойлашуви далаларни суғориш учун фойдаланиладиган сув манбалари тартибига боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам даставвал тоғ олди ҳудудларида асос солинган манзилгоҳлар шароити нисбатан яхши эди. Иккинчи томондан, суғориш тартибининг мураккаблашуви ва мана шундай тартиб ичида ишлаб чиқариш фаолиятини барқарорлаштириш зарурияти аҳолининг маълум ҳудудларда зич жойлашувини талаб этар эди. Бу ҳолат эса

айрим воҳаларда нисбатан йирик марказлар ҳамда уларга қарашли бўлган кичик манзилгоҳларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Бу даврда Копетдоғ тоғ олди текислигининг энг йирик манзилгоҳлари Номозгоҳдепа (50 гектардан зиёд) ва Олтиндепа (25 гектар) эди. Тадқиқотчиларнинг тахминича, асосий хусусиятларига кўра улар сўнгги энеолит даврида шаклланиб бўлган эди. Шунингдек, Улуғдепа (20 гектар), Қорадепа (15 гектар), Геоксюр (12 гектар) каби йирик марказлар ҳам мавжуд эди. Энеолит даврининг охирларига келиб манзилгоҳларнинг баъзиларида ҳаёт тўхтайдик, бу ҳолат экологик сабаблар ҳамда алоҳида йирик марказларнинг тараққий этиши билан изоҳланади.

Энеолит даврида Жанубий Туркменистон ҳудудларида манзилгоҳлар қурилишининг эволюцияси кузатилади. Яъни, бир хонадан иборат бўлиб, тартибсиз жойлашган уйлاردан, кўчаларга бўлинган маҳаллаларни бирлаштирувчи кўп хонали уйлар, айрим ҳолларда манзилгоҳ марказида марказий майдон пайдо бўлса, ўрта энеолит давридан бошлаб содда ҳолатдаги ҳимоя иншоотлари пайдо бўлганлиги аниқланган. Ундан ташқари катта оилали жамоаларнинг махсус ўчоқлари бўлган ўзига хос диний марказларнинг излари ҳам топилган. Сўнгги энеолит даврига келиб айрим манзилгоҳларда марказлашган диний марказлар пайдо бўлади.

Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳудудларида бўлгани каби Туркменистонда ҳам бронза даври (мил. авв. III—II минг йиллик) деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг жадаллик билан ривожланиши орқали изоҳланади. Шунингдек, бу даврда жамиятнинг ижтимоий табақаланиш жараёнлари ҳам ривожланади. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, ушбу тарихий давр илк, ривожланган ҳамда сўнгги бронза даврларига бўлинади. Ушбу даврлар моддий маданият тараққиёт даражасининг ўзига хослиги ва ривожланиш босқичлари билан бир — биридан фарқланади. Бу тарихий давр аҳолиси турли металллар аралашмаси натижасида ҳосил бўладиган бронзани кашф этадилар. Бронза — кимёвий хусусиятлари жиҳатидан мустаҳкам ва қаттиқ металл бўлиб, у қадимги хўжаликлар тараққиёти учун юксак аҳамиятга эга бўлди.

Жанубий Туркманистон ёдгорликларидан топилган кўп марта ишлатиладиган мис эритувчи хумдонлар, маъданларни майдалайдиган кўп сонли тош қуроолар ҳамда металл буюмларни боғлайдиган қурооларнинг топилиши илк бронза давридаёқ металлчилик ишлаб чиқаришининг алоҳида ажралиб чиқганлигидан далолат беради. Бу даврда илк шаҳарлар пайдо бўлишида муҳим омил ҳисобланган ҳунармандчиликда кулолчилик чархининг пайдо бўлиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Илк бронзанинг охирларига келиб барча сополлар кулолчилик чархида тайёрлана бошланиб, сополлардаги нақшлар йўқола бошлайди. Ривожланган ва сўнгги бронза даврига келиб Копетдоғ тоғ олди текисликларидаги ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида кулолчилик соҳаси гуллаб яшнайти ва сополлар бутунлай кулолчилик чархида ҳеч қандай нақшларсиз ишлаб чиқарилади. Кўпчилик манзилгоҳларда кулоллар яшаб фаолият кўрсатган маҳаллалар аниқланган.

Панжикент шаҳридан 15 км ғарбда ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳи харобалари бўлган Саразм ёдгорлиги жойлашган. Ўтган асрнинг 70—йилларидан бошлаб ушбу ёдгорликда тадқиқотлар олиб борилиши натижасида нафақат юқори Зарафшон, балки, бутун Ўрта Осиё ҳудудларида энеолит — бронза даврида бўлиб ўтган тарихий—маданий жараёнлар, иқтисодий ва маданий алоқалар масалаларига даврлаштириш ва хронология муаммоларига кўпгина аниқликлар киритилди.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, Саразм пайдо бўлган даврдан бошлабоқ Қадимги Шарқ цивилизацияси марказлари билан узвий алоқада бўлган. Дастлабки босқичда, яъни, Саразм маданияти пайдо бўлиб шаклланаётган даврда Жанубий Туркманистон ёдгорликлари ҳал қилувчи рол ўйнайти. Саразм манзилгоҳининг иккита пастки қатламларидан топилган Номозгоҳ III ва Геоксюр I кўринишидаги энеолит сополлари ва бошқа моддий маданият буюмлари ушбу жараённи тасдиқлайди. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Фарғона водийсидан то Жанубий Туркманистонгача бўлган (жануби—шарқий ва жануби—ғарбий Ўрта Осиё) ораликдаги ҳудудлардан жуда кўп сонли энеолит ва бронза даврига оид ёдгорликлар топиб

ўрганилган. Тарихий—маданий ривожланиш босқичларига қараб ушбу ёдгорликлар икки гуруҳга бўлинади:

1. Ўтроқ деҳқончилик маданияти ёдгорликлари (Жанубий Туркменистон, Жанубий Ўзбекистон, Зарафшон ва Фарғона водийлари).

2. Бронза даври дашт маданияти ёдгорликлари (Тозабоғёб, Замонбобо, Мўминобод, Оқтанга, Қайроққум). Ушбу маданиятлар ўртасида узвий алоқалар мавжуд эдики, бу ҳақда махсус бобда тўхталиб ўтамиз.

Мил. авв. II минг йилликка келиб Мурғоб дарёси ҳавзаси ҳамда Амударёнинг ўрта оқими ҳудудларида юқори даражада ривожланган ўтроқ деҳқончилик маданиятлари шаклланади. Кейинчалик қадимги Бақтрия ва Марғиёна таркибига кирган бу ҳудудлардан ҳозирги кунга қадар 200 дан зиёд бронза даври ёдгорликлари топиб ўрганилган. Улар орасида нисбатан яхши ўрганилганлари Гонур, Дашли, Келли, Сополлитепа, Жарқўтон, Тўғолоқ, Молали кабилар бўлиб, кўпчилик тадқиқотчилар Бақтрия ва Марғиёна ушбу давр манзилгоҳларини иккита асосий гуруҳга: истеҳкомли манзилгоҳлар ва истеҳкомсиз манзилгоҳлар гуруҳларига ажратадилар.

Ушбу ҳудудларда илк шаҳарларнинг асоси ҳисобланган мустаҳкамланган қалъаларнинг пайдо бўлиши ҳарбий ҳавф — хатар туғилган пайтда бошпана вазифасини бажариш жараёни билан боғлиқ бўлиб, шунингдек, қалъалар қадимги деҳқонлар жамиятида чуқурлашиб бораётган ижтимоий табақалашув жараёнларини ўзида акс эттирган. Қалъаларнинг ички ҳудудлари турли услубларда бунёд этилган. Мисол учун, Гонур 1 нинг шимолий қалъасида яқка режа асосида қурилган катта зал ва бир — бирига ўтиладиган қатор уйлар (анфилада) очилган. Қалъанинг айланма йўлагида, қалъа деворининг ички қисмида бир — биридан аниқ масофада жойлашган тўртбурчак шаклидаги бир томони девордан чиқиб турган устун (пилястра) жойлашган. В.И. Сариянининг фикрича, ушбу қалъада маҳаллий ҳокимнинг саройи жойлашган. Айрим қалъалар, масалан, Тўғолоқ 21 ибодатхона вазифасини бажарган бўлиб, диний байрамлар кунларида бутун Марғиёна қоҳинлари шу ерга тўпланганлар.

Сополлитепа қалъасининг ичида тор кўчалар билан ажратилган 8 та турар—жой маҳаллалар жойлашган. Марказий ҳудудда қурилишлар қурилмаган. Қалъаларнинг жанубий томонида жойлашган кириш қисмидан катта ва кенг кўча бошланиб марказга келади. Сополлитепанинг турар—жойлари уйларда ва маҳаллаларда жойлашган ишлаб чиқариш устахоналари бўлган оддий қурилишлардан иборат. А.А. Асқаровнинг фикрича, бу ерда иқтисодий жиҳатдан бир—бири билан боғлиқ бўлиб ягона жамоага бирлашган 8 та оила турмуш тарзи кечирган.

Умуман олганда бронза даврида Марғиёна ва Бақтрия—аҳоли зич жойлашган ҳудудлардан иборат эди. Манзилгоҳларнинг жойлашуви ва хусусиятлари илк деҳқонлар турмуш тарзининг юқори даражасини акс эттириб, урбанизация жараёнларининг жадаллашувидан, маъмурий—мафкуравий марказлар ва маҳобатли меъморчиликнинг пайдо бўлганлигидан, ҳунармандчиликнинг алоҳида ажралиб чиқиш жараёнларидан далолат беради. Тадқиқотлар натижаларини таҳлил этиб шундай хулоса чиқариш мумкинки, ушбу катта ҳудудларда ўтроқ деҳқончилик қабилалари иттифоқлари яшаганлар. Воҳалар эса, бу жараёнда шаҳар—давлатлар ёки ном уюшмалари сингари сиёсий бирлашмалар барпо этиш йўлидан ривожланиб борган.

Мил. авв. II минг йиллик бошларига оид Қадимги Хоразмда (Жанубий Орол бўйида) унчалик катта бўлмаган ёдгорликлар гуруҳи ажратиладики, улар фанда Қамишли ёдгорликлар гуруҳи деган ном олган. Ушбу ёдгорликларнинг келиб чиқиши жанубдан бўлган кучли таъсир натижасида сўнгги Калтаминор неолит мажмуалари билан боғланади. Ясси тагли идишлар, ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтиш ва металл билан танишув Қамишли ёдгорликлари учун хосдир. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Қамишли мажмуалари бронза даври Жанубий Орол маҳаллий Сувёрган маданиятининг бошланғич босқичи ҳисобланади.

Қадимги Хоразм маконларидан катта қисми Жанубий Уралолди аҳолисининг келиши натижасида пайдо бўлган Тозабоғёб маданияти қабилаларига тегишли бўлиб, бу ҳудудлар Ёғочбанд ва Андроново қабилаларининг аралашув зонаси ҳисобланади. Келгиндилар кўп ҳолларда Қадимги

Хоразм қабилалари билан аралашиб кетадилар. Ушбу жараёнлар натижасида пайдо бўлган Тозабөгёб маданиятида Ёғочбанд, Андроново ва илк Сувёрган таркибий қисмлари (компонентлари) ажралади. Тозабөгёб маданияти ривожланишида учта кетма – кет келувчи хронологик босқич: илк (мил.авв. XV – XIV асрлар), ўрта (мил.авв. XIV – XII асрлар) ва сўнгги (мил.авв. XIII – XII ёки XII – XI асрлар) босқичлар ажратилади.

Тозабөгёбликлар шароитта қараб мослашган ҳолда қадимги Амударё ирмоқларининг ички ҳавзалари ҳудудларида жойлашадилар. Бу ҳолат ўз навбатида ҳосилдор ҳавзаларда деҳқончиликни ва мавсумий ўтлоқларда чорвачиликнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар туғдиради. Тозабөгёб манзилгоҳлари ёнларидан суғориш каналларининг излари аниқланган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, хўжалиқда деҳқончилик йўналиши ва суғориш тартибининг мавжудлиги Тозабөгёб маданиятини бронза даври Евросиё дашт маданиятидан кескин ажратиб туради.

Хуллас, металл ишлатилишга ўтилиши қадимги ижтимоий – иқтисодий тараққиётни тезлаштиргани туфайли Ўрта Осиё дашт ва тоғ олди ҳудудларида яшаган аҳоли бошқа аҳолидан (деҳқонлардан) ажралиб чиқади ва чорвачилик билан машғул бўлади. Бу тарихий жараён – кишилиқ жамияти тараққиётидаги дастлабки йирик меҳнат тақсимооти бўлиб, илк шаҳарлар пайдо бўлиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Таянч сўзлар

Дастлабки металл, неолит – энеолит – бронза, мис, Анов, Номозгоҳ, ишлаб чиқариш иқтисодиёти, манзилгоҳлар қурилиши эволюцияси, марказлашган диний марказлар, металл аралашмаси, кулолчилик чархи, ўтроқ маданият, дашт маданияти, қалъалар, анфилада, пиястра.

Савол ва топшириқлар:

1. Металлнинг кашф этилиши ва ишлаб чиқаришга жорий этилиши қандай тарихий аҳамиятга эга бўлди?
2. Ўрта Осиёнинг жанубида металл ишлатилишга ўтилиши ҳақида сўзлаб беринг.
3. Бронза даври хусусиятлари ҳақида нималар биласиз?

2-§. Бронза даври маданиятларининг жамият тараққиёти кейинги даврига замин яратиши. Тарихий-маданий вилоятлар.

Бронза даврига келиб Ўрта Осиёнинг кенг ҳудудларида, хусусан унинг жануби ва унга туташ бўлган ҳудудларидаги анъанавий деҳқончилик туманларида шу ҳудудларга хос бўлган суғорма деҳқончилик воҳалари шаклланади. Кўпчилик тарихий – илмий адабиётларда Ўрта Осиё қадимги тарихининг бронза даври шартли равишда мил. авв. III – II минг йилликларни ўз ичига олади. Айнан мана шу даврда минтақада шаҳарсозлик маданияти шаклланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу даврга оид дастлабки ёдгорликлар ўтган асрнинг бошларида Жанубий Туркманистон (Ановнинг пастки қатламлари, Номозгоҳдепа) ҳудудларидан очилган бўлса, ўтган давр мобайнида бутун Ўрта Осиё ҳудудларидан бу даврга оид жуда кўплаб ёдгорликлар очилиб ўзига хос маданиятлар тараққиёти тадқиқ этилди. Айнан мана шу ўзига хос маданиятлар ҳудудий ривожланишни бошдан кечирдилар. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бу давр – Ўрта Осиёнинг кенг дашт ҳудудларида овчилик – чорвачилик хўжалиги нисбатан устун бўлган дашт қабилаларининг жойлашуви ҳамда Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида юқори даражада ривожланган ҳунармандчиликка эга бўлган ўтроқ деҳқончилик қабилаларининг ёйилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, ибтидоий деҳқончилик бронза даврининг бошларида ўзининг биринчи босқичини босиб ўтади. Дастаки сўқанинг (мотига) ишлатилиши ва ибтидоий омовнинг пайдо бўлиши Ўрта Осиёнинг табиий шароити қулай бўлган тоғ олди ҳамда дарё воҳалари ҳудудларида деҳқончиликнинг жадаллик билан ривожланиши учун кенг имкониятлар яратди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак, анъанавий деҳқончилик ҳудудларида бронза даври ўз ривожланишининг иккита даврини бошдан кечиради. Биринчи давр – маҳаллий ўтроқ деҳқончилик маданиятининг ривожланиши ва гуллаб-яшнаши, илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши даври. Аммо, қадимги Шарқнинг кенг ҳудудларида бўлгани каби Ўрта

Осиё илк деҳқончилик жамоалари ривожланишининг биринчи даврида ўз тараққиётининг юқори чўққисига чиқа олмади. Аксинча, тўсатдан тушкунликка ўтиб инқирозга юз утди. Инқироз ҳолатининг аста – секинлик билан бартараф тилиши эса иккинчи давр учун хос хусусиятдир.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ўрта Осиёнинг жануби – арбидаги бронза даври илк деҳқончилик қабилалари араққиётининг биринчи даври Номозгоҳ IV ва Номозгоҳ V мил.авв. III – II минг йилликнинг биринчи ярми) даврларига ўғри келади. Иккинчи давр эса (инқироздан кейинги ривожланиш ва тараққиёт) Номозгоҳ VI даврига тўғри келади. Биринчи даврда бронза даври ўтроқ деҳқончилик қаданияти ёдгорликлари ўзлаштирилган ҳудудларда тарқалган бўлса, иккинчи даврда қадимги ироатчиларнинг Шарққа – Мурғоб воҳаси ҳамда Бақтрияга тенг ҳудудий жойлашуви бўлиб ўтади. Илк шаҳар цивилизацияси соҳиблари бўлган айрим қабила гуруҳлари эса мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарида Зарафшон воҳасига кириб келадилар.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, илк ва ривожланган бронза даври манзилгоҳларини икки турга бўлиш мумкин: майдони 10 ва ундан ортиқ гектар бўлган «марказ» манзилгоҳлари ва майдони 1 – 0,25 гектар бўлган «қишлоқ» манзилгоҳлари. Биринчи гуруҳдаги ёдгорликлар қрасида ўлчамлари бўйича ҳам, археологик маълумотлар бўйича ҳам Олтиндепа ва Номозгоҳдепалар «пойтахт» манзилгоҳ сифатида ажралиб туради. Шунингдек, Туркманистон ҳудудларидаги Улуғдепа, Қарадепа ва Қауздепаларни ҳам йирик манзилгоҳлар сафига киритиш мумкин.

Ўрта Осиёдаги мил. авв. III – II минг йилликларга оид бўлиб кейинги давр тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган манзилгоҳлардан бири умумий майдони 70 гектарга тенг бўлган Номозгоҳтепа бўлиб, ёдгорликдаги Номозгоҳ IV ва V даврларидан жуда бой материаллар олинган. Номозгоҳ V даврига оид сопол идишлар ўзининг нафислиги билан ажралиб турадики, бу ҳолат илк деҳқончилик жамоалари сулоларининг нисбатан юқори ютуғидан далолат беради. Номозгоҳ IV даври қатламларининг қалинлиги 4 – 7 м. Бу даврда Номозгоҳнинг деярли барча ҳудудлари

ўзлаштирилади. Қазиишмалар натижасида тор кўчалар билан ажратилган кўп хонали уйлар очилган.

Номозгоҳдепа кўп хонали турар – жойлар марказлашган жой бўлиб қолмасдан ишлаб чиқариш фаолиятининг йирик маркази ҳам эди. Бу ердан топилган кўп сонли металл буюмлар ва мис қотишмалари металлсозликнинг тараққий этганлигидан далолат беради.

Номозгоҳ V даври – ривожланган бронза даврининг гуллаб – яшнаган даври, илк шаҳар кўринишидаги йирик манзилгоҳларнинг шаклланиши даври, кейинги ривожланиш палласига замин яратган давр ҳисобланади. Айнан мана шу даврда Ўрта Осиёнинг жанубида иккита йирик марказ – Номозгоҳтепа ва Олтиндепа шаклланади. Туркменистоннинг тоғ олди худудларидан ҳозирги кунга қадар маданий жиҳатдан илк шаҳарсозлик белгиларига яқин бўлган аломатларни ўзида акс эттирувчи кўп сонли кичик манзилгоҳлар очилган. Ановнинг жанубий тепалиги, Шўрдепа, Қаладепа, Тойчанақдепа каби қишлоқ манзилгоҳлари шулар жумласидандир. Ушбу ёдгорликлардан кўп сонли ва сифатли тайёрланган сопол идишлардан ташқари аёллар ҳайкалчалари, ҳайвонлар тасвирлари, араваларнинг лойдан ясалган шакллари, урчуқлар, кумуш ва бронза муҳрлар топиб ўрганилган.

Тадқиқотларнинг натижаларига кўра, ушбу манзилгоҳлар хўжалигининг асосини деҳқончилик ва чорвачилик ташкил этган. Йирик шаҳар марказлари ҳамда кичик манзилгоҳларда олиб борилган қазиишма ишларининг гувоҳлик беришича, улар ўртасида доимий маданий ва иқтисодий алоқалар мавжуд бўлиб, йирик марказларда ҳунармандчилик етакчи ўринда бўлган. Деҳқончиликда арпа ва дуккакли буғдой етиштириш асосий ўринда бўлиб, ушбу хўжалик тури сунъий суғоришга асосланган.

Ушбу даврдаги деҳқончилик маданияти билан чорвачиликнинг бирлиги хўжалик юритишнинг нисбатан самарали кўриниши ҳисобланади. Айниқса, металлчилик, металлни қайта ишлаш ва кулолчилик ишлаб чиқаришида катта ютуқлар қўлга киритилди. Бронза даври ҳунармандлари бу соҳалардаги фаолиятида сифатий технологик ўзгаришлар бўлиб ўтадики, бу ўзгаришлар кўп

қолларда ушбу ишлаб чиқаришнинг жамият тартибидаги янги ўрнини белгилаб беради.

Мил. авв. III минг йилликнинг охири II минг йилликнинг бошларида бронза даври илк шаҳар марказлари туманларида қандайдир инқирозий ҳолатлар бўлиб ўтадики, геоморфологик маълумотларга қараганда бу ҳол экологик вазият билан боғлиқ эди. Натижада илк шаҳар марказлари аста-секинлик билан инқирозга учрайди ва бўшаб қолади. Мисол учун ривожланган бронза даврида Олтиндепанинг бутун шарқий қисми, «зодагонлар маҳалласи» ва маҳобатли диний марказ ташлаб кетилган. Бу ердан вайронагарчилик ёки фалокат излари аниқланмаган. Афтидан, манзилгоҳ соҳиблари фақат керакли буюмларни олиб уйни ташлаб чиқиб кетганлар.

Тадқиқотлар натижаларига қараганда, сўнгги бронза даврига келиб ҳам (мил. авв. II—I минг йиллик бошлари) Ўрта Осиё ҳудудларида яшаган қабилалар маданияти ҳудудий ривожланишни бошдан кечиради. Бу ҳолат хўжалигида чорвачилик устунлик қилган дашт қабилаларининг кенг ҳудудлардаги дашт ва адирларда жойлашуви ҳамда илк шаҳарсозлик маданияти соҳиблари бўлган қадимги зироаткор қабилаларнинг тоғ олди ҳудудлари, дарё ва сойлар бўйларида пайдо бўлган кичик воҳаларда жойлашуви билан изоҳланади.

Археологик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, деҳқончилик ва чорвадор аҳоли ўзларининг маданий хўжалик ютуқларини ўзаро алмашган ҳолда доимий узвий алоқада бўлганлар. Ҳар иккала ҳудуд аҳолисининг доимий этник ва маданий алоқалари натижасида кейинги, яъни, илк темир даври жамияти нисбатан жадал ривожланиш палласига киради. Ҳар иккала ҳудуд соҳибларининг маданий хўжалик фаолияти, шубҳасиз, четдан таъсир қабул қилган ва қўшнилар маданиятининг ривожланишига ҳам айнан мана шундай таъсир ўтказган.

Ушбу жараёнларнинг барчаси айрим ҳолларда тинчлик (қадимги йўллар, ўзаро алмашув ва бошқ.) айрим ҳолларда ҳарбий—сиёсий вазият (кўпинча кўчманчиларнинг ўтроқ воҳаларга хужуми) орқали бўлиб ўтган. Ушбу ўтроқ ва чорвадор қабилаларнинг алоқалари охир оқибатда жамиятнинг жадаллик билан тараққий этишида муҳим

аҳамиятга эга бўлди. Бронза ва илк темир даври жамият тараққиётининг асосий белгилари – сунъий суғориш тартиби билан бевосита боғлиқ бўлган аграр хўжалик ва ҳунармандчиликдаги ютуқлар, чорвадор – деҳқончилик хўжалигидан яйлов чорвачилигига, ярим кўчманчи турмуш тарзига ўтиш ҳисобланади.

Мил. авв. II минг йилликка келиб Ўрта Осиёнинг тоғ олди сойлари, ҳавзалари ва дарё текисликлари кенгликларидаги катта ҳудудлар қадимги зироатчилар томонидан фасоллик билан ўзлаштирилиб борилади. Натижада аста – секинлик билан илк деҳқончилик ва ўтроқ чорвачилик манзилгоҳлари пайдо бўлиб унчалик катта бўлмаган воҳалар шаклланади.

Бронза даври илк деҳқончилик қабилалари маданиятини ўрганиш борасида Ўзбекистоннинг жанубидаги кўп сонли ёдгорликларда тадқиқот ишлари амалга оширилган. Ушбу ҳудудлардаги илк зироатчиларнинг моддий маданияти дастлабки топилган Сополитепа номи билан Сополли маданияти деб юритилади. Тадқиқотлар натижаларига кўра, Сополли маданияти – Ўзбекистон ҳудудларида ҳозирги кунга қадар маълум бўлган ҳунармандчилиги ва қурилиши юксак даражада ривожланган зироаткор аҳолининг қадимги маданияти ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг жанубидан ўтгиздан зиёд бронза даврига оид манзилгоҳлар ва мазор қўрғонлар очилган. Улардан кўпчилиги илк шаҳар маданияти ривожланишининг турли босқичларига оиддир. Сополитепа ёдгорлигида узоқ йиллар тадқиқот ишлари олиб борган археолог олим А.Асқаров ушбу манзилгоҳ топилмаларини Яқин ва Ўрта Шарқдаги шу даврга оид кўпгина ёдгорликлар топилмалари билан қиёсий солиштириш ва таҳлил асосида Сополитепани мил. авв. 1700 – 1500 йилларга оид деган хулосага келади. Ушбу сана кўпчилик тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган.

Мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарига келиб ўтроқ деҳқончилик жамоалари шимолий чегараларининг кенгайиши натижасида Сополитепа манзилгоҳи ўз аҳамиятини йўқотади ва аста – секинлик билан бу ерда ҳаёт тўхтайдди. Бу ҳудудлардаги асосий марказ мавқеи эса, тоғ

олди дарасидан чиқиш жойида мустаҳкам қалъа сифатида пайдо бўлган Жарқўтонга ўтади.

Мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмига келиб Жарқўтон Шимолий Бақтрия жамоаларининг таянч нуқтасига айланади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ҳисор тоғ олди ва Тожикистоннинг жанубий ҳудудларидан кейинги кўчишлар асосан Жарқўтон орқали ўтган. Ушбу жараённинг тобора кучайиб бориши эса, мил. авв. II минг йилликда ўнг қирғоқ Амударё ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳларида аҳоли сонининг ўсишига ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг янада ривожланишига имкон яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ёзма манбаларнинг йўқлиги туфайли бу ҳудудлардаги бронза даври сиёсий — маъмурий тузум ва ижтимоий — иқтисодий муносабатлар ҳақида тўлиқ маълумотлар олинмаган. Шунинг учун ҳам бу борадаги тадқиқотчиларнинг фикрлари кўп ҳолларда тахминлардан иборат. Мисол учун, А.Асқаров ва Б. Абдуллаевлар Сополли маданиятининг Жарқўтон босқичини ибтидоий жамоа муносабатлари емирилиши даври билан, Кўзали ва Молали босқичларини эса мулкӣ муносабатлар шакллана бошланган давр билан изоҳлайдилар. В.И. Сарианидининг фикрича эса, мил. авв. II минг йилликнинг охири — I минг йилликнинг бошларида Бақтрия давлатчилиқ шаклланиши бўсағасида эди.

А.Сагдуллаев эса Шеробод воҳаси мисолида мил.авв. II минг йилликнинг ўрталари ва иккинчи ярмини унчалиқ катта бўлмаган деҳқончилик воҳалари асосида илк давлатчилиқ тизимига ўтиш даври сифатида белгиласада, илк темир асрига келиб бу ҳудудларда йирик давлат уюшмаси мавжуд эди деган хулоса чиқаради.

Фикримизча, бронза даврига келиб ўтроқ аҳоли томонидан ўзлаштирилмаган ҳудудларнинг кенг миқёсда ўзлаштирилиши натижасида мустаҳкам мудофаланган иншоотлар пайдо бўлади. Шунга ўхшаш, Сополли ва Жарқўтон кўринишидаги манзилгоҳлар қандайдир уюшмаларнинг марказлари ёки ҳеч бўлмаганда, атроф воҳалардаги ижтимоий — иқтисодий ва маданий ҳаёт марказлашган шаҳар — давлатлар сифатида шаклланади.

Хуллас, бронза даврига келиб Ўрта Осиёнинг кенг ҳудудларида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ҳамда

меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида кишилик жамияти тарихий – маданий тараққиётида катта – катта ўзгаришлар содир бўлиб, ушбу ўзгаришлар кейинги тараққиёт учун мустақкам замин яратди. Бу жараёнларда бронзанинг аҳамияти катта бўлди. Бу даврда жамият ҳаётидаги содир бўлган турли тараққиёт жараёнлари – кишилик тарихида муҳим босқич бўлган илк шаҳарлар ва давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун улкан аҳамият касб этди. Олиб борилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, мил. авв. III – II минг йилликларда кишилик жамияти маданий тараққиётида катта – катта ўзгаришлар содир бўлади. Аҳоли хўжалик юритишнинг маълум кўринишларига, яъни воҳаларда, кўллар ва сойлар бўйларида деҳқончиликка, дашт ва тоғ олди ҳудудларида чорвачиликка ўтиб олди. Айнан мана шу даврда Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳудудларида мураккаб истеҳкомлар ва ривожланган ҳунармандчиликка эга бўлган кўп сонли ўтроқ манзилгоҳлар пайдо бўладик, улар ушбу ҳудудларда илк шаҳарларнинг шаклланиб тараққий этишида муҳим аҳамият касб этди. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёда илк шаҳар марказлари бронза давридаёқ шакллана бошланган, деган хулосага жиддий асослар бор.

Тарихий – маданий вилоятлар. Ўтган асрнинг бошларидан бошлаб ҳозирги кунга қадар Ўрта Осиё ҳудудларидаги бронза даври тарихий – маданий жараёнларини ўрганиш бўйича турли олимлар тадқиқот ишлари олиб бордилар. Ушбу тадқиқотлар натижасида бронза даври маданиятлари, уларнинг келиб чиқиши масалалари, даврлаштириш ва хронология, турли ўзаро алоқалар масалаларига кўплаб аниқликлар киритиш имконияти пайдо бўлди.

Ушбу тадқиқотлар натижаларини қиёсий таҳлил асосида ўрганиш натижасида шундай хулоса чиқариш мумкинки, бу давр Ўрта Осиё турли ҳудудларида табиий – географик, экологик ва сиёсий шарт – шароитлардан келиб чиқиб, турли маданиятлар тараққий этиб, турли тарихий – маданий воҳалар шаклланиб улар ўртасида кўплаб ўзаро алоқалар ривожланиб борадики, ушбу ривожланиш жараёнлари жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Жанубий Туркменистон. Тадқиқотлар натижаларига қараганда, Жанубий Туркменистон ҳудудларининг бронза давридаги асосий ишлаб чиқариш иқтисодиёти кўп ҳолларда ўтроқ суғорма деҳқончилик бўлиб хўжалик ҳаётида чорвачилик етакчи аҳамиятга эга эди. Мил. авв. IV – III минг йилликларга келиб алоҳида манзилгоҳларда яшовчи аҳолининг унчалик мураккаб бўлмаган суғориш тартиби пайдо бўладики, бу ҳолат сунъий суғоришнинг ривожланишига асос бўлади.

Тадқиқотлар натижаларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, бир томондан манзилгоҳларнинг мавжудлиги ва жойлашуви, далаларни суғориш учун фойдаланиладиган сув манбалари тартибига бевосита боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам даставвал тоғ олди ҳудудларида асос солинган мазилгоҳлар шароити нисбатан яхши эди. Иккинчи томондан, суғориш тартибининг мураккаблашуви ва мана шундай тартиб ичида ишлаб чиқариш хўжалигини барқарорлаштириш зарурияти аҳолининг маълум ҳудудларида зич жойлашувини талаб этар эди. Бу ҳолат фикримизча, айрим воҳаларда нисбатан йирик марказлар ҳамда уларга қарашли бўлган кичик манзилгоҳлар пайдо бўлишига олиб келди.

Хўжаликнинг жадаллик билан ривожланиши, ҳунармандчиликнинг ажралиб чиқиши, кўп сонли аҳолининг бир ҳудудда зич жойлашуви ҳамда ижтимоий табақаланишининг кучаюви натижасида йирик марказлар ўз атрофларидаги қишлоқ хўжалик ҳудудларида ҳал қилувчи иқтисодий, маъмурий – сиёсий ҳамда мафкуравий аҳамиятга эга бўла бошлайди. Ўтроқ деҳқончилик аҳолиси маданиятида урбанизациялашув жараёнлари бошланади. Мил. авв. III минг йиллик бошлари Жанубий Туркменистон жамияти – ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва шаҳармонанд ёки шаҳар цивилизацияси пайдо бўлиши бўсағасида эди.

Ушбу ҳудудларда илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши Олтиндепа мисолида нисбатан яхши ўрганилган. Илк бронза давридаёқ бу манзилгоҳларнинг айрим ҳудудлари мустаҳкам марказларининг типологик жиҳатидан турлича эканлигини таъкидлар экан В.М. Массон, Олтиндепа даставвал атроф қишлоқ хўжалик ҳудудларининг маркази, ҳунармандчилик маркази ҳамда мафкуравий марказ бўлган бўлиши мумкин

деган фикрни илгари суради. Бу ердан Хараппа маданияти билан боғлиқ буюмлар топилган бўлишига қарамай, илк шаҳарнинг савдо маркази бўлганлиги камроқ кузатилади.

Мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарига келиб Жанубий Туркменистон жамиятидаги йирик марказларда инқироз ҳолати бошланади. Йирик манзилгоҳларнинг инқирозга учраши ва бўшаб қолиши хусусида тадқиқотчиларнинг бир қанча тахминлари (ҳарбий – сиёсий вазият, миграция, табиий – географик ҳолат ва бошқ.) мавжуд. Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари шундан далолат берадики, ушбу марказларнинг бўшаб қолиши орийлар келгунига қадар юз берган бўлиб, бу жараён аста – секинлик билан юз беради. Мил. авв. III минг йиллик охири – II минг йиллик бошларида Копетдоғ тоғ олди ҳудудлари нисбатан юқори ривожланиш даражасида бўлиб, аҳолининг ўсиш даражаси ҳам шу ҳолатга мос эди.

Бақтрия–Марғиёна. Жанубий Туркменистон тоғ олди ҳудудларидаги манзилгоҳларнинг қисқариши Мурғоб дарёси ҳавзаси(Марғиёна) ҳамда Амударёнинг ўрта оқими ҳудудларида (Бақтрия)да юқори даражада ривожланган маданият пайдо бўлиши даврига тўғри келади. Ҳозирги кунда бу ҳудудларда 200 дан зиёд бронза даври ёдгорликлари аниқланган.

Кўпчилик манзилгоҳлар дарёлар ҳавзаларидаги нисбатан тупроғи серҳосил бўлган ирмоқлар бўйларида, суғорма деҳқончилик ва чорвачилик қилиш учун қулай бўлган ҳудудларда жойлашган. Манзилгоҳлар гуруҳ – гуруҳ бўлиб жойлашган ҳолда битта умумий сув манбаидан фойдаланувчи алоҳида воҳаларни ташкил этадилар. Бу ҳудудларда энг йирик манзилгоҳлар Жарқўтон ва Гонур ҳисобланади. Бу манзилгоҳлар айрим воҳаларнинг маркази эди.

Копетдоғ тоғ олди ҳудудларида бронза даврида бунёд этилган қалъалар маҳобатли меъморчилиқни ўзида акс эттириб Бақтрия – Марғиёна меъморчилигини ўзида акс эттиради. Қалъаларнинг пайдо бўлиши ҳарбий хавф – хатар туғилган пайтда бошпана вазифасини бажариш жараёни билан боғлиқ бўлиб шунингдек, қалъалар қадимги деҳқонлар жамиятида чуқурлашиб бораётган ижтимоий табақалашув жараёнларини ўзида акс эттиради.

Қалъаларнинг ички ҳудудлари турли услубларда бунёд этилган. Мисол учун, Гонур 1 нинг шимолий қалъасида якка режа асосида қурилган катта зал ва биридан бирига ўтиладиган қатор уйлар очилган. И.В.Сарианидининг фикрича, ушбу қалъада маҳаллий ҳокимнинг саройи жойлашган. Айрим қалъалар эса (Тўғолоқ 21) ибодатхона вазифасини бажарган бўлиши мумкин.

Сополитепа қалъасининг ичида тор кўчалар билан ажратилган 8 та турар–жой, маҳаллалар жойлашган. Манзилгоҳнинг турар–жойлари уйларда ва маҳаллаларда жойлашган ишлаб чиқариш устахоналари бўлган оддий қурилишлардан иборат. А.Асқаровнинг фикрича, бу ерда иқтисодий жиҳатдан бир–бири билан боғлиқ бўлиб ягона жамоага бирлашган оила турмуш тарзи кечирган.

Узоқ йиллар олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Жарқўтон манзилгоҳи харобаларидан Ўзбекистон цивилизациясининг ёрқин намунаси бўлган илк шаҳарсозлик маданияти қолдиқлари очилган. Майдони 100 гектардан кам бўлмаган, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарига оид ушбу қадимги шаҳар икки қисмдан – «арки аъло» (шаҳар ўрдаси) ва шаҳристондан иборат бўлиб, унинг «шаҳристон» қисмидан бир неча турар–жой массивлари, турли тармоқли шаҳар ҳунармандчилигининг объектлари, оташпарастлар ибодатхонаси, шаҳар ҳокимининг маҳобатли сарой мажмуаси, металл эритиш печлари ва моддий маданият буюмлари топиб ўрганилган.

Умуман олганда бронза даврида Бақтрия ва Марғиёна аҳоли зич жойлашган ҳудудлардан иборат эди. Манзилгоҳларнинг жойлашуви ва хусусиятлари илк зироатчиларнинг юқори ижтимоий ривожланиши даражасини акс эттириб, урбанизация жараёнларининг ривожланганлиги маъмурий–мафкуравий марказлар ва маҳобатли меъморчиликнинг пайдо бўлганлигидан, ҳунармандчиликнинг алоҳида ажралиб чиқиш жараёнларидан далолат беради. Тадқиқотлар натижаларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ушбу катта ҳудудда ўтроқ деҳқончилик қабилалари иттифоқлари яшаганлар. Воҳалар эса, бу жараёнда шаҳар–давлат ёки ном уюшмалари сиёсий бирлашмалар барпо этиш йўлидан ривожланиб борган.

Ҳозирги кунгача мавжуд бўлган маълумотлар асосида Бақтрия—Марғиёна региони маданияти тартибини урта йирик даврга ажратиш мумкин. Унинг 1—даврга Келелли воҳасида зич жойлашган олтига манзилгоҳлар гуруҳи, уларга туташиб кетган Гонур 1 ҳамда Тўғолоқ 1 нинг пастки қатламларини киритиш мумкин. Бу ҳудудлардан топилган топилмалар Номозгоҳ V нинг пастки қатламли билан солиштириб кўрилиб, мил. авв. II минг йилликнинг бошлари ёки биринчи чорагига оид эканлиги аниқланган. Бақтрия ҳудудларида бу даврга оид сополлар Гирдайтепанинг пастки қатламлидан (Шимолий Афғонистоннинг Давлатобод воҳаси) топилган.

Хронологиянинг 2 — даври Бақтрия ва Марғиёна ҳудудларининг кенг кўламда ўзлаштирилиши билан боғланади. Гонурнинг жанубий тепалиги, Олтиндепа, Тўғолоқ 1 ва 21 нинг қалъаси, Даши 1 ва 3, Сополитепа ва Жарқўтоннинг пастки қатламли айнан мана шу даврга оиддир. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларидан хулоса чиқарадиган бўлса, бутун ушбу даврни мил. авв. 1800—1300 йиллар билан саналаш мумкин. Шунингдек, бу даврда маданиятнинг худудий ўчоқлари ўртасида туб фарқлар бўлади. Бу даврнинг охирларига келиб Марғиёнада дашт қабилаларининг пайдо бўлиши кузатилади.

3—даврга оид материаллар Шимолий Бақтрия ҳудудларида нисбатан яхши ўрганилган. Ушбу маълумотлар асосида урта кетма—кет келувчи: Жарқўтон, Кўзали, Муллади босқичлари ажратилади. Кейинги тадқиқотлар натижасида Мўллади босқичини икки фазага: Муллади ва Бўстон фазаларига бўлиш имконияти пайдо бўлди. Ушбу давр мил. авв. 1500—1000 йиллар билан саналанади.

Бақтрия — Марғиёна региони цивилизациясининг келиб чиқиши хусусида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, бу ҳақда бир қатор фикрлар мавжуд. Тадқиқотчиларнинг катта кўпчилиги ушбу цивилизациянинг генезисини миграцион жараёнлар билан боғлайдилар. Мисол учун, В.М. Массоннинг фикрича, Мурғоб ҳавзасидаги дастлабки манзилгоҳларнинг пайдо бўлиши, Копетдоғ тоғ олди текисликларидаги ривожланган маданиятнинг шарққа экспанцияси билан боғлиқ. Тадқиқотчининг таъкидлашича, Келелли мажмуи Олтиндепа

археологик маданиятига хос бўлиб, олим Шимоли – шарқий Эрондан келиб маҳаллий аҳоли билан тезда аралашиб кетган Марғиёна ва Бақтриядаги аҳоли гуруҳларининг пайдо бўлиши оқибатларини ҳам инкор этмайди. И. Масимов ва А.Асқаровлар ҳам В.Массоннинг Копетдоғ тоғ олди текисликларидан Марғиёнага, кейин эса Бақтрияга бўлган миграцион жараёнлар ҳақидаги фикрларини эътироф этадилар.

И.В. Сарияниди эса, Жанубий Туркменистон қабилалари Мурғоб ҳавзасидаги ўзлаштиришни бошлаб берганликларини эътироф этган ҳолда, Бақтрия – Марғиёна археологик мажмуидаги ўзига хослик Номозгоҳ V маданияти билан нисбатан ўхшашлик топади деб ҳисоблайди. П. Амьенинг фикрича, Элам аҳолисининг кўчманчи қисми ўзига хос жамоаларни ташкил этиб, айрим худудлар билан савдо алоқаларида муҳим рол ўйнаганлар. Шунинг учун ҳам тадқиқотчи Бақтрия ва Марғиёнада кўчманчи – ҳунармандларга яқин бўлган зодагонлар гуруҳлари пайдо бўлган бўлиши мумкин деган тахминни илгари суриб, мустаҳкамланган қалъалар ёки қўрғонлар айнан мана шу тоифага тегишли бўлган деб ҳисоблайди.

В.А. Алёкшиннинг фикрича, Ўрта Осиёнинг дашт худудларида пайдо бўлган Сополли маданияти кейинроқ Марғиёна ва Копетдоғ тоғ олди текисликларига ёйилади. Бошқа тадқиқотчиларнинг фикрларини инкор этган ҳолда Б.Н. Удеумурадов бронза даври Марғиёна маданиятининг келиб чиқишининг маҳаллийлиги ҳақида тахминларни илгари суради.

Кўпчилик тадқиқотчилар фикрларини қиёсий таҳлил этиш натижасида шундай фикрга келиш мумкинки, Бақтрия ва Марғиёна маданиятининг кўпгина йўналишлари маҳаллий шароитда ишлаб чиқилган бўлиб, маҳаллий цивилизациянинг маҳсулоти ҳисобланади. Бу жараёнда бошқа худудларда пайдо бўлиб ривожланган маданий анъаналарни маълум маънодаги таъсирини ҳамда маҳаллий аҳоли томонидан ўзлаштирилиб ўзига хос янги асосларда ривожланганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Бақтрия – Марғиёна маданияти мажмуининг шаклланишида Жанубий Туркменистон қабилаларининг иштирок этганлиги шубҳасиздир. Аммо, шунга эътибор

бериш жоизки, айнан мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи чорагида ўхшаш маданият мажмуининг бундай катта ҳудудни эгаллаши битта регионда яшовчи аҳоли миграцияси билан боғлиқ эканлиги кишида шубҳа уйғотади.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, мил. авв. II минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиё Жануби – ғарбий Осиёни қамраб олган кенг миқёсидаги қабилалар миграцияси тўлқинларидан бири ўтган асосий марказ эди. Айнан мана шу даврда Шарқий Эрон воҳаларида, Ўрта Осиёнинг жанубида, Балужистон ва қисман Ҳинд воҳаларидаги айнан бир хил бўлган маданият пайдо бўладики, уларнинг илдиэлари Ғарбга, Кичик Очиёгача боради.

Жануби–Ғарбий Туркменистон. Сўнгги энеолит ва бронза давларида Копетдоғнинг жануби – ғарбий тоғ олдлари Шимоли–Шарқий Эронга хос бўлган маданият ёйилган ҳудудга кирар эди. Бу ердаги Сумбар дарёси воҳасидан турли давларга оид дафн этиш маросимларидан иборат қабристонлар очилган. Бу қабристонлардан топилган ашёвий буюмлар бу ҳудудларда аҳоли узлуксиз мил. авв. V минг йилликдан то I минг йилликнинг бошларига қадар яшаганлигидан далолат беради.

Бу ҳудудлардаги Сумбар I, II ва Пархай I қабристонлари сўнгги бронза даврига оид бўлиб, ўзига хос Сумбар маданияти сифатида ажратилади. Барча қабрлар якка қабрлар бўлиб, катакомба кўмиш маросимларига амал қилинган. Сумбар маданиятига оид турли топилмаларни (сополлар, бронза ўқ учлари, тарашлагичлар, пичоқлар, бигизлар ва бошқ.) И.Н. Хлопин мил. авв. XIV–XV асрларга оид деб ҳисоблайди. Бу ҳудудларда илк шаҳар харобалари ҳозирча аниқланмаган.

Фарғона региони. Фарғона водийсидаги илк деҳқончилик маданияти, ўтроқлашув жараёнлари, дастлабки манзилгоҳлар, илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши масалалари бўйича турли йилларда Я.Ғ. Гуломов, Б.А. Латинин, Бернштам А.Н. А.А. Асқаров, Ю.А. Заднепровский, Н.Г. Горбунова, Б.Х. Матбобоев, А.А. Анорбоевлар тадқиқот ишлари олиб бордилар. Ушбу тадқиқотлар натижасида Фарғона водийсида бронза, илк темир ва антик давларда бўлиб ўтган тарихий – маданий жараёнлар ўрганилди.

Фарғона водийсида энг яхши ўрганилгани ва машҳури Чуст маконидир. Чуст шаҳридан икки километр шимолдаги Говасой соҳилида жойлашган ушбу қадимий қишлоқ харобаси маҳаллий ҳалқ орасида Буонамозор номи билан аталиб, бу манзилгоҳни 1950 йилда М.Э. Воронец кашф қилган эди. Бу ёдгорлик дастлаб В.И. Спришевский, кейинроқ эса Ю.А. Заднепровский ва бошқа тадқиқотчилар гуруҳлари томонидан ўрганилди. Олиб борилган қазилмалар натижасида топилган моддий маданият буюмлари бошқа ҳудудлардан топилган ашёвий буюмларга нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги туфайли фанда бу маданият, «Чуст маданияти» деган ном олди.

Чуст маданияти шаклланаётган даврда бутун Ўрта Осиё ҳудудларида муҳим ижтимоий – иқтисодий ва тарихий – маданий ўзгаришлар содир бўлаётган эди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ушбу ўзгаришлар Енисей ва Урал дарёлари орлиғида яшаган аҳоли (Андронов маданияти) ҳамда Волга ва Дон дарёлари орлиғида яшаган кўчманчи чорвадорларнинг (Срубная – Ёғочбанд) кириб келиши билан ҳам боғлиқ эди. Бронза даврида шимолдан келган бу қабилалар Ўрта Осиёнинг маҳаллий аҳолиси билан аралашиб кетади. Айнан мана шу даврда Ўрта Осиёнинг шимолдаги аҳолисининг бир қисми жанубга томон кўчади. Шимолда қолган гуруҳлар эса тоғ олди ҳудудларидаги сой ва булоқ бўйларини, дарёлар ҳавзаларини ўзлаштириб, суғорилиши қулай бўлган ҳудудларда суғорма деҳқончиликка ўта бошлайдилар. Шу тариқа мил. авв. II минг йилликнинг охири – I минг йилликнинг бошларига келиб Ўрта Осиёнинг шимолий ва шарқий ҳудудларида қадимги деҳқончилик марказлари шаклланади.

Чуст маданиятига оид манзилгоҳлар ўрганилиши бошлангандан буён ушбу маданиятнинг хронологияси ҳақида кўплаб илмий баҳслар бўлиб ўтди. 1957 йилга қадар Чуст маданияти бронза даври билан саналанган эди. Аммо, сўнгги йилларда табиий фанлар ёрдамига таяниб олиб борилган тадқиқотлар натижасида ўтказилган радиокарбон таҳлиллар ҳамда бронза буюмларни спектрал анализ қилиш йўли билан Чуст маданияти жуда узоқ даврини қамраб олиб мил. авв. XVI – XV асрлардан то VII асргача давом этган

деган фикрлар илгари сурилмоқда. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, Чуст маданиятининг қуйи чегараси ҳали етарли даражада тўлиқ аниқланмаган.

Олиб борилган археологик маълумотларни солиштириб ва таҳлил қилиб хулоса чиқарадиган бўлсак, Фарғона водийсида қадимги деҳқончилик маданияти мил. авв. II минг йилликнинг сўнгги чорагидан бошланади. Асосан деҳқончилик билан шуғулланган Чуст маданиятига оид манзилгоҳлардан деҳқончилик билан боғлиқ кўплаб ашёлар топилган.

Таянч сўзлар

Дастака сўқа (мотига), ибтидоий омов, илк деҳқончилик қабилалари, «марказ» манзилгоҳлар, «қишлоқ» манзилгоҳлар, «пойтахт» манзилгоҳ, металлсозлик тараққиёти, сопол хайкалчалар, кумуш ва бронза муҳрлар, хўжаликнинг асоси, сунъий суғоришга асосланган хўжалик, ҳунармандчиликдаги сифатий технологик ўзгаришлар, инқирозий ҳолатлар, экологик вазият, ҳудудий ривожланиш, аграр хўжалик, мудофааланган иншоотлар, ҳарбий хавф – хатар, маъмурий – мафкуравий марказ, маҳобатли меъморчилик, цивилизациянинг генезиси, миграцион жараёнлар, экспансия, ижтимоий қурилмалар.

Савол ва топшириқлар.

1. Бронза даври Ўрта Осиёнинг жанубига хос хусусиятлар ҳақида нималарни биласиз?
2. Бронза даври илк шаҳар марказларидаги инқирозий ҳолатларни қандай изоҳлайсиз?
3. Бронза даври маданиятларининг кейинги давр тараққиётига замин яратиши қандай жараёнларда изоҳланади?
4. Бронза даври тарихий – маданий вилоятлари ҳақида сўзлаб беринг.
5. Ўтроқ ва дашт аҳолиси ўзаро муносабатларининг жамият тараққиётига таъсири ҳақида нималар биласиз?

3-§. Жанубий Туркменистон илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши.

Юқоридаги бўлимларда таъкидлаб ўтганимиздек, Ўрта Осиёда энг қадимги ўтроқ деҳқончилик маданияти Жанубий Туркменистон ҳудудларида пайдо бўлади. Ушбу ҳудудлардаги илк шаҳарсозлик маданияти масалалари бўйича турли йилларда В.М. Массон, В.И. Сарияниди, Г.Ф. Коробкова, Л.Б. Кирчо, Б.А. Литвинский, Г.Н. Лисицина, И.С. Масимов, И.Н. Хлопин, Б. Удеумуродов каби тадқиқотчилар илмий изланиш ишлари олиб бордилар. Ушбу узоқ йиллик тадқиқотлар натижасида Туркменистон ҳудудларида илк деҳқончилик манзилгоҳларининг шаклланиши ва ривожланиши, дастлабки шаҳар марказларининг пайдо бўлиб тараққий этиши, манзилгоҳлар ва йирик марказларнинг ўзаро алоқалари масалаларига кўпгина аниқликлар киритиш имконияти пайдо бўлди. Олинган кўп сонли маълумотлар Ўрта Осиё, ҳеч бўлмаганда унинг жанубий вилоятлари Қадимги Шарқнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби илк деҳқончиликдан дастлабки цивилизациягача бўлган ривожланишнинг анъанавий жараёнлари бўлиб ўтган мустақил қадимги маданият ўчоғи деган фикрларни яна бир марта исботлайди.

Мил. авв. IV минг йилликнинг бошлари ва ўрталарига келиб Жанубий Туркменистоннинг Тажан дарёси ҳавзаси ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган ўтроқ жамоалар барқарор суғорма деҳқончилик тартибини шакллантирадилар. Бу ҳолат ихтисослашган ишлаб чиқариш, аввало, металчиликнинг ривожланиши учун имкониятлар яратди. Бу даврга оид ёдгорликлардан (Намозгоҳ II) мисдан тайёрланган меҳнат қуроллари кам топилган бўлсада, тош қуролларнинг деярли учрамаслиги ишлаб чиқаришда металчиликнинг устунлик қила бошлаганидан далолат беради. Йирик марказларга эга бўлган манзилгоҳлар тартибининг пайдо бўлиши ижтимоий ҳаётнинг ҳам мураккаблашганлигини кўрсатади. Ўша даврдаги жамият аниқ маданий ривожланиш бўсағасида бўлиб, бу жараён мил.авв. IV минг йилликнинг сўнги чорағи—III минг йилликнинг бошларида бўлиб ўтади.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, бу даврда Туркменистоннинг жанубида нисбатан ривожланган илк деҳқончилик жамоалари шаклланади ва кўп ўтмай унинг таъсири бу ҳудудлардан ташқарида ҳам сезила бошлайди. Жанубий Туркменистон сўнгги энеолит даври маданиятига хос хусусиятларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу ерда кўпгина маҳаллий анъаналар сақланиш билан бирга айрим белгилар, аввало нақшли сополлар ва ҳайкалчаларда кузатилади.

Сўнгги энеолит даврининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, у даврда Ўрта Осиё жануби – ғарбий қабилаларининг Ўрта Шарқ ва Ҳиндистондаги ўтроқ деҳқончилик жамоалари билан маданий алоқалари янада кучаяди. Мисол учун, Жанубий Туркменистон нақшли сополлари ва ҳайкалчаларига хос хусусиятлар Шимолий Балужистон (Кветт) топилмаларида кузатилган бўлса, айнан шунга ўхшаш буюмлар Шимолий Афғонистондаги Муңдигақда ва Сейистондаги Шаҳри Сўхта манзилгоҳида учрайди. Демак, Кветт ва Шаҳри Сўхта топилмалари бу ҳудудларнинг Жанубий Туркменистон билан нисбатан кўпроқ маданий алоқалар олиб борганлигини тасдиқлайди. Шунингдек, Ўрта Осиё маданиятига хос ҳайкалчалар Ҳиндистондаги Хараппа цивилизациясининг давомчилари бўлган бир қатор илк деҳқончилик манзилгоҳларида ҳам учрайди. Жанубий Туркменистондаги Геоксюр ва Қоратепа сўнгги энеолит маданиятлари нафақат Ўрта Осиё балки ундан ҳам жануброқ ҳудудларда илк шаҳар маданияти шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Буларнинг барчаси ўша даврда Жанубий Туркменистон ерлари фаол маданий алоқаларнинг олиб борилган ҳудудлардан бири бўлганлигидан далолат беради.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида сўнгги энеолит давридан бошлаб Жанубий Туркменистон жамияти ва маданиятида сезиларли ўзгаришлар рўй берганлиги кузатилади. Бу жараён аввало, технологик тараққиёт ва ишлаб чиқариш имкониятларининг ўсганлигида сезилади. Бу ерда суғорма деҳқончилик ёки кўп марта суғориладиган деҳқончилик тартибининг шаклланиши ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Геоксюр воҳасидан очилган қадимги суғориш

иншоотларининг қолдиқлари ва палеоботаник топилмаларнинг таҳлили ушбу жараёндан далолат беради.

Бу — самарали хўжалик тартиби бўлиб, унда уюшган умумжамоа меҳнати сафарбар этилган. Дарҳақиқат, йирик суғориш тармоқларини барпо этиш ва ундан фойдаланиш учун каттагина жамоа хизмат қилган. Палеоиктисодий маълумотларга кўра, Геоксюр I манзилгоҳи атрофидаги 50—75 гектар ерни суғоришга мўлжалланган суғориш тартибини барпо этишда ўша давр иш қуроллари нуқтаи назаридан 150та одам икки ой мобайнида меҳнат қилиши лозим бўлган.

Турмуш тарзидаги ўзгаришлар ва моддий фаровонликнинг ўсиши иккинчи муҳим йўналиш — моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва ихтисослашувига имконият яратди. Кулолчилик ишлаб чиқаришида ушбу тармоқнинг ривожланишида катта аҳамияга эга бўлган махсус хумдонлар пайдо бўлади.

Доимий хўжалик ва маданий юксалиш, маънавий ривожланиш натижасида Жанубий Туркменистон ҳудудларида кўплаб маданий ва бадий қимматга эга бўлган ёдгорликлар яратилди. Хусусан, турар — жойлар режаларининг ўзгариши, ихтисослашган ҳунармандчиликнинг тараққий этиши, турли ҳайкалчалар, муҳрлар, тақинчоқлар ва безаклар яратилиши ижтимоий — иқтисодий ва маданий юксалишдан далолат беради.

Бронза даври Жанубий Туркменистон ҳудудларида илк деҳқончилик маданиятининг ҳар томонлама ривожланган даври бўлди. Бунинг натижасида жамиятнинг сифатий янги босқич даражасига кўтарилиши учун мустаҳкам ишлаб чиқариш ва маданий замин яратилди. Ўз хусусиятига кўра янги даврнинг бошланиши Номозгоҳ IV ёки мил. авв. III минг йилликнинг бошлари ва ўрталари даврига тўғри келади.

Жамиятда рўй бераётган маданий ва технологик янгиликлар ўрта бронза даврида, яъни, Номозгоҳ V типидagi ўзида урбанистик маданиятнинг барча белгиларини акс эттирувчи ўзига хос археологик мажмуа шаклланган даврда янада тараққий этади. Бу маданият турли тасвирларсиз, кулолчилик чархида тайёрланган сопол буюмлар, металлдан ишланган тўғноғичлар, пичоқлар,

муҳрлар билан изоҳланади. Ҳудудий жиҳатдан бу маданият дастлабки деҳқонлар томонидан Копетдоғ тоғ олди текислигида марказлашиб, сўнгги бронза даврига келиб Мурғоб ҳавзасига ёйилади ва бу ерда маркази Келлели манзилгоҳи бўлган бутун воҳа шаклланади.

Бронза даврининг йирик илк шаҳар марказларидан бири ҳисобланган Олтиндепа харобалари Туркменистоннинг жанубидаги Миёна ёнида жойлашган. Ушбу ёдгорликда 1965 йилдан 80—йилларнинг охирига қадар мунтазам қазишма ишлари олиб борилган. Олиб борилган қазишмалар натижасида умумий майдони 25 гектар бўлган Олтиндепадан 500 га яқин терракота ҳайкалчалар, 150 та қадимги муҳрлар, 550 та дафн иншоотлари, кўплаб турар—жой қолдиқлари ва бошқа моддий маданият буюмлари топиб ўрганилган.

Олтиндепанинг юқори қатламлари бронза даврига оид бўлиб, Номозгоҳ V кўринишидаги материаллар билан ўхшашлик топади. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра (радиокарбон таҳлиллар асосида) бу давр мил. авв. III минг йилликнинг охири—II минг йилликнинг биринчи чорагини ўз ичига олади. Айнан мана шу давр Месопотамияда Урнинг III сулолоси инқирозга учраган, Мисрда заифлашган фиръавнлар ҳокимияти ўрта подшолик даврига кирган, Хуанхе дарёси воҳасида эса дастлабки Хитой цивилизацияси бўлган Шан—Ин шаклланиши учун шарт—шаротлар пайдо бўлаётган давр эди. Олтиндепа қазишмалари бу даврда Ўрта Осиёнинг жанубида маҳаллий шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиш жараёни жадаллик билан бораётганлигини кўрсатади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида аниқланишича, Олтиндепа фақат оддий турар—жой ва хўжалик хоналаридан иборат бўлибгина қолмай, балки, ўзига хос мураккаб ички тузилишни ҳам акс эттиради.

Кўҳна шаҳарнинг жанубий қисмида ҳеч қандай иншоотлар бунёд этилмаган ҳудуд мавжуд бўлиб, бу ер кўҳна шаҳарнинг марказий майдони бўлган бўлиши ҳам мумкин. Бу майдонга ёдгорликнинг жанубида жойлашган махсус чиқиш йўли орқали чиқилган. Қазишмаларнинг кўрсатишича, бу чиқиш йўли бўйлаб 6,2x3 метр ўлчамдаги

маҳобатли миноралар қурилган. Чиқиш йўлининг умумий эни 15 метр бўлиб, бўйлама девор билан 4–5 метр энликдаги ўзига хос бош кўчага бўлинган. Ушбу кўчалар афтидан араваларга мўлжалланган бўлса керак.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Олтиндепанинг баланд тепалик устида жойлашганлиги кўҳна шаҳарнинг ҳимояси учун қулай шарт–шароитлар яратган. Ундан ташқари тепаликнинг тик ён–бағирлари пишиқ ғиштдан ўзига хос қоплама билан қопланган. Қияликка борадиган нишаблик эса девор билан тўсилган. Деворларнинг тузилиши ва қалинлиги қурилиш хусусияти ва шароитига қараб белгиланган. Кўҳна шаҳарга кириш жойида девор максимал қалинликда, бошқа жойларда айлана девор 1–2 метр сақланиб қолган. Айрим жойларда квадрат режали миноралар ҳам бор.

Кўҳна шаҳарнинг шимолий чеккасидаги 2 гектарга яқинроқ майдон муҳим тарихий қисмлардан бўлган. Бу ердаги кўлаб сопол пиширувчи хумдонларга қараб бу ер ҳунармандлар маҳалласи деб аталади. Мураккаб тузилишга эга бўлган икки ярусли хумдонларда 1000–1200⁰С да юшқа деворли нафис сопол идишларини ҳам пишириш мумкин бўлган. Кўҳна шаҳарнинг шу қисмида тошни қайта ишлаш фаолияти билан боғлиқ излар топилган. Бу ердаги турар–жойлар кичик уйлardan, умумий ошхона ва умумий хўжалик хонасидан иборат бўлиб улардаги топилмалар ҳам унчалик бой эмас. Очиб ўрганилган қабрлар топилмалари ҳам унчалик кўп эмас. Буларнинг барчаси ҳунармандлар маҳалласи аҳолисининг турмуш тарзи унчалик юқори бўлмаганлигидан далолат беради.

Қазишмалар натижасида топилган кўп сонли топилмалар Олтиндепа маданиятини ҳар томонлама ёритиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу топилмалар шаҳарсозлик масалаларини ёритиш учун ҳам қимматли маълумотлар беради. Топилмалар орасида сопол буюмлар кўпчиликини ташкил этади. Нафис ва нозик шаклларда шакланган сополчилик буюмларида қандайдир нақшлар ёки безаклар учрамайди. Фақатгина диний маросимлар учун мўлжалланган ва ўйма нақшлар билан безатилган идишлар бундан мустасно.

Олтиндепа кўҳна шаҳри ҳунармандчилигида металлни қайта ишлаш анча ривожланган эди. Буюмларнинг катта қисми мисдан тайёрланган. Шунингдек, қалай ва қўрғошин аралаштириб ишланган буюмлар ҳам учрайди. Ундан ташқари, темир пичоқ ва ханжарлар, иргитиладиган ўқ учлари ва бошқа буюмлар ҳам топилган. Металл буюмлар орасида кумуш буюм топилмалари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Афтидан, айнан кумушдан ишланган буюмлар шаҳарликларнинг асосий бойлиги ҳисобланган.

Тадқиқотлар натижаларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Олтиндепанинг ички тузилиши ҳам, юқори даражада ривожланган маданияти ҳам ибтидоий архаик муносабатлар даражасидан чиқиб улгурган эди. Энг қадимги шаҳарлар дастлабки бирлашмалар ёки уюшмаларнинг асосий қисми ҳисобланиб айрим ҳолларда тадқиқотчилар уларни шаҳар—давлатлар деб атайдилар. Айнан илк шаҳарларда дастлабки ҳокимият органлари марказлашиб, маъмурий бошқарув тизими шаклланади.

Олтиндепа айнан мана шундай илк шаҳар кўринишини ўзида акс эттиради. Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, ёдгорликда илк деҳқончилик жамоалари манзилгоҳларига қараганда шаҳарнинг ўзига хос вазифалари нисбатан аниқроқ кўринади. Бу вазифавий белгилар ҳунармандлар маҳалласи ва диний иншоотда ўз аксини топган бўлса, «оқсуяклар маҳалласи» ва унинг ёнидаги қазилмалар кўҳна шаҳарнинг ижтимоий табақаланиши билан боғлиқ бўлган шаҳар ҳудудининг табақаларга бўлинганлигидан далолат беради. Кўҳна шаҳарнинг ушбу таркибий белгилари ва қазилмалар пайтида топилган турли — туман топилмалар Олтиндепани атроф деҳқончилик ҳудудларининг ҳунармандчилик, қисман савдо ва мафкуравий марказ сифатида изоҳлашга имконият яратади. Шу билан бирга Олтиндепанинг ҳарбий ёки ҳимоя вазифасини бажарганлиги ҳақида маълумотлар кам. Чунки кўҳна шаҳар дарвозаларидаги минора—пилонлар ҳимоя хусусиятидан кўра кўпроқ савлатли манзара бериш учун қурилган. Қазилмалар пайтида топилган ҳарбий қурол—яроғлар жуда кам. Қабрлардан топилиб антропологлар томонидан ҳар томонлама ўрганилган суякларда ҳарбий жароҳатлар излари учрамайди. Фикримизча, бу ҳолат аниқ

тарихий шарт—шароитлар билан боғлиқ бўлиб, бу ерда ҳарбий санъат ривожланиши паст даражада эди. Чунки, Олтиндепа ўша давр Олд Осиёни ларзага келтирган ҳарбий юришлар ва қарама—қаршиликлардан четроқда жойлашган эди.

Жанубий Туркманистон ҳудудларида Олтиндепа кўҳна шаҳри маданияти фанга маълум бўлганидан сўнг Олд Осиёнинг кўҳна шаҳарларида тадқиқот ишлари бошланиб кетди. Бир томондан Месопотамия ва иккинчи томондан Қадимги Ҳинд цивилизацияси Хараппа оралиғида жойлашган Шарқий Эрон, Афғонистон ва Покистон ҳудудларида бронза даври илк шаҳар цивилизациянинг бир бутун зонаси мавжуд эди. Ушбу зонада бир—бири билан узвий савдо ва маданий алоқалар ўрнатилган бир нечта вилоятлар бўлиб, шулардан бирининг маркази Жанубий Туркманистондаги Олтиндепа кўҳна шаҳри эди.

Ўрта Осиё қадимги халқлари иқтисодий ва маданий алоқаларини Олтиндепадан очилаган санъат ёдгорликларида аниқ кузатиш мумкин. Месопотамия анъаналари билан алоқалар, даставвал, меъморчиликда яққол кўзга ташланади. Қурилиш услубларидан ташқари, терракота ҳайкаллари ишланиш услублари (буқанинг олтин боши) жиҳатидан ҳам ўхшашликларни кузатишимиз мумкин. Бу ўринда, Олтиндепанинг Ҳинд маданияти билан алоқалари, кўп ҳолларда аниқроқ кўринади. Хусусан, Олтиндепада фил суюгидан ишланган буюмлар кўплаб учрайди. Бу буюмларнинг турли қатламлардан топилиши улар ўртасида узоқ вақт доимий алоқалар бўлганлигидан далолат беради. Ундан ташқари айрим сопол ва металл буюмларда ҳам айнан Хараппа маданияти таъсирини кузатиш мумкин.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, бронза даврида Жанубий Туркманистон жамиятининг ижтимоий тузуми ҳам мураккаблашадики, бу жараён ҳақида уй—жойлар ва кўмиш маросимига оид ёдгорликлар орқали маълум тасаввурларга эга бўлишимиз мумкин. Илк бронза Олтиндепа қурилишлари кичик уйлардан иборат бўлиб; ўлчамларига кўра бундай уйлар кичик оилаларга мўлжалланган.

Ўрта бронза даврига келиб юқоридаги манзара бутунлай ўзгаради. Кўпгина топилмаларнинг маълумот

беришича, Олтиндепа жамиятида мулкый мавқе ва умуман, турмуш тарзида ўз аксини топган сезиларли ижтимоий табақаланиш бўлиб ўтади. В.М. Массон шаҳар аҳолиси орасида турли ижтимоий ва мулкый мавқега эга бўлган қуйидаги учта гуруҳни ажратади:

1. Ушбу гуруҳ учун аҳолининг кўп хонали уйларда жойлашуви хосдир;
2. Бу гуруҳ учун аҳолининг махсус хўжалик хоналари 3—5 хонали катта бўлмаган алоҳида уйларда жойлашиши хосдир;
3. Бу гуруҳ аҳолисини мукамал режали қурилишларда «зодагонлар маҳалласи» деб номланувчи манзилгоҳлар соҳиблари ташкил этган.

Демак, қазिशмалар натижасида аниқланган юқоридаги аҳоли гуруҳлари Олтиндепадаги ижтимоий табақаланиш жараёнларини аниқ акс эттиради.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, Олтиндепа табақаларга қараб ҳудудий бўлиниши, ўзига хос ички тузилиши нуқтаи назаридан — илк шаҳар тузилмаси, атроф қишлоқ хўжалик ҳудуди маркази, ҳунармандчилик маркази, шунингдек, мафкуравий вазифаси нуқтаи назаридан эса шаҳар маркази сифатида изоҳланади. Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, бронза даврига оид Олтиндепа — ўтроқ деҳқончилик жамияти негизида шакланган шаҳар уюшмаси эволюциясини ўзида акс эттиради. Бу жамиятнинг қўлга киритган маданий ютуқлари ҳам юқори даражада бўлиб, турли — туман буюмлардан ташқари айниқса, маҳобатли меъморчилик (режали уйлар, ибодатхоналар ва бошқ.) ушбу жараёнлардан далолат беради.

Жанубий Туркменистон бронза даври урбанистик тузилмаси қадимги Шарқнинг илғор марказларида шакланган маҳаллий илк деҳқончилик тизимлари асосида пайдо бўлиб ривожланади. Энг муҳими, ушбу ҳудудлардан олинган маълумотлар илк деҳқончиликдан мураккаб жамиятга ўтиш даври ривожланиш жараёнлари ҳамда урбанистик тараққиёт ҳақидаги тасаввурларимизни анча бойитади.

Таянч сўзлар

Мустақил қадимги маданият, мис қуроғлар, манзилгоҳлар тартиби, ривожланиш бўсағаси, сўнгги энеолит, маҳаллий анъаналар, нақшли сополлар, фаол маданий алоқалар, технологик тараққиёт, палеоботаник топилмалар, умумжамоа меҳнати, палеоиктисодий маълумотлар, моддий фаровонлик, махсус хумдонлар, сифатий янги босқич, маданий янгиликлар, археологик мажмуалар, ҳудудий жиҳатлар, терракота хайкалчалар, қадимги муҳрлар, маҳобатли миноралар, нафис сопол идишлар, ўйма нақшлар, вазифавий белгилар, «оқсуяклар маҳалласи», минора – пилонлар, қурилиш услуби.

Савол ва топшириқлар:

1. Нима учун Жанубий Туркменистон шаҳар маданияти Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларига нисбатан илгарироқ ривожланган эди?
2. Жанубий Туркменистон қадимги жамоаларнинг қадимги Шарқ цивилизация марказлари билан алоқалари ҳақида ҳикоя қилиб беринг.
3. Олтиндепа қўҳна шаҳри харобалари ҳақида ҳикоя қилиб беринг.

4-§. Жанубий Ўзбекистондаги (Шимолий Бақтрия) йирик манзилгоҳларнинг шаҳарларга айланиши.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистоннинг жанубидаги бронза даврига оид ёдгорликларни кенг миқёсда тадқиқ этилиши натижасида ушбу ҳудудларнинг қадимги тарихи ва маданияти тўғрисида бой маълумотлар олинди. Турли йилларда жанубий Ўзбекистон ҳудудларида илк, ривожланган ва сўнгги бронза даври илк деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, урбанизация жараёнлари ҳамда илк давлатчилик масалалари, маданий ва иқтисодий алоқалар, ҳунармандчиликнинг тараққий этиши масалалари бўйича А.Асқаров, Э.Ртвеладзе, Б.Абдуллаев, А.Сағдуллаев, Т.Ширинов, У.Раҳмонов, Э.Сайко, Ш. Шайдуллаев, И.Масимов каби олимлар тадқиқот ишлари

олиб бордилар. Ушбу тадқиқотлар натижасида бронза даври ўлкамиз жанубий ҳудудларида бўлиб ўтган ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёт масалалари ва айниқса, ушбу ҳудудларда илк шаҳарларнинг пайдо бўлиш асослари ва ривожланиш босқичлари, илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши жараёнларига кўплаб аниқликлар киритилди. Ушбу масалалар бўйича жуда кўп янги маълумотлар фанга жорий этилди ва этилмоқда.

Амударёнинг ўрта ва юқори оқими шимоли ҳамда жанубида жойлашган ерлар «Авесто» нинг қадимги қисмларида Баҳди, форс подшолари миҳхатларида Бақтриш, грек – рим тарихчилари маълумотларида Бақтрия ёки Бақтриёна, ҳинд манбаларида Бахлика, милоннинг бошларига оид хитой манбаларида Дахя ёки То – хо – ло ўлкаси сифатида эслатиб ўтилади. Замонавий тарихий маълумотларга кўра Бақтрия ерлари бу – Афғонистоннинг шимолий шарқий қисмини, Жанубий Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубидаги (Сурхон воҳаси) ерларни ўз ичига олган. Ундан ташқари замонавий тарихий адабиётларнинг барчаси ҳозирги кунда Сурхондарё вилояти, Тожикистоннинг Кўлоб ва Қўрғонтепа вилоятларини ўз ичига олган ерларни шимолий Бақтрия сифатида эътироф этадилар.

Шимолий Бақтрия ҳудудларидаги аҳолининг ўтроқ манзилгоҳлари бу ерда Ҳисор маданияти кенг ёйилган даврда, яъни неолит даврида (мил. авв. VI – IV минг йилликлар) пайдо бўлади. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда бу даврга келиб «ҳисорлик» овчилар кичик ва йирик дарёлар воҳаларини, Бойсунтоғ ва Қўхитанггача бўлган тоғ ва тоғ олди ҳудудларини ўзлаштирадilar. Бронза даврига келиб эса бу ҳудудларда бошқа кўринишга эга бўлган ҳамда ўзига хос хўжалик – маданий шаклдаги янги маданиятлар шакллана бошлайди.

Ушбу маданият соҳиблари яшаган манзилгоҳлардан бири Сополлитепа бўлиб, бу ёдгорлик Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ҳудудида, Қўхитангтоғдан оқиб тушувчи кичик дарёнинг қадимги ирмоғи бўйида жойлашган. Сополлитепа пайдо бўлган сой маҳаллий аҳоли орасида Улонбулоқсой деб аталади. Сополлитепа Ўзбекистон ҳудудларида ҳозирги кунга қадар аниқ бўлган энг қадимги

ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳи бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрича, ушбу маданият қуйидаги тўртта асосий босқичга бўлинади: 1) Сополли (мил. авв. 1700 – 1500 йй.); 2) Жарқўтон (мил. авв. 1500 – 1350 йй.); 3) Молали (мил. авв. 1350 – 1000 йй.); 4) Кўзали (мил. авв. XIII – XII асрлар). Ушбу босқичларнинг саналари тадқиқотчилар томонидан махсус таҳлил этилиб илмий жиҳатдан асосланган. (А.Асқаров, Т. Ширинов).

Тадқиқотлар натижаларидан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, Шимолий Бақтриянинг қадимги шаҳарлари узоқ давом этган тарихий жараёнлар ва турли: ижтимоий – иқтисодий, сиёсий, маданий ва табиий – географик омилларнинг таъсири натижасида шаклланиб келган. Қадимги Шарқ ва маҳаллий кўринишдаги урбанистик маданиятнинг уйғунлашуви қадимги Бақтрия шаҳарсозлигининг асосини ташкил этади. Кейинроқ эса ўзига хос бўлган шаҳар маданияти мустақил равишда ривожланади.

Мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи чорагида Амударёнинг ўнг қирғоғида аниқроғи, унинг ғарбий қисмида Сополитепа кўринишидаги дастлабки мустаҳкам манзилгоҳлар пайдо бўлади. Ушбу манзилгоҳлар бу ҳудудларда ривожланган бутунлай янги кўринишдаги манзилгоҳлар бўлиб, неолит даври (Ҳисор маданияти) манзилгоҳларидан ажаралиб туради.

Сополитепада тадқиқотлар олиб борган А.Асқаровнинг фикрича, манзилгоҳ мустаҳкам асосда қад кўтарган бўлиб, қуйидаги ажралиб турувчи белгиларга эга: икки қисмли тузилиш – мустаҳкам марказий қисм ва унинг атрофида мустаҳкамланмаган манзилгоҳ, унча катта бўлмаган майдон, асосий қисмнинг аниқ режавий тузилиши, бешта кўп хонали турар – жойлар қисмларининг марказлашуви ва уларнинг йўлаклар билан ажралиб туриши, бўлма (отсек)лари бўлган ҳимоя деворлари. Ундан ташқари, кулолчилик ва металлга ишлов бериш ҳунармандчилиги ҳамда деҳқончиликнинг етакчи мавқега эга бўлиши ҳам Сополитепа учун хосдир.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, Сополитепа аҳолисининг асосий машғулоти сунъий суғоришга асосланган ўтроқ деҳқончиликдан иборат эди. Қазилмалар

пайтида катта хум кўринишидаги идишлардан ва омборхона вазифасини бажарувчи хоналар сатҳидан топилган арпа, буғдой, тариқ донлари ҳамда бутун Сополитепа мажмуида кўплаб учрайдиган дон янчгич, келисоп, кетмон ва ўроқлар айнан деҳқончилик хўжалигидан далолат беради. Ундан ташқари, турар – жой қолдиқлари, манзилгоҳнинг тузилиши ва умуман археологик топилмаларнинг кўриниши ҳам манзилгоҳ аҳолисининг қадимги деҳқончилик маданиятига хос бўлган ўтроқ турмуш тарзини ифода этади.

Сополитепа манзилгоҳи аҳолисининг яна бир муҳим хўжалик тармоғи чорвачилик эди. Қазилмалар пайтида жуда кўплаб топилган уй ва ёввойи ҳайвонларнинг суяклари айнан мана шу жараёндан далолат беради. Умуман олганда, Сополли маданияти соҳиблари хўжалигида сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ва уй чорвачилиги манзилгоҳдаги иқтисодий ҳаётнинг асосини ташкил этган. Ундан ташқари ушбу маданиятга хос бўлган кулолчилик ишлаб чиқаришнинг юқори даражаси, металлга ишлов беришнинг жадал ривожланиши, тўқимачилик соҳасининг тараққиёти каби омиллар манзилгоҳнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сополли маданияти ҳукм сурган давр тарихий – маданий жараёнларига назар ташлайдиган бўлсак, мил. авв. II минг йиллик Амударёнинг ўнг ва чап қирғоғида кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича иккита: Сополли маданияти ва Дашли маданияти ёки Сополли – Дашли маданиятининг икки хил кўриниши кенг тарқалади. Ушбу маданиятни Амударёнинг ўнг қирғоғига ёйилиши бу ҳудудларга Жанубий Туркманистон тоғ олди воҳаларидан Шимоли – Ғарбий Афғонистон орқали мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи чорагида деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳолининг кўчиб келиши билан боғланади. Афғонистоннинг шимоли ва Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган бу давр манзилгоҳлари топографиясини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу кўчишнинг йўналиши Термизнинг ғарбида жойлашган Чўчқа Гузар ва Шўробқўрғон кечувлари орқали ўтган.

Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларидаги бронза даври кўчиш жараёнлари, топографик ҳолат ва бошқа

йўналишлардаги тадқиқотларни таҳлил этиб шундай хулоса чиқариш мумкинки, бу ҳудудларда иккита зона: дашт чорвадор қабилалари жадаллик билан кириб келган шарқий (Шимоли — Шарқий Афғонистон ва Жанубий Тожикистон) ва ўтроқ деҳқончилик қабилалари банд этган ғарбий (Шимолий — Ғарбий Афғонистон ва Жанубий Ўзбекистон) зоналарга бўлинади.

Ғарбий зонада маркази Балхоб воҳасида бўлган деҳқончилик жамоаларининг нисбатан кучли уюшмаси шаклланади. Бу уюшма шимолдаги чорвадор қабилаларнинг ҳужумларини муваффақиятли қайтариб турган. Шунингдек бу зонанинг деҳқончилик жамоалари аҳолиси ҳарбий тўқнашувларда иштирок этиб турганлигини Дашлидан топилган кўп сонли ҳарбий қурол — яроғлар ҳам тасдиқлайди.

Амударёнинг ўнг қирғоғида шаклланган Сополитепа — бронза давридаги дастлабки ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳи бўлиб, дарёдан кечув йўлини ҳимоя қилувчи мустаҳкам олдинги истеҳком (форпост) сифатида пайдо бўлган. Кейинчалик, ўтроқ деҳқончилик жамоалари шимолий чегараларининг кенгайиши муносабати билан Сополитепа ўзининг илгариги аҳамиятини йўқота бошлайди ва бўшаб қолади. Асосий марказ вазифаси эса, тоғ дарасидан чиқувчи йўл устидаги мустаҳкам қалъа сифатида пайдо бўлган Жарқўтонга ўтади.

Жарқўтон ёдгорлиги Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Шеробод дарёсининг кўҳна ўзани Бўстонсой ёқасида жойлашган. Ушбу ёдгорликда 1973 йилдан бошлаб узлуксиз олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида бу ҳудудларда рўй берган урбанизация жараёнларига кўплаб аниқликлар киритиш имконияти пайдо бўлди. Хусусан, Жарқўтондаги 100 гектардан кам бўлмаган ҳудуддан арки аъло, шаҳристон, улкан ибодатхона қолдиқлари, металл эритувчи печлар, 20 гектарли қабристон, кўплаб моддий маданият буюмлари топиб ўрганилди. Ундан ташқари Жарқўтон ҳудудида олиб борилган тадқиқотлар кўҳна шаҳарнинг пайдо бўлиб ривожланган санасини аниқлаш ҳамда ушбу ҳудудларда юз берган тарихий — маданий жараёнларни бир неча босқичларга ажратиш ўрганиш имкониятини берди. (А.Асқаров).

Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра, Жарқўтондаги қадимги шаҳар ҳаёти уч босқичга, яъни, Жарқўтон (мил. авв.1500—1350 йиллар), кўзали (мил. авв.1350—1200 йиллар) ва молали (мил. авв. 1200—1000 йиллар) босқичларига бўлинди. Кейинроқ, Жарқўтоннинг қарама—қаршисида, Бўстонсойнинг ўнг соҳилида ўрганилган ёдгорликлардаги тадқиқотлар натижасида молали босқичини икки фазага, яъни молали (мил. авв.1200—1000 йиллар) ва бўстон (мил. авв. 1000—900 йиллар) фазаларига бўлиб ўрганиш имконияти пайдо бўлди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарига келиб Жарқўтон ўша ҳудудлардаги деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли қабилалари уюшмаларининг мустаҳкам истеҳкомига айланади. Афтидан, айнан мана шу истеҳком орқали Ҳисор тоғ олди воҳалари ва жанубий Тожикистоннинг ғарбий ҳудудларига шимолдаги аҳолининг кўчишлари бўлиб ўтади. Айнан мана шу ҳудудлардан топилган ёдгорликлар топографияси ва уларни даврлаштириш ушбу жараён изчиллик билан бўлиб ўтганлигини кўрсатади. Ундан ташқари яна шу нарса ҳам маълумки, бу жараённинг ривожланиши мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ўтроқ деҳқончилик турмуш тарзи кечирувчи аҳоли манзилгоҳларида аҳоли сонининг ўсиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёти учун ҳам кенг имкониятлар яратди.

Бронза даври Жанубий Ўзбекистон шаҳарлари ҳақида гап кетар экан шуни таъкидлаш жоизки, бу давр ёдгорликлари фақат археологик тадқиқотлар орқалигина ўрганилиб, бу даврдаги сиёсий—маъмурий тузилмалар ҳамда ижтимоий—иқтисодий муносабатлар эса ёзма манбаларсиз, қиёсий таққослаш асосида ўрганилади. Айнан мана шунинг учун ҳам тадқиқотчиларнинг ушбу жараёнлар хусусидаги хулосалари кўп ҳолларда тахминлардан иборат. Масалан, А.Асқаров ва Б.Абдуллаевлар бронза даври ривожланишининг Жарқўтон босқичини (мил. авв. II минг йиллик ўрталари) ибтидоий жамоа тузуми емирилиш даврига, кўзали ва молали босқичларини (мил. авв. II минг йилликнинг охирлари) эса мулкий тенгсизлик

муносабатлари пайдо бўлиши даврига оид деб ҳисоблайдилар. В.И.Сарианиди эса, аксинча, мил. авв. II минг йилликнинг охири I минг йилликнинг бошларида давлатчилик муносабатлари шакллана бошлаган Бақтриянинг умумий ижтимоий ривожланиш даражасини ошириб юбормасликни таклиф этади.

Т.Ш. Шириновнинг фикрича, Жарқўтонни Месопотамиядаги «чифдом» ва «ном» га ўхшаш кичик давлатнинг маъмурий маркази бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Аммо, Месопотамиядаги давлатлардан фарқли ўлароқ, у беқарор сиёсий бирлашма бўлган. II минг йилликнинг охири – I минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиёнинг жанубида бир неча кичик давлат уюшмалари вужудга келган бўлиб Дашли 3, Гонур 1, Тўғалоқ1, Улуғтепа, Номозгоҳтепа, Олтиндепа каби Жарқўтон ҳам улардан бирининг маркази бўлган.

Кўпчилик олимларнинг эътироф этишларича, Ўрта Осиёнинг жанубида илк шаҳарлар ва давлат уюшмаларининг пайдо бўлиш жараёни В.М.Массон томонидан нисбатан аниқроқ изоҳланган. Тадқиқотчи бу жараёнда иккита асосий босқични ажратади: 1) маълум воҳаларда шаҳар – давлатларнинг пайдо бўлиши; 2) улар асосида йирик ижтимоий – сиёсий тартибнинг шаклланиши.

Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар натижаларини умумлаштирган А.Асқаров Жарқўтонни, умумий майдони 100 гектардан кам бўлмаган шаҳар – давлат сифатида изоҳлайди. Шунингдек, Э.В.Ртвеладзе ўзининг сўнгги йиллардаги ишларидан бирида Ўзбекистон ҳудудидаги илк давлатчилик масалаларига тўхталиб, мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми – Ўзбекистон жанубида эмбрионал шаклда давлатга ўхшаш тузилма қарор топади, давлатнинг бундай намунаси Жарқўтонда ўз аксини топган дейиш мумкин деган фикрни илгари суради.

Ўтган асрдаёқ фанда ишлаб чиқилган типологияга асосан, илк давлатларнинг нисбатан қадимги шакли (Месопотамияда) шаҳар – давлатлар, «номлар» ҳисобланади. Умуман олганда ном давлатлар, шаҳар – давлатлар, жамоалар ва воҳалар марказларини Жарқўтон мисолида қиёсий таҳлил қилиш мумкин.

Тадқиқотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Жарқўтонда манзилгоҳдан ташқарида бунёд этилган махсус қабристонлар Сополлига нисбатан жамиятнинг ижтимоий ривожланиши юқори даражада бўлганлигидан далолат беради. Ундан ташқари, ички бозор учун маҳсулот ишлаб чиқарган кулолларнинг алоҳида маҳаллари шаклланиши ҳам жамиятнинг нисбатан юқори даражада ривожланганлигини муҳим белгиси ҳисобланади. Бу даврда Жарқўтон жамиятидаги кулолчилик ихтисослиги маҳсулот ишлаб чиқаришда устун даражада эди. Ундан ташқари, қабрлардан топилган буюмларнинг сони ва сифати мулкый табақаланиш нисбатан кучайганлигидан далолат беради. Жарқўтон манзилгоҳлар мажмуи Бўстонсой воҳасида марказлашган ва табиий чегаралар — дашт ва тоғ олди билан чегараланган жамиятни ўзида акс эттиради.

Умуман олганда, Жарқўтон кўринишидаги манзилгоҳлар мажмуини ном давлатлар билан қиёслаш учун етарли қатор умумий белгилар бор. Аммо, Месопотамиядаги ном давлатлар учун хос бўлган ёзув намуналари Жарқўтондан топилмаган. Шунга қарамай тарихдан бизга маълумки, инсоният тарихида ўз ёзувиغا эга бўлмаган давлат уюшмалари ҳам мавжуд бўлган.

Юқоридагилардан хулоса ясаб айтиш мумкинки, бронза даври Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида яшаган ўтроқ деҳқончилик жамоалари жамият тараққиётининг юқори поғонасида бўлиб, ибтидоийликнинг сўнгги босқичидан цивилизацияга ўтадилар. Ушбу цивилизациянинг бошланиши шаҳармонанд (протогород) белгиларни ўзида акс эттирган Сополлитепа бўлган бўлса, Жарқўтон айнан йирик шаҳар белгиларини ўзида мужассамлантирган марказ эди. Фикримизча, айнан Жарқўтоннинг ўзи Ўзбекистон ҳудудларидаги илк шаҳарларнинг ёрқин мисоли эди. Шеробод воҳасидаги шу даврга оид Жарқўтон мажмуига кирувчи манзилгоҳлар гуруҳини эса шаҳар—давлат ёки ном давлатлар сирасига киритишимиз мумкин. Ёки ҳеч бўлмаганда, мил. авв. II минг йилликнинг сўнгги чорагида Шимолий Бақтрия ҳудудларида йирик ва мустақамланган марказларга эга бўлган, ном ёки воҳа кўринишидаги давлатларнинг бошланиш босқичида

бўлган ҳудудий – сиёсий бирлашмалар шакллана бошлаган деган ғояни илгари суришимиз мумкин.

Шундай қилиб, Сурхон воҳаси нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё ҳудудларида илк урбанистик марказлардан бири ҳисобланиб, ушбу ҳудудларда урбанизация жараёнларининг бошланиш санаси 4000 йилдан кам эмас дейишга жиддий илмий асослар бор.

Таянч сўзлар

«Ҳисорлик» овчилар, ўзига хос хўжалик – маданий шакл, маданият босқичлари, энг қадимги ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳи, тарихий – маданий омилар, урбанистик маданиятнинг уйғунлашуви, мустаҳкам манзилгоҳ, икки қисми тузилиш, деҳқончиликнинг етакчи мавқеи, дон янчиги, келисоп, уй чорвачилиги, кулолчиликнинг юқори даражаси, металлга ишлов бериш, тўқимачилик тараққиёти, Сополли – Дашли маданияти, манзилгоҳлар топографияси, шарқий зона, ғарбий зона, ҳарбий тўқнашувлар, истеҳком (форпост), Жарқўтон харобалари, арки аъло, шаҳристон, қабилалар уюшмаси, аҳоли кўчишлари, «чифдон» ва «ном» давлатлар, шаҳар – давлат, эмбрионал шаклдаги давлат, шаҳармонанд – протогород.

Савол ва топшириқлар:

1. Қадимги Бақтрия шаҳар маданияти шаклланишининг асослари ҳақида нималарни биласиз?
2. Сополитепа – Ўзбекистон ҳудудидаги дастлабки деҳқончилик қишлоғи эканлиги ҳақида сўзлаб беринг.
3. Илк шаҳарлар ва илк давлатлар ўртасида диалектик боғлиқлик мавжудлигини Жарқўтон мисолида тушунтиринг.

5-§. Фарғона водийсидаги илк шаҳарсозлик маданияти.¹

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, ўзига хос тараққиёт босқичини босиб ўтган илк шаҳарсозлик маданияти занжирига Фарғона водийси ҳам киради. Водийдаги ўзида илк шаҳарсозлик белгиларини акс эттирувчи (катта майдон, мураккаб тузилиши ва мудофаа тартиби, алоҳида арк, ҳунармандчилик маркази ва бошқ.) археологик ёдгорликлар ҳақидаги концепция 1973 йилдаёқ Ю.А. Заднепровский томонидан ишлаб чиқилган эди. Шундан сўнг ушбу масала юзасидан айрим мулоҳазалар билдирилган бўлишига қарамай, юқоридаги концепция ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Фарғона водийсидаги илк шаҳарсозлик маданияти кўҳна иддизларга эга бўлиб, бу ҳудудлардаги илк шаҳарсозлик маданияти алоқалари қадимги деҳқончилик маданияти заминидан кузатилади. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра водийда қадимги деҳқончилик маданияти мил. авв. II минг йилликнинг охириги чорагидан бошланади. Бу маданият фанда биринчи топиб ўрганилган жой номи билан «Чуст маданияти» деб номланиб ушбу маданият асосан деҳқончилик билан шуғулланган қадимги аҳолига мансубдир. Даврий жиҳатдан Чуст маданияти ёдгорликлари иккига бўлинади ва биринчи босқич — мил. авв. XII—IX асрлар, иккинчи босқич мил.авв. VIII—VII асрлар билан саналади.

Қадимги Фарғона деҳқонлари кўп ҳолларда сув манбаалари атрофларида ўз маконларини бунёд этганлар. Сўнгги йилларда Фарғонадаги бронза даври аҳолисининг ерни хайдаб деҳқончилик қилганликлари ҳақида археологик маълумотлар олинди. Хусусан, Фарғона тоғ тизмаларидаги Соймалитош ва Сўх яқинидаги Янгиариқсой қоятош суратларида кўш ҳайдаётган инсон тасвири аниқланган. Қадимги деҳқонлар фақат табиий сув бўйларини ўзлаштирибгина қолмасдан балки, обиҳаёт чиқариш осон бўлган дарё ва сой бўйларидан кичкина каналлар чиқариш

¹ Ушбу бўлимни ёзишда ФА Археология институти илмий ходими т.ф.н. Б.Матбобоевнинг сўнгги илмий ишлари ва маслаҳатларидан самарали фойдаланганимиз боис ҳамкасбимизга мингнатдорчилик билдирамиз.

йўли билан ҳам хўжалик юритганлар. Бунинг исботи сифатида Андижон вилоятида жойлашган Далварзинтепа ва Ашқолтепани йирик сув манбаси — Қорадарё ҳавзасида (3—4 км. масофада) жойлашганлигини келтиришимиз мумкин. Чуст ёдгорлиги эса кичкина сой яқинидаги қадимги булоқ бўйида жойлашган. Умуман олганда Фарғона илк деҳқончилик маданиятининг 80 дан ортиқ ёдгорликлари аниқланган. Улар майдони ва ўлчамларига қараб учга бўлинадилар: йирик ёдгорликлар (Далварзин, Ашқолтепа), ўртача катталиқдаги ёдгорликлар (Чуст, Деҳқонтепа, Ўш, Хожамбоғ) ва кичик ёдгорликлар.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Фарғона водийсидаги қадимги зироатчиларнинг маконлари сувга яқин жойлардаги унумдор ерларнинг ўзлаштирилишига қараб алоҳида воҳа ёки гуруҳ тарзида (икки ва ундан ортиқ ёдгорлик) жойлашган. Бунинг исботи сифатида кейинги 50 йил ичида водийда ўрганилган Чуст маданияти ёдгорликлари тартибига кирувчи манзилгоҳларнинг жойлашиш тизимини келтириб ўтиш мумкин. Ана шундай воҳалар Фарғона водийсини 15 та географик районида топиб ўрганилган. Булар Говасой, Косонсой, Аравансой, Чортоқсой, Мойлисув, Оқбурасой ва бошқалардир. Қадимги деҳқончилик воҳаларини ҳар биридаги ёдгорликлар ўлчамлари ҳамда жойлашишига кўра маълум ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши тадқиқотчилар томонидан аниқланган. Ушбу воҳаларда истиқомат қилган аҳоли ўзига хос деҳқончилик жамоаларини ташкил этган. Ҳар бир воҳа ижтимоий—иқтисодий жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳамда уларнинг бирлашувидан деҳқончилик марказлари пайдо бўлган.

Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари билан қиёсий таҳлил этган Ю.А. Заднепровскийнинг фикрича, қадимги Фарғона деҳқончилик марказлари билан бир вақтда Ўрта Осиёнинг ўнта жойида ҳам ана шундай марказлар пайдо бўлади. Буларга Ёз, Яшилли (Туркменистон), Кучуктепа, Чироқчи, Бурғулук (Ўзбекистон); Чуст (Ўзбекистон, Қирғизистон), Шаҳристон (Тожикистон) ва бошқа деҳқончилик марказлари киради. Ушбу бир—бирига ўхшаш деҳқончилик марказлари орасида даврий жиҳатдан нисбатан қадимгиси Чуст ёдгорликлари ҳисобланади.

Чуст маданияти ёдгорликлари таркибига кирувчи асосий катта манзилгоҳлар Далварзинтепа, Чуст, Ашқолтепалар Фарғона водийсидаги ўзида илк шаҳарсозлик белгиларини акс эттирувчи ёдгорликлар ҳисобланади. Айнан Далварзинтепа ва Чустнинг атрофи деворлари билан ўраб олинган бўлиб, уларда ҳукмдор яшайдиган арк ажралиб туради.

Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики, Далварзинтепада яшайдиган аҳоли уни уч қисмдан иборат қилиб қурган. Ҳар бир қисм алоҳида мудофаа деворлари билан ўралган ҳамда уларнинг ўз вазифаси бўлган. Далварзинтепа ҳудудининг 18 гектари турар—жойлар, 5 гектари хавф туғилган пайтда атроф аҳоли жон сақлайдиган бошпана қисм, 2 гектари эса махсус алоҳида ажратилган қисм бўлиб, бу ерда ҳукмдорлар яшаганлар. Кўҳна шаҳарнинг деворлари паҳса ва хом гиштлардан фойдаланиб тикланган. Демак, Далварзинтепа пухта ўйланган режа асосида қурилган аҳоли манзилгоҳи бўлиб, ушбу ёдгорликда илк шаҳарсозликнинг деярли барча белгилари аниқланган.

Далварзинтепада олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

1. Далварзинтепанинг майдони катта, яъни 25 гектар бўлиб, бу ўлчам ижтимоий—иқтисодий тараққиёт натижаси ҳисобланади.
2. Кўҳна шаҳарда мураккаб режавий тузилиш, учга бўлинган таркибий қисм ҳамда арк мавжуд эди.
3. Ёдгорликда мукамал мудофаа тартиби мавжуд бўлиб, кўҳна шаҳарнинг ҳар бир қисми алоҳида ҳимояланган эди. Булар орасида аркка алоҳида эътибор берилиб, у анча пухта ўйланган режа асосида мудофаа этилган.
4. Далварзинтепада ҳунармандчиликнинг турли соҳалари—кулолчилик, металл, тош ва суякка ишлов бериш кабилар нисбатан яхши ривожланган.

Фикримизча, юқорида келтириб ўтилган белгилар Далварзинтепани илк шаҳар кўринишидаги ёдгорлик деб таърифлаш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади. Демак, Далварзинтепа мил. авв. II минг йилликнинг сўнгги чорагидан бошлаб маълум муддат Фарғона водийсининг йирик маданий ва иқтисодий маркази бўлиб хизмат қилган.

Таянч сўзлар

Мураккаб тузилиш, мудофаа тартиби, алоҳида арк, археологик ёдгорликлар ҳақида концепция, шаҳарсозликнинг қўҳна илдизлари, «Чуст маданияти», даврий жиҳатлар ва босқичлар, сув манбалари, ҳайдама деҳқончилик марказлари, уч қисмли тузилиш, илк шаҳарсозлик белгилари, Далварзин, Ашқалтепа, маданий ва иқтисодий марказ.

Савол ва топшириқлар:

1. Қадимги Фарғона урбанизациясининг ўзига хос томонлари ҳақида нималар биласиз?
2. Чуст маданиятининг пайдо бўлиши ва у ёйилган ҳудуд ҳақида маълумот беринг.
3. Қадимги Фарғона ўтроқ ва атроф кўчманчи аҳоли муносабатлари ҳақида гапириб беринг.

3–Мавзу. Мил.авв. II минг йиллик охири – I минг йилликнинг биринчи чораги шаҳарсозлиги (ижтимоий–иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт).

1–§. Урбанизация жараёнларининг илк темир давридаги янги босқичи.

Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярми Ўрта Осиё ҳудудларида моддий, маънавий ва ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини қамраб олувчи муҳим ўзгаришлар бўлиб ўтади. Бу даврнинг энг муҳим ўзгаришларидан бири – темирдан ясалган буюмларнинг пайдо бўлиши ва аста–секинлик билан кенг ҳудудларга ёйилиши бўлиб, бу янги тарихий давр илк темир асри деб юритилади. Металлургия соҳасида темирчиликнинг ривожланиши жамиятнинг кейинги тараққиёти, учун улкан имкониятлар яратдики, бу жараён Ўрта Осиё шароитида мулкӣ табақаланиш ва илк давлатларнинг пайдо бўлишини янада жадаллаштирди.

Археологик маълумотларга кўра, темир эритиш ҳунармандчилигининг энг қадимги маркази Яқин Шарқ эди. Мисол учун, Сурияда ва Месопотамиянинг шимоли

ғарбида мил. авв. XII асрдаёқ темир буюмлар кенг тарқалган бўлса, Оссурияда мил. авв. VIII асрда темир мис ва бронзани хўжалик ҳаётдан сиқиб чиқаради. Кам сонли бўлсада, мил. авв. II минг йилликнинг охирларига оид Кавказортидаги археологик мажмуаларда темир буюмлар учраса, мил. авв. II—I минг йиллик бўсағасида Эрон ва Ҳиндистонда ҳам темир пайдо бўлади.

Ўрта Осиёда темир асрининг бошланиши ҳақидаги мунозаралар ҳамон тадқиқотчиларнинг илмий баҳсларига сабаб бўлаётган масалалардан биридир. Бу давр дастлабки марта 1959 йилда В.М.Массон томонидан ўша пайтда маълум бўлган Ўрта Осиёдаги ёдгорликлар асосида ажратилган эди. Ўша пайтда темир буюмлар жанубий Туркманистондаги Ановда, Фарғонадаги Далварзинда, Туркманистоннинг жануби — ғарбидаги Дохистондагина маълум эди. Ҳозирги кунга келиб мил. авв. I минг йилликнинг бошларига оид кўплаб ёдгорликлар маълум бўлса — да, улардаги топилмалар орасида темир буюмлар кўпчиликни ташкил этмайди. Таъкидлаш жоизки, мил. авв. X—VIII асрларда олдинги даврларда бўлгани каби Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида металл қурооларнинг асосий қисми бронзадан тайёрланган. Бу даврга оид археологик тадқиқотлар натижалари эълон қилинган кўпгина илмий ишларда бу давр баъзан сўнгги бронза, баъзан эса илк темир асри деб талқин этилади. А.С.Сагдуллаев эса, ўзининг айрим ишларида бу даврни сўнгги бронзадан илк темир асрига ўтиш даври деб белгилайди. Умуман олганда мил. авв. I минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиё аҳолиси темир билан танишади. Мил. авв. VI—IV асрларда темир буюмлар бу ҳудудларда кенг тарқалади — ки, бу жараён шаҳарлар тараққиётининг янги босқичга кўтарилиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларидаги 4 та қадимги тарихий — маданий вилоятда илк темир даврига оид археологик мажмуалар аниқланган бўлиб улар Шимолий Бақтрияда, Сўғд ҳудудларида, Фарғона водийсида ва Тошкент воҳасида жойлашган. Ушбу археологик мажмуалардаги шаҳарсозлик маданиятида кўп ҳолларда умумийлик аниқланган бўлса — да, тарихий жараёнлардаги ўзига хослик ҳам сезилиб туради.

Мил. авв. I минг йиллик бошларида Евросиёнинг кенг дашт ҳудудларига кирувчи Ўрта Осиёнинг жанубий ўтроқ деҳқончилик воҳалари ва шимолий ҳудудлари ўртасидаги анъанавий фарқлар сақланиб қолади. Янги давр янги археологик маданиятларнинг пайдо бўлиши ва ёйилиши ҳамда ўзига хос шаҳарсозлик маданияти билан изоҳланади.

Ҳозирги кунга келиб ўзига хос маданият намуналари Ўрта Осиёнинг жанубидаги кенг деҳқончилик воҳалари — Парфия, Марғиёна, Бақтрия ва Сўғдиёна ҳудудларидан топиб ўрганилган. Бу мажмуаларга хос ёдгорликлар кўп ҳолларда дастлаб топилиб нисбатан кўпроқ ўрганилган мажмуа номи билан Ёз I деб аталади. Аммо, мил. авв. X—VIII асрларга келиб олдинги даврларга нисбатан Ўрта Осиё деҳқончилик маданияти ёйилган ҳудудлар анча кенгаяди. Мисол учун, Фарғона водийсида Чуст маданияти деб ном олган деҳқончилик маданиятининг йирик ўчоғи пайдо бўлади. Айнан шунга ўхшаш мажмуалар Чочда (Бургулик (Бурканлик) маданияти) ва Жанубий Сўғдада топиб ўрганилган. Ушбу маданиятларнинг ажралиб турадиган ўзига хос томонлари ҳам қўлда ишланган нақшли сополлар ҳисобланади. Жанубий ва шимолий мажмуалар нақшинкор сополарининг ўхшашлик томонлари ва уларнинг ёйилиши ўта мунозарали масала бўлиб, улар ўртасида ўхшашлик ҳам, фарқлар ҳам кузатилади.

Туркманистоннинг энг жануби — ғарбида мил. авв. II минг йилликнинг охири — I минг йилликнинг бошларида архаик Дохистон деб номланган бошқа бир маданият ёйилади. Бу ҳудудларда ёйилган маданият кўпроқ қўшни Эрон маданияти билан ўхшашлик топади. Анъанавий дашт маданияти ёйилган ҳудудларда, Орол бўйида, Фарғона водийсида ва тоғли районларда бу даврга келиб мажмуаларнинг тарихий — ҳўжалик табақалашув жараёнлари янада кучаяди. Шунингдек, кўчманчи қабилалар иттифоқлари ҳам шакллана бошлайди. Ушбу жараёнларни қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, фикримизча, бу даврда ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи жамоаларнинг зарурий ва доимий муносабатларидаги эҳтиёжи янада кучайиб бу ҳолат Ўрта Осиё тарихий ривожланишининг асосий омилларида бири ҳисобланар эди. Ундан ташқари бу эҳтиёж, шаҳарлар тараққиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Бу даврдаги шаҳарлар ривожини чуқурроқ таърифлайдиган бўлсак, қадимги даврлардан бошлаб асосий хўжалиги суғорма деҳқончилик бўлган Ўрта Осиё жанубидаги анъанавий деҳқончилик ҳудудларининг хўжалиги мил. авв. I минг йилликнинг бошларига келиб йирик дарёлар ирмоқлари билан боғлиқ бўлган мураккаб суғориш тартибининг ташкил топиши билан изоҳланади. Йирик магистрал каналлар қазилиб уларнинг эни 5–10 метр, чуқурлиги 2–3 метр, узунлиги 50 км.гача боради. Бу даврда аҳоли жойлашувининг воҳа тартиби сақланиб қолади. Аммо, воҳаларга бирлашиш географик эмас, балки ижтимоий – иқтисодий хусусиятга эга эди.

Ичида қалъалари бўлган йирик манзилгоҳлар воҳаларнинг марказлари эди. Баланд гишт пойдевор устида бунёд этилган бундай қалъалар қўшимча мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Ушбу даврнинг охирларига келиб шаклланиб бўлган бундай марказлар фикримизча, урбанизация жараёнларининг тараққий этганлиги билан бир вақтда ижтимоий табақаланиш кучайиб борганлигини кўрсатади. В.М.Массоннинг фикрича, маҳаллий ҳукмдорларнинг қароргоҳлари жойлашган бундай манзилгоҳлар шаҳар – давлатлар тимсоли бўлиб, ҳимоя иншоотлари эса зарурият туғилганда атроф аҳоли учун панагоҳ вазифасини ўтаган. Илгариги даврлардаги каби бу даврда ҳам йирик марказлар ҳунармандчилик марказлашган ҳудудлар ҳисобланиб, бошқа минтақалар билан савдо аламашинувида муҳим аҳамиятга эга эди. Кичик манзилгоҳлар ва алоҳида уй – қўрғонлар бундай илк шаҳарларнинг қишлоқ хўжалик атрофи ҳудудини (округини) ташкил этган бўлиши мумкин.

Чуст маданиятида деҳқончилик ўзига хос суғориш услубига асосланган. Шаҳарсозлик анъаналари тобора кучлироқ кузатиладиган бу ерда аҳоли марказлашувининг воҳа шакли кузатилиб, Ю.А.Заднепровскийнинг фикрича, бу ҳолат қабилалар жойлашувининг қариндош – уруғчилик анъаналарини акс эттиради. Фарғона водийсининг воҳалари одатда ўртача катталиқдаги манзилгоҳлар бўлиб, бу ерда ҳам (ҳимояланган қўҳна Далварзин мисолида) йирик мустаҳкамланган марказлар шаклланади.

Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларидаги мил. авв. I минг йилликнинг бошларига оид нисбатан яхшироқ ўрганилган ва айримлари ўзида шаҳарсозлик белгиларини акс эттирувчи ёдгорликларга Шимолий Парфиядаги Улкентепа ва Улуғтепа, Марғиёнадаги Ёздепа, Жанубий Бақтриядаги Тиллатепа, Шимолий Бақтриядаги Кучуктепа, Қизилтепа ва Қизилчалар киради.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, бу давр йирик манзилгоҳлари бир неча ўнлаб гектар майдонни эгаллаган бўлиб, турар – жой массивлар ва алоҳида уйлар қолдиқларидан иборат тепаликлардан ташкил топган. Бу тепаликлар орасида қалъа энг йирик бўлиб, Улкентепада унинг диаметри 130 метр ва ер сатҳидан 20 метр баланд. Ундан ташқари қалъалар 6–10 метрли ғишт пойдевор устида жойлашган. Улкентепа ва Қизилтепа мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Ушбу кўҳна шаҳарларнинг атроф ҳудудлари (пригород) бўлиб, бу ҳудудларда қўрғонларнинг қолдиқлари аниқланган.

Ёздепа қалъасидан маҳаллий ҳукмдорнинг маҳобатли қурилишлари бўлган саройнинг бир қисми, жумладан тўғри бурчакли катта зал қолдиқлари қазиб очилган. Бу қурилишлар Ёздепа атрофини ўраб турган юшқа деворли кўп хонали уйлар – маҳаллалардан тубдан фарқланади. Фикримизча, бошқа шу давр ёдгорликларида ҳам учрайдиган ушбу фарқланиш ижтимоий – иқтисодий ва табиий шароитлар билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир ёдгорликка хос бўлган меъморий хусусиятларни ва қурилиш услублари ҳамда шаҳарсозлик анъаналарини ифодалайди.

Жанубий Бақтриядаги Тиллатепа ҳам қалъали манзилгоҳлар сарасига киради. Бу ерда асосий қазилмалар олиб борилган тепалик 6 метрли ғишт пойдеворда қад кўтарган қалъа – қўрғон қолдиқларидан иборат. Тадқиқотлар натижаларига кўра, қўрғон марказида дастлаб кенг айланма йўлаклари бўлган зал мавжуд бўлган. Кейинроқ ушбу мажмуа қайта қурилиб, залнинг ўлчами 400 кв. метрга етади. Унинг устини ёпишда томни ушлаб турувчи 9 та квадрат устунлардан фойдаланилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу иншоот ибодатхона бўлиб, «катта» залда олов билан боғлиқ сифиниш маросимлари ўтказилган, «кичик» залдан эса хўжалик мақсадларида фойдаланилган.

Бу даврга оид Шимолий Бақтриядаги яна бир ёдгорлик уч қаторли деворлар ҳалқаси билан ўраб олинган, 4 метрли пахса асосда қад кўтарган Кучуктепа бўлиб, у катта ва мустаҳкам иншоотни ўзида акс эттиради. Тадқиқотчиларнинг тахминларича, икки қисмдан (мустаҳкам қалъа ва манзилгоҳ) иборат Кучуктепа қўрғони уруф оқсоқоллари вакиллари билан бирига тегишли бўлган. Қўрғон ташқарисида алоҳида уйлар жойлашган.

Шимолий Бақтриядаги Қизилча 6 эса қишлоқ қўрғони бўлиб шаҳар даражасида ривожланмаган. Тарҳий тузилиши жиҳатдан тўртбурчак бўлган бу қўрғоннинг марказий ички қисмида ҳовли, билан бир қаторда тўғри бурчакли турар – жойлар, ишлаб чиқариш ва хўжалик хоналари жойлашган. Қизилтепа ташқи деворининг эни 3 метргача боради. Тадқиқотчиларнинг фикрича, шунга ўхшаш қишлоқлар катта патриархал оилаларга тегишли бўлган. Аҳмонийларгача бўлган даврда Жанубий Сўғд ҳудудлари ҳам ўтроқ деҳқончилик қабилалари томонидан жадаллик билан ўзлаштирилади. Бу даврда Жанубий Сўғд Марғиёна ва Бақтрияга ҳудудий жиҳатдан яқин бўлиб, улар билан битта тарихий – маданий ўлкани ташкил этган.

Бошқачароқ шаклдаги шу даврга оид манзилгоҳлар Тожикистоннинг жанубида ўрганилган. Шулардан бири Кўлоб вилоятида, Ҳазратишоҳ тоғ олди ҳудудларида жойлашган Каримберди манзилгоҳи ҳисобланади. Атроф воҳалардаги чорвадор аҳолининг марказий шаҳри сифатида эътироф этилаётган ушбу ёдгорликдан деворларнинг тош пойдевори, ёдгорлик атрофидан эса ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг излари (тандир кўринишидаги хумдон) очилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Каримберди ёдгорлиги қурилиш услуби шу ҳудудларда мавжуд бўлган тоғ олди манзилгоҳларидан ажралиб туради. Манзилгоҳ соҳибларининг асосий машғулоти чорвачилик ва лалмикор деҳқончилик ҳисобланган.

Ёз I кўринишидаги мажмуаларнинг моддий маданияти кўп ҳолларда сўнгги бронза даври анъаналарини давом эттиради. Мисол учун, қурилишда гиштларнинг аввалги шакллари сақланиб қолади. Айрим ҳолларда қўҳна шаҳарлар тузилиши ва ҳимоя иншоотлари ривожланишида ҳам умумийлик кузатилади. Бронза давридаёқ Шимолий

Бақтриянинг йирик манзилгоҳларидан бири бўлган Жарқўтонда баландлиги 1 метрдан 2 метргача бўлган гишт пойдеворлар маълум эди. Ушбу пойдеворлар устига кўп хонали уйлар барпо этилиб, марказий турар – жойлар ҳимоя хусусиятига эга бўлган деворлар билан ўраб олинган.

Ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар шаҳарлар тараққиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб илк темир асридаги бундай алоқаларга қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик. Чунончи, бундай алоқалар ҳунармандчилик буюмлари, хусусан, сопол идишлар ишлаб чиқариш ва улардаги ўхшашликда кўпроқ кузатилади.

Ўрта Осиёнинг илк темир даври маданий мажмуаларининг келиб чиқиши анчагина мунозарали мавзу ҳисобланади. Тадқиқотчиларнинг фикрларини қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, Ўрта Осиёнинг жанубий ва шимолий ҳудудлари нақшли сопол мажмуаларида ўхшашлик бўлгани каби фарқлари ҳам бор. Ўхшашликлар умумий бўлиб улар қуйидагилардир: деҳқончиликка асосланган хўжалик, аҳолининг воҳалар шаклида жойлашуви, йирик марказларнинг мавжудлиги. Аммо бу жараёнларнинг шимолий ва жанубий ҳудудларда аниқ намоён бўлиши бир хил эмас. Жанубий ҳудудларда деҳқончилик минг йиллар анъаналарига эга бўлиб, Ёз I, Кучук I, Қизил I даврларида анча юқори даражага кўтарилган эди. Бу даврда шимолий ҳудудларда эса суғориш иншоотлари ҳали унча такомиллашмаган эди. Жанубдаги деҳқончилик жамиятидаги ижтимоий бўлиниш ва урбанизация жараёнлари шимолдагига нисбатан тезроқ бўлиб ўтган. Шунингдек, қурилиш услублари ва манзилгоҳларнинг умумий тарҳида фарқланиш сезилади. Шимолий ва жанубий мажмуалардаги топилган топилмаларнинг умумийлиги ўзаро маданий алоқалардан далолат бериб, ушбу алоқалар Бақтрия ва Фарғона ўртасида нисбатан кучли бўлган бўлиши мумкин.

Жанубий ва шимолий мажмуаларнинг бир бирига ўхшашлиги нақшли сопол топилмаларда нисбатан кучлироқ кузатилади. Ю.А.Заднепровскийнинг фикрича, ҳар иккала ҳудуд маданияти Чуст маданияти деб номланган ягона тарихий – маданий жамоага бирлашган бўлиши мумкин.

Айрим ҳолларда Чуст маданияти Ўрта Осиёнинг жануби ва Шимолий Афғонистондаги юқори даражада ривожланган маданиятларнинг четдаги кўриниши сифатида талқин этилади. А.Сағдуллаев эса, Фарғона ва Чочнинг Ўрта Осиё жанубидаги деҳқончилик маданиятидан четдалигини (периферийной) эътироф этган ҳолда, улардаги умумийликни қатъиян рад этиб, улар ривожланиш нуқтаи назаридан турли вилоятлар бўлиб, асосий белгилари билан тубдан фарқланади ва қўлда ишланган нақшли сополларнинг ўхшашлиги улардаги умумийликни кўрсатувчи асос бўлиб хизмат қила олмайди, деган фикрни илгари суради.

Ҳозирги кунда кўпчилик тадқиқотчилар жанубдаги нақшинкор сопол маданияти келиб чиқишининг В.М.Массон томонидан таклиф қилинган нуқтаи назарни қўлаб қувватлайдилар. Ушбу маданиятнинг кенг деҳқончилик ҳудудларида шаклланиши даставвал ички урбанизация жараёнлари ва мулкӣ тенгсизликнинг пайдо бўлиши билан боғланади. Фикримизча, айнан мана шу жараёнлар туфайли кенг ҳудудлардаги маданиятда умумийлик пайдо бўлиб, анъаналарнинг ўзгариши бўлиб ўтади.

Археологик маълумотларга таянган В.И.Сарианидининг фикрича, Ўрта Осиёнинг нақшинкор сополлари мажмуи маҳаллий илдишларга эга эмас. Уларнинг келиб чиқиши тахминан жануби – ғарбий Эрон ҳудудларида жойлашган қабилаларнинг босқичма – босқич кўчишлари билан боғлиқ. Уларнинг кўчишлари иккита – жанубий ва шимолий йўналишлар орқали бўлиб ўтган. Жанубий йўналиш Жанубий Афғонистон ва Балужистон ҳудудларидаги ўхшаш мажмуаларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлса, шимолий йўналиш (Эрон Хуросони орқали) Копетдоғ тоғ олди текислиги орқали Марғиёна, ундан жанубий Бақтрия, кейин эса Амударёнинг ўнг қирғоғига ўтган.

Ш.Б. Шайдуллаев, сўнгги бронза ва илк темир асри маданиятларининг келиб чиқиши ҳақидаги кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларини археологик матариаллар асосида қиёсий ўрганиб Шимолий Бақтриядаги Кучук 1 кўринишидаги маданиятнинг келиб чиқишида маҳаллий анъаналар устуңлик қилгани ҳолда бу маданият маҳаллий ва

бронза даври дашт маданияти қўшилиши асосида пайдо бўлган деган фикрни билдиради.

Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар натижаларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, Ўрта Осиё нақшинкор сополлари мажмуи маҳаллий ва четдан келган маданий анъаналар қўшилишини ўзида акс эттириб, кўп ҳолларда маҳаллий анъаналарнинг устунлик қилишини кузатиш мумкин. Бу ўринда, Ўрта Осиёнинг дашт ва чўл ҳудудларидаги маҳаллий маданий анъаналарнинг ўтроқ воҳалар маданиятига таъсирини ҳам унутмаслик лозимдир.

Дашт қабилаларининг анъанавий жойлашув маконлари шу даврга оид қадимги Хоразм ҳудудларидан аниқланган бўлиб Амиробод маданияти деб ном олган. Ушбу маданият бронза даври маданиятлари асосида шаклланади. Бу маданиятга оид деярли барча манзилгоҳлар Амударё ҳавзасининг қадимги ирмоқлари билан боғлиқ. Улар орасида нисбатан яхши ўрганилгани Оқчадарёнинг жанубий ҳавзасидаги Яккапорсон 2 ва Қават 2 ҳисобланади. Улар қадимги ирмоқ бўйлаб чўзилган бўлиб ярим ертўла уйлардан иборат. Уларнинг ердан тепа қисми ёғоч ва хас — хашақдан кўтарилиб сомонли лой билан сувалган. Айрим манзилгоҳлар мавсумий хусусиятга эга. Ҳар бир уйда ўчоқ излари бор. Амиробод маданияти сополлари қўлда ишланган. Бу маданиятга оид кўплаб бронза буюмлар топилган бўлиб, улар ўроқлар, пичоқлар, ўқ учлари, игналар ва тақинчоқлардан иборат.

Амиробод маданияти бронзадан темир асрига ўтиш даври маданияти ҳисобланиб, мил. авв. X—VIII ёки IX—VIII асрлар билан саналади. Бутун Хоразм ҳудудларида темир буюмларнинг кенг ёйилиши мил. авв. VI—V асрларга оиддир. Темир буюмларнинг нисбатан қадимги айрим намуналари Амударёнинг Сариқамиш ҳавзасида жойлашган Қўйисой 2 манзилгоҳидан топилган. Бу манзилгоҳ мил. авв. VII—VI асрлар бошлари билан саналанган ва илк темир даври Қўйисой маданияти деб ном олган. Бу маданиятнинг келиб чиқиши тўлиқ ўрганилмаган бўлсада, жанубий ва жануби — ғарбий Туркменистон билан фаол алоқалар ҳақидаги масала кўтарилган.

Фарғона водийсининг ғарбий қисмида, ҳозирги шимолий Тожикистон ҳудудларида мил. авв. II минг

йилликнинг охири — I минг йилликнинг бошларида Қайроққум маданияти қабилалари яшаганлар. Чуст маданиятига ўхшаш нақшлар билан безатилган Хўжа Ягона тақридаги кўзачанинг топилиши бу иккала маданият ўртасидаги алоқалардан далолат беради. Аммо, қайроққумликларнинг Фарғона деҳқонлари билан нисбатан чуқурроқ алоқалари нисбатан кейинги давр — мил. авв. I минг йилликнинг иккинчи чорагига, Қайроққум маданиятининг яқунловчи босқичига оиддир. Бу даврга оид манзилгоҳлардан темир буюмлар намуналари топилган. Қайроққум сополари ва сўнгги Чуст сополари билан биргаликда Фарғона водийсидаги Даштги Аштдан мил. авв. VIII—VII асрларга оид мазор—қўрғонлардан ҳам топиб ўрганилган.

Шундай қилиб, мил. авв. I минг йилликнинг бошларига келиб Ўрта Осиёнинг тоғ олди ҳудудлари ва дарё воҳалари ўтроқ деҳқончилик аҳолиси томонидан янада жадаллик билан ўзлаштирила борилади. Помир—Олой тоғларидан Копетдоғ этакларигача бўлган кенг ҳудудларда ўзига хос, айна пайтда айрим томонлари бир—бирига ўхшаш турли—туман маданиятлар ёйилади. Ушбу маданиятлар соҳибларининг ижтимоий—иқтисодий ва маданий тараққиётида темир буюмларнинг ёйилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ўринда ярим кўчманчи дашт аҳолиси билан ўтроқ воҳалардаги аҳолининг ўзаро маданий ва иқтисодий алоқаларининг ҳам аҳамияти беқиёсдир. Бу алоқалар шубҳасиз, шаҳар маданиятининг ўзига хос тарққиёти учун асос бўлиб хизмат қилди.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, темир асрининг бошланиш санаси ҳақида тадқиқотчилар орасида ягона фикр йўқ. Тадқиқотчилар фикрларини қиёсий таҳлил қилиб Ўрта Осиёда мил. авв. IX—VIII асрлар бронзадан темир асрига ўтиш даври, мил. авв. VIII—VII асрлар илк темир асри, мил. авв. VII асрдан бошлаб темир буюмлар кенг тарқалган давр деб талқин қилиш мумкин. Ўзбекистон ҳудудларида эса, мил. авв. VII асрдан бошлаб темир буюмлар пайдо бўлган бўлса, мил. авв. VI асрдан бошлаб шаҳар ҳаётида, ўтроқ ва ярим кўчманчи аҳоли хўжалигида темир буюмлар кенг тарқала бошлайди ҳамда хўжалик ҳаётида устун даражага чиқиб олади. Металл

ҳунармандчилиги ва кулолчиликнинг тараққий этиши ўз навбатида урбанизация жараёнларининг ҳам фаоллашувига олиб келди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида мил. авв. II минг йилликнинг охири – I минг йилликнинг бошлари ва ўрталарида Ўрта Осиё ижтимоий–иқтисодий жамиятида қуйидаги ўзгаришлар бўлиб ўтганлиги кузатилади:

– аҳоли яшайдиган ҳудудларнинг анчагина кенгайиши ва шунга мос ҳолда суғориладиган ва ишлов бериладиган ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида илгари аҳоли яшамайдиган ҳудудларда янгидан ўзлаштирилган воҳаларнинг пайдо бўлиши;

– дарёлар воҳалари ва тоғ олди ҳудудларининг ўзлаштирилиши натижасида суғорма деҳқончиликда илғор ва мураккаб суғориш тартибининг ташкил топиши;

– энг муҳими, воҳалар ичидаги манзилгоҳлар сонининг кўпайиши ва улардаги аҳоли сонининг ортиши, манзилгоҳларнинг мудофаа деворлари билан ўраб олиниши натижасида янги сифатий кўринишдаги шаҳарларнинг пайдо бўлишидир.

Таянч сўзлар

Темир асри, темир буюмлар, темирчилик, Ёз – I, архаик Дохистон, қўшимча мудофаа деворлари, панагоҳ, марказлашувнинг воҳа шакли, қалъа – қўрғон, катта партриархал оила, қурилиш услублари, меъморий хусусиятлар, мустаҳкам иншоот, нақшли сопол мажмуалари, Кучук I, умумий тарҳ, ички урбанизация жараёнлари, қабилаларнинг анъанавий жойлашуви.

Савол ва топшириқлар:

1. Темирнинг пайдо бўлиши ва хўжаликда кенг ёйилиши ҳақида маълумот беринг.
2. Илк темир асри қайси қўҳна шаҳарларни биласиз? Улар ҳақида батафсил сўзлаб беринг.

3. Илк темир даври урбанизация жараёнларининг янги босқичи ҳақида ўз фикрингизни ифодаланг.
4. Илк темир даври Ўрта Осиё ижтимоий – иқтисодий жамиятида қандай ўзгаришлар бўлиб ўтган эди?

2–§. Қадимги аҳоли ва шаҳарлар тараққиёти.

Олиб борилган археологик ва антропологик тадқиқотлар натижалари қиёсий таҳлил этилар экан, қадимги даврдаги Ўрта Осиё ҳудудини ушбу йўналишларда ўрганиш илк шаҳарлар тарихини тадқиқ этиш нуқтаи назардан бир неча сабабларга кўра катта аҳамият касб этиши кузатилади. Ушбу аҳамиятли ҳолатни қуйидагича изоҳлаш мумкин: биринчидан, бу даврда аҳолининг табиий ҳудудлар бўйича хўжалик жиҳатдан табақаланиши содир бўладики, олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг асосан деҳқончилик билан шуғулланган жанубий ҳамда асосан чорвачилик билан шуғулланган шимолий ҳудудларини ажратиш ва ўзаро таққослаш имконини беради. Иккинчидан, деҳқончиликка ва ишлаб чиқарувчи иқтисодга эрта ўтиш деҳқончилик жамоалари сонининг ортишини ҳамда илк шаҳарларнинг ривожланишини белгилаб берди ва демографик жиҳатдан таъсир кўрсатиб ортиқча аҳолининг турли археологик маданиятларга ва хўжалик юритиш тартибига мансуб бўлган табақаларнинг кўчиб кетишига туртки берди. Учинчидан, Ўрта Осиё ҳудудида мураккаб этно – маданий жараёнларнинг содир бўлиши, ҳозирги замон ўлкамиз халқларининг шаклланишида узоқ қадимга бориб тақалувчи маҳаллий унсурларнинг устунлиги қадимги даврлар билан бевосита боғлиқдир. Тўртинчидан, айнан мана шу аҳоли илк шаҳар маданиятини ривожлантириш жараёнида ўлкамиз ҳудудларидаги ижтимоий – иқтисодий тараққиётнинг бошқарувчилари бўлиб, уларнинг илк деҳқончилик манзилгоҳлари ва дастлабки шаҳарсозлик маданиятининг яратувчанлиги хусусиятини ҳам алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Турли археологик маданиятлар кенг тарқалган Ўрта Осиё ҳудудида сўнгги бронза ва илк темир даврида

кузатилувчи манзара муайян тарихий — маданий жараёнлар ўта мураккаб кечганлигини кўрсатади. Шимол чорвадорлари маданияти бу — бронза даврининг Андронов маданияти бўлиб, Қозоғистон ҳудудларини тўла қамраб олиб ғарбда Волга орти чўлларигача, шарқда Минусинск ҳавзасигача чўзилади. Чорвадорлар маданиятининг излари ўша даврнинг кўпгина кўрғонларидан аниқланган бўлиб, улардан кўп сонли бронза ва сопол буюмлар, меҳнат ва жанговар қуроллар ҳамда санъат асарлари топилган. Улар қадимийлиги жиҳатдан Олд Осиёдан кейинда туради.

Ўрта Осиёнинг шимолий ва жанубий вилоятлари аҳолиси билан марказий ҳудудлар аҳолисининг мураккаб этномаданий алоқаларини эътиборга олиб, истисно тарзида айрим такрорланишларга йўл қўйсак — да, маҳаллий аҳоли ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган бошқа ўхшаш маданиятларга қисқача тўхталиб ўтамиз. Демак, юқорида таъкидлаганимиздек, Туркманистоннинг жанубидаги неолит даври Жойтун маданияти ўрнини энеолит маданияти эгаллайди. Бу маданият ёдгорликлари Шимолий Копетдоғнинг тоғ олди ҳудудларида Тажан дарёси воҳаси ва ҳавзаларида жойлашган. Бронза даврида бу ерларда Намозгоҳ (Намозгоҳ IV—V) маданияти гуллаб яшнади. Бу даврда Жанубий Туркманистон қадимги Шарқнинг деҳқончилик жамоаларига асосланган шаҳарсозлик цивилизацияси тизимига кирар эди.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида Жанубий Ўзбекистонда олиб борилган кўплаб археологик тадқиқотлар Ўрта Осиё, Шимоли — шарқий Эрон, Жанубий Афғонистоннинг жануби — ғарбий вилоятларидаги юксак даражада ривожланган деҳқончилик маданиятлари билан узвий боғлиқ бўлган Шимолий Бақтрия қадимги деҳқончилик цивилизациясининг янги ўчоғини аниқлаш имконини берди. Туркманистоннинг жанубий ҳудудларидаги деҳқончилик қабилаларининг шарққа кўчиб ўтиши бу ҳудудларда Сополли маданиятининг шаклланишига олиб келди. Мазкур маданият тарқалган ҳудудлар — Жанубий Ўзбекистон, Шимолий Афғонистон, Мурғоб воҳаси, Жанубий Туркманистоннинг тоғ олди ҳудудлари, шунингдек, Шимоли — шарқий Эрон ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, мил. авв. II минг йилликда жанубдаги деҳқончилик қабилалари унумдор ерларни қидириб шимолий ва шарқий ҳудудларга келдилар. Қадимги Бақтриянинг Сополли маданиятига мансуб қабилалар Амударё оқими бўйлаб ҳаракатланиб қадимги Бухоро воҳасининг унумдор ерларига келганлар ҳамда Замонбобо маданиятининг шаклланишига иштирок этганлар. А.Асқаровнинг фикрича, Замонбобо қабристони ва манзилгоҳи бир вақтда барпо этилган бўлиб, мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи чорагига мансубдир. Демак, Зарафшоннинг қуйи ва юқори оқимларида мил. авв. III—I минг йиллик бошларида жанубдаги деҳқончилик ва шимолдаги дашт маданиятига яқин маданият соҳиблари яшаганлар ҳамда улар ўртасида турли маданий алоқалар мавжуд эдики, қадимги аҳолининг бу алоқалари илк шаҳарлар тараққиётига ҳам таъсир этмасдан қолмади.

Антропологик тадқиқотлар натижаларига кўра, сўнгги бронза ва илк темир даврига келиб Ўрта Осиёнинг катта ҳудудларига европоид ирқининг вакиллари тарқалади. Сўнгги йилларда Ўрта Осиёнинг кенг ҳудудларидан хусусан, Ўзбекистон, Туркманистон, шимолий Афғонистон, Жанубий Тожикистон ва шимоли—шарқий Эрон ҳудудларидан топилган кўплаб мазор—қўрғонлар буюмлари ва дафн этилганларни антропологик жиҳатдан қиёсий ўрганиш юқоридаги фикрга асос бўлиб хизмат қилди.

Олиб борилган археологик ва антропологик тадқиқотлар натижаларини қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, бронза даврига келиб Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида баланд бўйли, юзи тор ирқининг вакиллари тарқалган. Шимолий дашт ва чўл ҳудудларида эса, жануб аҳолисидан фарқланувчи боши думалоқ, юзи жуда кенг ва чўзиқ бўлмаган қабилалар яшаганлар. Фанда жанубий қиёфали одамлар Ўрта ер денгизи ирқининг вакиллари деб аталади. Улар Олд Осиё, Месопотамия, Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Ҳиндистон каби катта географик ҳудудга ёйилганлар. Шимолий қиёфали одамлар Жанубий Сибир ҳудудидан то Қозоғистон, Ўрта Осиёнинг шимоли—шарқий қисми Урал, Волга бўйи ерларигача тарқалган.

А.Сағдуллаев тадқиқотларига кўра, бронза даврига келиб, Ўрта Осиё ҳудудида қадимги жанубий ва шимолий

қиёфадаги аҳоли вакиллариининг қўшилиш жараёни бошланади ҳамда айнан мана шу даврда, ўлкамизда яшаб ўтган бронза даври қабилалари Ўзбекистоннинг қадимги халқларига асос солганлар. Бу давр ўлкамиз ҳудудларида мураккаб этник – маданий жараёнлар бўлиб ўтгани билан изоҳланади. Хусусан, жанубий ҳудудлардаги ҳосилдор воҳалар ўтроқ деҳқончилик аҳоли томонидан ўзлаштирила бошланган бўлса, шимолий вилоятларда кўчманчи чорвадор қабилалар тарқала бошлайди. Кўчманчи чорвадорлар ва ўтроқ аҳолининг узвий муносабатлари асосида ижтимоий – иқтисодий ва маданий – этник муносабатлар авж олади.

Мил. авв. II минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиё ҳудудларига шимоли – шарқдан чорвачилик билан шуғулланувчи янги этник гуруҳлар кириб кела бошлайди. Маҳаллий маданиятдан фарқланувчи бу гуруҳлар маданияти (Тозабог'ёб) кўринишидаги ёдгорликлар кейинчалик Зарафшон дарёсининг қуйи ҳавзаси ҳудудларидан топиб ўрганилди. Худди шунга ўхшаш этносларнинг излари Тошкент воҳасидан, Фарғона водийсидан ва шимолий Бактриянинг тоғли ва тоғ олди ҳудудларидан аниқланган. Жуда катта ҳудудларда, хусусан, Қозоғистон чўллари, Олтой, Жанубий Сибир, Уралолди ҳудудларида эса ўзига хос маданият яратган (Андронов) аҳоли гуруҳлари яшаган бўлиб, ҳар иккала маданият аҳолиси ўртасидаги этно – маданий алоқалар археологик ва антропологик тадқиқотлар натижасида аниқланган.

Қадимги аҳолининг илк шаҳарлар пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнидаги яратувчанлик ва бунёдкорлик фаолияти беқиёс аҳамиятга эгадир. Қўҳна шаҳарлар ва манзилгоҳларда яшаган аҳоли сони ҳақида тадқиқотчилар турли маълумотлардан – ёдгорликларнинг майдони, қурилишлар зичлиги, уйларнинг сони, битта оилада яшовчиларнинг таркиби, этнографик тадқиқотлардан фойдаланадилар. Чунончи, қадимги шаҳарлардаги аҳоли сони ва уларнинг жойлашуви масалалари анчайин қизиқарли ва мунозарали мавзу ҳисобланади. Ўрта асрлар, мустамлака ва совет даври ҳамда мустақиллик даври шаҳарлари аҳолиси сони ҳақида маълум тадқиқотлар олиб борилиб кўпгина натижалар олинган бўлсада, энг қадимги шаҳарлар аҳолиси, сони масалалари деярли ўрганилмаган.

Демак, тадқиқотчиларнинг кам сонли бўлсада, бу борада олиб борган тадқиқотларини қиёсий таҳлил этамиз.

Қадимги шаҳарлардаги аҳоли сони ҳақида дастлабки маълумотлар хорижлик олимлар тадқиқотларида пайдо бўлган эди. Хусусан, Г. Чайлд шаҳарсозликнинг асосий белгилари ҳақида сўз юритар экан, аҳолиси 5000 ва ундан зиёд бўлган манзилгоҳларни шаҳарлар сафига киритишни таклиф этади. Г. Франкфорт эса махсус тадқиқотлар асосида Месопотамия қўҳна шаҳарлари аҳолиси зичлиги 1 гектарга 400 киши тўғри келиши ҳақида хулоса чиқаради. В.М. Массон Г. Франкфортнинг ушбу хулосаларининг қиёсий таҳлиliga асосланиб Кайкубодшоҳда (Тожикистон) 3500, Саксонохурда (Тожикистон) 2000 га яқин, Зартепада (Ўзбекистон) 6500 га яқин аҳоли яшаган бўлиши мумкин деган ғояни илгари суради. Аммо, тадқиқотчи ўзининг бу фикрларига бироз шубҳа билан қараб тўла асослаб бермайди.

Бронза даври Афғонистон ёдгорликларини тадқиқ этган В.И. Сариянидининг фикрича, Дашли воҳасининг ҳар 1 гектар ерига 150—200 та одам яшаган. В.М. Массон бевосита ўзи олиб борган археологик ва палеоэтноик тадқиқотларга асосланиб неолит даври Жойтун маданияти ёйилган даврда Копетдоғ тоғ олди текисликларида тахминан 3000 аҳоли яшаган бўлиб, аҳоли зичлиги даражаси нисбатан паст, яъни 100 км² 14 та одам тўғри келган деган фикрни билдиради.

Жанубий Туркманистондаги марказий ёдгорликлардан бири бўлган 8 гектарли Геоксюр I да Г.Н. Лисицинанинг фикрича, 1000—1200 та одам яшаган. Геоксюрдаги полеоботаник материаллар ва қадимги суғориш иншоотларини тадқиқ этар экан В.М. Массон бу ерда яшаган аҳоли 2000 киши деган хулоса чиқаради.

Бошқа ёдгорликларга нисбатан Сополитепа аҳолиси ҳақида батафсилроқ маълумотлар мавжуд. Таъкидлаш жоизки, манзилгоҳнинг катта қисмида маданий қатламлар сақланиб қолмаганлиги туфайли ҳисоб—китоблар фақат қалъадаги маълумотлар асосида қилиниб, кейин манзилгоҳнинг барча ҳудудларига жорий этилади. Демак, А.А. Асқаровнинг узоқ йиллик олиб борган тадқиқотлари натижаларига кўра Сополитепа қалъасининг умумий

майдони 6724 м². Биринчи босқичда қалъада 30 та кичик оила яшаган ва ҳар бир оилага 224 м² майдон тўғри келган. Иккинчи босқичда 61 та оила яшаган бўлиб ҳар бир оилага 110 м² майдон тўғри келган. Учинчи босқичда оилалар сони қисқариб 47 тага тушиб қолади, ҳар бир оилага 143 м² майдон тўғри келган. Умумий ҳисоблаб қараганда битта оилага $(124+110+143):3=159$ м² майдон тўғри келган. Манзилгоҳ умумий майдонини бу сонга бўлсак, Сополитепада яшаган оилаларнинг тахминий сони келиб чиқади. $40.000:159=251$ оила. Кичик оилаларнинг ўртача сони 5—6 киши. Демак, Сополитепада тахминан 1255—1506 та одам яшаган.

А.С. Сағдуллаев Қизилча 6 мисолида Шимолий Бақтрия манзилгоҳлари аҳоли сони ҳақида маълумотлар беради. Манзилгоҳ майдони ва уйларнинг сонига қараб хулоса чиқарган олимнинг фикрича, аҳмонийларгача бўлган даврда манзилгоҳда 15—20 та одам, Қизилтепа қўҳна шаҳри атрофларида эса 300 та гача одам яшаган.

Қадимги шаҳарлардаги аҳоли сони ҳақида Э.В. Ртвеладзе махсус (ва ягона) мақоласида маълумотлар беради. Олим археологик тадқиқотлар натижаларига таяниб Шимолий Бақтрия қадимги шаҳарларидаги аҳоли сонини қиёсий таҳлил этади. Тадқиқотчининг хулосаларига кўра, Далварзинтепа мудофаа деворларининг ички ҳудуди 17 гектардан иборат бўлиб, 1 гектарга 280 та одам, ҳаммаси бўлиб қўҳна шаҳарда 6000 дан зиёдроқ одам истиқомат қилган. Тадқиқотчи Шимолий Бақтриядаги кўпгина қўҳна шаҳар ва манзилгоҳлар аҳолиси сонини қуйидагича беради: Зартепа — 3000 га яқин; Хаитободтепа — 1500 га яқин; Жондавлаттепа — 1500 га яқин; Талашкантепа II — 100 га яқин; Ялангўштепа — 3500 га яқин; Кампиртепа — 800—900; Хайрободтепа — 500 га яқин; Боботепа — 700 дан зиёдроқ; Арпапоятепа — 300 га яқин; Келинчактепа — 70 дан зиёд; Оққўрғон — 140—150 киши.

Демак, кўриб ўтганимиздек, қадимги шаҳарлардаги аҳоли сони ҳақидаги маълумотлар ниҳоятда кам. Шунга қарамасдан, ушбу кам сонли маълумотларни умумлаштириш ва бу бордаги тадқиқотларни давом эттириш илк шаҳарлар тарихини ўрганиш борасидаги тасаввурларимизни янада кенгайтириши шубҳасиздир. Ўрта асрлар ва ундан кейинги

давр шаҳарларидаги аҳоли сонига келсак, бу борада маълумотлар нисбатан кўпроқ бўлиб, бу йўналиш алоҳида мавзу ҳисобланади.

Ўлкамиздаги қадимги аҳоли қадимда қандай ном билан аталганликлари бизга номаълум. Ўрта Осиё қадимги аҳолиси ҳақидаги маълумотлар дастлаб Шарқ ва Юнон — рим манбаларида тилга олинади. Юнон тарихчилари маълумотларига қараганда, Евросиёнинг катта ҳудудларида яшовчи қабилалар умумий «скифлар» номи билан аталади. Геродот «бу халқ қадимийликда мисрликлардан қолишмайди», деб юқори баҳо берган эди. Ўша даврдаги яна бир тарихчи Плиний эса, Ўрта Осиё ҳудудларида 20 га яқин қабилалар борлиги хусусида эслатиб ўтади. Ёзма манбаларда скифларнинг иккита йирик қабиласи: саклар ва массагетлар хусусида кўпроқ эслатилади. Аҳмонийлар миҳхат ёзувида саклар учта қисмга (хаумаварка, тиграхауда, тийай — тара — дарайя) бўлиб кўрсатилади. Массагетлар хусусида ҳам турли фикрлар мавжуд бўлиб, улар маҳаллий чорвадор — ҳарбий қабилалар бўлганлиги таъкидланади. Аммо, ёзма манбалар бу халқлар ва қабилаларнинг қайси ирққа мансублиги ҳақида маълумот бермайди.

Ўлкамиз ҳудудларида яшаган қадимги қабилалар ҳақида нисбатан қадимгироқ маълумотлар «Авесто»да берилади. «Авесто» маълумотларига кўра, жамият тўрт асосий қисмга — уй, оила жамоаси — «нмана» ёки «дмана», уруғ жамоаси — «вис», қабила — «зангу», қабилалар иттифоқи — «дахию»га бўлинади. Яштнинг учинчи бобида шундай дейилади: «Худо Митрани биз улуғлаймиз. Унга ҳеч ким ёлгон гапиролмайди: уйда — оила бошлиғи, уруғ оқсоқоли, қабила бошлиғи ва мамлакат сардори ёлгончи бўлса, ғазабланган Митра бутунлай оилани, уруғни, мамлакатни ва уларнинг бошлиқларини ҳам тамоман йўқ қилади».

Авестодаги бошқарув тизими маълумотларига қараганда вилоят «дахию» деб аталиб, уни бошқарувчиси «дахиюпати» дейилган. Мамлакатни идора қилган шахс «кави» ёки «састар» деб аталган. Аммо, манбада шаҳарлар ва уларнинг ҳукмдорлари ҳақида маълумотлар берилмайди. Авесто қадимги жамиятнинг тўрт тоифасини ажратиб беради. Булар — қохинлар, ҳарбийлар, чорвадорлар ва ҳунармандлардир. Манбанинг турли маълумотларига

қараганда қадимги шаҳарларда заргарлик, кулолчилик, тўқувчилик ва темирчилик ривожланган.

Қадимги Шарқ ёзма манбаларидан (Ҳинд, Оссурия ва Эрон) маълум бўлишича, мил. авв. I минг йилликнинг ўрталари ва охири — Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон тарихи ҳинд—эрон қабилалари ёйилиши билан боғлиқ бўлган. Ҳинд—эрон қабилалари дастлаб жуда кенг ҳудудларда — Волга, Урал ва Жанубий Сибир оралиғидаги ерларда яшаганлар. Ўрта Осиё ҳудудларида эса аҳоли жойлашуви этник ҳудудларининг ажрала бошлаши мил. авв. IX—VIII асрларга оид бўлиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, мил. авв. VI асрда Эрондаги Аҳмонийлар сулоласи подшолари юртимизга юриш қилганда бу халқларнинг ажралиб бориш жараёни бутунлай тугаган ҳамда турли халқларнинг ҳудудий жойлашув чегаралари, вилоятларнинг маъмурий чегаралари ҳамда дастлабки шаҳарлар аҳмонийлардан анча олдинги даврда пайдо бўлган.

Минг йиллар давомида Ўзбекистон ҳудудларида яшаб ўтган қабилалар ва элатларнинг тарихи, маҳаллий аҳолининг бунёдкорлик фаолияти ва маданияти изсиз йўқолиб кетмаган. Улар дастлабки шаҳар маданияти ва илк давлатчилик тизимига асос солдилар. Ушбу аҳолининг айримлари аждодларимизнинг йирик гуруҳларини ташкил этиб, энг қадимги ёзма манбаларда тилга олинган. Ушбу манбаларнинг гувоҳлик беришича, мил. авв. VII—VI асрларда Ўзбекистоннинг деҳқончилик воҳаларида сўғдийлар, бақтрияликлар ва хоразмийлар яшаб қадимги Шарқ шаҳарсозлиги билан рақобатлаша оладиган ҳамда мустақкам асосларга эга бўлган юксак Ўзбекистон цивилизациясининг шаҳар маданиятини яратдилар. Демакки, шунинг учун ҳам сўғдлар, бақтрийлар, хоразмийлар, сак—массагетлар қариндош халқлар бўлиб, бир—бирларини тушунганлар. Айниқса, деҳқончилик билан шуғулланиб ўтроқ хўжалик юритган аҳолининг, хусусан, шаҳар аҳолисининг моддий ва маънавий маданияти бир—бирига анча ўхшаш бўлган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг тоғлари, даштлари ва чўлларида яшаган саклар ва массагетлар асосан чорвачилик

хўжалиги юритиб, ўтроқ аҳоли билан маданий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириб борганлар.

Таянч сўзлар

Антропологик тадқиқотлар, демографик жиҳат, археологик маданият, этно — маданий жараёнлар, Андронов маданияти, европеоид ирқи, жанубий ва шимолий қиёфадаги аҳоли, аҳоли сони, аҳоли таркиби, аҳоли жойлашуви, палеоэтник тадқиқотлар, қадимги аҳоли, яратувчанлик ва бунёдкорлик фаолияти, «скифлар», саклар ва массагетлар, миххат ёзувлар, чорвадор — ҳарбий қабилалар, нмана, вис, занту, дахью оила бошлиғи, уруғ оқсоқоли, дахиюпати, кави, астар, ҳинд — эрон қабилалари, сўғдийлар, бақтрийлар, хоразмийлар.

Савол ва топшириқлар:

1. Қадимги аҳолининг илк шаҳарлар ривожланишидаги аҳамияти ва ўрни нималардан иборат?
2. Қадимги аҳоли сони ҳақида маълумот беринг.
3. «Авесто»да берилган аҳоли табақаланиши ҳақида нималарни биласиз?
4. Маҳаллий ўтроқ ва кўчманчи аҳоли муносабатлари ҳамда ўшаш маданиятларга таъриф беринг.

3–§. Илк шаҳарларнинг энг қадимги давлат уюшмалари пайдо бўлишидаги аҳамияти.

Ўрта Осиё, умуман Ўзбекистон ҳудудларида дастлабки давлатчиликнинг пайдо бўлиши масалалари тадқиқотчилар орасида ҳамон баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда Бу ўринда ушбу жараёнга асосий туртки бўлиб янада жадаллаштирган омилларни аниқлаш ниҳоятда муҳимдир. Бронза давридаёқ сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик Ўрта Осиё хўжалигининг асосини ташкил этган. Суғорма деҳқончиликнинг юқори унумдор шакллари жамиятда ҳал

қилувчи ўзгаришларга олиб келди. Хусусан, деҳқончилик ривожини натижасида қўшимча маҳсулот ва хусусий мулк кўринишлари пайдо бўлди.

Ўрта Осиёда илк давлат уюшмалари сунъий суғориш бирмунча қулай бўлган Амударё (юқори, ўрта, қуйи) оқимлари бўйларида, Мурғоб воҳасида, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида шаклланиб ривожланади. Бундай ҳолатни дунё тарихидаги дастлабки давлатлар — Миср (Нил) ва Месопотамия (Дажла ва Фрот) мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

Жамият ҳаётида металлнинг кенг ёйилиши ҳам дастлабки шаҳарлар ва давлатчиликнинг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб Ўрта Осиёнинг жуда кўплаб бронза ва илк темир даври ёдгорликларидан (Анов, Сополли, Жарқўтон, Қизилтепа, Кўзалиқир, Афросиёб, Даратеп, Чуст, Далварзин ва бошқ.) ишлаб чиқарувчи хўжалик билан бевосита боғлиқ бўлган металл қурооллар топиб ўрганилган. Меҳнат қуроолларининг металлдан ишланиши меҳнат унумдорлигининг янада ошишига кенг имкониятлар яратди.

Сўнгги бронза даврига келиб ҳунармандчиликнинг ихтисослашуви, алоҳида хўжалик тармоғи сифатида шаклланиб ривожланиши жамиятдаги иқтисодий тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, асосини илк шаҳарлар ташкил этган давлатчиликнинг пайдо бўлиши учун муҳим бўлган қўшимча маҳсулот кўпайишига туртки бўлди. Илк давлатларнинг пайдо бўлишида илк шаҳарлардаги ўзаро айирбошлаш, савдо—сотиқ ва маданий алоқаларнинг ҳам аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Сўнгги бронза даврига келиб шимолдаги кўчманчи чорвадор қабилалар ва жанубдаги ўтроқ деҳқончилик аҳолиси ўртасида ўзаро мол айирбошлаш ва маданий алоқалар янада жадаллашади. Жанубий ва шимолий ҳудудлардан топилган топилмалардаги жуда кўпгина ўхшашликлар бу ҳудудлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалардан, қадимги йўлларнинг тараққий этганлигидан далолат берадики, бу жараёнлар ҳам дастлабки шаҳарлар билан бирга илк давлатчиликнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мил. авв. III—II минг йилликларга келиб Ўрта Осиё жамиятида содир бўлган иқтисодий тараққиёт жараёнлари бу ҳудудларда илк шаҳарларнинг пайдо бўлишига имкон яратди. Таъкидлаш жоизки, илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши дастлабки давлатчилик шаклланишида энг муҳим ва асосий омил бўлиб, бу иккала жараён узвий боғлиқ ҳолда кечган. Тадқиқотлар натижаларига кўра, турли тарихий вилоятларда жойлашган йирик мустаҳкам манзилгоҳлар ўрни ва атрофларида (Сополли, Жарқўтон, Намозгоҳ, Далварзин, Қизилтепа, Ерқўрғон, Бандихон, Узунқир) дастлабки шаҳар марказлари шаклланиб ривожлана бошлайди. Илк шаҳарлар қишлоқлардан иқтисодий, сиёсий ва маданий мавқеи билан ажралиб турган. Бундай шаҳарлар ўзлари жойлашган воҳаларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, диний ва ҳарбий марказлари вазифаларини бажарган бўлиши шубҳасиздир.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Ўрта Осиёда энг қадимги давлатларнинг шаклланиш жараёни деҳқон—чорвачилик иқтисодиёти, ихтисослашган ҳунармандчилик ва шаҳар марказларининг пайдо бўлиши билан узвий боғлиқдир. Ҳозирги кунга қадар олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари бу ҳудудларда илк темир давридаги ижтимоий—сиёсий ривожланишнинг айрим муҳим масалаларини янги асосда изоҳлашга имконият яратади. Аммо, шунга қарамасдан бу масала тўлиқ ечимини топмаган бўлиб, хусусан, Ўрта Осиё энг қадимги давлатлари типологияси ва хронологияси, давлатчилик тараққиётида илк шаҳарларнинг аҳамияти муаммоси шулар жумласидандир.

XIX асрнинг охирларидан бошлаб ҳозирги кунга қадар олиб борилган Авесто маълумотлари (вилоятларнинг Арёшаёна бўйича бирлашиши), Геродот ва Гекатей асарлари («Катта Хоразм»), шунингдек, Ктесийнинг Қадимги Бақтрия подшолиги ҳақидаги маълумотлари ва ниҳоят, археологик тадқиқотлар натижалари Ўрта Осиёда илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши муаммоларини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотчилар Ўрта Осиёда илк давлатларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини аҳмонийларгача бўлган даврда деб ҳисоблайдилар ва милoddан аввалги IX—

VII асрлар билан белгилайдилар ҳамда бу жараёнда шаҳарларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлайдилар. (М.Дункер, В.Томашек, Ф.Альтхайм, С.П.Толстов, М.М.Дьяконов, И.М.Дьяконов, В.М.Массон, М.Дандамаев, Б.Ф.Фофуров, Б.А.Литвинский, А.А. Асқаров, Э.В.Ртвеладзе, М.В.Пьянков, А.С.Сагдуллаев, Т.Ш. Ширинов ва бошқалар).

Сўнгги бронза ва илк темир даврига келиб аҳоли сони ва зичлигининг ўсиб бориши, ҳосилдор ер майдонларининг ўзлаштирилиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг жадаллик билан ривожланиши аҳоли жойлашувининг ҳаётий зарур ҳудудларга бўлиниб кетишига олиб келади. Бундай шароитда чорвадор аҳолининг маълум қисми хўжаликнинг ярим ўтроқ ва яйлов чорвачилиги шаклига ўтишга мажбур бўладилар. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёдаги милоддан аввалги VI—IV асрларга оид кўчманчилар ёдгорликлари ўтроқ аҳоли ҳудудлари чегараларида (Оролбўйи, шимолий Туркменистон, Зарафшоннинг қуйи оқими, Помир ва бошқ.) жойлашганлиги тасодифий ҳол эмас.

А.Сагдуллаевнинг фикрича, Арьяшаёна каби вилоятлар уюшмаси вақтинчалик ва қолоқ бўлиб, Қадимги Бақтрия каби нисбатан йирик сиёсий уюшмаларнинг пайдо бўлишига Ўрта Осиё ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги доимий сиёсий қарама — қаршилиқлар сабаб бўлади.

Аҳоли аралаш жойлашуви ҳудудларида ўтроқ вилоятлар сиёсий уюшмаларининг шаклланишига туртки бўлган омилардан бири — Ўрта Осиёнинг жанубидаги дашт ҳудудларда жойлашган кўчманчи қабилалар ҳужуми хавфи эди. Милоддан аввалги VII—VI асрларга келиб бундай ҳужумлар тез — тез бўлиши муқаррар эди. Чунки, Ўрта Осиёнинг кўпгина тоғ ва дашт ҳудудларида йилқичилик ва хўжаликнинг ҳайдама шакли кенг тарқалиб, кўчманчиларнинг ўзлари эса жанговар қуролланишда катта муваффақиятларга эришиб, жиддий ҳарбий хавф туғдира бошлайдилар.

Энг қадимги шаҳарлар дастлабки давлатларнинг марказлари сифатида шаклланади ва бу масала кўпгина тадқиқодчилар томонидан махсус кўриб чиқилган ҳамда ривожланиш тараққиётининг турли даврлари белгиланган.

Ҳозирги кунга келиб олинган янги маълумотлар асосида бу масалага бирмунча аниқликлар киритилди.

Хусусан, Қадимги Бақтрия ва Сўғдиёна ҳудудларида милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларига оид энг қадимги шаҳар харобалари учрамайди, илк темир даври шаҳарларининг шаклланиши эса милоддан аввалги VII—VI асрларга оиддир.

Милоддан олдинги VIII асрнинг охири — VII асрга келиб Ўрта Осиёнинг жанубидаги, манзилгоҳлар ривожланишида жадаллик билан ўзгаришлар бошланиб Бақтрия ва Сўғдиёна ҳудудларида ўзида шаҳарсозлик белгиларини (муштаҳкам деворлар, саройлар, буржлар, хандақлар, деворлардаги ўқ отиш йўлаклари ва бошқ.) акс эттирувчи манзилгоҳлар пайдо бўлади. Илк темир даврига оид бундай манзилгоҳларнинг сони Бақтрия, Марғиёна ва Сўғдиёнада 20 тадан зиёдроқ. Асосий манзилгоҳлар эса (майdonи 5 гектардан кам) қишлоқ қўрғонлари, унча катта бўлмаган алоҳида қалъалар ва деҳқончилик қишлоқларидан иборат. Шаҳарлар турига киритиш мумкин бўлган, каттагина қўрғонли муштаҳкамланган манзилгоҳлар айрим қадимги деҳқончилик вилоятларида (Сурхон, Қашқадарё, Зарафшон ҳавзалари ва бошқ.) битта ёки иккитадан кўп бўлмаган.

Белгилари унчалик тўлиқ бўлмаганлиги учун ҳам Ўрта Осиёдаги барча йирик манзилгоҳларни шаҳарлар сафига киритиб бўлмайди. Фақатгина шуни қайд этиш мумкинки, уларнинг барчаси ҳарбий тўқнашувлар пайтида қалъа — қўрғон вазифасини ўтаган. А.М.Белиницкийнинг фикрича, ҳарбий — маъмурий марказлар сифатида пайдо бўлган қадимги шаҳарлар савдо — ҳунармандчилик марказларига айланиб боради.

Илк темир даври Ўрта Осиёнинг жанубида хусусан Сўғдиёнада, алоҳида ҳудудий тартиб гуруҳида бўлиб марказий вазифани бажарган бир неча манзилгоҳлар турлари мавжуд эди. Булар майdonи 5 гектардан 15 гектаргача бўлиб, туман — воҳа маркази вазифасини бажарувчи Даратепа, Конимех, Чордара кабилардир. Майdonи 20 гектардан 80 гектаргача бўлган вилоят марказлари вазифасини бажариши мумкин бўлган Узунқир, Ерқўрғон, Хўжа Бўстон кабилар ҳамда бир неча вилоятлар маркази вазифасини бажарувчи ва майdonи 100 гектардан

зиёд бўлган Афросиёб (Мароқанда) , Бухоро шулар жумласидандир.

Археологик маълумотларга қараганда, ҳунармандчилик муас – сасалари йирик манзилгоҳлар ичида марказлашиб қолмасдан, уларнинг атрофида ҳам тўпланиб боради. Бу манзарани Афросиёб топилмалари тасдиқлайди. Бундай манзилгоҳлар аста – секинлик билан ҳунармандчилик, савдо ва маданий марказларга айланиб борадики, бу жараёнда қадимги йўллар ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлаб ўтишимиз жоиздир. Афросиёб, Узунқир, Ерқўрғон каби қўҳна шаҳарлар Ўрта Осиё шимолий дашт ҳудудлардан келувчи йўллар устида жойлашган.

Археологик манбаларнинг маълумот беришича милоддан аввалги VII – VI асрларга келиб Ўрта Осиёнинг жанубида ижтимоий – иқтисодий ва ижтимоий – сиёсий муносабатлар анчагина мураккаблашади. Бу ўринда Қадимги Бақтрия маълумотларини келтириб ўтиш жоиздир. Ёзма манбаларда Бақтрия Ўрта Шарқдаги муҳим вилоят – «ўлка» (Ктесийда) сифатида Оссурия подшоси Ниннинг ва Кир II нинг (Геродотда) ҳарбий режаларига қарши чиққанлиги ҳамда Македониялик Искандар қўшинларига қаттиқ қаршилиқ кўрсатганлиги таъкидланади.

Агар Мидия салтанатининг шарқий чегаралари Шимолий Парфия ва Арияни ўз ичига олганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, мидияликларнинг Бақтрияга ҳарбий хавф туғдириши аниқ эди ва яна бир ҳарбий ҳужум хавфи шимолдаги кўчманчи қабилалар бўлиб, бу ҳолат Бақтрия давлат уюшмаси пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин эди. Кир II нинг Ўрта Осиёга юриши – Аҳмонийларнинг Бақтрия ва сак – массагет уюшмаси каби жиддий рақиблари мавжуд бўлганлигининг далилидир. Форслар Ўрта Осиё жанубий вилоятларини босиб олганларидан кейингина милоддан аввалги 530 йилда сак – массагетлар устига юриш бошлайдилар. Демак, бу пайтга келиб Бақтрия ҳарбий – сиёсий уюшмаси таркибида Бақтриядан ташқари Марғиёна ва Сўғдиёна ҳам мавжуд эди.

Бизнинг назаримизда, Ўрта Осиё ҳудудларида илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлишида илк шаҳарлар ва ҳарбий – сиёсий омиллардан ташқари ижтимоий – иқтисодий жараёнлар ҳам катта аҳамиятга эга эди. Чунки,

сиёсий жиҳатдан шаклланган давлат ёки уюшма иқтисодийсиз тараққиёт босқичига кўтарилма олмайди.

Бизга маълум тарихий манбалар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида энг қадимги сиёсий уюшмалардан бўлган бўлган «Катта Хоразм» ҳақида маълумот берсада, археологик тадқиқотлар натижалари бошқачароқ хулосалар чиқариш имконини беради. Хусусан, милoddан аввалги IX – VII асрларга оид Бақтрия, Марғиёна ва Сўғдиёна топилмалари (манзилгоҳлар, қўҳна шаҳарлар қолдиқлари, моддий маданият буюмлари ва ҳок.) жанубий ҳудудларда ривожланиш жараёни бирмунча илгарироқ рўй берганидан далолат беради. Энг сўнги археологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил этар эканмиз, Кучуктепа, Қизилтепа (Сурхондарё), Ёзтепа (Туркменистон), Узунқир, Ерқўрғон (Қашқадарё), Афросиёб, Кўктепа (Самарқанд) каби қўҳна шаҳар ва манзилгоҳлар сопол буюмлари бир – бирига ниҳоятда ўхшаш эканлигининг гувоҳи бўламиз. Демак, юқорида эслатилган ҳудудлар ўртасида ҳеч бўлмаганда, тарихий – маданий бирлик мавжуд эди.

Юқорилардан хулоса чиқарадиган бўлсак, тарихий – маданий бирликдан ташқари, бир – бирига ўхшаш моддий маданият буюмларини бир гуруҳ усталар, ҳеч бўлмаса, уларнинг шоғирдлари тайёрлаши мумкинку, деган савол туғилиши табиий ҳол. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, бир гуруҳ усталарнинг бир ердан иккинчи ерга кўчиб юриб ишлаши учун албатта, катта ҳудудда мустаҳкам ва ягона давлат бўлиши керак эди. Ерқўрғон, Кучуктепа, Қизилтепа, Ёзтепа, Лолазор буюмларига ўхшаш буюмларнинг Бухоро воҳаси, айниқса, Хоразмда шу пайтга қадар топилмаганлиги «Қадимги Хоразм давлати бўлган» деган тахмин шубҳали эканлигини кўрсатади.

Юқоридаги фикрга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, бир – бирига жуда ўхшаш буюмларнинг топилиши фақат усталарга, эмас балки, савдо – сотиқ муносабатлари, ўзаро алмашинув ва қадимги савдо – транзит йўллари ҳам боғлиқ эди. Мавжуд ёзма ва археологик маълумотларни таҳлил қилиб шундай хулоса чиқариш мумкинки, Бухоро воҳаси ва Хоразм ҳудудидаги қадимги йўллар биз ўрганаётган даврда воҳа ичидаги ички ёки иккинчи даражадаги йўллар вазифасини ўтар эди. Асосий

савдо йўллари эса Бақтриядан Жанубий Сўғд (Қашқадарё) ва Марказий Сўғд (Самарқанд) орқали Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсига ўтиб кетарди. Ундан ташқари Геродотда Бақтрия халқи Миср ва Бобил каби йирик давлатлар қаторида тилга олинади. Тадқиқодчиларнинг фикрига қараганда, Қадимги Бақтрия қудратлилиги жиҳатдан қўшни вилоятлардан анча устун бўлиб, улар орасида алоҳида мавқега эга эди. Бақтриянинг табиий бойликлари ундан ташқари ҳудудда ҳам Олд Осиёга қадар машҳур эди. Айниқса, Бадахшон ложуварди (лазурит), лаъли жуда қадрланган.

Сўнгги йилларда олиб борилган археологик тадқиқодлар натижасида очилган манзилгоҳлар, қўхна шаҳарлар ва улардан топилган топилмалар ҳамда ушбу маълумотларни ёзма манбалар билан солиштириш натижасида Ўрта Осиё илк давлатчилиги пайдо бўлиши муаммоларига бироз аниқликлар киритилди. Бу ўринда Сўғдиёна давлатчилиги масалаларига бағишланган Ш.Одиловнинг сўнгги илмий тадқиқодлари айниқса диққатга сазовордир.

Тадқиқотчи Сўғдиёнада, хусусан Бухоро ва Зарафшон воҳаларида топиб текширилган илк темир даврига оид археологик маълумотларни бошқа ҳудудлар билан солиштириб чуқур таҳлил этади. Бухоро ҳудудларидан топилган «аҳмонийлар даври» ёдгорликлари унча катта бўлмаган ҳудудларда жойлашган бўлиб, бу ерларни кенг ҳудудларга ёйилган этно – маданий вилоят таркибига киритиш лозимки, илк темир даврида бу ҳудудларда ташқи кўриниши бир хил бўлган деҳқончилик маданияти шаклланади. Бу этно – маданий вилоят даставвал Амударё воҳаси (Хоразм, Марғиёна, Бақтрия – Тохаристон), Жанубий Сўғд, Марказий Сўғднинг бир қисми, Бухоро Сўғдининг шимоли – ғарбий ва шимоли – шарқий ҳудудлари, шунингдек, Уструшана каби тарихий вилоятларни ўз ичига олган.

Қадимги Бақтрия ҳудудларидан кўчиб бориш бевосита Амударё, Сирдарё, Қашқадарё сув ҳавзалари ва уларнинг ирмоқлари орқали бўлиб ўтган. Сўнгги бронза давридаёқ Қашқадарё юқори оқимларида мавжуд бўлган маданият соҳиблари тоғлар орқали Марказий Сўғд (Самарқанд)

ҳудудларига етиб келадилар. Зарафшон воҳасига келсак, Ш.Одиловнинг фикрича, Марказий Сўғднинг каттагина қисми (бир томондан Афросиёб кўҳна шаҳри атрофлари ва Кўктепадан, иккинчи томондан, Сармишсой ва Конимех ёдгорликларигача) сўнгги бронза ва «аҳмонийлар даври»да (милоддан аввалги IV асрнинг бошларигача) умуман ўзлаштирилмаган эди. Аммо, бизнинг фикримизча айнан мана шу даврда Жанубий Сўғднинг каттагина қисми ўтроқ деҳқончилик аҳолиси томонидан ўзлаштирилиб дарё воҳалари ва текисликларда ҳайдама деҳқончилик ва ихтисослашган ҳунармандчилик гуркираб ривожланаётган эди. Қўшни Қадимги Бақтриянинг каттагина ҳудудларида ҳам айнан мана шу ҳолатни кузатишимиз мумкин.

Ш.Одилов, Фарбий Сўғда милоддан аввалги VI—V асрлардаги манзилгоҳларнинг пайдо бўлишини Ўрта Амударё томондан аҳолининг кириб келиши билан боғлайди. Кўпчилик тадқиқодчилар Ўрта Осиёда давлатчилик тарихининг бошланиши жанубий ҳудудлардан бошланиб марказий ва шимолий ҳудудларга ёйилган деб ҳисоблайдилар.

Археологик тадқиқодларнинг кўрсатишича, суғорма деҳқончилиكنинг ривожланиши ва ихтисослашган ҳунармандчилик натижасида бронза давридаёқ Ўрта Осиё ҳудудларида ижтимоий табақаланиш ва мулкый тенгсизлик пайдо бўлади. Жанубий ҳудудлардаги бу жараён фақат ички сабабларга боғлиқ бўлмай, Яқин Шарқдаги юқори даражада ривожланган анъанавий тарихий—маданий алоқаларга ҳам боғлиқ эди. Ҳар бир жамоанинг ривожланиши унинг ички қонуниятларидан келиб чиқса ҳам, дастлабки марказлардан келиб чиққан ташқи таъсир четдаги вилоятларнинг тақдирида катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин эди.

Сўнгги 10—15 йил ичида Бақтрия, Сўғдиёна ва Марғиёна шаҳарларига доир олинган янги археологик маълумотлар илк давлат уюшмалари пайдо бўлишини янада кенгроқ изоҳлаш имконини яратади. Бу маълумотларга қараганда, илк темир даври умумий жамоаларидаги асосий ишлаб чиқарувчи кучларни бир неча кичик оиладан иборат уй жамоалари ташкил этган. Шаҳарлар ва манзилгоҳлар жойлашувининг ташқи белгилариёқ катта оилали уй жамоалари анча йирик уюшмаларга кирганлигидан далолат

беради. Бошқарув тартибида катта оилалар жамоаси бошлиқлари ёки уй хўжайинлари, шунингдек, алоҳида қишлоқ қўрғонларини бошқарувчи эски жамоалар катта ўрин тутган. Ҳар бир катта оила мумкин бўлган қариндошлик алоқаларига қарамасдан алоҳида уйга, ишлаб чиқариш буюмларига эга бўлишган, ўзининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари заҳиралари ва чорвалари бўлган ёки ўзини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган хўжаликни акс эттирган.

Катта оилали жамоалар шакли жамоа ишлаб чиқариш ва хўжалик ҳаракатига мувофиқ эди. Маълумки, у жамоанинг иқтисодий жиҳатдан мустақамланишига олиб келди.

Маълум бўлган барча маълумотларни таҳлил қилиб ва умумлаштириб Ўрта Осиёда илк давлатлар шаклланишининг қуйидаги даврларини белгилаш мумкин:

1. Бронза даври. Унчалик катта бўлмаган деҳқончилик воҳалари асосида илк давлат уюшмаларининг шаклланиши бошлади. Улар жамиятнинг ижтимоий табақаланишини акс эттирувчи қишлоқ хўжалик жамоаларининг ҳудудий бўлиниши, турли хил манзилгоҳларга бўлинган суғорма деҳқончилиқнинг жамоа ташкилоти, тоғ – кон хом ашёси ва ихтисослашган ҳунармандчиликка асосланган алмашинув ва савдо – сотиқ билан изоҳланади.

2. Бронза асридан темир асрига ўтиш даври (милоддан аввалги X–VIII асрлар). Этник – маданий ва ғоявий вазиятларнинг ўзгариши шароитида «Авесто»даги Арьяшаёна туридаги вақтинчалик ҳарбий – сиёсий уюшмалар, баъзи вилоятларда бўлиб ўтган кўчиш жараёнлари давридаги ўтроқ манзилгоҳлар сонининг қисқариши ва илгари одамлар яшамаган ҳудудларда янги аҳоли манзилгоҳларининг шаклланиши, ҳарбийлар ва ҳарбий бошлиқларнинг ижтимоий қатламларга бўлиниши. Бундай уюшмаларнинг асосини, археологик жиҳатдан тасвирланган Бақтрия ва Марғиёна каби майда давлат ташкилотлари мисолида кўришимиз мумкин. Бу уюшмалар, ўз эски жойларини ҳимоя қилувчи ёки янги воҳаларни эгалловчи чорвадорлар ва деҳқонлар ҳаракати бир – бирига мос тушган пайтда доимий ҳарбий иттифоқлар хусусиятига эга эди.

3. Илк темир даври (милоддан аввалги VII–VI асрлар). Қадимги Бақтрия мисолидаги (айнан, Бақтрия, Сўғдиёна ва Марғиёна) йирик давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши. Бундай давлат уюшмаларининг пайдо бўлишининг тезлашувига янги асосдаги шаҳар марказларининг ривожланиши ва ички ижтимоий – иқтисодий сабабалардан ташқари кўчманчилар томонидан ҳарбий ҳужумлар ва афтидан, Шимоли – ғарбий Эрон чегараларигача келган Мидия ҳарбий сиёсати яна бир сабаб эди.

Таянч сўзлар

Қўшимча махсулот ва хусусий, мулк меҳнат унумдорлигининг ошиши, алоҳида хўжалик тармоғи, ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар, қадимги йўллар, иқтисодий тараққиёт, илк давлатлар типологияси, ярим ўтроқ хўжалик, яйлов чорвачилиги, тараққиётнинг турли даврлари, манзилгоҳлар ривождаги ўзгариш, илк темир даври шаҳарлари, ҳарбий – маъмурий марказлар, туман – воҳа, ҳунармандчилик муассасалари, муносабатларнинг мураккаблашуви, ҳарбий ҳужум хавфи, тарихий – маданий бирлик, анъавий тарихий – маданий алоқалар, ички қонуниятлар, ташқи таъсир, йирик уюшмалар, бошқарув тартиби, доимий ҳарбий иттифоқ.

Савол ва топшириқлар:

1. Илк шаҳарлар ва дастлабки давлатлар ўртасидаги диалектик боғлиқлик нималардан иборат?
2. Илк шаҳарлар давлатчиликнинг асосий омили эканлиги ҳақида маълумот беринг.
3. Ўлкамиз ҳудудларидаги илк давлат уюшмалари ҳақида нималар биласиз?

4-§. Қадимги Сўғдиёна ва Хоразм шаҳарсозлиги тарихи.

Ўрта Осиёдаги урбанизация жараёнлари фақат ички табиий – географик ва ижтимоий – сиёсий шароитлар ҳамда қўшни жамоалардаги маданий таъсир билан боғлиқ бўлмасдан, аввало, Яқин ва Ўрта Шарқдаги жаҳон

урбанистик марказлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ эди. Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларини ўз ичига олган қадимги Сўғдиёна манзилгоҳлари ривожланиш тизимидаги жараёнлар ҳам қўшни ҳудудлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда кечди. Бугунга қадар олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари шундан далолат берадики, Сўғдиёна ва унга қўшни бўлган Бақтрия ҳудудларида дастлабки шаҳарларнинг тарихий – маданий асоси бўлган ўтроқ деҳқончилик маданияти Жанубий Туркманистон ва Афғонистондаги қадимги деҳқончилик марказлари билан узвий боғлиқдир. Чунончи, Зарафшоннинг юқори оқимларида очилган Саразм манзилгоҳининг энг пастки қатлами топилмалари Геоксюр I топилмаларига жуда ўхшаш эканлиги энеолит давридаёқ Сўғдиёнанинг тоғ олди ҳудудлари қадимги деҳқончилик ўчоғларидан бири эканлигининг далилидир.

М. Исомиддинов Сўғдиёнада, хусусан Самарқанд Сўғди ҳудудларида илк давлат уюшмалари ва шаҳарлар шаклланишида қуйидаги йирик омиллар шубҳасиз етакчи рол ўйнаганлигини таъкидлайди:

1. Ҳосилдор ерлар, серсув тоғ дарёлари ва илиқ иқлим шароити.
2. Юқори даражада ривожланган деҳқончилик ва ҳунармандчилик
3. Металл – маъдан асосларининг мавжудлиги.
4. Воҳанинг қулай савдо йўллари устида жойлашганлиги.
5. Кўчманчи дашт ҳудудлар билан қўшничилик.

Тадқиқочи ушбу бешта йирик омилларни археологик тадқиқотлар натижаларига таяниб асослаб беради.

Илк темир даврига келиб эса Сўғдиёнанинг Ҳисор тоғ олди тизмаларида, Қашқадарёнинг юқори оқимида ва Қарши воҳасида шаҳарсозлик маданиятининг узлуксиз шаклланиш жараёнларини кузатишимиз мумкин. Ўрта Зарафшон воҳасидаги энг йирик ва дастлабки очилган кўҳна шаҳар Афросиёб ҳисобланади. Ўтган асрнинг бошларига қадар олиб борилган тадқиқотлар кўп ҳолларда ўрта асрлар билан боғлиқ бўлиб, янада қадимгироқ даврлар тахминлардан иборат эди. Афросиёб ўрнидаги «Шоҳ Афросиёб қалъаси»да тадқиқот ишлари олиб борган В. Крестовский биринчи бўлиб «Афросиёб ўрнида қадимда катта шаҳар мавжуд эди» деган фикрни билдиради. Шўндан

сўнг Афросиёбнинг қадимги кўҳна шаҳар эканлиги, Македониялик Искандар давридаги Марақанда (Самарқанд) айнан Афросиёб ўрнида жойлашганлиги ҳақидаги фикрни Н.И.Веселовский, В.Л.Вяткин каби шарқшунослар ҳам илгари суриб, улар антик давр муаллифларининг Марақанда ҳақидаги «унинг (шаҳарнинг — Э.Б.) деворлари 70 стадийдан (12—12,5 км. — Э.Б.) кам эмас, қалъаси иккита девор билан ўраб олинган (Курций Руф. VII. 6,10) деган маълумотига асосланадилар.

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида кўҳна шаҳарнинг хронологияси, ижтимоий — иқтисодий ва маданий тарихига кўпгина аниқликлар киритилди. Самарқанднинг энг қадимги паҳса деворлари очилиб улардаги ғиштлар мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмига оид эканлиги аниқланди.

Афросиёбда узоқ йиллар тадқиқот ишлари олиб борган М.Х.Исомиддинов қиёсий таҳлиллар асосида Афр Об қатламларини мил.авв. VIII—VII асрнинг бошлари билан, Афр 1а қатламларини эса мил.авв. VII—VI асрнинг биринчи ярми билан саналайди.

Кўҳна шаҳарни ўраб турган қалъа девори мил. авв. VI—IV асрларда бунёд этилади. Бу даврда олиб борилган бунёдкорлик ишлари натижасида шаҳар олди ҳудудлари кенгайиб, кўҳна шаҳар бир неча қисмларга бўлинади. Шаҳарнинг бир қисмини мустаҳкам қўрғон, бошқа бир қисмларини эса қалъа деворлари билан ўралган сарой мажмуи, савдо — ҳунармандчилик маҳаллалари ташкил этади. Кўҳна шаҳар атрофида шаҳар олди таянч иншоотларидан ташқари (Лолазор) йирик ер эгаларининг уй — қўрғонлари ҳам пайдо бўлади. Буларнинг барчаси Сўғдиёна давлатчилигида Афросиёб муҳим аҳамиятга эга бўлганлигидан ҳамда қадимги Сўғд даври Афросиёбнинг ижтимоий — сиёсий ва маданий ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлганлигидан далолат беради.

Сўнгги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Самарқанддан 30 км ғарбда жойлашган Кўктепа кўҳна шаҳри харобаларининг очилиши Сўғдиёна қадимги шаҳарлари ҳақидаги тасаввурларимиз янада кенгайишига имкон яратди.

Бу ёдгорлик Пайариқ тумани маркази Челақдан 5 км жануби — шарқда жойлашган бўлиб, умумий майдони 100га дан зиёд. Тадқиқотлар натижасида топилган сопол буюмлар, қурилиш режаси, хом гиштлар Афросиёб топилмалари билан солиштирилганда Кўктепа илк темир даврига оид бўлиб, илк шаҳарсозлик маданиятини ўзида акс эттиради деган хулосага келинди. Бир неча маданий қатламдан иборат бўлган кўҳна шаҳарнинг янги тадқиқотлари Сўғдиёна қадимги шаҳарсозлиги учун қимматли маълумотлар берди, жумладан Кўктепанинг муҳофаа тизими ва ички тузилиши ўрганилди.

Асримизнинг 70 — йилларидан бошлаб, айниқса сўнгги йилларда Бухоронинг ёшени аниқлаш ва юбилейини ўтказиш мақсадида қатор тадқиқотлар олиб борилди. Бу тадқиқотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Зарафшоннинг қўйи оқимларида шаҳарсозликнинг пайдо бўлиши қабилаларнинг бутун воҳа бўйлаб ёйилиши билан боғлиқ эди. Ҳозирги Бухоро вилояти ҳудудларига мил. авв. IV — III минг йилликлардаёқ анчагина юқори тош маданиятига эга бўлган неолит даври овчилар ва балиқчилар қабилалари ёйилган эдилар.

Бухоро воҳасининг кенг миқёсда ўзлаштирилиши эса мил. авв. I минг йилликда бошланади. Бухоро арки қалъасида олиб борилган қазилмалар натижасида топилган иккита мустақкам деворнинг бири мил. авв. V — IV, иккинчиси эса мил. авв. IV — III асрларга оид эканлиги аниқланган. Бу маълумотларни кейинги тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди.

Мил. авв. VI — IV асрлар Бухоро воҳасининг энг муҳим ажралиб турадиган томони — Бухоро, Варахша, Рамиш, Хўжа Бўстон каби кўҳна шаҳарларнинг пайдо бўлишидир. Бу кўҳна шаҳарлар дастлаб икки — учта марказлашган ва мустақкамланган массивлардан иборат бўлган. Бу жараёнда массивлардан бири табиий ёки сунъий тепалиқда жойлашиб қўрғон вазифасини бажарган. Мил. авв. IV асрга келиб юқорида кўрсатилган барча объектлар икки қисмига тузилиш, яъни бевосита шаҳар ва шаҳар қалъасидан иборат бўлган.

Бухоро шаҳри ва Бухоро воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш —

қадимги Сўғдиёна энеолит ва бронза давридан бошлаб бобо деҳқонлар макони бўлганлигини кўрсатади. Улар, авваламбор Зарафшоннинг юқори оқимидан Саразм маданияти билан, қўйи Зарафшондан топилган Замонбобо маданиятларидир. Бу маданият соҳиблари Бухоро воҳасида илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлди ҳамда илк темир даврига келиб мана шу қадимий маданиятлар асосида Бухоро воҳасида ўзида шаҳарсозлик белгиларини мужассамлаштирган манзилгоҳлар пайдо бўлди ва ривожланди. Хусусан, воҳада топиб ўрганилган кўпгина манзилгоҳлар мустаҳкам деворлар билан ўралган бўлиб, уларда ихтисослашган уй ҳунармандчилиги ва ўтроқ деҳқончилик хўжалиги мавжуд эди. Мил. авв. V—IV асрларга келиб эса ҳозирги Бухоро атрофлари ва ўрнида шаҳарсозлик маданияти ривожланганлиги изларини кузатиш мумкин.

Сўнгги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар Қашқадарё воҳаси (Жанубий Сўғд) қадимги шаҳарларини ўрганиш масалаларига ҳам кўпгина аниқликлар киритди. Асримизнинг 60—йилларида М.Е.Массон Ерқўрғон кўҳна шаҳрида тадқиқот ишлари олиб бориб унинг йирик кўҳна шаҳар эканлиги, бир неча маданий қатламлар ривожланиш жараёнидан далолат беришини таъкидласа ҳам, унинг шаклланиши ва ривожланиши дастлабки босқичдаги аниқ санасини бермаган. Кейинги тадқиқотлар эса Ерқўрғон кўҳна шаҳрининг шаклланиши ва ривожланиши, шаҳарсозликнинг пайдо бўлиши, моддий маданият ва иқтисодий тарихи, хронология ва даврлаштириш масалаларига кўпгина аниқликлар киритиш имконини берди.

Ерқўрғон икки қатор мустаҳкам ҳимоя деворлари билан ўралган бўлиб, ташқи деворнинг ҳудуди 150 гектарга яқин, ички деворнинг ҳудуди эса 40 гектарга яқин. Мил. авв. IX—VIII асрларда Ерқўрғон ўрнида ўтроқ аҳоли манзилгоҳи пайдо бўлади. Сўнгги маълумотларга кўра у мудофаа иншоотлари билан муҳофаза этилган бўлиши мумкин. Ерқўрғон қазишмаларининг кўпқатламлилиги милоддан аввалги VII—VI асрларда кўҳна шаҳар ҳудуди жадаллик билан ўзлаштирилиб борилганидан далолат беради. Мил. авв. VI—V асрларда манзилгоҳда буржларга

эга бўлган қалин мудофаа деворлари қад кўтариши билан кўҳна шаҳарнинг шаклланиши тугайди. Ерқўрғон атрофидаги айрим тепалардан мил. авв. I минг йилликнинг ўрталарига оид сополларнинг топилиши бу даврда кўҳна шаҳар атрофида қишлоқ манзилгоҳлари пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Ерқўрғоннинг ижтимоий – ўтроқлашиш ривожланиши унга суғориш тармоқлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечган. Типологик классификация ва статистик маълумотларнинг таҳлиliga қараганда, яшаш маконлари ўз ўлчамларига кўра иерархик тизим остида тарқалган ва ушбу қадимги Сўғдиёна жамоаси тизимининг энг чўққисида Ерқўрғон кўҳна шаҳри турган. Шунингдек, маҳаллий аҳамиятга молик бўлган кичик шаҳарлар ҳам мавжуд бўлган.

Ерқўрғон топилмалари ҳамда бу ерда очилган ҳоким саройи, шаҳар иботхонаси, дахма ва мақбараларни бошқа ҳудудлардаги топилмалар билан солиштириб ва қиёслаб шундай хулоса чиқариш мумкинки, қадимги Сўғд шаҳарлари меъморчилиги – қадимги Шарқ шаҳарсозлигининг кўплаб усуллари, хусусан қўшни Бақтрия ва Марғиёнанинг бронза ва илк темир асрига оид бой бунёдкорлик мероси билан уйғунлашиб, ўзига хос йўналишда давом этади.

Шарқий Қашқадарё (Китоб – Шаҳрисабз воҳаси) ҳудудларидан сўнгги йилларда мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярми ва ўрталарига оид шаҳарсозлик маданияти ҳақида янги маълумотлар олинди. Бу ҳудудлардаги Сангиртепа ва Узунқир ёдгорликлари Қашқадарё ўрта оқимидаги Шўробсой дарёси бўйида воҳанинг энг йирик ва қадимий маданий – хўжалик ҳудудида жойлашган.

Сангиртепадаги археологик – стратиграфик тадқиқот – лар натижасида ёдгорликнинг шаклланиш тарихи, унинг ўзлаштирилиши ва ташландиқ ҳолга келиш босқичлари аниқланган. Ёдгорликнинг илк шаклланиш даври мил. авв. IX – VIII асрларга оиддир. Ушбу даврда бу ерда мустаҳкам пахса девор билан ўралган йирик иншоот қад кўтаради.

Узунқир кўҳна шаҳрининг дастлабки ташқи девори бўртиб чиққан, тўғри бурчакли буржларга, буржичи хоналарига, ярим устунларга, жанговар ва «сохта»

шинакларга эга бўлган. Бундай тузилишига эга бўлган деворлар Жанубий Ўзбекистоннинг мил. авв. VIII – VI асрларга оид бирорта ёдгорлигида учрамайди (улар бошқа ёдгорликларда бироз кейинги даврларда пайдо бўлади). Лекин, Олд Осиё ёдгорликлари билан кўпгина умумий жиҳатларга эга. Масалан, Бобилнинг (мил. авв. VII – VI асрлар) ва баъзи Месопотамиядаги бошқа йирик шаҳарларнинг мудофаа деворлари буржлар билан мустаҳкамланиб, ярим устунларга эга бўлганки, бу ҳол Узунқир меъморлари томонидан Олд Осиё анъаналари қўлланилганидан далолат беради.

Узунқирдаги археологик тадқиқотлар унинг ҳудудида ҳаёт мил. авв. I минг йиллик бошларида пайдо бўлганлигидан далолат берадики, ёдгорлик марказий қисмидаги шурфдан топилган ва қадимий манзилгоҳ бўлганлигидан далолат берувчи мил. авв. VIII асрга оид сопол синиқлари мажмуаси шуни кўрсатади. Мил. авв. VII асрга келиб эса манзилгоҳ мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинадики, бу шаҳарсозликнинг ёрқин намунасидир.

Узунқир шаклидаги илк шаҳарларнинг пайдо бўлишини Ўрта Осиёдаги энг қадимги давлатларнинг вужудга келиши жараёни билан боғлаш мумкин. Илк темир даврида Сўғдиёна ҳудудлари қадимги Бақтрия давлати таркибига кирган. Шунинг учун ҳам Сўғдиёнанинг йирик шаҳар марказлари (Афросиёб, Кўктепа, Бухоро, Узунқир, Ерқўрғон) ва айнан Бақтрия марказларининг (Бақтр, Олтиндиёлёр, Қизилтепа) меъморчилиги, ҳунармандчилиги ва моддий маданияти бир – бирига анча яқин бўлиб, умумий тарихий маданий жараёнлар таъсирида ривожланган.

Бизнинг фикримизча, Сўғдиёна воҳасидаги дастлабки шаҳарлар қишлоқлардан иқтисодий, сиёсий ва маданий мавқеи билан ажралиб турган. Тадқиқотлар натижаларига қараганда энг қадимги шаҳарлар асосан аҳолиси суғорма деҳқончилик билан шуғулланган воҳаларда, қадимги савдо йўллари бўйларида, ҳукмдорлар қароргоҳлари атрофларида пайдо бўлган. Бундай шаҳарлар ўзлари жойлашган воҳаларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, диний ва ҳарбий марказлари вазифасини бажарган бўлиши шубҳасиздир.

Сўғдиёна шаҳарсозлигининг пайдо бўлиши ва ривожланиши масалаларига хулоса ясаб шуни айтиш мумкинки, илк шаҳарсозликнинг шаклланиши жамият тараққиётидаги ривожланиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу жараён узоқ ва босқичма — босқич даврларни ўз ичига олади. Сўғдиёна шаҳарсозлигининг шаклланиши ва ривожланиши бунга ёрқин мисол бўлиши мумкин.

Сўнгги йилларга қадар Ўзбекистон ҳудудларида илк шаҳар маданиятининг шаклланиши милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталари деб келинар эди. Асослари неолит ва энеолит даврларига бориб тақаладиган Сўғдиёна шаҳарсозлиги милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи чорагидаёқ шакллана бошлайди. Афросиёб, Кўктепа, Ерқўрғон, Узунқир каби кўҳна шаҳарлар мил. авв. I минг йиллик ўрталарида мустақкам мудофаа иншоотларига эга эди. Тадқиқотлар натижаларига қараганда уларнинг ёши 27 асрдан кам эмас. Бу кўҳна шаҳарлар юқори даражада ривожланиб кўп ҳолларда деҳқончиликка асосланган воҳаларда шаклланди ва тараққиёт босқичларини босиб ўтди. Шунингдек, бу кўҳна шаҳарларда ҳунармандчилик, ўзаро алмашинув ва савдо — сотиқ гуркираб ривожланади. Хуллас, Сўғдиёна Ўзбекистонда дастлабки шаҳарсозлик маданияти пайдо бўлган ҳудудлардан бири дейишга жиддий асослар бор.

Мил. авв. II минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб Жанубий Оролбўйида ҳам суғориш тартиби мавжуд бўлиб, бу ҳудудлардаги қабилаларнинг бир қисми асосан деҳқончилик хўжалиги юритганлар. Бу ердаги хўжалик тартибининг тузилиши жанубий ҳудудлардаги суғориш тизимини эслатса — да, ўлчамлари жиҳатдан анча кичик. Бу даврда уруғдошларнинг қишлоқлари бўлиши мумкин бўлган манзилгоҳларнинг майдонлари кенгайганлиги кузатилади. Бу манзилгоҳларда катта оилалар яшаган бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида хўжалик вазифалари, жумладан, суғориш тармоқларини сақлаш ва ривожлантириш билан шуғулланганлар.

Сўнгги бронза даврида ҳам қадимги Хоразм хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири чорвачилик хўжалиги эди. Бу даврга оид маконлардан жуда кўплаб турли ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари топиб ўрганилган.

Чорвачилик хўжалигида от асосий ўринда бўлиб улардан юк ташиш ва сафарга чиқишда фойдаланилган. Айрим манзилгоҳлардан от анжомларининг топилиши шу жараёндан далолат беради. Ўтроқ деҳқончилик қабилаларининг чорвачилиги уй чорвачилиги хусусиятига эга эди. Тадқиқотлар натижаларига кўра, мил. авв. I минг йилликнинг бошларига келиб Орол бўйидаги хўжалиги асосини деҳқончилик ва чорвачилик ташкил этган қабилалар ўртасида фарқлар шакллана бошлайди. Мил. авв. VII—VI асрларга келиб эса улар маданияти ўртасида кескин фарқланиш сезилади. Фикримизча, айнан мана шу даврдан бошлаб, Шарқий Орол бўйида ярим кўчманчи чорвадор хўжалик маданий шакли устунлик қилган бўлса, Амударёнинг жанубий ўзанларида эса юқори даражадаги сунъий суғоришга асосланган ўтроқ деҳқончилик хўжаликлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Мил. авв. I минг йилликнинг бошларида Орол бўйида ҳунармандчилик ажралиб чиқишининг дастлабки белгилари кузатилади. Ортиқча маҳсулотнинг кўпайиши эса мулкӣ ва ижтимоӣ табақаланиш учун имкониятлар яратади.

Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи чорагига келиб қадимги Хоразм ҳудудларида суғорма деҳқончиликнинг тараққӣ этиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши натижасида ибтидоӣ жамоа муносабатлари ўрнига давлатчилик тизими шакллана бошлайди. Ушбу тизимнинг шаклланишида қадимги шаҳарларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Аммо, таъкидлаш жоизки, Хоразм кўҳна шаҳарлари орасида энг дастлабки пойтахт қайси шаҳар эканлиги ҳозиргача аниқ эмас. Тадқиқотлар натижаларига кўра, қадимги Хоразм шаҳарларининг режавий услублари — ички ва ташқи тузилиши, ҳимоя иншоотлари, табиӣ жойлашуви нуқтаи назаридан кўп ҳолларда бир—биридан ўхшашлик топади. Тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган Хоразмнинг энг қадимги шаҳар — қалъаларидан бири бўлган Кўзалиқирнинг шаклланиши мил. авв. VII—V ёки VII—IV асрларга оиддир. Чунончи, мил. авв. VIII—V асрлар бутун Ўрта Осиё ҳудудларида йирик шаҳарларнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади.

Кўзалиқир қадимги Хоразмдаги дастлабки тузилиши анча аниқ бўлган, ҳимоя деворлари билан ўраб олиниб диний – топиниш хусусиятига эга бўлган меъморий ёдгорликни ўзида акс эттиради. Унинг атрофларидаги кенг майдон, афтидан кейинги қурилишларга мўлжалланган бўлиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, мил. авв. VI – V асрларга келиб Ўрта Осиё шаҳарсозлик маданиятида ибодатхоналар қурилиши муҳим бўлиб, асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кўзалиқир Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби воҳанинг мустаҳкамланган ҳарбий – сиёсий ва маъмурий маркази ҳисобланиб, ривожланган суғорма деҳқончилик билан таъминланган эди.

Кўзалиқир ҳақида янада батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, ушбу ёдгорликда ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм экспедицияси кўплаб тадқиқот ишлари олиб борган. Оролбўйи воҳасидаги қадимги йирик каналлардан бирининг яқинида жойлашган ушбу ёдгорлик топилмалари мил. авв. VIII асрдан V – IV асрларгача саналанган. Қадимги Хоразм тадқиқотчилари «кўҳна шаҳар» ва «қалъа» деб таърифлаган ушбу ёдгорликдаги турар жойлар асосан пахса ва хом ғиштдан қад кўтарган. Тадқиқотлар натижаларига кўра, қалъа иккита қурилиш даврини бошдан ўтказган. Мил. авв. VI – V асрларга оид пастки қатламлардаги ғишглarning ўлчамлари мил. авв. V – IV асрларга оид юқори қатлам ғишглари билан фарқланади. Ундан ташқари сополларнинг хусусияти ва бронза ўқ учларининг ясалишида ҳам айрим фарқларни кузатиш мумкин.

Кўзалиқирнинг марказидан йирик бино қолдиқлари очилган бўлиб, бу ерда ярим метрга яқин маданий қатлам сақланган. Ҳар иккала қурилиш даврида мавжуд бўлган ушбу бино 285 кв.метрни эгаллайди. Қатъий режавий тузилиш ва бинонинг қатъий майдони бутун мажмуага салобат бахш этган. Марказий бинонинг шимол томонидан учта миноранинг асоси қазиб ўрганилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, улар диний маросимлар билан боғлиқ иншоотлардир.

Кўзалиқир тадқиқотчилар томонидан аҳмонийларгача бўлган давр билан саналанишига қараганда Оролбўйи ҳудудларида пайдо бўлган биринчи шаҳар бўлиши мумкин.

Ўрта Осиё ўтроқ аҳоли воҳаларининг Аҳмонийлар давлати таркибига киритилиши билан ҳудудларнинг ички сиёсати сатрапликлар марказларида жамланган эди. Сатрапликлар марказлари мустамлакачилик ва бошқарувнинг асоси бўлиб, бу ўринда урбанистик марказларнинг мудофааси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб боради. Эскилари таъмирланиб, янгилари шаклланаётган ушбу мил. авв. VI—IV асрларга оид шаҳарлар мудофаасига алоҳида эътибор қаратилади. Кўзалиқир ҳам айнан шу тоифага кирувчи кўҳна шаҳарлардан бири эди. Бошқача қилиб айтганда, мил. авв. I минг йилликнинг ўрталаридаги шаҳарларнинг шаклланишида сиёсий—ҳарбий омил асосий ҳисобланган. Бутун қадимги дунёда бўлганидек, Хоразмда ҳам шаҳарлар иқтисодий, сиёсий ва диний—мафкуравий марказлар ҳисобланган. Ўз вақтида С.П.Толстов таъкидлаганидек, агар Хоразмнинг энг қадимги шаҳарлари марказларида жамоат—диний иншоотлар жойлашган бўлса, милонинг бошларига келиб шаҳарларнинг марказий қисмини қалъа эгаллайди.

Қизилқум чўлларининг ичкарасида, Жонидарё қадимги ирмоғининг ўрта оқимида Чирикработ кўҳна шаҳри харобалари жойлашган. Ёдгорлик 1946 йилда С.П.Толстов томонидан очилиб, 1948—49 йилларда тадқиқот ишлари олиб борилган. 1957—58 йиллардаги Ю.А.Рапопорт ва С.А.Трудновскаяларнинг тадқиқотлари туфайли ёдгорлик ҳақидаги тасаввурларнинг илмий асослаш имкониятлари янада кенгайди.

Қизилқумдаги ярим кўчманчи апасиак қабилалар иттифоқининг пойтахт шаҳри деб эътироф этилган Чирикработ кўҳна шаҳри баланглиги 15 метрли тепа устида бунёд этилган. Кўҳна шаҳар ҳудудидан турли даврларда барпо этилган ҳимоя иншоотларининг излари аниқланган. Тарҳий тузилиши тухумсимон — айлана бўлган кўҳна шаҳар икки қатор ҳимоя деворлари билан ўраб олинган (42,6 гектар). Кўҳна шаҳар марказида (12,4 гектар) қалъа жойлашган. Кўҳна шаҳар энлиги 40 метр, чуқурлиги 4,5 метр бўлган хандақ билан ўраб олинганлиги мудофаа ишларига алоҳида эътибор берилганлигидан далолат беради. Чирикработдан бир нечта мазор—қўрғонлар очиб тадқиқ этилган бўлиб улардаги топилмалар мил. авв. V—IV асрларга оиддир.

Хоразмдаги архаик давр маданиятининг келиб чиқиши ва ашёларининг ёшини аниқлаш мақсадида тадқиқотчи Б.И.Вайнберг махсус тадқиқотлар олиб бориб бу ҳудудлардаги дастлабки тўртбурчак шаклдаги хом гиштларнинг тарқалиши ва сополлар кўринишидаги ўзгаришлар Узбой ирмоғи ва Каспий орқали тўғридан тўғри Эрон билан алоқалар туфайли юз берган бўлиб, мил. авв. IV асрнинг иккинчи чораги ёки ўрталаридан Эрон мода-ий маданиятининг баъзи кўринишлари ёйилишига олиб келди деган хулоса чиқаради.

Фикримизча, Хоразм қадимги шаҳар маданияти шаклланишида бутун Ўрта Осиё ҳудудларида бўлгани каби ташқи таъсир ва маданий алоқаларни инкор этмаган ҳолда, бу ҳудудларда ўтроқ деҳқончиликка ўтиш, сугориш тартибининг шаклланиши, ўтроқ аҳолининг турар – жойлар барпо этиши бронза давридаёқ маълум бўлиб, бу омиллар кейинги даврлардаги шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши учун асос бўлганлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Демакки, Хоразм илк шаҳарсозлиги маданияти шаклланишида маҳаллий анъаналар устунлик қилар эди.

Таянч сўзлар

Жаҳон урбанистик марказлари, тарихий – маданий асос, Саразм, Геоксюр I, Сўғдиёна давлатчилиги, металл – маъдан асослари, қулай савдо йўли, узлуксиз шаклланиш жараёнлари, «Шоҳ Афросиёб қалъаси», энг қадимги пахса деворлар, қалъа девори, мустаҳкам қўрғон, сарой мажмуи, Сўғд даври, Кўктепа харобалари, Бухоро воҳаси шаҳарсозлиги, Қашқадарё воҳаси шаҳарсозлиги, Ерқўрғон, харобалари, қазишмаларнинг кўпқатламлилиги, типологик классификация, Узунқир харобалари, буржлар, буржичи хоналари, Олд Осиё анъалари, Жанубий Оролбўйи, уруғдошлар қишлоқлари, уй чорвачилиги, Кўзалиқир харобалари, диний – топиниш хусусияти, Чирикработ харобалари, апастак қабилалари, тухумсимон тузилиш, ташқи алоқалар.

Савол ва топшириқлар:

1. Сўғдиёна давлатчилиги ҳақида нималарни биласиз?
2. Сўғдиёна илк шаҳарлари шаклланиши омиллари ҳақида сўзлаб беринг.
3. Қадимги Хоразм давлатчилиги масаллари бўйича маълумот беринг.
4. Қадимги Хоразм шаҳарсозлигининг ўзига хос хусусиятлари нималарни иборат?

5-§. Қадимги шаҳарлар сиёсий, иқтисодий ва маданий марказлар сифатида.

Қадимги Шарқни ўрганган олимлар хулосаларига кўра, шаҳарларнинг ривожланишига олиб келган ижтимоий ва иқтисодий омилар энг аввало, марказлашган иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятнинг бирлашишига, ижтимоий табақаланиш ҳамда иқтисодий ихтисослашишга боғлиқ бўлган. Бу уч омил шаҳарларнинг тарихий – маданий марказлар сифатидаги аҳамиятини ошириб, уларнинг янада тараққий этишига туртки бўлади. Мазкур омилар ўзаро таъсирга киришган ҳудудларда (Яқин ва Ўрта Шарқ) мураккаб жамиятнинг шаклланиши содир бўлади. Иқтисодий ихтисослашиш, ижтимоий табақаланиш ва ҳокимиятнинг марказлашуви шаҳар ва қишлоқларда савдо – сотиқ, ҳунармандчилик ишлаб чиқариш ва бошқарувда банд бўлган одамларнинг тирикчилиги учун зарур қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ривожланишига асосланади. Бу ўринда шаҳарларнинг турли вазифаларни бажарувчи марказлар сифатидаги аҳамияти айниқса беқиёсдир.

Жамият тараққиёти тарихининг барча босқичларида шаҳар ҳал қилувчи ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ўрин тутиб келган. Урбанизация жараёнининг ривожланиш қонуниятларини аниқлаш зарурияти масалани ҳал қилишнинг ҳар томонлама хусусиятларини белгилаб беради. Демографлар асосан шаҳарлардаги ижтимоий ҳолат, аҳолининг таркиби ва ўсиш даражасини тадқиқ этсалар, географлар урбанизация жараёнларининг табиий – географик омиларини, унинг маконда ривожланишини ўрганадилар. Иқтисодчилар ишлаб чиқариш ва хизмат

кўрсатиш соҳаларининг шаҳарларда марказлашиш йўлларини ўрганишга, урбанизация жараёнининг алоҳида таркибий қисмлари (қишлоқ — шаҳар — қишлоқ) ўртасидаги доимий алоқалар тизими ва иқтисодий вазифаларнинг ривожланишига асосий эътиборни қаратадилар. Меъморлар ва социологлар ҳам шаҳар тараққиёти билан боғлиқ мураккаб масалаларни ҳал қиладилар. Тарихчилар эса шаҳарларнинг ривожланиш қонуниятларини тарихий жиҳатдан ҳар томонлама очиб беришга ҳаракат қиладилар.

Маълумки, шаҳар — бу кўп вазифали ижтимоий тараққиёт ва алоқаларнинг мураккаб тизимидир. Шаҳарларнинг ривожланиш жараёнида кўпгина вазифалар ўзгаради, айрим вазифалар йўқолади, айримлари эса такомиллашиб ўша вазифавий нуқтаи назардан марказга айланади. Бу жараёнда етакчи вазифалар — аҳоли яшаш жойи, савдо — сотиқ, ҳунармандчилик кабилар сақланиб қолади.

Шаҳарларни марказлар сифатидаги аҳамиятини ўрганиш жараёнида ижтимоий — иқтисодий тузумлар ва уларнинг ўзгариши тадқиқотнинг асосини ташкил этади. Чунки, урбанизация жараёнининг ривожланиш даражаси бир ижтимоий — иқтисодий тузумдан бошқа бир ижтимоий — иқтисодий тузумга ўтилишига қараб ўзгариб туради. Шу нуқтаи назардан шаҳарларнинг вужудга келиш шарт — шароитлари, уларнинг муайян тузилиши ва бажарган вазифалари, ривожланишидаги умумий ва хусусий омилларни очиб берувчи манбаларга мувожаат этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Шаҳарларнинг вужудга келиши ва бажарган вазифалари ижтимоий — иқтисодий заруриятдан келиб чиқадиган ҳодисадир. Шаҳарларнинг вазифавий ҳолатини, уларнинг марказлар сифатидаги аҳамиятини кенг хронологик кўламда қайта тиклаш учун фақат археологик тадқиқотларнинг натижалари етарли деб бўлмайди. Шаҳар жамият тараққиётининг турли ижтимоий — тарихий жиҳатлари — маданий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, демографик ва бошқа жиҳатларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам урбанизация жараёнларини ўрганиш ва таҳлилдан ўтказиш муаммосини ҳал қилишда таянч фанлар натижаларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шаҳар манзилгоҳлари бажарадиган минтақавий вазифа, яъни, атроф ҳудудларга хизмат кўрсатиш ва таъминлаш ҳамда ўз—ўзини таъминлаш вазифаси улар типологиясининг асоси ҳисобланади. Кўп вазифа бажарувчи марказларда улардан бир—иккитаси асосий вазифа бўлиши мумкин. Тадқиқотчилар кўп вазифали шаҳарларни қуйидаги гуруҳларга бўладилар: атрофдаги қишлоқ хўжалик ҳудудлари маркази; савдо—ҳунармандчилик маркази; ҳарбий—маъмурий марказ; маданий—мафкуравий марказ. Бу жиҳатларнинг ҳар бири даставвал, шаҳардаги мавжуд аҳоли машғулотларини аниқ таҳлил қилиш орқали аниқланади.

Шу билан биргаликда қадимги шаҳарларнинг вазифавий типологияси қандайдир мавҳум, вақт билан боғлиқ бўлмаган ёки тарих билан боғлиқ бўлмасдан амалга ошган жараён деб ҳисобламаслик лозим. Қадимги шаҳарлар нафақат маълум вазифаларни бажарувчи масканлар бўлибгина қолмасдан, балки бутун ижтимоий—иқтисодий тузумнинг ўзига хос хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Қадимги шаҳарлар масаласига аниқ таҳлилий—тарихий ёндошув натижасида шу нарса маълум бўладики, турли ижтимоий—иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб шаҳар манзилгоҳлар типлари, уларнинг мавқеи ва улар бажарадиган вазифалар ҳам турлича бўлиши мумкин. Бу ҳолат шаҳарларни ишлаб чиқаришнинг маълум соҳасига ихтисослашувидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришига ҳам боғлиқдир. Қадимги шаҳарларда асосий вазифалар нисбатан юқорироқ туришига қарамай, бу ўринда шаҳар манзилгоҳларининг нисбатан қадимгироқ вазифаси — атроф деҳқончилик ҳудудларининг маркази сифатидаги аҳамияти кўпроқ кузатилади.

Шаҳар манзилгоҳлари ривожланишининг дастлабки даврларидан бошлабоқ улар типологиясида маълум турли хиллик мавжуд бўлишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шаҳар манзилгоҳлари бажарадиган вазифалар улар типологиясининг асосини ташкил этади. Ушбу вазифалар асосида шаҳарларни атроф қишлоқ хўжалик ҳудудлари маркази, савдо ҳунармандчилик шаҳарлари, ҳарбий—маъмурий, маданий—мафкуравий марказлар кабиларга ажратишимиз мумкин. Аниқ ҳолларда турли вазифаларнинг

қўшилиб кетишини (бирикишини) ҳам кузатиш мумкин. Шу билан бирга қадимги шаҳарлар маълум вазифаларни бажарувчилари бўлибгина қолмасдан балки, мураккаб ижтимоий – иқтисодий жараёнларнинг марказлари ҳам ҳисобланади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, шаҳарлар бутун ижтимоий – иқтисодий тизимнинг таркибий қисмини ташкил этиб унинг ўзига хос хусусиятларини нисбатан аниқ ва ҳар томонлама ўзида мужассамлантиради.

6 – сурат

Шаҳарларнинг функцияси



Маҳаллий минтақавий шарт—шароитларга қараб урбанизация жараёни ҳар хил шакллар касб этади. Бу жараён шаҳар типлари ва улар ўртасидаги турли алоқалар хусусиятларининг ранг—баранглигида ўз ифодасини топади. Жумладан, тарихий—илмий тадқиқотлар таҳлили натижаларига кўра аҳоли зичлиги тез ўсиши ва аҳоли табақалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш зарурати ҳисобига аҳолининг жойлашуви зичлашган хусусиятга эга бўлган ҳудудларда урбанизация универсал шаҳарлар, яъни маъмурий, мафкуравий, айирбошлаш (савдо—сотик), ҳунармандчилик, мудофаа вазифаларини ўзида жамлаган кўп вазифали тузилмалар кўринишига эга бўлган. Бундай хусусиятга мансуб кўҳна шаҳар (мас. Марв, Афросиёб ёки Қизилтепа) ўз атрофидаги манзилгоҳларни уюштирувчи табиий марказ бўлиб хизмат қилган. Унинг таъсир доираси ҳудудий жиҳатдан нисбатан катта бўлган. Мазкур ҳудуддаги қолган аҳоли яшайдиган пунктлар асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи манзилгоҳлар бўлиб, улар шаҳарга озиқ—овқат етказиб берувчилар ҳамда унинг ҳунармандчилик ва савдо маҳсулотларини истеъмол қилувчилари ҳисобланган.

Мил. авв. I минг йилликнинг бошларига келиб Ўрта Осиёнинг жанубида урбанизация жараёнлари кучаяди. Истеҳкомли йирик манзилгоҳлар кичик дарёлар ва суғориш қулай бўлган ҳудудларда жойлашган воҳаларнинг марказларига айланади. Қалъалар ва алоҳида бинолар қурилишида мустаҳкам пойдевор ташлаш усули кенг ёйилади. Шу билан бирга Парфия, Марғиёна ва Бақтрияда Ёздепа I типдаги қўлда ишланган ва кўп ҳолларда нақшланган сополлар маданий жараёнга ташқи таъсир бўлганлигидан далолат беради. Бу ҳолат ушбу даврда мураккаб этник вазият бўлганлигини кўрсатибгина қолмай, урбанистик жараёнларни бошидан кечираётган жамият учун хос бўлган маданий интеграция натижасида бир—бирига ўхшаш маданиятларнинг ёйилиши билан ҳам изоҳланади.

Аҳолининг бирлашув жараёнлари тарихнинг маълум даврида ва босқичларида зичлашув жараёнларидан кучлироқ бўлган ҳудудларда урбанизация жараёни нисбатан бошқачароқ кечган. Бундай ҳудуддаги аҳоли ўтроқ ишлаб

чиқариш хўжалиги юритган бўлиб, бу ҳудудларда мудофаа вазифаси долзарб аҳамият касб этган. Одатда, бундай ҳудудлар битта табиий минтақада — йирик дарёнинг ҳосилдор водийсида, сув таъминоти барқарор бўлган воҳаларда ёки тармоқланган сув манбалари доирасида жойлашган. Табиийки, бундай ҳудудларга ҳаётий муҳим маҳсулотлар билан яхши таъминланмаган ҳудудлардан босқинчилик ҳужумлари уюштирилиб турилган. Ўзини мудофаа қилиш мақсадида аҳолини бирлаштириш, ички ва ташқи муносабатларни тартибга солиш, катта ҳудудда ички алоқаларни шакллантириш, бошқарув маъмуриятини ташкил этиш, ягона жараён билан қамраб олинган минтақадаги манзилгоҳларни вазифавий белгисига қараб табақалаштириш зарурати туғилади. Пировард натижада ҳудуд чегараларида қалъа — шаҳарлар, ҳудуднинг (шартли) марказида пойтахт шаҳар, савдо йўлларида савдо марказлари, фойдали қазилмалар конлари яқинида маъданлар қазиб олиш ва қайта ишлаш марказлари кабилар пайдо бўлади.

Урбанизация жараёни кўчманчи чорвадор аҳоли яшайдиган ҳудудда ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлган. Мазкур ҳудудларда бу жараён деҳқончилик билан шуғулланадиган ўтроқ аҳоли яшайдиган ҳудудларга қараганда кеч бошланган. Чунки катта бирлашмалар бу ерда турғун бўлмаган ва маълум ҳудудга боғланмаган. Шунинг учун ҳам бундай ҳудудларда одатда, асосий савдо йўллари кесишган жойларда маҳсулот айирбошлаш ва савдо — сотиқ пунктлари вазифасини бажарган шаҳарлар вужудга келган. Бундай ҳудудларда аста — секинлик билан алоқа тармоқлари ёки фойдали қазилмалар конлари яқинида ҳунармандчилик марказлари пайдо бўлган.

Бу ўринда ривожланган ижтимоий тизим вужудга келган даврдаги шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Хусусан, маъмурий, сиёсий, баъзан мафкуравий вазифаларни ўзида мужассамлантирган минтақаларнинг пойтахтлари пойтахт шаҳарга бўйсунган ва ундан фақат ўлчамлари билан фарқланган кичик минтақаларнинг марказлари ҳам бўлган. Минтақадаги ёки хўжалик юритиш соҳасидаги вазиятга қараб кичик минтақаларнинг пойтахтларига мос келган ёки мос келмаган

савдо — сотиқ марказларини, савдо тармоқлари ёки фойдали қазилмалар конлари яқинида жойлашиб, мустақил ҳудуд бўлиши мумкин бўлган ҳунармандчилик марказларини, ниҳоят, асосан ҳудудни ҳимоя қилиш вазифасини бажарган чегаралардаги қалъа шаҳарларни ажратиш мумкин.

Шаҳарларнинг асосий вазифалари, одатда, маълум бир ҳудуднинг тарихий — маданий ривожланиши жараёнида ўзгаришсиз қолмаган ва унинг тараққиётига таъсир этувчи омиллар мажмуи: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, демографик ва ниҳоят экологик омилларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган. Фикримизча, мазкур омилларнинг таъсирига қараб алоҳида шаҳарларнинг етакчи вазифалари қўшилиши ёки ажралиши мумкин бўлган. Йўлларнинг йўналиши ўзгарган тақдирда савдо — сотиқ ва ҳунармандчилик марказлари гуллаб яшнаган ёки инқирозга учраган, ҳудудий чегаралар ва сиёсий барқарорлик ўзгарган тақдирда чегаралардаги қалъа шаҳарлар янада мустаҳкамланган ёки ташлаб кетилган, географик шароит ўзгарган ҳолатларда шаҳарлар пайдо бўлган ҳудуди бутунлай ташлаб кетилиб маълум ҳудудларга силжиган ёки кўчган.

Урбанизация жараёни маълум минтақада жамият тараққиёти жиддий даражага кўтарилганини тасдиқлайди. Шаҳарларда яшайдиган аҳолининг ижтимоий ва мулкӣ белгиларига кўра ҳар хиллиги мазкур даража қанчалик юксаклигидан далолат беради. Ушбу турли хиллик шаҳар турли қисмларининг археологик қиёфасидаги тафовутларда, шаҳарнинг турли қисмларидаги маданий қатламлардан топилган топилмаларнинг мулкӣ таркибида, зеб — зийнат буюмлари, яъни, рўзғорда ҳеч қандай вазифани бажармайдиган, балки шахснинг ижтимоий мавқеидан далолат берадиган буюмларнинг пайдо бўлишида ва мазкур буюмларни ишлаб чиқариш ҳунармандчилигининг юқори табақаларга хизмат қилувчи алоҳида тармоғига айланишида, дафн маросимини ўтказиш ва меъморчилик қурилмалари (ибодатхоналар ва саройлар) барпо этишга кетган меҳнат сарфидаги жиддий тафовутнинг вужудга келишида ўз ифодасини топади.

Пайдо бўлишининг дастлабки босқичларида шаҳар қишлоқнинг бир қатор вазифаларини сақлаб қолади. Шунга қарамай, шаҳар аҳоли жойлашувининг ўзига хос шакли

сифатида, қишлоқдан унинг тузилишида ўз аксини топган хўжалик вазифалари билан фарқланган. Шаҳар тузилишининг шаҳар вазифаларини акс эттирувчи муҳим белгилари қуйидагилардир: аҳоли яшайдиган пунктнинг ўлчамлари, (чунки маъмурий, хўжалик, ижтимоий вазифаларнинг қишлоқ манзилгоҳларидагига қараганда катта доираси шаҳардан катта майдонга эга бўлишни талаб этади); географик ўрни; режавий тузилиши (қурилиш хусусияти), уни ижтимоий талқин қилиш имконияти, ижтимоий қурилишнинг хусусияти ва ҳоказо; мудофааланиш даражаси; таркибий қисмларининг нисбати (арк – шаҳристон, работ); ишлаб чиқариш салоҳияти (ишлаб чиқариш хусусияти, турлари ва даражаси); аҳоли сони.

Сўнгги бронзадан илк темир даврига ўтиш билан Ўрта Осиёнинг жанубида маҳобатли диний мажмуалари ва алоҳида мудофаа иншоотларига эга бўлган айрим хўжаликлардан иборат илк шаҳар марказлари (Жарқўтон, Дашли 3), баланд гишт пойдеворли кўрғонлари бўлган манзилгоҳлар (Ёздепа, Тиллатепа, Елкендепа) билан алмашади. Мил. авв. VII–VI асрлардан бошлаб шунга ўхшаш манзилгоҳлар (Елкен III, Қизилтепа, Узунқир, Афросиёб, Ерқўрғон) мудофаа деворлари билан ўраб олинади. Ўрта Осиё шаҳарларининг ушбу умумий режаси давлатчилик ривожланишининг шаҳарсозлик маданиятида ўша даврда бажарган вазифасига қараб баъзан мураккаблашган кўринишда, баъзан асосий белгиларини сақлаган кўринишда тараққий этади. Бу жараёнда жамоат иншоотлари – қалъа, ибодатхона ва саройлар баъзан ягона меъморий мажмуада жойлашса, баъзан алоҳида – алоҳида жойлашади. Шаҳарни ўраб турган мудофаа деворлари уни атроф қишлоқ хўжалик ҳудудларидан ажратиб турган. Бу ҳудудда кейин қисқа вақт ичида шаҳаролди шаклланиб, бу ерда одатда ҳунармандчилик ишлаб чиқариш, қабристонлар, диний иншоотлар ва саройлар марказлашган.

Мил. авв. V–II асрлар шаҳарлари учун минтақавий фарқланиш (турлихиллик) хосдир. Жанубда, Амударёнинг чап соҳил воҳаларида режавий тузилиши айлана бўлиб турли вазифаларни, аввало, маъмурий марказ вазифаларини бажарувчи шаҳар ва қалъалар (Бақтра, Олтиндилёр, Емишдепа, Елкендепа ва бошқ.) устунлик қилиб, уларнинг

кўпчилигини марказида қўрғонлар ёки баланд пойдеворда қад кўтарган маҳобатли иншоотлари мавжуд. Амударёнинг ўнг қирғоқ ҳудудлари ва Сирдарё ҳавзаси воҳаларида шаҳарлар тўғри бурчакли режа асосида қурилиб, улардаги саройга оид ва бошқа жамоат иншоотлари (Ерқўрғон, Эйлатон, Марҳамат, Қалъалиқир, Кўҳнақалъа) баланд пойдеворли қўрғон шаклида бунёд этилмаган. Айрим шаҳарларда географик шароитта қараб ҳимоя деворлари бунёд этишда табиий тепаликлардан фойдаланилган (Афросиёб, Кўзалиқир, Бақтра, Ойхоним). Бундай ҳолатларда аввало, уларнинг бажарган вазифалари ва ҳудуддаги мавқеи ҳисобга олинган.

I—IV асрларга келиб Ўрта Осиёдаги шаҳар ҳаёти ривожланиши ниҳоятда жадаллашади. Шаҳар тузилишида ва вазифаларида муҳим ижтимоий—иқтисодий ўзгаришлар бўлиб ўтиб, аввало шаҳар ҳунармандчилиги ривожланиши асосида жамиятнинг иқтисодий ҳаётида шаҳарларнинг аҳамияти кучайиб борди. Шунингдек, шаҳарларнинг мафкуравий марказ сифатидаги аҳамияти ҳам орта бориб, бу ҳолат шаҳарларда диний иншоотларнинг марказлашувига олиб келди. Ундан ташқари антик давр Ўрта Осиё шаҳарлари эллинизм анъаналарининг уйғунлашуви, шаҳар—қишлоқ—кўчманчи дашт таркибида ривожланиб бордики, бу ҳолат диний—маданий алоқаларда яққол кўзга ташланади.

Антик давр Ўрта Осиё шаҳарларининг вазифавий ҳолатига кўплаб ўзгаришлар кирганлиги билан изоҳланадики, бу ҳолат маҳаллий шаҳарсозликда ўз аксини топади. Мисол учун, Бақтрия экспедицияси томонидан тадқиқ этилган ёдгорликларнинг ҳам кўпчилиги шу даврга оиддир. Уларни ўрганиш давомида шаҳар ва унинг атрофи, шаҳар кўринишидаги марказлар билан нисбатан кичик қишлоқлар ва манзилгоҳлар ўртасидаги муносабатлар масалалари муҳим аҳамиятга эгадир. Г.А.Путаченковнинг фикрича, Бақтриядаги кичик шаҳар ва қишлоқлар йирик шаҳар марказларига қарашли бўлган. Амударёнинг ўнг қирғоқ шаҳар марказларига хос хўжалик—сиёсий тартиб археологик тадқиқотлар ва ёзма манбалар таҳлили асосида аниқланган мил. авв. III—II минг йилликлар Месопотамия

шаҳар тартибини эслатади. Бу ерда бир ёки икки—учта ўзаро бир—бири билан боғлиқ ва бир—бирига тутшиб кетган марказлар, шунингдек, сувлари суғориш учун фойдаланилган дарёлар ва дарё ирмоқлари бўйларида жойлашган аҳоли яшаш гуруҳлари асосий хўжалик—сиёсий бирлашмалар (номлар) ҳисобланган. Бу бирлашмалар ҳудудига аҳоли жойлашуви хусусиятлари, истеҳкомлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ва бошқа жиҳатлар кўп ҳолларда аниқ тарихий вазиятга боғлиқ бўлган.

Бақтрия ҳукмдорларининг қурувчилик—шаҳарсозлик фаолияти давомида магистрал каналлари ва шаҳар марказлари бунёд этиш йўли билан хўжалик—сиёсий бирлашмалари янгидан яратилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Масалан, милоднинг дастлабки асрлари Бешкент водийсида (Тожикистон) канал бунёд этилиши ва учта манзилгоҳга асос солиниши — шаҳар марказлари бўлмаган кичик воҳа пайдо бўлишига мисол бўла олади. Янада кенгроқ миқёсда бу жараён Вахш воҳасида Жўйбор суғориш тартиби бунёд этилиб унда кўҳна қалъа ва Қумтепа кўҳна шаҳарлари шаклланишида кузатилади.

Ушбу бўлимга хулоса ясаб айтиш мумкинки, қадимги шаҳарларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий марказлар вазифаларини бажариши аввало, жамиятдаги сиёсий ва ижтимоий—иқтисодий ҳолатлардан келиб чиқиб белгиланади. Бу жараёнда шаҳарлар бир вақтнинг ўзида маъмурий, ҳарбий—сиёсий, мафкуравий марказлар вазифасини ҳам бажарган. Айрим ҳолларда шаҳарлар фақат мафкуравий ёки фақат савдо—сотиқ марказлари вазифасини ҳам бажарган бўлиши мумкин. Шаҳарларнинг вазифавий ҳолати айрим ҳолларда уларнинг табиий—географик жойлашуви билан ҳам бевосита боғлиқ эди.

Таянч сўзлар

Иқтисодий ихтисослашиш, марказлашган ҳокимиятнинг бирлашуви, омиларнинг ўзаро таъсири, турли вазифаларни бажарувчи марказлар, ижтимоий ҳолат, аҳолининг ўсиш даражаси, маконда ривожланиш, шаҳарларда марказлашиш, ривожланиш қонуниятлари, кўп

вазифали ижтимоий тараққиёт, минтақавий вазифа, вазифавий типология, турли вазифаларнинг қўшилиб кетиши, минтақавий шарт—шароит, универсал шаҳарлар, маданий интеграция, пойтахт шаҳарлар, минтақавий фарқланиш.

Савол ва топшириқлар:

1. Шаҳарларнинг турли марказлар вазифаларини бажаришдаги аҳамияти нималардан иборат?
2. Матндаги 6—схемадан фойдаланиб шаҳарларнинг функцияси ҳақида гапириб беринг.
3. Шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовут ҳақида нималарни биласиз?
4. Минтақавий фарқланиш ҳақида фикрингизни билдиринг.

4—Мавзу. Аҳмонийлар ва антик давр шаҳарсозлиги ҳамда қадимги давр шаҳарсозлик хусусиятлари

1—§. Аҳмонийлар даври шаҳарсозлиги

Эрон форслари ҳақидаги дастлабки маълумотлар мил. авв. IX асрга оид Оссурия манбаларида учрайди. Бу маълумотга кўра улар, Урмия кўлининг жанубида ва жануби ғарбида яшаганлар. Мил. авв. IX — VIII асрлар бўсағасида улар жанубга томон ҳаракат қилиб Эроннинг шимоли—ғарбидаги элабийлар ҳудудларини эгаллаб оладилар. VIII асрдаёқ Аҳмон уруғидан бўлган форсларнинг юқоридаги ҳудудларда қабилавий иттифоқи ташкил топган эди. Мил. авв. VII асрнинг ўрталарига келиб Эрон ҳудудидаги эроний тилли қабилалар иттифоқи асосида маркази Ҳамадонда бўлган Мидия давлати ташкил топади. Аҳмонийлар қабила иттифоқлари ҳам тобе бўлган бу подшоликнинг Шарқдаги ҳудудлари Ўрта Осиё чегараларигача чўзилган эди. Тахминан, мил. авв. 600—559 йилларда Эронда Мидияга қарам бўлган Камбиз I ҳукмронлик қилади. У Мидия подшоси Астиагнинг

қизига уйланган бўлиб, унинг ўғли Кир II Мидиянинг сўнги ҳукмдори Астиагнинг набираси эди.

Мил. авв. VI асрнинг ўрталарига келиб шафқатсиз курашлар натижасида Мидия подшолиги ўрнида Аҳмонийлар давлати ташкил топади. Кўпчилик илмий—тарихий адабиётларда Кир II, аҳмонийлар давлатининг асосчиси сифатида эътироф этилади. Аҳмонийларнинг Кир II, Камбиз, Доро I, Ксеркс каби ҳукмдорлари қадимги Шарқдаги жуда кўплаб мамлакатлар устидан ўз ҳокимиятини ўрнатишни режалаштирганлар ва шундай сиёсат олиб борганлар. Қадимги дунё муаллифлари Геродот, Ксенофонт, Ктесий, Юстин кабиларнинг маълумотларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, Кир II, мил. авв. 545—539 йилларда Шарқий Эрон ва Ўрта Осиё вилоятларини босиб олади. Доро I даврида (ми. авв. 522—486 йй.) аҳмонийлар сулоласи Ҳинд водийсидан Ўрта Ер денгизига қадар бўлган кенг ҳудудда ўз ҳукмронлигини ўрнатган. Жуда кўп сонли давлатлар, вилоятлар, шаҳарлар ва халқларни бирлаштирган Аҳмонийлар салтанати тарихда биринчи йирик дунё давлати ҳисобланади.

Аҳмонийлар ҳукмдорларининг Ўрта Осиё вилоятларини босиб олиши илмий—тарихий адабиётларда кенг ёритилган ва алоҳида мавзу ҳисобланади. Шунинг учун ҳам дарслигимизнинг ушбу бўлимида шаҳарлар тарихи билан бевосита боғлиқ бўлган аҳмонийлар давлатининг тузилиши, бошқарув тартиби, ижтимоий—иқтисодий ва маданий ҳаёт масалаларига батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Геродот маълумотларига кўра, улкан Аҳмонийлар салтанати алоҳида вилоятлар (ўлкалар)— сатрапияларга бўлинган бўлиб, уларнинг сони 20 та эди. Ҳар бир сатрапия ҳар йили маълум миқдорда солиқ тўлаб туриши шарт эди. Солиқларнинг миқдори кўп ҳолларда кумуш талант (талант— пул бирлиги, бир талант 30 кг. кумушга тенг бўлган) билан белгиланган. Солиқлар келиб тушишини тизимга солиш учун Доро I ягона танга тартибини жорий этади. Бу тартибнинг асосини оғирлиги 8,4 г. келадиган олтин дарик ташкил этарди. Олтин дарикни бир донаси оғирлиги 5,6 г. бўлган 20 та кумуш тангага алмаштириш мумкин бўлган. Олтин дарик фақат подшо томонидан, кумуш тангалар эса айрим вилоятлар ҳукмдорлари томонидан зарб этилган.

Қарам ўлкалар пул солиғидан ташқари маҳсулот билан ҳам солиқлар тўлаганлар. Ушбу солиқлар ҳисобидан Персеполда, Сузада ва Эқбатанда форс подшоларининг ҳашаматли саройлари қад кўтарган. Мисол учун, Сузадаги саройни қуриш ҳақида Доро I ёзувларида шундай хабар берилади: «Бу ерда ишлатилган олтин Лидия ва Бақтриядан келтирилган. Кўк тош «капа – утака» (ложувард) ва «синкабруш» (ярим қимматбаҳо тош – сердолик) Сўғддан келтирилган. «Ахшайна» тоши (феруза) Хоразмдан келтирилган. Шунингдек, Геродот Аҳмонийлар давридаги яна бир солиқ тури – сунъий кўллардан далалар учун олинадиган сув пули ҳақида ҳам маълумот беради. Тарихчининг таъкидлашича, кўлларнинг тўғонини очгани учун форс подшоси «одатдаги солиқдан ташқари катта пул олади».

Аҳмонийлар давлатида мажбурий ҳарбий хизмат ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Элефантин оролидаги (Мисрнинг жанубий чегаралари яқинида) гарнизон архивидан маълумки, бу ерда мил. авв. V аср охирида хоразмлик жангчи Даргамон хизмат қилган. Сак жангчилари ҳайкалчаларининг топилиши Мисрдаги йирик ҳарбий базалардан бири бўлган форсларнинг Мемфис гарнизони таркибида сак отличлари ҳам бўлганлигидан гувоҳлик беради. Юнонларга қарши чиққан Ксеркс қўшинлари таркибини санаб ўтар экан Геродот, бақтрийлар, сак – аморглар, парфиёнлар, хоразмийлар, сўғдийлар ва сакларни ҳам тилга олади.

Жуда кўпчилик тадқиқотчилар Ўрта Осиёнинг ўтроқ воҳаларидаги суғориш тартибида мил. авв. VI – IV асрларда сезиларли ўзгаришлар бўлиб ўтганлигини эътироф этадиларки, бу ўзгаришлар ўша давр шаҳарлари тараққиёти учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Бу даврда кўп жойлардаги тўпланиб қолган сувлардан фойдаланиладиган мавсумий табиий суғориш ўрнини кенг ҳудудларни суғориш имкониятини берувчи йирик магистрал каналлар тартиби эгаллайди. Бундай ўзгариш натижасида нисбатан кенгроқ ҳудудларни ўзлаштириш имкониятлари пайдо бўлади. Ўрта Осиёнинг деярли барча тарихий – маданий вилоятларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида ўтроқ аҳоли томонидан янги ерларнинг ўзлаштирилганлиги кузатилади.

Шимолий Бақтрия ҳудудларида бу даврда Сурхон ва Кобадийн воҳалари кенг миқёсда ўзлаштирилиб, ўнг қирғоқ

Амударё ирмоқларидан магистрал каналлар ўтказилади. Вахш воҳасида Болдай канали қазилиб, унинг атрофларида мил. авв. V—IV асрларга оид манзилгоҳ аниқланган. Хоразм ҳудудларида чап қирғоқ Амударёдаги Сариқамиш ҳавзасида жойлашган Кўзалиқир яқинида аҳмонийлар даврига оид йирик деҳқончилик воҳаси аниқланган. Бу ердан ўша даврга оид бир нечта каналлар аниқланган.

Таъкидлаш жоизки, аҳмоний подшолари ва сатраплари шаҳарлар тараққиётини таъминлаб турган қишлоқ хўжалигининг ривожланишига, аввало, деҳқончиликка катта эътибор бериб турганлар. Ксенофонтнинг хабар беришича, «подшо ўз мамлакатининг айрим қисмларини ўзи айланиб чиқади, айрим қисмларига ўз ишончли одамини юборади. Агар ҳокимлар янги барпо этилган шаҳарлар, ўзлаштирилиб обод этилган, боғ—роғлар барпо этилиб экинлар экилган ерларни кўрсатсалар уларга яна янги ерлар қўшиб берилиб турли мукофотлар инъом этилади». Ўрта Осиёдаги дастлабки коризлар ер ости суғориш каналлари ҳам аҳмонийлар даврида пайдо бўлади. Полибий салавкийлар ҳукмдори Антиох III нинг Парфия даштлари орқали юришини таърифлар экан, бу ерда суғориш ишлари қудуқлари бўлган бир нечта ер ости каналлари орқали амалга оширилиб улар «форслар даврида» бунёд этилгани ҳақида маълумот беради.

Мил. авв. VI—IV асрлар суғориш иншоотлари такомиллашуви билан бирга Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигида деҳқончилик тараққиётига ва шаҳарлардаги ҳунармандчиликка сезиларли туртки берган темир буюмлардан фойдаланиш ҳам кенг тарқалади. Шимолий Бақтриядаги Қизилча 6, Хоразмдаги Динғилжа ва Кўзалиқир, Сўғдиёнадаги Афросиёб ва Даратеп ва бошқалардан топилган темир буюмлар шу жараёндан далолат беради.

Бу даврда Ўрта Осиё ўтроқ тарихий — маданий вилоятлари хўжалиги доирасида чорвачилик ҳам тараққий этади. Хўжаликнинг бу тури катта ва кичик дарёлар ҳавзалари ҳудудларида, тоғ ва тоғ оддиларида, дашт чегара ҳудудларида, айниқса жадаллик билан ривожланади. Қадимги Хоразмдаги Кўзалиқирдан мил. авв. VI—IV асрларга оид ҳайвонлар суякларининг топиб тадқиқ этилиши бу ерда хўжаликнинг асосини чорвачилик, аввало, йирик туёқли ҳайвонлар ташкил этганлигидан далолат беради. Персепол тасвирларида ҳам

кўпгина Ўрта Осиё халқлари форс подшоларига солиқ сифатида турли ҳайвонларни етаклаб келаётганлигининг тасвирланиши ҳам тасодифий ҳол эмас.

Мил. авв. VI—IV асрлар Ўрта Осиё вилоятларида ҳунармандчилик ишлаб чиқариш, хусусан, сопол ҳунармандчилиги юқори даражада ривожланади. Кулолчилик чархида тайёрланиб махсус хумдонларда пиширилган сопол идишлар кўпчилик Ўрта Осиё вилоятларига хос шаклларга эга эди. Бу ўринда цилиндрсимон ва цилиндр—конуссимон идишларнинг кенг тарқалганлигини таъкидлаш жоиздир. Бундай кўринишдаги идишлар Бақтриядаги Балх, Кобадийён, Болдайтепа, Талашкан, Қизилтепа, Сўғдиёнаги Афросиёб, Хўжа Бўстон, Узунқир, Сармиш, Хоразмдаги Кўзалиқир, Қалъалиқир, Дингилжа, Марғиёнадаги Ёздепа ва Говурқалъалардан топиб ўрганилган. Металларни бадий жиҳатдан қайта ишлаш услублари юқори даражада бўлганлиги ҳақида Амударё хазинаси буюмлари маълумотлар беради. Кам сонли бўлса—да, қўхна шаҳарларда ҳунармандчиликнинг бошқа турлари—тўқимачилик, тошга ишлов бериш, суякни қайта ишлашга оид бўлган топилмалар топиб ўрганилган.

Кўпгина давлатларнинг улкан аҳмонийлар салтанати таркибига кириши, аввало, қадимги шаҳарлар ва қишлоқлардаги ташқи савдонинг тараққиётига таъсир кўрсатди. Аммо, аҳмонийлар даври Ўрта Осиёга келтирилган ёки бу ҳудудлардан олиб чиқилган маҳсулотлар ҳақида жуда кам маълумотлар сақланган. Шунга қарамасдан, Кичик Осиёдаги Эфес шаҳридан Бақтрияга, ундан Ҳиндистонга кетувчи йўл ҳақидаги маълумотлар Ўрта Осиёнинг аҳмонийлар давлатининг ғарбий вилоятлар билан савдо алоқалари олиб борганлигини тасдиқлайди. Сўғдиёнадан ва айниқса Бақтриядан топилган тангаларга қараб хулоса чиқарадиган бўлсак, мил. авв. VI—IV асрлар Ўрта Осиёда нафақат марказий аҳмонийлар ҳокимияти ҳукмдорлари зарб этган тангалар балки, Кичик Осиё ва юнон тангалари ҳам муомалада бўлган.

Аҳмонийлар даври шаҳарсозлиги масалаларининг таҳлили асосида айтиш мумкинки, ўтган асрнинг 30—йилларида аҳмонийлар даври маданий қатламлари фақат Жанубий Тожикистон ҳудудларидагина маълум эди. Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги даврдан сўнг мил. авв. VI—IV асрларга оид ёдгорликлар кўпгина ҳудудларда аниқланиб,

тадқиқотлар кўлами кенгайди. Ҳозирги кунда бу даврга оид кўҳна шаҳарлар ва манзилгоҳлар нафақат Жанубий Тожикистон, балки Шимолий ва Жанубий Бақтриядан, Сўғдиёнадан, Парфия, ва Марғиёнадан, Хоразмдан, Чоч ва Фарғонадан топиб ўрганилган бўлса, Фарғонадан, Олойдан, Шарқий Помирдан ҳамда Орол бўйидан кўмиш мароскига оид ёдгорликлар топиб текширилган.

Бу даврга оид манзилгоҳ ва кўҳна шаҳарлар меъморчилиги Жанубий Туркманистонда нисбатан кўпроқ ўрганилган. Бу ҳудудлардаги энг йирик кўҳна шаҳар Марвдаги Говурқалъа ҳисобланади. Говурқала ўлчамларининг йиғиндиси 7,5 км.га тенг. Аҳмонийлар даври Марвнинг маркази Говурқалъа шимолий томонининг марказида жойлашган Эрқалъа истеҳкоми бўлган. Мил. авв. I минг йиллик ўрталарида ушбу истеҳком баланд лой девор билан ўраб олинади. Эрқалъанинг марказида йирик меъморий иншоотлар—ҳукмдор саройи ва диний мажмуа қад кўтарди. Истеҳком хом гиштдан бунёд этилган мустаҳкам пойдевор устига қурилиб, ягона дарвозаси шаҳар томонга қаратилган.

Марв воҳасининг қадимги марказида аҳмонийлар даврига оид Ёзтепа манзилгоҳи очиб ўрганилган. Ёзтепа бирмунча илгарироқ даврда пайдо бўлган бўлиб, мил. авв. I минг йиллик ўрталарида ўзининг аввалги ҳарбий—маъмурий аҳамиятини йўқота бошлайди. Аммо, Ёзтепа манзилгоҳи бутунлай йўқолиб кетмайди ва қазишмалар натижасида бу ердан тўғри бурчакли гиштлардан қад кўтарган деворлар, иншоотлар қолдиқлари аниқланган.

Қопетдоғнинг тоғ олди ҳудудларидан мил. авв. VI—IV асрларга оид йирик кўҳна шаҳар Елкендепе харобалари очиб ўрганилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Елкендепе Шимолий Парфиянинг ҳарбий—маъмурий маркази бўлиб, бу ерга аҳмоний подшолари келиб турган. Кўҳна шаҳар нотўғри айлана шаклида бунёд этилган бўлиб узунлиги 500 метр, эни 300 метрга яқин. Шаҳар ўрнидаги дастлабки манзилгоҳ тўғри бурчакли йирик гиштлардан қад кўтарган мустаҳкам девор билан ўраб олинган. Марказда истеҳком қад кўтарган.

Хоразм экспедициясининг сайъи—ҳаракатлари туфайли қадимги Хоразм ҳудудларида ҳам аҳмонийлар даври ёдгорликлари аниқланган. Улардан бири — сатрапнинг қуриб битказилмаган саройи Қалъалиқир I бўлиб, биз у ҳақда

юқоридаги бўлимларимизда эслатдик. Яна бир бу даврга оид кўҳна шаҳар Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Кўзалиқир бўлиб, табиий тепалик устида жойлашган. Унинг максимал узунлиги 1000 метр, эни эса 500 метрдан зиёдроқдир. Қазиишмалар натижаларига кўра, кўҳна шаҳар икки қатор девор билан ўраб олиниб, ташқи девор миноралар билан мустаҳкамланган. Ички девор эса турли қурилишларга тутатиб турган.

Ўнг қирғоқ Хоразмдаги аҳмонийлар даврига оид яна бир ёдгорлик Динғилжа яқинидаги манзилгоҳ ҳисобланади. Қазиишмалар натижасида бу ердан 2600 кв.м. майдонга эга бўлган кўп хонали катта бино очиб ўрганилган. Бинодан турар—жой, хўжалик ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган 17 та хона аниқланган. Бино икки метр қалинликдаги ташқи девор билан ўраб олинган. Девор тўғри бурчакли ва тўртбурчак йирик гиштлардан бунёд этилган. Бино қурилишлари мил. авв. V аср охири — IV асрнинг биринчи ярми билан саналанган.

Сўғдиёнанинг йирик маданий маркази ва пойтахти бўлган Афросиёб кўҳна шаҳри бу даврда айниқса гуллаб—яшнади. Бу даврга келиб умумий майдони 219 гектар бўлган Афросиёб марказий ва йирик шаҳар сифатида анча ривожланиб, бу ерда шаҳар ҳаётининг ривожланиши Сўғдиёна ва бутун Ўрта Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг юксалиши ҳамда инқирози билан мувофиқ тарзда кечган. Аҳмонийлар давридаги Самарқанд Сўғди хўжалик ҳаёти ва маданий тараққиёт ҳақида Лолазор, Лайлақўйтепа, Кўктепа, Тўрткўлтепа каби ёдгорликлардан топилган топилмалар ҳам қимматли маълумотлар беради. Бу топилмаларга қараб (жанговар ва меҳнат қуроллари, уй—рўзгор буюмлари, тақинчоқлар, қурилиш услуби ва ҳоказо). Самарқанд ва унинг атрофларидаги ҳудудларда мил.авв. I минг йилликнинг ўрталарида яшаган аҳоли хўжаликнинг деҳқончилик, чорвачилик, уй ҳунармандчилиги ва ихтисослашган ҳунармандчилик турларини анчагина ривожлантирганлар деган хулоса чиқариш мумкин.

Бухоро воҳасидаги Хўжа Бўстон, Конимех, Қумрабод, Арабон, Чордара, Қузмонтепа каби ўнлаб кўҳна шаҳар ва манзилгоҳлар аҳмонийлар даврига оиддир. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, улар йирик этно—маданий вилоятнинг

унча катта бўлмаган туманлари бўлиб, бу ҳудудларда мил. авв. VI—IV асрларда умумий кўриниши бир хил бўлган деҳқончилик маданияти шаклланади. Топилган топилмаларнинг ниҳоятда ўхшашлиги шундан далолат беради.

Кейинги йилларда Бухоро шаҳри ва унинг атрофларида кўпгина археологик тадқиқотлар олиб борилди. Бу тадқиқотлар натижаларига қараганда, мил. авв. I минг йилликнинг ўрталарида Зарафшоннинг йирик бир ирмоғи Бухоро шаҳари ҳудудидан оқиб ўтиб, унинг ўнг ва чап қирғоғида шаҳарга асос солинади. Яна шу нарса ҳам аниқландики, бу даврда арк ҳудуди пахса девор билан ўраб олинади. Бухоро атрофларидан эса бу даврга оид қалъалар ва қўрғонлар ҳам очилганки, улар атроф қишлоқларни ташкил этган. Тадқиқотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Бухоро воҳадаги урбанистик жараёнларнинг маркази бўлибгина қолмасдан, географик нуқтаи назарда ҳам воҳанинг марказида жойлашиб, вилоят маркази вазифасини бажарган.

Қашқадарё воҳаси мил. авв. VI—IV асрлар ёдгорликлари Сўғдиёнанинг бошқа ҳудудларига нисбатан яхшироқ ўрганилган. Воҳадаги кўҳна шаҳарлардан бири Ерқўрғон мил. авв. VIII—VII асрларда шаклланади ва аҳмонийлар даврига келганда ҳудудлари анча кенгайиб, тўртбурчак шаклда деворлар билан ўраб олинади. Ундан ташқари бу даврга келиб кўҳна шаҳар атрофида алоҳида қишлоқ манзилгоҳлари пайдо бўлади. Бу даврда деҳқончилик воҳалари атрофларининг ўзлаштирилиши шаҳарлар билан боғлиқ бўлиб, ўзлаштирилган ҳудудлар шаҳарларга воситачи ёки таянч вазифани бажарган. Бундай кичик қишлоқларнинг бир қисми шаҳар аҳолисининг шаҳар ташқарисидаги ерлари бўлган бўлиши ҳам мумкин. Мил. авв. VI—V асрлар воҳа ва шаҳар ягона жамоадан иборат бўлиб яхлит Сўғд ўлка—сатрапиясини ташкил этган бўлиши мумкин.

Тадқиқотлар натижаларидан хулоса чиқариб, аҳмонийлар даврига оид Жанубий Сўғдадаги қуйидаги иншоотлар шакларини белгилаш мумкин: режавий тузилиши тўғри бурчакли ва икки қатор девор билан мустақкамланиб майдони 3 гектар бўлган алоҳида қалъа қўрғони (Сангиртепа); қишлоқ хўжалик воҳаси аҳолиси учун ҳарбий бошпана вазифасини бажарувчи ва майдони 34—70 гектар бўлган йирик қалъалар

(Ерқўрғон, Узунқир); пахса—хом ғиштлари бўлмаган ҳамда майдони 2 гектаргача бўлган ярим ертўла ва ертўлалардан иборат қалъалар (Қўрғонтепа, Сомонтепа, Кўзатепа, Тўртбурчактепа ва бошқ.); табиий—географик қурилишларга асосланиб, алоҳида турар—жойларга эга бўлган манзилгоҳлар (Даратепа, Қоровултепа); қишлоқ уй—қўрғонлари (Саройтепа, Шўроб, Чоштепа). Воҳадаги энг йирик ёдгорликлардан бири бўлган Узунқир кўҳна шаҳри аҳмонийлар даврида ўзида барча ҳимояланиш белгиларини акс эттирувчи мустаҳкам девор билан ўраб олинади. Узунқир ва унинг атрофларидаги меъморчилик ва ҳимоя иншоотлари (70 гектарга яқин) юқори даражадаги шаҳарсозлик маданиятидан далолат беради.

Ҳозирги кунда Тожикистон қадимияти билан шуғулланувчи олимлар томонидан Сирдарё ўрта оқимининг чап қирғоғи ҳудудларидаги Хўжанд ва унинг атрофларидаги (ўрта асрлардаги Уструшона) мил. авв. VI—IV асрларга оид ёдгорликлар очиб ўрганилган. Хўжанд шаҳрини ўрганган тадқиқотчилар кўҳна шаҳар истеҳкомининг пастки қатламларини, хусусан, умумий майдони 20 гектарга яқин бўлган (шундан истеҳком 1 гектарга яқин) тўртбурчак шаклдаги шаҳар майдонини ўраб турган қалъа девори қолдиқларини мил. авв. VI—IV асрларга оид деб ҳисоблайдилар. Бу давр маданий қатламлари Ширин, Мугтепа (Ўратепа шаҳрида) ва Нуртепа (Ўратепа шаҳридан шимолроқда) кўҳна шаҳарларидан ҳам аниқланган.

Нуртепа кўҳна шаҳри баланд тоғ тепалигида жойлашган. Н.Негматов ва бошқаларнинг фикрича, кўҳна шаҳар ўрнидаги манзилгоҳ мил. авв. VII асрда пайдо бўлади. Мил. авв. VI—IV асрларда эса Нуртепа умумий майдони 18 гектар бўлган пахса ва хом ғишт деворлардан қад кўтарган қалъа ҳамда ҳимоя деворлари бўлган шаҳар ҳисобланар эди. Бу ердан топилган кўплаб топилмаларга қараб шундай хулоса чиқариш мумкинки, Нуртепа аҳолиси асосан деҳқончилик ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариш билан шуғулланган. Хўжанд ва Нуртепа кўҳна шаҳарлари македониялик Искандар юришлари даврида таянч нуқталар бўлган бўлиши мумкин.

Мил. авв. VII—VI асрларда Бақтрия ҳудудларида ҳимоя деворлари билан ўраб олинган шаҳарлар шакллана бошлайди. Олтиндилёр (Аорн), Бақтра, Қизилтепа кабилар бу ҳудудлардаги йирик шаҳарлар эди. Аҳмонийлар даври

Шимолий Бақтрия ҳақида тўғридан – тўғри ёзма манбаларда маълумотлар берилмаса ҳам археологик тадқиқотлар бу масалага кўпгина аниқликлар киритади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Бақтрия Кир II нинг мил. авв. 539 – 530 ёки 547 – 539 йиллардаги юришларидан сўнг аҳмонийлар давлатига буйсундирилади. Айрим тадқиқотчилар бу даврда Бақтриянинг шимоли – ғарбий чегараларидаги Темир дарвоза атрофларида Сисимифр қалъаси бўлган деб ҳисоблайдилар. И.В.Пьяковнинг фикрича, бу ерда Бақтрия ва Сўғдиёна ўртасидаги чегарани белгилайдиган ҳамда катта йўлни назорат қилиб турадиган пункт жойлашган бўлиши мумкин. Аммо, бу тахминлар археологик тадқиқотлар билан тасдиқланмайди. Шу билан бирга Амударёдан кечув жойида ва бу кечувга келувчи йўллар устида мил. авв. I минг йиллик ўрталарида қалъалар (Шўртепа, Талашкан I, Термиз, Хирмонтепа) бунёд этилади. Бу жараён аҳмонийларнинг Бақтриядан Сўғдиёнага ўтувчи барча йўлларни қатъий назорат остига олганларидан далолат беради.

Аҳмонийлар даврига келиб Бақтрия шаҳарсозлигида сезиларли ўзгаришлар бўлиб ўтади. Кўплаб ривожланиш жараёнлари: темир қуролларнинг кенг ёйилиши, суғорма деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг такомиллашуви, манзилгоҳлар сонининг ортиши, улар майдонининг кенгайиши, янги белгилар қўшилган ҳолда тузилишининг мураккабланиши айнан мана шу давр учун хосдир. Шунингдек, бу даврга келиб аҳоли пунктларининг турли шакллари: ўтроқ деҳқончилик зодагонларининг мустаҳкамланган қўрғонлари (Қизилча), йирик манзилгоҳлар (Бандихон II), мураккаб мудофаа – режавий тузилишга эга, қўрғонли шаҳарлар (Қизилтепа) пайдо бўлади.

Бу даврга келиб манзилгоҳларнинг илгаригидан кўплаб белгилари билан фарқланувчи Қизилтепа кўринишидаги янги шаҳарсозлик шакли ҳам пайдо бўлади, кўпчилик тадқиқотларнинг фикрича, Қизилтепа: қалъа, шаҳар, «шаҳар олди» ва атроф ҳудудлар қисмлардан иборат. Майдони 2 гектар, баландлиги 14 – 15 метр тепалик устига жойлашган қалъанинг ғарбий ярими баланд сунъий пойдевор устига қад кўтарган ҳокимнинг саройи бўлган катта қурилишлардан иборат. Қалъанинг шарқий ярими ғарбий қисмидан катта ҳовли ёки майдон билан ажратилган бўлиб, бу ерда хўжалик

турар — жой мажмуаси жойлашган ва бу мажмуа кўплаб турли даврларга оид хоналардан иборат.

Қизилтепада олиб борилган стратиграфик тадқиқотлар натижасида кўҳна шаҳар ўзлаштирилишининг учта асосий даври (Қизил I, II, III) аниқланган. Қизил III даври айнан аҳмонийлар даврига (мил. авв. V—IV асрлар) оид бўлиб бу даврда кўҳна шаҳарнинг жануби — шарқ томонида шаҳар олди шаклланади. Унинг ичида ва қалъада айрим участкалар қайта қурилиб, айрим янгилари пайдо бўлади. Бу даврнинг охирларига келиб шаҳар инқирозга учрай бошлайди. Ҳимоя деворларида чиқинди тўпламлари пайдо бўлади ва қалъанинг юқори хоналари хўжалик чиқиндиларининг қалин қатлами билан қопланади.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, илгариги даврдаги барча манзилгоҳларга нисбатан Қизилтепада мутлақо янги тузилиш ва режавий белгилар пайдо бўлади. Хусусан, кўпқисмлилик, вазифавий фарқ ва ҳар бир қисмнинг алоҳидалиги, қўрғоннинг қалъага айланиши, мустаҳкамланмаган қисмнинг манзилгоҳга айланиши, шаҳар олди ва атроф ҳудудларнинг ажралиши каби белгилар Қизилтепа учун хосдир. Шунингдек, Қизилтепанинг ҳимоя иншоотлари ҳам илгариги манзилгоҳлардан сезиларли фарқланади. Ҳимоя деворлари икки тартибли бўлиб, улар ўртасида йўлак қолдирилган. Кенг ва чуқур хандақлар кўҳна шаҳарни ўраб турган. Деворларда камончилар тик туриб ва тиззалаб отишлари учун махсус шинаклар ўрнатилган.

Антик давр муаллифлари аҳмонийлар даври Бақтриясини кўп сонли катта шаҳарлари бўлган ўлка сифатида таърифлайдилар. Улар орасида нисбатан йириклари Бақтра — Зариасп, Аорн, Драпсак ёки Дараска — Адраска ва Кариатид бўлган. Бақтрада жуда баландликда қалъа қурилиб пастда шаҳарни қалин девор ўраб турган. Шунингдек қалъа, акрополда ҳам мавжуд эди. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, аҳмонийлар даврида Бақтра Боло Ҳисор ҳудудларини (120 гектар) ва унинг жануби ғарбидаги пастки шаҳарнинг бир қисмини эгаллаган. Аорн эса Балҳдан 35 км шимолда жойлашган Олтиндилёртепага қиёс қилинади.

Хуллас, мил. авв. I минг йилликнинг ўрталари Бақтрияда тўрт қисми кўринишдан иборат турли типдаги

шаҳарлар мавжуд эди. Бу тузилиш — қалъа, шаҳарнинг ўзи, шаҳаролди ҳудуди қишлоқлари ва алоҳида қўрғонлардан иборат шаҳар атрофи қисмлари эди. Бақтриянинг бу давр шаҳарлари маҳаллий анъаналар асосида шаклланган бўлиб бу жараённинг илдизлари бевосита бронза даври билан боғланади.

Мил. авв. VI—IV асрлар Фарғона ва Чирчиқ — Ангрэн воҳаларининг аҳмонийлар давлати таркибига кирганлиги ҳақида маълумотлар сақланмаган. Ушбу ҳудудлардаги бу даврга оид ёдгорликларнинг маданий анъаналари бошқа ҳудудларга нисбатан бошқачароқ кечган. Бу даврга келиб Чирчиқ — Ангрэн воҳасидаги Бургулик маданияти инқирозга учрайди. Бу маданият манзилгоҳлари ярим ертўла ва хом гишт қурилишлар билан изоҳланади. Айрим тадқиқотчилар Жўнариқ бўйидаги Шоштепани мил. авв. VI—IV асрларга оид деб ҳисоблаб, Бургулик маданиятининг сўнгги босқичига хос деган фикрни билдирадilar. Агар бу фикр тўғри бўлса, Шоштепа ушбу ҳудудлардаги дастлабки қадимги деҳқончилик манзилгоҳидир.

Мил. авв. VI—IV асрларга оид ёдгорликлар Фарғона водийсидан нисбатан кўпроқ аниқланган бўлиб улар манзилгоҳлар ва мазор — қўрғонлардан иборат. Улар орасида нисбатан яхши ўрганилгани Эйлтан кўҳна шаҳри, Оқтом, Кунгай ва Ниёзботир ҳисобланади.

Эйлтан кўҳна шаҳри харобалари Андижон вилояти, Избоскан туманидаги Илотон қишлоғи ёнида жойлашган. Маҳаллий аҳоли орасида бу кўҳна шаҳар Шаҳри Хайбер номи билан машҳурдир. Мил. авв. VI—IV асрларга оид бу кўҳна шаҳар нисбатан яхшироқ ўрганилган бўлиб, Эйлтан маданияти ёдгорликлари водийнинг деярли барча ҳудудларидан аниқланган. Эйлтон кўҳна шаҳри икки қисмдан иборат. Ички қисм деворлар билан ўралган, 20 гектардан иборат, лекин истехкоми йўқ. Ташқи қисм, 200 гектардан иборат бўлиб бу ҳудудда қурилишлар қурилмаган. Бу қисм ҳам уюм — деворлар билан ўраб олинган. Қазиишмалар натижасида доимий турур — жойлар, хўжалик хоналари, сопол идишлар, меҳнат ва жанговар қурооллар, тақинчоқлар топиб ўрганилган. Ушбу топилмаларга қараб хулоса чиқарадиган бўлсак, фақат Фарғонанинг ўзида Эйлтандан топилган ашёвий далилларга давр жиҳатдан

яқин ёдгорликлар Шўрабашат, Симтепа ва Озгор I лардир. Шўрабашатдан олинган археологик ашёларнинг асосий хусусияти бу ерда оч рангли сопол идишларнинг қизил рангли сопол идишлар билан бир мажмуада учраши ҳисобланади. Шунингдек, Шўрабашатда кўза ва қадаҳлар ҳам учрайди. Ундан ташқари Шўрабашат кўҳна шаҳри тузилиши ҳам Эйлатан кўҳна шаҳри тузилишига ўхшайди. Шундан хулоса чиқарган С.Қудратов Шўрабашат кўҳна шаҳрининг бир қисмини мил. авв. III—II асрлар билан белгилаш лозим деган таклифни илгари суради.

Бу давр Фарғона водийси деҳқончилик маданияти мазор—қўрғонлардан бири Оқтом Фарғонадан 9 км жанубда жойлашган. Бу ердан 31 та қабр очиб ўрганилган. Топилган топилмаларга қараб Оқтом қабилаларининг катта кўпчилиги деҳқончилик билан шуғулланган деган фикрлар ҳам билдирилган. Оқтом қабилаларининг деҳқончилик билан шуғулланишга ўтиши қуйидаги жараёнларга асос бўлган бўлиши мумкин: Фарғона шароитида доимий манзилгоҳлар қурилиши ва бу манзилгоҳларда собиқ чорвадорларнинг хом ғишт меъморчилиги; ўтроқ деҳқончилик аҳолиси устидан сак чорвадор аҳолисининг сиёсий устунлик қилиши; Фарғонада дастлабки давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши ва маъмурий марказларнинг шаклланиши ҳамда буларда ҳам сиёсий устунлик. Шунингдек, ҳарбий ҳаракатлар пайтида асир олинган қуларнинг мавжудлиги кўп сонли одамларни, жумладан, тажрибали мутахассисларни йирик қурилиш ишларига жалб этиш имконини берган.

Ушбу жараёнларнинг барчаси Фарғонада Эйлатонга ўхшаш манзилгоҳларнинг пайдо бўлиши учун замин яратган бўлиши мумкин. Кейинроқ эса, ўтроқ деҳқончилик туманлари чегарасида жойлашган бундай маъмурий марказлар аста—секинлик билан ҳунармандчилик ва савдо марказига айланади. Улар ичида турли қурилишлар ривожланиб (Марҳамат кўҳна шаҳри мисолида) шаҳарларга айланиб боради. Г.Ивановнинг фикрича, бу шаҳарлар деҳқончилик воҳаларининг марказлари бўлган манзилгоҳлар ривожланиши асосида эмас, балки, зодагонлар ва бошқарув маъмурияти хизматкор аҳлининг кўпайиши асосида пайдо бўлади.

Хуллас, Эйлатаан — Оқтом типдаги манзилгоҳлар ва мазор — қўрғонлардаги топилмалардан хулоса чиқарадиган бўлсак, мил. авв. VI—IV асрлар Фарғонада, Чочда бўлгани каби ўтроқ деҳқончилик аҳолиси яшаган. Аммо, бу аҳолининг маданий анъаналари Бақтрия, Сўғда, Марғиёна ва Хоразмниқига нисбатан бошқачароқ эди. Ушбу маданиятнинг илдиэлари мил. авв. II—I минг йиллик бошлари бронза даври маҳаллий Фарғона маданиятига бориб тақалади. Мил. авв. VI—IV асрлар Фарғона ёдгорлиқлари эса қадимги Фарғона маҳаллий маданиятининг янги босқичи ҳисобланади.

Хуллас, мил. авв. VI—IV асрлар Ўрта Осиё вилоятларида ижтимоий — иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ривожланиши шаҳарсозлик анъаналарининг тараққий этишига замин яратди. Бу даврда Бақтрия йирик давлат бўлиб, форс подшоларининг Шарқдаги йирик марказларидан бири эди. Сўнгги йилларда Ўрта Осиёнинг жанубида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида Қадимги Бақтрия ҳудудидан аҳмонийлар даврига оид кўплаб қўҳна шаҳар ва манзилгоҳлар очилган. Уларнинг ҳар бирида ўзлаштирилган майдонлар ва суғориш тартибидан ташқари турар жойлар ва хўжалиқ, меҳнат ва ҳарбий қуроғлар, кулолчилик буюмларининг қолдиқлари мавжуддир. Бу давр Бақтрия аҳолисининг асосий машғулоғи деҳқончилик эди. Қалаимир, Кучуктепа, Қизилча каби ўнлаб ёдгорлиқлардан деҳқончилик билан боғлиқ меҳнат қуроғлари — ўроғлар, кетмонлар, ёрғучоқ ва деҳқончилик маҳсулотлари қолдиқларининг топилиши деҳқончиликдан далолат бериб, деҳқончилик сунъий суғоришга асосланганлигини кўрсатса, меъморилик маданияти шаҳарсозликнинг юқори даражасини ифода этади.

Мил. авв. VI—IV асрларда Сўғдиёна ҳудудларида кўплаб шаҳар ва қишлоғлар бўлиб, улар форс подшоларига катта — катта солиқлар тўлаб турар эдилар. Археологик тадқиқотлар натижасида Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларидан бу даврга оид Узунқир, Ерқўрғон, Даратепа, Сангиртепа, Лолазор, Кўктепа, Афросиёб, Хўжа Бўстон каби 50 дан зиёд кўҳна шаҳар ва манзилгоҳлар очиб ўрганилган. Сўғдиёна ҳаётида деҳқончилик катта ҳамиятга эга эди. Шуниси муҳимки, деҳқончилик сунъий суғоришга асосланган бўлиб, бу ҳақда ёзма манбалар ҳам маълумотлар беради.

Мил. авв. I минг йилликнинг ўрталарида Хоразм ҳам ривожланиш жараёнини бошдан кечиради. Хоразм тадқиқотлари натижаларига қараганда VI— IV асрларда бу ҳудудда йирик—йирик манзилгоҳлар мавжуд эди. Бу давр Хоразм иншоотлари қурилишида хом гишт ва пахса ишлатилган. Манзилгоҳлар ва турар—жойлардан топилган топилмаларнинг бой ва қашшоқлиги бу ерда мавжуд бўлган ижтимоий ва мулкый тенгсизликдан далолат беради. Шаҳарлар аҳолисининг асосий машғулоти ҳунармандчилик бўлган. Кўплаб топилган сопол, бронза ва темир буюмлар фикримиз далилидир. Хоразмда бу даврда маҳаллий ўтроқ аҳолидан ташқари кўчманчи чорвадорлар ҳам яшаган бўлиб, улар ўртасида доимий ҳарбий тўқнашувлар, иқтисодий ва маданий муносабатлар бўлиб турган.

Ўрта Осиё халқлари аҳмонийлар маданият ёдгорликлари бунёд этилишида катта ҳисса қўшдилар. Бу даврда Ўрта Осиё халқлари илк марта зарб қилинган танга пуллар билан танишдилар ва муомала қилдилар. Ўрта Осиё ҳудудидан аҳмонийлар пул тартибига оид олтин дариклар ва бошқа тангалар топилган. Аҳмонийлар даврида кўпгина шарқ халқларининг сиёсий бирлиги—бутун жаҳон тарихида, иқтисодий ва маданий ривожланишида муҳим давр бўлиб қолди. Бу ўринда Ўрта Осиё ҳудудидаги халқлар ва қабилаларнинг ҳам ҳиссаси ниҳоятда катта бўлди.

Бу бўлимга хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудудларида мил. авв. VI—IV асрлар шаҳарсозлик маданиятининг тараққиёт даври бўлди. Юқорида номлари тилга олинган қўҳна шаҳарлар кўп қисми тузилишдан иборат бўлиб, улар том маънодаги маданий, иқтисодий ва ҳарбий—сиёсий марказлар эди. Ушбу қўҳна шаҳарларнинг ривожланиши ўз навбатида ўзбек давлатчилиги тараққиёти учун ҳам беқиёс аҳамиятга эга бўлди

Таянч сўзлар

Эрон аҳмонийлари, элабийлар, эроний тилли қабилалар, ўлка—сатрапиялар, мавсумий табиий сугориш, магистралл каналлар, ўзлаштириш имкониятлари, кўлолчилик чархи, махсус хумдонлар, цилиндрсимон ва цилиндр—конуссимон идишлар, металлни қайта ишлаш

услуги, шаҳарлардаги ташқи савдо, Говурқалъа, Эркқалъа, ҳарбий — маъмурий аҳамият, Елкендепе, Сўға ўлка — сатрапияси, Олтиндилёр, Сисимифр, хўжалик тарар — жой мажмуаси, Қизил I, II, III, қўрғоннинг қалъага айланиши.

Савол ва топшириқлар:

1. Аҳмонийлар давлати ҳақида нималарни биласиз?
2. Аҳмонийлар даври Жанубий Туркманистон шаҳарсозлиги ҳақида маълумот беринг.
3. Мил.авв. VI—IV асрлар Бақтрия, Хоразм, Сўғдиёна шаҳарларининг ривожланишини гапириб беринг.
4. Мил.авв. VI—IV асрлар Фарғона ва Чирчиқ — Ангрен воҳалари шаҳарсозлигининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

2-§. Антик давр шаҳарсозлик анъаналари.

Ўтган асрнинг 40—50 йилларидан бошлаб мил.авв. IV — милодий IV асрлар даври Ўрта Осиё тарихи ўрганиш жараёнида «антик», «антик давр» жумлалари муомалага кирган эди. Айрим тадқиқотчилар бу жумлаларни фақат Греция ва Рим тарихига нисбатан ишлатиш лозим деган ғояни илгари сурган бўлишларига қарамай, Ўрта Осиё қадимги даври билан шуғулланувчи тадқиқотчи олимлар — археологлар, тарихчилар, антропологлар, санъатшунослар кабиларнинг кўпчилиги бу жумлаларни Ўрта Осиё тарихига нисбатан ҳам ишлатиш мумкин деган нуқтаи назар тарафдори бўлдилар.

Мил. авв. IV асрдан бошлаб Ўрта Осиёнинг асосий деҳқончилик воҳалари ижтимоий — иқтисодий ривожланишнинг батамом янги, фаол йўлига ўтдики, бу ривожланиш милодий III—IV асрларда инқирозга учрай бошлайди. Шаҳарсозлик маданияти ва суғориш тартиби, ёзув ва пул муомаласи, моддий ва бадиий маданиятга оид кўп сонли ва турли — туман ёдгорликлар айнан мана шу ривожланиш жараёнидан далолат беради. Таъкидлаш жоизки, бу давр — қадимги дунё кўпгина давлатлари жамияти тараққиётининг ижтимоий — иқтисодий ва

умуммаданий жабжаларида намоён бўлган янги босқичи билан изоҳланади. Бу янги босқич турли давлатларда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ундан ташқари, бу давр бутун Қадимги дунё давлатларини қамраб олган жаҳон тарихидаги ҳодисаларнинг баъзи белги ва хусусиятлари жиҳатдан бир—бирига ўхшашлиги жараёнларидан бири эди. «Антик» жумласи европа тилларида "antiquite", "antigutiy, antique" қабилда ишлатилиб, «узоқ ўтмиш», «ўтмиш қадимият», «қадимги» деб таржима қилиниши мумкин. Биз ушбу қўлланмада кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилган «антик» жумласини қўллашни лозим топдик.

Мил. авв. IV асрдан бошлаб Ўрта Осиё цивилизацияси ривожланишида сифатий янгиланиш даври бошланади. Бу давр маданияти тараққиётининг муҳим кўринишлари жамиятнинг доимий ривожланишида ўз аксини топади. Мил. авв. IV асрнинг ўрталаридан бошлаб сўнги аҳмонийлар ўртасидаги ўзаро кураш ва кейинроқ македониялик Искандарнинг босқинчилик юришлари ҳам бу ривожланишни батамом тўхтата олмади. Ушбу ривожланишнинг энг кўзга кўринган томони турли режавий тузилишга эга бўлган йирик шаҳарлар бўлиб, улар сонининг ортиб бориши жамият тараққиётида шаҳарсозлик ишларига алоҳида эътибор қаратилганидан далолат беради. Бу ҳолат Урук, Шаҳри Сўхта, Харалпа, Мундигак, Олтиндепа, Сополитепа, Жарқўтон каби шаҳармонанд ёки илк шаҳарлар шаклланишидан тубдан фарқланиб ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Антик давр урбанизацияси ўзининг ривожланиш босқичида иккита катта даврни босиб ўтди. Булар: мил. авв. IV—I асрлар ва милодий I—IV асрлардир. Ушбу даврлар ижтимоий муносабатлар ва маҳаллий кўринишдаги давлатчилик ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, уларга хос сиёсий ва мафкуравий томонлари билан ажралиб туради. Антик давр бутун маданий ҳаётида бўлгани каби шаҳарлар ҳаётининг ўзига хос томонлари маҳаллий ва эллинистик, айрим ҳолларда Ҳинд шаҳарсозлик анъаналарининг ўзаро уйғунлашуви билан изоҳланади. Бу ҳолат маълум маънода сиёсий воқеалар билан ҳам боғлиқ эди. Чунончи, македониялик Искандарнинг юришлари, Селевкийлар ва

Грек – Бақтрия подшоликларининг пайдо бўлиши кейинроқ Қанғ, Давань ва Кушонлар давлати ҳам шаҳарлар тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатди.

Яқин ва Ўрта Шарқнинг турли давлатлари, жумладан Ўрта Осиё ҳудудларида ката хронологик давр грек – македон сулолалари сиёсий ҳукмронлиги даври сифатида изоҳланиб фанда бу давр – **эллинизм даври** деб аталади. Эллинизм – (Болқон ярим оролидаги Элада шаҳри номи билан боғлиқ) бу аниқ тарихий мавжудлик бўлиб, иқтисодий ҳаётда, ижтимоий ва сиёсий тузумда, мафкура ва маданиятда эллин (грек) ҳамда Шарқ унсурларининг ўзаро уйғунлашуви ифодасидир.

Қадимги давр (антик)да эллин дунёси Грециядан Ҳинд дарёси водийсигача бўлган улкан ҳудудни қамраб олган эди. Тадқиқотчилар, эллинлашув даражасига қараб бу ҳудудни учта минтақага бўладилар. 1. Элада; 2. Кичик Осиё, Сурия ва Миср; 3. Ефрат дарёсининг шарқидаги вилоятлар. Бу ҳудудлар тарихий адабиётларда «Эллинлашган Шарқ» шарқ тушунчасида акс этган бўлиб, унинг таркибига Месопотамия, Эрон, Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистоннинг македониялик Искандар босиб олган ҳудудлари кирган.

Македониялик Искандар юришлари натижасида кенг миқёсда бошланган эллинизм маданиятининг кириб келиши Бақтрия, Парфия ва Сўғдиёна шаҳарлари, ҳунармандчилиги ва бадий – амалий санъатига катта таъсир кўрсатди. Ёзма манбалар Искандар номи билан боғлиқ учта шаҳар: Александрия Оксиана (Окс бўйидаги Искандария), Александрия Марғиёна (Марғиёна Искандарияси), Александрия Эсхата (Узоқ ёки Чеккадаги Искандария) ҳақида маълумотлар беради (бу маълумотлар ҳақида пастроқда батафсил тўхталамиз). Улардан ташқари "катойкиялар" деб номланган грек ҳарбийлари манзилгоҳлари ҳам мавжуд эди.

Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларидан эллинизм маданияти билан боғлиқ бўлган турар – жойлар, моддий – маънавий маданият буюмлари, танга пулларнинг топилиши бу ҳудудлардаги маҳаллий маданиятга эллин анъаналари (шаҳарсозлик, ҳайкалтарошлик, бадий – амалий санъат,

алифбо ва бошқ.) кучли таъсир этганидан далолат беради. Шу билан биргаликда бу топилмалар маҳаллий маданиятдаги ривожланиш қадимги (антик) давр Шарқ ва Ғарб маданиятининг ўзаро уйғунлашуви натижасида ўзига хос маданият даражасига кўтарилишининг ҳам гувоҳидир.

Македониялик Искандар асос солган шаҳарлар. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътирофи этишларича, македониялик Искандарнинг шаҳарсозлик фаолияти катта аҳамиятга эгадир. Плутарх берган маълумотларга кўра у 70 дан зиёд шаҳарларга асос солган. Археологик тадқиқотлар натижалари эса бошқачароқ хулосалар беради. Шунинг учун ҳам Искандарнинг шаҳарсозлик фаолияти хусусидаги илмий баҳслар ҳанузгача давом этмоқда.

Жумладан, В.Тарн, А.Шофман ва баъзи бир бошқа олимлар бу рақамга шубҳа билан қарайдилар ва у анча ошириб кўрсатилган деган фикрни илгари сурадилар. В.Тарннинг ҳисоб—китобларига қараганда, Искандар ўнтадан ортиқ, аниқроғи, 13 та шаҳарга асос солган. Бу жараёнда у Тигр дарёсининг шарқий томонида шаҳарлар асос солишга алоҳида эътибор берган. «История таджикского народа» китобининг биринчи нашрида ҳам мазкур масала худди шундай талқин қилинган.

Аммо, Г.А.Кошеленко томонидан амалга оширилган ёзма, археологик ва эпиграфик маълумотларни қиёсий таҳлил асосида ўрганиш В.Тарн ва унинг тарафдорлари хато қилганликларини кўрсатди. Археологлар ҳали грек—македон шаҳарларининг ҳаммасини кашф этмаганликлари, кўпгина ҳудудлар археологик жиҳатдан яхши ўрганилмаганини эътиборга олсак, келгусида антик анъаналарни тасдиқловчи қўшимча маълумотлар олиш мумкин. Г.А.Кошеленко шундай хулосага келади: «... умуман олганда, грек—македон истилосининг кўламига нисбатан антик анъанани қабул қилиш мумкин. У анча катта бўлган ва бу ерда асос солинган шаҳарлар сони бир неча ўнтага етган».

Страбоннинг маълумотларига кўра, Искандар Бақтрия ва Сўғдиёнада 8 та шаҳарга, Юстиннинг маълумотларига қараганда эса 12 та шаҳарга асос солган. Аммо, бу маълумотлар археологик тадқиқотлар маълумотлари билан

тасдиқланмаган ва кўпгина илмий мунозараларга сабаб бўлганки, бу алоҳида мавзу ҳисобланади.

Биз Ўрта Осиё ҳудудларида Македониялик Искандар учта: Окс Искандарияси, Искандария Эската (Чеккадаги Искандария) ва Марғиёнадаги Искандария шаҳарларига асос солганлиги ҳақида маълум маълумотларга эгамиз. Бу маълумотларни қисқача таҳлил этамиз.

Тадқиқотлар натижаларига кўра Окс (Амударё) бўйидаги Искандария турли шароитларни ҳисобга олиб бунёд этилган. Ушбу кўҳна шаҳар Шарқий Бақтриянинг муҳим марказларидан бири бўлиши лозим эди. Шаҳар бир томондан, бу ҳудудлардаги грек – македон ҳокимиятининг таянч нуқтаси бўлиб, серҳосил Бақтрия текислигини Бадахшондаги тоғликлардан (шарқий йўналишда) ҳимоя қилса, иккинчидан, тоғли воҳалар орқали шимоли – шарқдан келувчи кўчманчилардан ҳимоя қилган. Ундан ташқари, Оксдаги Искандария фойдали қазилмаларга ниҳоятда бой бўлган (темир, мис, олтин, ложувард ва б.) Бадахшонга кетувчи йўлни ҳам назорат қилиб турган.

Шаҳарга асос солиниши учун иккита дарёнинг қўшилиш (Амударё ва Кўкча) жойи бўлган қулай жой танланган. Бу жойда баланд табиий тепаликнинг борлиги ҳам муҳим бўлиб, унинг устига шаҳар акрополини қуриш имконияти бор эди. Шунингдек, шаҳарни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб турувчи жуда катта серҳосил текислик (10.000 гектарга яқин)ка туташиб кетганлиги ҳам иқтисодий тараққиётни таъминлар эди.

Кўҳна шаҳар текисликда ҳам, дарё бўйлаб ҳам мустаҳкам девор билан ўраб олинган. Акропол (юқори шаҳарда)да турар – жойлар йўқ. Бу ерда афтидан ўлчамлари жиҳатдан унча катта бўлмаган 2 та қалъа, гарнизон ҳарбийлари учун кичик ва оддий бинолар ва эронийларга хос алтар жойлашган. Барча турар – жойлар ва жамоат иншоотлари пастки шаҳар ҳудудида жойлашган. Тадқиқотчилар шаҳар қиёфасини белгилаб берувчи қуйидаги омилларни ажратадилар: шаҳар пайдо бўлишининг «мустамлакачилик» хусусияти, чунки шаҳар грек – македонлар Бақтрияни босиб олиши натижасида пайдо бўлган эди; унда подшо қароргоҳининг мавжудлиги; шаҳарнинг йирик вилоят маркази сифатидаги ўрни. Умуман

олганда, кўҳна шаҳар тузилиши ва сарой меъморчилиги грек услубларини элсатсада, аслида унинг тузилишида қадимги Шарқ анъаналари устунлик қилади.

Қадимги Фарғона ва Уструшона чегараларида, Сирдарё бўйида, ҳозирги Хўжанд ҳудудларида мил. авв. VI—V асрларда манзилгоҳ пайдо бўлади. Бу ердан ҳимоя деворлари ва шаҳар қурилишининг қолдиқлари очиб ўрганилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, кейинчалик бу шаҳар Искандар томонидан босиб олинади ва унинг ўрнига Чеккадаги Искандария бунёд этилади.

Кўҳна шаҳарнинг қалъаси пахсадан қад кўтарган алоҳида девор билан ўраб олинган. Кўҳна шаҳар антик давр анъаналари асосида қад кўтарган. Шаҳарнинг пастки қатламларида қурилиш излари яхши сақланмаган. Мил. авв. IV—III асрлар қатламларида турар—жойлар, хўжалик хоналари, ҳарбийлар бошпаналари очиб ўрганилган. Бу шаҳар Искандарнинг Сирдарё бўйларидаги таянч нуқтаси бўлган бўлиши мумкин.

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, аҳмонийлар давридаёқ «Марғиёна шаҳри» мавжуд эди. Бу даврда Марв воҳасидаги Эркқалъа майдони 1800x500 метр бўлган шаҳар типидagi манзилгоҳ бўлган. Говурқалъа ҳудудлари ҳам айнан мана шу даврда ўзлаштирилади.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, бу манзилгоҳ ўша даврдаёқ шаҳар хусусиятига эга бўлиб, бутун воҳанинг маркази эди. Давр охирларига келиб кўҳна шаҳардаги ҳаётнинг фаоллиги кучаяди. Говурқалъа кўҳна шаҳри ҳудудининг шимоли—шарқий ва марказий қисмларидаги маданий қатламлар жадаллик билан тўлиб боради. Тадқиқотчиларнинг фикрича, айнан мана шу аҳоли пункти македониялик Искандар юришлари даврида грек—македон қўшинлари томонидан эгалланади. Курций Руфнинг Искандар, «Ох ва Окс дарёсидан ўтиб Марғиёна шаҳрига келди», деган хабари айнан мана шу аҳоли пунктига таалуқли деб ҳисобланади. Археологик маълумотлар натижаларига кўра, ушбу шаҳарнинг бўйсундирилиши тинчлик хусусиятига эга бўлиб, урбанизация жараёнларига таъсир этмаган. Айнан мана шу шаҳар қайта номланиб Искандария номини олган.

Тадқиқотлар натижаларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, Искандар томонидан асос солинган пунктлар — шаҳарлар ёки мустаҳкамланган манзилгоҳлар бўлган. Искандар шаҳар манзилгоҳларида аҳолини аралаштириш сиёсатини изчил амалга оширган. Улар айрим ҳолларда полис тузилишига эга бўлсада — шаҳарни гипарх яккабошчилик асосида бошқарган. Уни подшонинг ўзи тайинлаган ва амалдан туширган. Умуман олганда бу кўҳна шаҳарлар Ўрта Осиё урбанизация жараёнининг ривожланишига катта туртки берганлигини эътироф этган ҳолда, Искандар юришларига қадар ҳам бу ҳудудларда юксак шаҳарсозлик маданияти мавжуд бўлганлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳақда қўлланманинг олдинги бўлимларида батафсил сўз юритганмиз.

Селевкийлар даври шаҳарсозлиги. Ўз даврида Селевкий ҳукмдорлари кенг истилочилик сиёсатини амалга ошириш мақсадида шаҳарсозлик билан ҳам фаол шуғулланганлар. Улар кейинчалик «Селевкия» деб номланган шаҳар марказларига асос солганлар. Бунёд этилган манзилгоҳ сулола вакилларида бирининг номи билан номланган ҳолларда унга полис ҳуқуқи берилган. Таъкидлаш жоизки, Селевкийлар даврида ўзи асос солган шаҳарларда турли этник гуруҳлар (греклар, македонлар, маҳаллий аҳоли)нинг чатишишини қўллаган ҳукмдорларнинг македониялик Искандарнинг шаҳарсозлик сиёсатидан тўлиқ четлашиши содир бўлади. Селевкийлар даврида янги шаҳарлар полислар кўринишида ташкил этилиб, илгари ташкил этилган шаҳарларга ҳам полис мақоми берилган. Бунда «полисларда фуқаролар жамоаси фақат греклар ва македонияликлардан таркиб топди».

Бу шаҳарларда грек аҳолиси жамланиши лозим эди. Чунончи, Марғиёнага оид маълумотларга қараганда, мазкур шаҳарнинг грек аҳолиси орасида суриялик греклар катта ўрин тутиши лозим бўлган. Плиний Марғиёна ҳақида шундай маълумот беради: «Унда Искандар Искандарияга асос солди, аммо варварлар бу шаҳарни вайрон қилдилар. Селевкнинг ўғли Антиох бу шаҳарни худди шу жойда қайта тиклади. ... У шаҳарга ўз номини беришни лозим топди». Бундай хабар Страбонда ҳам учрайди. Ушбу ёзма манбалар маълумотларини археологик маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Таъкидлаш жоизки, Селевкийлар подшолигида шаҳарга тобе қишлоқлар, ўзининг жамоа тузилишини сақлаб қолган, уларнинг тобелиги жамоавий хусусиятга эга бўлган ва улар полис ҳудудига киритилмаган.

Селевкийлар даврида Ўрта Осиё шаҳарларининг ҳолати ва ички тузилиши ҳақида маълумотлар етарли эмас. Селевкийлар давлатининг шарқида кўпгина маҳаллий шаҳарлар маълум даражада мустақилликка эга бўлганлар. Одатда селевкийлар подшоси босиб олган шаҳарга унинг мақоми белгиланган картия берган. Баъзан бундай картия шаҳарнинг мавжуд мақомини тасдиқлаган. Шунингдек мустақил шаҳарлар ҳам бўлган. Аммо, бундай сиёсат Ўрта Осиёда ҳам маълум даражада олиб борилган, деган фикрни тасдиқловчи маълумотлар ҳозирча йўқ.

Афтидан, Ўрта Осиёда грек ҳарбий манзилгоҳлари катойкилар ҳам қурилган. Кўчириб келтирилган греклар селевкийлар ҳокимиятининг асосий таянчини ташкил этган. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, селевкийлар ўз шаҳарсозлик фаолиятини шарқда ҳам, ғарбда ҳам амалга оширганлар. Шунингдек, бу даврда Ўрта Осиёга жуда кўп греклар кўчириб келтирилган, деган қарашлар ҳам мавжуд. Масалан, Х.Бенгстон Грек—Бақтриянинг ҳарбий қудрати манбалари ҳақида фикр юритар экан, бунинг сабабларини Селевкийлар Бақтрияда асос солган ҳарбий колонияларда кўради. Мазкур масалани ҳал қилишда Ўрта Осиёда грек—македонлар истилосидан анча олдин ҳам жуда кўп маҳаллий шаҳарлар ва ривожланган шаҳар ҳаёти мавжуд бўлганини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Грек—Бақтрия шаҳарлари. Ўтган асрнинг ўрталарида айрим тадқиқотчилар Бақтрияда илк шаҳарларга айнан македониялик Искандар асос солган, деган фикрни илгари сурган эдилар. Македониялик Искандар мил. авв. 330—327 йилларда Бақтрия ва Сўғдиёнани босиб олганда нималарга дуч келган эди, деган саволга жавоб топиш юқоридаги фикрни инкор этишга асос бўлди.

Қадимги муаллифлар Бақтриянинг пойтахти Бақтра—Зариаспани бир неча марта тилга олганлар. Бақтра Мозори Шариф шаҳридан 21 км ғарбда, дарё (Бақтр, Зариаспа) бўйидаги воҳада жойлашган. Француз археологлари бу

ердаги Боло Хисор тепаликларидан деворлар билан ўралган, миноралар кўтарилган, хандақлар қазилиб, сув билан тўлдирилган айланасимон қалъани топдилар. Шаҳарнинг бир қисми шаҳар деворларидан ташқарида, Боло Хисорнинг жануби – шарқда, Тепаи Заргаронда жойлашган. Умумий майдони 120–150 метр бўлган бу шаҳар олдинги давр қатламларидаги ер ости сизот сувлари аҳмонийлар ва селевкийлар давридаги ҳаётнинг маданий даражасини тўлиқ ўрганиш имконини беради.

Шаҳар марказидан атрофга тарқалган кўчалар девор ташқарисида магистрал йўللарга: шимоли – ғарбда Калиф, шарқда Мозори Шариф, жануби – ғарбда Оқсу, жанубда Ҳожи Пийад йўлларига туташган. Ўртаер денгизидаги йирик Эфес портидан Балхга томон аҳмоний подшоларининг хизмат кўрсатувчи бўлган йўли чўзилиб кетган. Ўз даврининг маданий ва иқтисодий маркази, савдо йўллари кесишган жойда жойлашганлиги сабабли антик давр муаллифлари Бақтрани «энг катта шаҳар» деб атаганлар.

Бу даврдаги йирик шаҳарлардан яна бири Мароқанда (Самарқанд) бўлиб бу ердаги мустаҳкам қалъага аҳмонийлар даврида (Афросиёб) асос солинган. Аҳмонийлар ва элин даврида Афросиёб мустаҳкам ҳимоя деворлари билан ўраб олинади. Бу деворлар македониялик Искандар қамалига ҳам дош берган эди. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра Афросиёбнинг умумий майдони 219 гектар бўлиб, Курций Руф Мароқанданинг мудофаа деворлари узунлигини 70 стадий (тахм. 12 км.) деб маълумот беради. Бу Ўртаер денгизи ва Қора денгиз қирғоқларидаги оддий грек шаҳарларининг ўртача катталигидан икки – тўрт баравар каттадир. Мустаҳкам қалъага эга ва мудофаа деворлари билан ўралган шаҳар ҳудудларидаги мил. авв. IV–III асрларга оид маданий қатламлардан кўплаб топилмалар, жумладан, элин сопол идишлари топиб ўрганилган.

Грек – Бақтрия даврида гуллаб – яшнаган шаҳарлардан яна бири Кир асос солган ва манбаларда Кирэсхата, Куру[ш]қада, Киропол деб эслатилувчи шаҳардир. Кўпчилик тадқиқотчилар бу шаҳарни Ўратепа ўрнида десалар, айримлари Нуртепа ўрнида жойлашган бўлиши ҳам мумкин деган фикрни илгари сурадилар.

Қадимги Хўжанд ва унинг атрофларида олиб борилган археологик қазилар ишлари маълум натижалар берди. Хўжанд қалъасидаги кўп сонли шурфлардан бирида мил. авв. IV асрга оид паҳса девор қолдиқлари топилган. Ушбу девор йирик тўртбурчак гиштлардан қад кўтарган. Кўҳна шаҳардаги асосий маданий қатламлар мил. авв. IV—II асрларга оиддир. Сирдарё бўйларида амалга оширилган кўп йиллик қидирув ва қазилар ишлари натижасида македониялик Искандар даврига мансуб бошқа шаҳар марказлари топилмаганлиги туфайли, тадқиқотчилар бундай шаҳар марказлари фақат ҳозирги Хўжанд шаҳри ўрнида бўлиши мумкин, деган хулосага келдилар.

Марғиёнанинг пойтахти Марв шаҳрининг ҳам кўпгина маданий қатламлари ҳам грек — бақтрия даврига оиддир. Марв муҳофаази бир — бирига яқин масофада жойлашган олти чегара қалъалари билан мустаҳкамланган. Айрим тадқиқотчилар, тепаликларда жойлашган бу қалъалар Искандар даврида қурилмаган, балки мустаҳкамланган бўлса керак, деган фикрни билдирадилар. Марвнинг муҳофаа қудрати Селевка I ва Антиох I даврида мустаҳкамланади. Искандарга ўхшаб, улар ҳам эски деворларни мустаҳкамлаганлар, янги мустаҳкам деворлар барпо этганлар ва Марвни ўз номлари билан номлаганлар.

Антиох I шаҳарни ҳам ўз ичига олган бутун Марв воҳасини узун девор билан ўраган. Аҳмонийларнинг айнан қайси — қалъаси — Эркқалъами ёки Говурқалъами, Искандарнинг номи билан номлангани аниқланмаган. Нима бўлганда ҳам, Селевка I ва Антиох I давларда Марв воҳаси тўлиқ девор билан ўралганлиги аниқ. Бу деворнинг қолдиқлари ҳозиргача қисман сақланган. Таъкидлаш жоизки, ўз вақтида С.А.Вязигин ҳам бу ерда жуда катта муҳофаа тизими барпо этилганини таърифлаган эди.

Тадқиқотлар натижасида ўнг қирғоқ Амударё ҳудудларида жойлашган бир қатор шаҳар манзилгоҳларидан элин даври қатламлари ва алоҳида қурилишлар топилган. Улар орасида Душанбе, Ойхоним, Термиз, Саксонохур кабиларни алоҳида қайд этиш лозимдир.

Тожикистоннинг пойтахтида, Душанбе дарёсидан шаҳар марказига қараб кетган йўлнинг шимолида жойлашган

Душанбе кўҳна шаҳрида сўнгги йилларда амалга оширилган қазилар ишлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозимдир.

Кўҳна шаҳар ҳудудида бугунги кунда деярли тўлиқ қурилишлар қурилган бўлиб, шаҳар қалъасининг бир қисми сақланиб қолган. 1989 йилда бу ердан, Грек — Бақтрия даврига, мил. авв. IV—II асрларга оид маданий қатлам аниқланган. Қазилар натижасида 30 та хона очилган бўлиб, хоналарнинг тузилишига қараганда, улар ягона меъморчилик режаси асосида қурилган маҳобатли иншоотнинг қисмларидир. Вақт ўтиши билан вайрон бўлган иншоотнинг фақат ғарбий яри сақланиб қолган. Олинган материаллар мажмуи Грек — Бақтрия даврида Душанбе кўҳна шаҳри Ҳисор водийсидаги йирик шаҳар марказларидан бири бўлганлигини кўрсатади.

Грек — Бақтрия даврига оид Ойхоним кўҳна шаҳри 1965—1978 йилларда Франциянинг Афғонистонда иш олиб борган П.Бернар бошчилигидаги археологик миссияси томонидан қазиб очилган. Қазилар ишлари охирига етказилмаган бўлсада, француз археологлари жамоат, ибодат, муҳофизат иншоотлари ва уй — жойларнинг тарихи, шаҳарсозлик анъаналари, санъат асарлари, ёзув маданияти ёдгорликлари ва қадимги шаҳарнинг турмуш тарзини аниқлашга муваффақ бўлдилар.

Ойхоним Бақтриянинг шарқида, Панж ва Кўкча дарёлари туташган ерда, Панжнинг чап қирғоғида, тупроғи серҳосил кичкина (10x35 км) воҳада жойлашган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, кўҳна шаҳар, биринчидан, ерлари грек истилочиларининг қўлига ўтган қадимги суғориладиган воҳани назорат қилиш учун қурилган, иккинчидан, у минерал ресурсларга бой вилоятнинг пойтахтига айланган. Кўҳна шаҳарнинг мана шу қишлоқ хўжалик ва қишлоқ салоҳияти истилочилар ҳаётини ва ҳатто фаровонлигини таъминлаш учун ҳам етарли бўлган. Учинчидан, кўҳна шаҳар муҳим ғарбий — стратегик аҳамиятга эга бўлган. Зотан у, Бақтрияни шарқ томондан қўриқлаган ҳамда Бақтрия шарқидаги ички ва ташқи чегараларини назорат қилган.

Маъмурий бинолар жойлашган кўҳна шаҳарнинг марказий қисми унча зич қурилмаган. Энг катта ҳовли — майдон сарой саҳнида жойлашган. Сарой кутубхонаси ҳамда гимнасий Ойхоним кўҳна шаҳридаги юксак маданий ҳаётдан

далолат беради. Бу ерда гимнасий асосий таълим маркази ҳисобланган. У кўҳна шаҳарнинг шимолий қисмида, уч қисмдан иборат катта бинода жойлашган. Бу мажмуа тўртала томонидан хоналар билан ўралган.

Грек – Бақтрия даврининг мустаҳкам кўҳна шаҳарларидан бўлган Ойхонимда меъморчилик ва амалий санъат ҳам тараққий этган. Шаҳар майдонларида, гимнасийда ва ибодатхоналарда ўрнатилган ҳайкаллар Ойхоним меъморчилигини тўлдириб, юқори санъат даражасидан далолат беради. Таъкидлаш лозимки, Ойхоним ҳозирча Ўрта осиеда бутунлай грек анъаналарига асосланиб қурилган ягона кўҳна шаҳар ҳисобланади.

Бу даврга оид кўҳна шаҳарлардан яна бири Тахтисангин (Ўтарқалъа, Мели, Тахтиқубод – 2) Кобадийеннинг жанубида, Афғонистон билан Тожикистоннинг чегарасидаги Тахтиқубод дарасида жойлашган. Кўҳна шаҳарнинг мудофаа деворлари 75 гектар майдонни эгаллайди. Баланглиги 600 метрга етадиган Тешиктош тоғ тизмаси Тахтисангинни Кобадийен воҳасининг бугунги кунда аҳоли яшайдиган қисмидан ажратиб туради. Б.А.Литвинский бошчилигидаги Жанубий Тожикистон экспедицияси 1976 йилдан бошлаб амалга оширган қазилар ишлари натижасида Тахтисангин қалъасининг ички тузилиши аниқланди. Қалъанинг ичида асосан ибодатхона, унга шарқ томондан туташган, хом ғишдан кўтарилган девор билан ўралган ҳовли жойлашган. Қалъа мудофаа деворларининг ички йўналиши бўйлаб жойлашган қурилмалар омбор, устахона ва ибодатхона қошидаги ҳужралар вазифасини бажарган бўлиши мумкин.

Тахтисангин кўҳна шаҳрида амалга оширилган қазилар ишлари натижасида Бақтрия санъатининг турли даврлари ҳақидаги илмий қарашларни тасдиқловчи муҳим маълумотлар олинди. Шунингдек, Бақтрия санъати дурдоналарининг топилиши Окс хазинаси сирини очиш имконини берди. Тадқиқотлар натижаларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, Ўрта Осие ёки Марказий Осиедагина эмас, балки Аҳмонийлар Эрони ҳудудидаги оташ ибодатхоналари орасида ҳам Окс ибодатхонаси энг тўлиқ ва яхлит ибодатхонадир. Ёдгорликнинг яхши сақланганлиги – оташ ибодатхонасининг ичидаги ҳар бир хонанинг вазифавий фойдаланилишини аниқлаш ҳамда

уларда амалга оширилган диний ва ижтимоий маросимлар жараёнини тиклаш имконини беради.

Антик даврга келиб Ўрта Осиё қўҳна шаҳарларида маданий ҳаёт нисбатан ривожланган эди. Таъкидлаш жоизки грек — бақтрия даврига келиб бадий маданиятнинг турли жабҳаларида эллинизмнинг таъсирини кузатишимиз мумкин. Мисол учун, эллиништириш давридан бошлаб Бақтрияда корошластика ҳунармандчилиги пайдо бўлади. Бу санъат намуналари доираси грек оламига нисбатан кенгроқ бўлиб, ҳунармандлар эллин мифологияси билан боғлиқ бўлган терракоталардан ташқари маҳаллий анъаналар билан боғлиқ бўлган санъат намуналарини ҳам яратадилар. Юечжи — кушон ва Кушон даврига келиб Ўрта Осиёнинг кўплаб қўҳна шаҳарларида бадий маданиятнинг кўпгина турлари тараққий этганлигини кузатишимиз мумкин. Саройлар, ибодатхоналар ва бой турар — жойлардаги деворий суратлар, манзаралар ҳамда ҳайкаллар бизнинг кунларимизгача намунавий ҳолатида бўлса — да, сақланиб қолган.

Умуман олганда, антик давр Ўрта Осиё қўҳна шаҳарларининг маданияти ва санъати турли омилар таъсирида тараққий қилади. Бу жараёнга ўлкадаги сиёсий ҳаёт, ўлканинг турли уюшма ва давлатлар таъсирида бўлиши, диний эътиқодлар, иқтисодий аҳвол, халқаро савдонинг ривожини, турли халқлар маданиятининг ўлка халқлари маданияти билан уйғунлашуви, бой қадимий анъаналар, маҳаллий ўзига хослик ва бошқа кўплаб омилар узлуксиз таъсир қилиб турган. Ана шу омилар таъсирида Ўрта Осиё антик давр маданияти ва санъатининг ривожини шаҳарсозликда, ҳайкалтарошликда, бадий тасвирда, муסיқа санъатида, зеб — зийнат буюмларида, аҳолининг хўжалиги билан боғлиқ ашёларда ва бошқаларда кузатишимиз мумкин.

Антик давр Ўрта Осиё шаҳар маданияти ривожланишининг энг ёрқин хусусиятлари — тасвирий санъат билан пул зарб этилиши натижасида маданият ва молия — иқтисод ишларининг тараққий этишидир. Таъкидлаш жоизки, ўлкамиз ҳудудларида товар — пул муносабатларининг қандайдир кўриниши селевкийлар давридаёқ пайдо бўлади. Мисол учун, Тахти Сангиндан 4 та, Термиздан 3 та, Кампиртепадан 2 та, Марвдан 6 та, Самарқанд атрофларидан 5 та Атиох I даврига оид (мил. авв. 280 — 268 йй.) тангалар

топилган. Нисбатан кўпроқ топилма тангалар грек — бақтрия даврига оид бўлиб, улар Диодот, Эвтидем, Деметрий, Антимах, Гелиокл даврларида зарб этилган.

Умуман олганда антик даврга келиб Ўрта Осиёда танга пулларга асосланган товар — пул муносабатлари ривожландики, бу ҳолат антик давр шаҳарлари тараққиётини белгиловчи асосий белги ҳисобланади, Грек — македон даврида йирик шаҳарлар товар — пул муносабатларига тортилган бўлса, кушонлар даврига келиб бу жараёнга қишлоқлар ҳам иштирок эта бошлайди. Бу ҳолат эса ўз навбатида, иқтисодий ва маданий тараққиётнинг юксалиб бораётганидан далолат беради.

Хуллас, антик давр Ўрта Осиё жамияти тараққиётида шаҳарларнинг аҳамияти улкан бўлди. Тадқиқотларнинг қиёсий таҳлилидан хулоса чиқарадиган бўлсак, элин дунёсида шаҳар маълум вазифаларни (маъмурий, сиёсий ва диний марказ, савдогарлар ва ҳунармандлар фаолият кўрсатадиган жой, маданий ва ҳарбий марказ ва бошқ.) бажарувчи мустақамланган манзилгоҳгина эмас, балки жамоа ўзини ўзи бошқариш органлари, замонавий мулкдорларнинг алоҳида шаклини ўзида жамлаган, эркин фуқароларнинг тенг ҳуқуқлигини назарда тутувчи ижтимоий тузилманинг муҳим бўғини ҳам бўлган дейиш мумкин. Бундай шаҳарлар (балки шаҳар — полислар ёки шаҳар — давлатлар) элин маданияти таъсирида бўлган Шарқда ҳам кенг тарқалган.

Таъкидлаш жоизки, бу ҳудудларда кучли подшо ҳокимиятига эга (Селевкийлар ёки Грек — Бақтрия каби) катта давлатларда бундай шаҳарлар ҳукм суриши учун Греция ёки Римдагидан батамом ўзгача шарт — шароитлар мавжуд эди. Антик давр Ўрта Осиё шаҳарларининг мустақиллиги тўлиқ бўлмасдан, уни подшонинг олий ҳокимияти чеклаб турган. Ҳарқалай, археологик маълумотлар (агар бу мустақиллик ҳуқуқини бериш тўғридан тўғри айтилган битиклар ёки бошқа ёзувлар бўлмаса) шаҳарлар бундай алоҳида мақомга эга эканлиги ҳақида далиллар бера олмайди. Бу ўринда хитойлик сайёҳ Цжан Цяннинг Грек — Бақтрия шаҳарларининг маълум даражада мустақиллиги ҳақидаги хабарни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир. У Даҳя — Бақтрия ҳақида шундай маълумот беради: «улар (яъни, Бақтрия шаҳарлари — Э.Б.) олий подшо ёки ҳокимга эга эмас, аммо ўзларининг девор

билан ўралган барча шаҳарлари ва манзилгоҳларида улар кичик ҳокимларни тайинлайдилар».

Антик давр ҳар қандай Ўрта Осиё шаҳарининг бир муҳим таркибий қисми — шаҳар атрофидаги қишлоқларнинг мавжудлиги эди. Ўрта Осиёда шаҳарларнинг умумий муаммоларига ва шаҳарларнинг мақомига жиддий эътибор берилиши натижасида шаҳар билан унинг атрофидаги қишлоқларнинг ўзаро муносабатлари масаласи тадқиқотчилар эътиборидан бирмунча четда қолди. Тадқиқотчилар олдида турган шаҳарлар тарихи билан боғлиқ долзарб масалалардан бири ҳам айнан шу муаммо ҳисобланади.

Кушон даври Шимолий Бақтрия шаҳарлари. Мил. авв. I — милодий III асрлар Шимолий Бақтрия шаҳарларининг гуллаб — яшнаган даври бўлди. Айнан мана шу даврда типологик жиҳатдан турлича бўлган, турли вазифаларни бажарган шаҳарлар пайдо бўлади. Бақтриядаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, айниқса, бу ҳудудларнинг Кушон давлати таркибига кириши бу жараёнга имконият яратган эди. Бақтриянинг кўпгина шаҳарлари муҳим карвон йўллари бўйларида, дарёдан ўтиш жойларида, савдо йўллари чорраҳаларида пайдо бўлади. Таъкидлаш жоизки, уларнинг шаклланиши турли йўллар билан бўлиб ўтган. В.М.Массоннинг фикрича, Шимолий Бақтриянинг кушон даври шаҳарлари икки хил йўл билан пайдо бўлган. Уларнинг айримлари аҳолининг аста — секин кўпайиши натижасида ўз — ўзидан пайдо бўлган бўлса, айримлари эса доимий режа асосида марказий ҳокимиятнинг марказга интилиш сиёсати натижасида пайдо бўлган.

Кушон даври Шимолий Бақтрия шаҳарларининг шаклланиш жараёни, уларнинг тарҳи ва тузилиши кўп ҳолларда унинг асосига, илгари аҳоли яшаган манзилгоҳга боғлиқ бўлган. Бу ҳолатни археологик маълумотлар асосида ўрганган. Э.В.Ртвеладз ўз асослари билан фарқланувчи шаҳарларнинг қуйидаги учта гуруҳини ажратади:

1. Аҳмонийлар даврига бориб тақаладиган, қадимги асосга эга бўлган кўп қатламли шаҳарлар (Жондаваттепа, Қалаимир, Ҳайитобдтепа ва балки Термиз);

2. Грек – Бақтрия ёки Селевкийлар даврига бориб тақаладиган шаҳарлар (Далварзинтепа, Кайқубодшоҳ, Саксонохур, Термиз, Шаҳринав(?), Холчаён);
3. Юечжи ёки Кушон даврида пайдо бўлган шаҳарлар. Кичкина шаҳарларнинг асосий қисми ва Будрач, Зартепа, Фаров – қалъа (Яван), Калламинор (Денов ёнида), Шоҳтепа ва бошқ.

Кушон даври шаҳарларининг келиб чиқиши ва шаклланиш жараёнини Далварзинтепа нисбатан яхши акс эттиради. Унинг дастлабки асоси мил. авв. III асда кўҳна шаҳарнинг жануби – шарқий қисмида, икки томондан қадимги ирмоқ ўтиб турган баланд тепаликда пайдо бўлади. Бу ирмоқлардан хандақ сифатида фойдаланилган. Кейинроқ, грек – бақтрия даврида бу бўлак 2 метрдан ошиқ қалинликдаги пахса девор билан ўраб олинади ва майдони 3 гектардан зиёд қалъага айланади. Унинг шимолида эса тарқоқ режага эга мустаҳкамланмаган манзилгоҳ пайдо бўлади.

Афтидан, мил. авв. I асрнинг иккинчи ярми ёки милодий I аср бошларида дастлабки марказ ўрнида қалинлиги 7 метрли девор ва хандақ билан ўраб олинган мустаҳкам қалъа шаклланади. Мустаҳкамланмаган манзилгоҳ шаҳарга айланади. Бу шаҳар аниқ тўғри бурчакли режаси ва шу режа асосидаги деворлари билан ажралиб туради. Унинг ичида жадаллик билан қурилишлар олиб борилади. Шу даврдан бошлаб Далварзинтепа тарихида янги давр – шаҳар даври бошланади. Далварзиннинг кейинги ривожланиши Кушон даврига тўғри келади. Яъни, ҳашаматли турар – жой иншоотлари, ибодатхоналар, ишлаб чиқариш маҳаллари барпо этилиб, деворлар мустаҳкамланади. Шунингдек, бир томонида диний ва дафн маросимларига оид иншоотлар, иккинчи томонига қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ мулклар марказлашган каттагина шаҳар олди қисми шаклланади. Далварзинтепа умумий ҳудудининг 34 фоизини мудофаа иншоотлари, 41 фоизини асосий истиқомат қисми, 7 фоизини майдонлар ва кўчалар, 18 фоизини бошқа бинолар эгаллаган деб тахмин қилинади. Бу ердан ибодатхоналар, шаҳар аҳолисининг уйлари, ишлаб чиқариш устахоналари, шаҳар майдонлари ва ҳовузлар, сув

тармоқлари тизими, кўча тармоқлари қазиб очилган ва ўрганилган.

Қиёсий таҳлил учун солиштириб кўрадиган бўлсак, С.П.Толстовнинг ёзишича, Ўрта Осиё шаҳарлари ўсиб чиқадиган бошланғич асос бир томондан — refugium (лотинча, мустаҳкамланмаган, хавф туғилган пайтида аҳоли панагоҳи — Э.Б.) ва иккинчи томондан — бозор ҳисобланади. Е.Е.Неразикнинг таъкидлашича, қалъа атрофида шаҳарларнинг шаклланиши Хоразм учун ривожланишнинг энг тарқалган усулларида бири эди. Парфия ва Марғиёнанинг ҳам кўпгина шаҳарлари асосини мустаҳкам қисм — қалъа ташкил этган.

Жанубий Сўғдиёнанинг антик даврга оид қатор кўҳна шаҳарлари — Қалъаи Заҳоки Марон, Шулуқтапа, Кўҳна Фазли, Киндиклитепа қабиларнинг ҳам дастлабки асосини мустаҳкамланган қалъа ва миноралар ташкил этган.

Демак, Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби, Шимолий Бақтрияда ҳам шаҳарларнинг шаклланиши асосан қалъадан бошланган. Шунинг учун ҳам, кушон даври барча шаҳарларда илгариги мустаҳкамланган манзилгоҳ асоси бўлган қалъалар мавжудлиги тасодифий ҳол эмас, деб хулоса чиқариш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат қурилиш услубларидаги маҳаллий анъаналар антик даврда ҳам давом этганлигидан далолат беради.

Антик даврда Шимолий Бақтрияда тарҳий тузилиши аниқ тўғри бурчакли ва тўрт қисмли (қалъа, шаҳарнинг ўзи, шаҳар олди ва атроф) шаҳар ва шаҳарчалар кўп тарқалган. Ташқи режавий тузилиши нотекис бўлган шаҳарлар кам учрайди. Тўғри бурчакли шаҳарлар негизини ягона шаҳарсозлик анъаналари ҳамда қайсидир маънода, кушон даври ижтимоий ва маданий меъёрлари ташкил этган бўлса, нотўғри режа асосидаги шаҳарлар мустаҳкам қалъалар ёнида, ўз — ўзидан, аҳоли ўсиши натижасида пайдо бўлиб, уларнинг соҳиблари мавжуд чегараларга мослашганлар.

Кўплаб кушон қалъалари олдинги давр билан генетик боғлиқ бўлган. Улар мустаҳкамланган қўрғон — марказ ўрнида шаклланиб улардан ташқи кўринишини ҳам мерос қилиб олган (Далварзинтепа, Термиз, Кампиртепа). Уларнинг айримлари (Будрачдаги Оқмозортепа, Зартепа, Хайрободтепа) аввал бошдаёқ қалъа сифатида шаклланган

бўлиши ҳам мумкин. Бу қалъалар бир – бирларидан ўлчамлари ва шаҳар қурилиши тартибида жойлашуви билан фарқланади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, қалъаларнинг аҳамияти шаҳарларнинг вазифалари ва ўлчамлари билан белгиланиб, бир қатор омилар, хусусан, табиий шароитлар ҳам ҳисобга олинган. Кўпчилик қалъалар шаҳарнинг бир бурчагига жойлашиб, тўлиқ шаҳар қурилиши тизимига кирган. Айрим ҳолларда қалъа кўҳна шаҳарнинг бир бурчагида жойлашиб шаҳар деворлари чегарасидан чиқиб турган (Далварзин, Арпапоятепа). Баъзи қалъалар кўҳна шаҳарнинг марказида (Ялангўштепа, Фаровқалъа, Дилбаржин), айримлари эса шаҳарнинг асосий қисмидан алоҳида ёки дарё бўйида жойлашган (Термиз, Кампиртепа).

Кўҳна шаҳарларнинг қалъалари ўлчамлари ва режавий тузилиши жиҳатдан ҳам бир – биридан фарқланган. Мисол учун тўғри бурчакли (Кампиртепа, Термиз), тўрт бурчакли (Зартепа, Оқмозотепа, Хайрободепа), кўпбурчакли (Далварзинтепа). Шаҳарларнинг маъмурий – ҳудудий жойлашувига қараб улардаги қўрғонлар турли вазифаларни бажарганлар. Таъкидлаш жоизки, кўпгина қалъалар ҳарбий – мудофаа хусусиятига эга бўлган.

Ўрта Осиёнинг бошқа кўҳна шаҳарлари қалъалари билан қиёсий таҳлил қилсак, улар кушон даврида бошқачароқ тузилишига эга бўлган. Мисол учун, Тупроққалъанинг сўнгги антик давр қалъасида сарой, оташқада ва ҳарбийлар билан боғлиқ бир неча иншоотлар бўлган. Қадимий Марвнинг қалъаси Эркқалъа эса, шоҳ саройи, хизматчилар хоналари ва маъмурий иншоотлар жойлашган. Г.А.Пугаченкованинг тахминларига кўра, Ўрта Осиё антик давр шаҳарларининг қалъалари маъмурий бинолар марказлашган жой бўлиб бу ерда ҳукмдор ҳузуридаги хизматкорлар, омборхоналар, гарнизон иншоотлари жойлашган. Хуллас, Ўрта Осиёнинг антик давр катта кўпчилик кўҳна шаҳарларида қалъа асосий аҳамиятга эга бўлган бўлсада, Хоразмнинг бу давр айрим шаҳарлари қалъасиз бўлган. Аммо, биз ўрганаётган антик давр Бақтриясининг қалъалари кўҳна шаҳарларнинг, қўрғонларнинг ва ҳатто қишлоқ манзилгоҳларини ажралмас қисми эди.

Антик давр Шимолий Бақтрия шаҳарлари ҳаётида шаҳристонлар ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Антик давр шаҳристонларининг илдизлари бронза даври манзилгоҳларининг мустаҳкамланмаган қисми ва аҳмоний — бақтрия даврининг илк шаҳарлари асосий турар — жойларини деворлар билан ўраб олинган даврга бориб тақалади. Илдизлари жиҳатдан улар бир — бирлари билан чамбарчас боғлиқлиги аниқ. Аммо, бажарган вазифаси нуқтаи назаридан улар турлича бўлган. Хусусан, дастлабки давр шаҳарлари шаҳристони фақат турар — жой қисми ва эҳтимол ибодатхонадан иборат бўлган бўлса, кейинчалик, яъни, Кушон даврига келиб турар — жойлар, ҳунармандчилик ишлаб чиқариш, мафкуравий ва савдо — сотиқ бир ерга тўпланган жойга айланади.

Шаҳристонларнинг шакли тўғри бўрчакли, айрим ҳолларда тўртбурчак ёки кўпбурчаклидир. Кушон даврида пайдо бўлган ёки қайта қурилган шаҳарларнинг шаҳристонлари қатъий геометрик режа асосда қурилган. Чунки, улар жойлардаги табиий шароит ҳисобга олинган ҳолда олдиндан режалаштирилиб бунёд этилган. Уларнинг қалъаларга нисбатан жойлашувида ҳам турли: географик, ҳарбий ва иқтисодий омиллар ҳисобга олинган. Кушон даврида шаҳристонлар асосан қалъадан шимол ва шимоли — шарқ томонда, айрим ҳолларда жануби — шарқ томонда жойлашиб, чуқур ва кенг хандақлар ва минорали мустаҳкам деворлар билан ўраб олинган.

Далварзинтепа шаҳристонини мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, кўҳна шаҳар маркази кенг кўча билан икки асосий қисмга бўлинган. Бу кўча шаҳар дарвозасидан бошланиб, унчалик катта бўлмаган майдонга чиққан. Майдон эса бой ва ҳашаматли бинолар билан қуршалган. Марказий кўчадан икки томонга кўча ва тор кўчалар ўтган. Аммо, уларнинг тузилишида мунтазамлик йўқ. Далварзинтепа маҳаллалари табақачилик асосида бунёд этилган бўлиши мумкин. Аммо, улар нечта уйлاردан иборат бўлганлиги номаълум.

Хуллас, кўҳна шаҳарлар шаҳристонларининг маҳаллаларга бўлиниши антик даврда ҳам давом этади. Кўҳна шаҳарлар кўп ҳолларда аниқ режа асосида, бир неча қисмдан иборат бунёд этилган бўлиб, ҳар бир қисмнинг

муайян вазифаси бор эди. Ушбу қисмлар шаҳарлар ҳудудларида жойлашиб, улар жойлашувида табиий – географик ва ҳарбий – сиёсий вазиятлар ҳамда шарт – шароитлар ҳисобга олинган.

Антик давр Шимолий Бақтрия шаҳарлари антик даврда маъмурий, ҳарбий – сиёсий ва мафкуравий марказ бўлибгина қолмасдан савдо – сотиқ ва ҳунармандчилик марказлашган ҳудуд ҳам ҳисобланган. Чжан Цзяннинг мил. авв. II асрнинг ўрталарига оид маълумотларига кўра, Даҳя (Бақтрия) аҳолиси савдо – сотиқда ниҳоятда моҳир, мамлакатнинг пойтахтида эса ҳар хил маҳсулотларга бой бўлган бозор мавжуд эди.

Ўрта ер денгизи мамлакатларини Узоқ Шарқ билан боғловчи Буюк ипак йўлининг ушбу ҳудудлардан ўтиши халқаро савдонинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратган эди. Птоломей тасвирлаган бу йўлнинг бир тармоғи Бақтрадан шимолга, Амударё орқали Тармитадан ўтиб шимоли – шарққа қайрилган ва Сурхон воҳаси бўйлаб бориб Қоратоғ орқали комадлар ўлкаси бўйлаб Қоратегин томонга кетган. Бу йўлнинг бошқа бир тармоғи Тармитадан сўнг Шербоддарё водийсидан ўтган ва Темир дарвоза орқали Сўғдага олиб чиққан. Бу йўл Ўрта Осиё ва Шимолий Бақтриянинг марказий ва шимолий вилоятларини Ҳиндистон билан боғлаб турган. Шимолий Бақтрияни Парфия ва Хоразм билан боғловчи дарё йўлидан ҳам фойдаланилган. Чжан Цзяннинг маълумотларига кўра, Чуй Шуй (Амударё) бўйида савдогарлар ва сотувчилар яшаганлар. Улар ўз молларини қуруқликдаги йўлда ҳам сув йўлида ҳам қўшни давлатларга сотганлар.

Шимолий Бақтриянинг айрим ҳудудларини бирлаштириб турган ва ички савдода муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа йўллар ҳам мавжуд бўлган. Улардан бири Амударё воҳаси бўйлаб ўтиб Шимолий Бақтриянинг шарқий ва ғарбий ҳудудларини боғлаган. Амударё бўйларида жойлашган айрим манзилгоҳлар (Кампиртепа, Хотинрабод, Айвож) савдо марказлари ва балки, ўзига хос божхона маскани вазифасини бажарган бўлиши мумкин.

Вилоятдаги халқаро савдо алоқаларининг йўналишлари ва тараққиёти ҳақида баъзи археологик топилмалар гувоҳлик беради. Булар Ҳиндистондан келтирилган – тароқ,

шахмат доналари, фол очадиган суяк, тилла буюмларнинг бўлаклари, фил суягидан ясалган нарсалар (Далварзинтепа); Римдан — шиша (Холчаён), мрамор бош (Илонтепа), маскарон (махсус қиёфани ўзгартирувчи буюм, меъморчиликда ишлатилган, Шахригулгул), Нерон тангаси (сестерций, Хайрободтепа); Мисрдан — тақинчоқлар ва туморлар, улар Шимолий Бақтриянинг қабристонларидан топилган (Бойсун, Бандихон, Кампиртепа, Тўпхона), папирус (Кампиртепа); Хитойдан — ипак матолар парчаларчи (Кампиртепа, Холчаён), ойналар (Айритом, Бараттепа, Жанубий Тожикистон қабристонлари); Парфиядан — тангалар; Хоразмдан — айлана нақш солиб ишланган идиш (Кампиртепа) кабилардир.

Ҳунармандчилик ишлаб чиқариши савдо-сотиқнинг, хусусан ички савдонинг жадаллик билан тараққий этишида муҳим аҳамиятта эга бўлди. Антик даврда Шимолий Бақтриянинг кўҳна шаҳарларида кулолчиликка ихтисослашган маҳаллалар мавжуд бўлиб, уларда бир вақтнинг ўзида бир нечта хумдонлар ишлаб турган. Улардаги идишларни пишириш хоналарида бир пиширишда юздан ортиқ идишлар сиғдирилган. Кулолчилик хумдонларининг қишлоқларда бўлмаганлиги ёки камлиги шундан далолат берадики, кулоллар ўз маҳсулотлари билан нафақат шаҳар, балки, қишлоқ аҳолисининг ҳам талаб — эҳтиёжларини қондирган. Кўҳна шаҳарларда темирни қайта ишлайдиган ҳунармандчилик устахоналари ҳам бўлган. Улар темирдан ҳар хил буюмлар тайёрлаганлар. Термиздан темирчилар маҳалласи аниқланган. Темир ва мисни қайта ишлаш ҳунармандчилигининг қолдиқлари Шўртепадан ҳам аниқланган.

Шимолий Бақтрия шаҳарларида қурилиш ишлари ва меъморчиликнинг юқори даражаси бу ҳудудларда ўз касбининг устаси бўлган қурувчилар ва меъморлар бўлганлигидан далолат беради. Қурилишда хом ғишт ва паҳса билан бир қаторда Кушон даврида пишиқ ғишт ҳам ишлатилган. Ғишт пиширадиган хумдонлар Далварзинтепада аниқланган. Айрим ғиштлардан шахсий муҳрлар излари қайд этилган. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ғишт пиширувчи устахоналар буюртма бўйича ишлаган.

Шимолий Бақтриянинг шаҳар ва қишлоқларида тўқимачилик ҳунармандчилиги ҳам кенг тарқалган. Қазошмалар пайтида жуда кўплаб урчуқ учлари топилганки, улар гилам, шолча ва мато тайёрлашда ишлатилган. Тўқимачиликнинг кенг ривожланиши шундан далолат берадики, ихтисосликнинг бу тури фақат майда, уй ҳунармандчилиги бўлиб қолмасдан, кўҳна шаҳарларда йирик тўқимачилик устахоналари бўлиб улар халқаро ва ички бозор учун маҳсулот чиқарганлар. Тўқимачи усталар бўлганлигини Далварзинтепа ва Кампиртепадан топилган шахсий муҳрлар яна бир марта исботлайди. Кўҳна шаҳар ва қишлоқларда ҳунармандчиликнинг бошқа кўринишлари — заргарлик, тошга ишлов бериш, тегирмончилик (ун тортиш) ишлари ҳам ривожланган. Кўпгина шаҳарлардан танга пулларнинг топилиши пул зарб этиш яхши йўлга қўйилганидан далолат беради.

Хуллас, антик давр Шимолий Бақтрия шаҳарлари ўз тараққиётининг юқори босқичига кўтарилган эди. Ёзма манбаларда Бақтрия ҳақида «минг шаҳарлар ўлкаси», деб эслатиб ўтилиши ҳамда кўп сонли археологик маълумотлар ушбу фикримизнинг далилидир. Антик даврда бу ҳудудлардаги шаҳарлар тараққиёти учун кўпгина имкониятлар (ижтимоий — иқтисодий, ҳарбий — сиёсий, географик ва бошқ.) мавжуд эди. Шаҳарлар кўп ҳолларда илгаридан белгилаб қўйилган қатъий режа асосда қурилиб бир неча қисмдан иборат бўлган. Ҳар бир қисмнинг муайян бажарадиган вазифаси мавжуд эди. Шаҳарларнинг ўзи эса ижтимоий — иқтисодий ва маданий марказ ҳисобланиб, сиёсий ҳаётда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Тараққиёт қонуниятларига кўра, аввалги даврларда бўлгани каби, антик давр шаҳарлари давлатчилик тараққиётининг асосий омили бўлиб қолаверди.

Таянч сўзлар

Антик давр, антик давр анъаналари, сиёсий ва мафкуравий жиҳатлари, грек — македон сулолари, эллинизм маданияти, македониялик Искандар шаҳарлари, катойкиялар, Искандария Эсхата, акропол, алтар, полис

хуқуқи, гиппарх, салавкийлар шаҳарлари «Салавкия», шаҳар мақоми картяси, грек миграцияси, Бақтра – Зариасп, Боло Ҳисор, Кир Эсхата, Курушкада, Антиох девори, гимнасий, сарой саҳни, эллинизмнинг таъсири, короластика хунармандчилиги, деворий суратлар, Кушон шаҳарлари.

Савол ва топшириқлар:

1. Антик даврнинг ўзига хос хусусиятлари ва эллинизм маданияти ҳақида нималар биласиз?
2. Македониялик Искандар ва Салавкийлар даври шаҳарлари ҳақида сўзлаб беринг.
3. Грек – Бақтрия шаҳарсозлиги ҳақида гапириб беринг.
4. Кушон даври шаҳар маданияти ривожланишининг омиллари нималардан иборат эди?

3–§. Ўлкамиз ҳудудларида қадимги давр шаҳарсозлик хусусиятлари, тизими ва туркумланиши

Сўнгги йилларда илк темир даври шаҳарлари ва улар кўпчилигининг ворисий давомчилари бўлган антик давр шаҳарлари ҳамда манзилгоҳлар тартибини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора кучайди. Бу ҳолат биринчидан, археологик тадқиқотлар кўлами кенгайиб, янги маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш имкониятлари кўпайганлиги билан изоҳланса, иккинчидан, ўтмиш тарихимизга бўлган муносабатнинг ўзгариши ҳамда бунинг натижаси ўлароқ, қатор кўҳна шаҳарларнинг маълум саналар билан боғлиқ юбилейлари нишонланиши билан изоҳланади. Таъкидлаш жоизки, кўҳна шаҳар ва қишлоқлар тарихини ўрганишда шаҳар ҳамда қишлоқлар жойлашган ўрни ва даврини пухта таҳлилдан ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда турли тарихий ёндошувлар барча дастлабки манбаларнинг таҳлилдан келиб чиқувчи муқаррар мантиқий хулоса бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқ этилаётган масала услубий жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларга ажратилади, яъни: ўрганилаётган ҳудуднинг экологик ҳолати, ишлаб чиқариш

технологиясининг даражаси ва жамият ташкилотининг мавжудлиги, жойлашув тартиби ҳамда шаҳар ва қишлоқлар типологияси ҳисобланади. Бу ўринда кўпчилик тадқиқотчилар шаҳар ва қишлоқлар типологияси масаласида ечимини кутаётган муаммолар кўплигини таъкидлаб улар қуйидагилар деб ҳисоблайдилар: манзилгоҳларнинг ўтиш ва оралиқ шакллари кўплиги туфайли шаҳарни манзилгоҳдан ажартувчи чегара типологияси ноаниқлиги; типологик фарқлар нисбати ҳамда қишлоқларнинг шаҳарларга айланиши; патриархал оиланинг кўп хонали уйларида бир уруғга мансуб зич қурилган манзилгоҳнинг фарқи, сарой ва қалъаларнинг типологик нисбати кабилар.

Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида алоҳида манзилгоҳлар тузилиши ва жойлашувида бўлгани каби аҳоли жойлашувининг барча тизимлари ўтувчи хусусиятга эга эди. Шаҳарлар пайдо бўлиши жараёнининг ўзи манзилгоҳлар тизими ривожланиши шаклларида бирини ўзида акс эттиради. Шаҳарларда воҳа тараққиётининг барча анъаналари мужассамлашган бўлиб, воҳа фаолиятини тартибга солишнинг барча асосий омиллари айнан шаҳарларда жамланган. Номлар, атамалар мажмуини таърифлаш ва манзилгоҳлар тартибини тизимлаштиришнинг умум эътироф этилган белгилари мавжуд эмас. Қадимги шаҳарлар ва манзилгоҳларни тизимлаштиришга бағишланган илмий нашрларда улар ўртасидаги фарқ улар эгаллаб турган майдон бўлиб, қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари учун бу майдон 1,5 гектардан 6 гектаргача ва ундан ортиқлиги таъкидланади. Манзилгоҳлар типологияси иерархик хусусиятга эга бўлиб, вақт ўтиши билан манзилгоҳлар тартибининг тузилишида ҳам, уларнинг типологиясида ҳам, муҳими, уларнинг ягона тизим доирасидаги нисбатида ҳам аста—секин ўзгаришлар содир бўлади. Қадимги шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасида зиддиятлар деярли бўлмаган.

Шаҳарлар ва қишлоқларни туркумлашда улар ўртасидаги вазифавий алоқалар муҳим аҳамиятга эга. Муҳими, ушбу алоқалар воҳанинг манзилгоҳлар тизимида мазкур шаҳар ва қишлоқларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилаб беради. Фикримизча, қадимги шаҳарлар фақат ўзининг қишлоқ билан муносабатларига кўра (бу

муносабатларни санаб ўтиш алоҳида мавзу) шаҳар мақомига эга бўлган.

Манзилгоҳ ва кўҳна шаҳарлар тизимини ўрганиш ва туркумлаш масалаларининг тарихий тадрижийлик жиҳатларига эътибор бериш ҳам муҳим ҳисобланади. Улар минглаб йиллар давомида ривожланиб борган воҳалар тарихини тадқиқ этиш жараёнида юзага келади. Эътибор бериш лозимки, қадимги шаҳарларнинг пайдо бўлган даври ва санасини аниқлашда қайси босқичдан бошлаб уларни шаҳар деб ҳисоблаш керак деган савол туғилади. Бу ўринда даставвал улар қайси давр маҳсули эканлиги ва ўша давр жамият тараққиёти даражаси қай ҳолатда эканлигига аниқлик киритиш ниҳоятда муҳимдир.

Йирик шаҳарлар пайдо бўлиши ва ривожланишида ворисийлик ёки бўлмаса маълум сабабларга кўра ўрнини ўзгартириш анъаналари, тузилиши жиҳатидан ўхшашлик томонлари кучли бўлишига қарамай шаҳармонанд манзилгоҳлар ва қадимги, ҳатто, ўрта асрлар шаҳарлари ўртасида жиддий фарқлар мавжуд бўлиб, улар тарихий ҳодиса сифатида моҳиятан ўзгариб турган. Бу ўзгаришлар ўз навбатида қадимги шаҳарлар типологияси ва тузилишига ҳам таъсир ўтказган.

Мисол учун, Сополитепа ва Жарқўтон манзилгоҳлари ривожланишида даврий ва тузилиш жиҳатидан жиддий фарқлар кузатилса—да, улар тараққиётида ворисийлик анъаналари кучли бўлганлигини кўришимиз мумкин. Ёки бўлмаса, маълум тарихий—маданий, ҳарбий, иқтисодий—сиёсий сабабларга кўра шаҳарларнинг кўчиши Узунқир мисолида кузатилади. Шунингдек, мил авв. II асрда Қарши воҳасининг жанубида Қалъаи Заҳоки Морон йирик кўҳна шаҳарнинг пайдо бўлиши шу ҳудудларда илгарироқ пайдо бўлган Ерқўрғонга жисмонан дахл этмаган бўлсада, Ерқўрғоннинг аҳамияти ҳамда вазифавий йўналишига жиддий таъсир кўрсатди. Яна бир мисол, Кофир қалъа ва Талибарзу ёдгорликлари бир хил қадимги марказий қисмларга эга. Аммо, ўрта асрларда Кофирқалъа ўсиб кичик шаҳарга айланди, Талибарзу қишлоқлигича қолди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Жамият тараққиётининг ҳар бир даврида ўзига хос шаҳар тушунчаси мавжуд бўлиб, бу тушунча даврга қараб

фарқланиб турган. Тадқиқотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, турли ҳудудлар ва даврлардаги такомиллашган шаҳар ва қишлоқ тузилмаларининг қиёсий таҳлили уларни тизимга солиш асосларини ўрганишга бориб тақалади. Бу ўринда, археологик ва палеогеографик тадқиқотлардан ташқари, қадимги қишлоқлар ва шаҳарлар аҳолиси орасида мавжуд бўлиб ёзма манбалардан олинган маълумотлар ҳам муҳимдир.

Шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги оралиқ манзилгоҳлар шакли ва тузилиши, бажарган вазифаси ҳамда мақоми масалаларига бағишланган сўнгги ишлардан бири Ю.В.Андреев тадқиқотлари ҳисобланади. Ушбу тадқиқотда йирик деҳқончилик манзилгоҳларини туркумлашда асоссиз замонавийлаштиришга (катта ўлчамлар, зич қурилишлар, мудофаа деворлари, диний марказларнинг мавжудлиги) йўл қўймаслик учун «квазишаҳар» атамасини қўллаш таклиф этилган. Квазишаҳарнинг («квазигород») кейинги босқич — шаҳармонанддан («протогород») туб фарқи унинг эркинлиги, аграр хусусиятга эгаллиги ҳамда атрофида қишлоқ манзилгоҳлари мавжуд эмаслигидадир. Квазишаҳар барқарор ва доимий манзилгоҳ шакли сифатида Испания ва Яқин Шарқдан тортиб Марказий Осиёгача бўлган ҳудудларда ҳозирги кунгача сақланиб қолгани қайд этилади.

Қадимги манзилгоҳларнинг археологик харобаларини тадқиқ этганда кўпинча шаҳарни протошаҳардан ва протошаҳарни квазишаҳардан ажратиш бўлмайди. Чунки, шаҳарлар ҳар қандай тараққий этган манзилгоҳлар сингари, аста—секин қишлоқлар тизимининг маркази сифатида шаклланади. Турли ҳудудлардаги турли даврларга оид кўҳна шаҳарларга умумий таъриф бериш, уларнинг номланиши ва келиб чиқишидаги фарқларни ажратмаслик методологик жиҳатдан хато ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, шаҳар тушунчасига фақат цивилизациянинг моддий ҳодисаси деб эмас балки, пайдо бўлиши ривожланиши ва инқирозга юз тутиши босқичларини ажратиш лозим бўлган тарихий ҳодиса деб қараш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳолатда кўҳна шаҳар ва қишлоқ тузилмаларининг ҳар хил турлари, шакллари ҳамда уларни ўзаро боғлаб турувчи тизимларни тартиблаш учун мантиқан кенг имкониятларга эга бўламиз.

Умуман олганда, илк темир асри Ўрта Осиё археологиясида қадимги ва йирик урбанистик марказлар Афросиёб ва Кўктепа, Узунқир ва Ерқўрғон, Қизилтепа ва Марв, Термиз ва Бухоро ҳудудларидаги археологик тадқиқотларнинг ўрни беқиёсдир. Анъанага кўра йирик урбанистик марказларда қазилма ишлари асосан қуйидаги икки йўналишда олиб борилади:

- 1) маҳаллалар, кўчалар, мудофаа ва меъморчилик қурилмалари ҳамда бутун харобалар мажмуини даставвал, асосан устки сатҳи бўйлаб очиш;
- 2) шаҳар ҳаётини даврлаштириш мақсадида маданий қатламларни тозалаш ва текшириш.

Ҳозирги кунда қадимги шаҳарлар тарихини ўрганишга алоҳида эътибор берилётган бир пайтда, қадимги ва ўрта асрлар урбанизация масалалари қадимшуносликнинг долзарб ҳамда ривожланаётган йўналишига ажратилиши билан қишлоқлар ва шаҳарларни тизимлаш ва типларга ажратиш муаммолари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида қадимги шаҳарлар ва қишлоқларни туркумлашнинг ўзига хос тизимлари ишлаб чиқилмоқда.

Методологик жиҳатдан сўнгги йиллардаги илмий тадқиқотларнинг кўпчилигида шаҳарни қишлоқдан тубдан ажратиш ҳамда уларни ижтимоий ва маданий жиҳатдан бир – бирига қарама – қарши бўлган тизим сифатида бир – бирига қарши қўйиш ғояси устунлик қилади. Таъкидлаш жоизки, қазилмаган манзилгоҳларни туркумлашда уларнинг майдонлари ўлчамларига алоҳида аҳамият бериллади.

Бундай қарашлар учун таянч нуқтаси бўлиб, кўп ҳолларда Р.М.Адамснинг Месепотамиядаги тадқиқотлари натижалари хизмат қилади. Маълумки, тадқиқотчи бу ерда бронза даври манзилгоҳларини ўлчамларига кўра икки туркумга (орасидаги фарқ 6 гектарга яқин) ажратиш мумкинлигини тақлиф этган эди. Илк темир даври Чоч ва Бақтрия бўйича эълон қилинган манзилгоҳлар майдонларининг тақсимланишига доир маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак, кўп сонли майда манзилгоҳлар Чочда 2 гектар майдонни, якка манзилгоҳлар 3–4 дан 200 гектаргача майдонни, Бақтрияда кўп сонли майда манзилгоҳлар 1 гектардан 3–4 гектаргача майдонни якка

манзилгоҳлар 5 дан 28 гектаргача майдонни эгаллаганини кузатиш мумкин.

Ўрта Осиёнинг қадимги манзилгоҳларини туркумлашда шаҳар билан қишлоқ орасидаги чегара одатда 3–5 гектар оралиғида белгиланади. Бу жараёнда шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги чегара турли воҳаларда табиий–географик ва иқтисодий ҳолатга қараб ҳар хил эканлиги кузатилади.

Мисол учун, Парфияда шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги чегара мустақамланган марказий қисмдан бошлаб 4 гектар эканлиги аниқланган. Э.В.Ртвеладзе Шимолий Бақтрия учун нисбатан майда–майда чегараларни таклиф этади. Айрим тадқиқотчилар эллинистик ва Кушон даври Бақтрия қишлоқ ва шаҳарлари ўртасидаги чегарани 4–6 гектар деб белгилайдилар. Марв воҳасида, Ўрта Осиёда энг йирик кўҳна шаҳарлардан бири ҳисобланган пойтахт шаҳардан ташқари, квадрат шакли қалъа типидagi кичик шаҳарлар тизими вужудга келган бўлиб, улар айрим ҳолларда девор билан ўралган манзилгоҳлар, айрим ҳолларда шаҳарчалар деб туркумланади.

Ўтган асрнинг 50–йилларида Ю.А.Заднепровский Ўрта Осиёда биринчилардан бўлиб кичик шаҳарлар ва қишлоқ жамоалари манзилгоҳлари ўртасидаги чегарани 4 гектар деб белгилаган. Ундан сўнг Н.Г.Горбунова Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқлари ўртасидаги чегара 5 гектар деган фикрни илгари сурди. Хоразм кўҳна шаҳарлари майдонларининг ҳажмига қараб махсус туркумланмаган. Аммо, бу ердаги антик давр манзилгоҳлари олдинги даврларга нисбатан анча кичкина.

Урбанизация жараёнлари билан бевосита боғлиқ бўлган кўҳна шаҳар ва манзилгоҳларни типологик жиҳатдан туркумлаш масалалари ҳудудларда жойлашув хусусиятлари, гуруҳланиш анъаналари, мазкур гуруҳлардаги турли манзилгоҳлар типлари ва ҳажмларининг нисбати каби муҳим хусусиятларга ҳам эгадир. Таъкидлаш жоизки, шаҳарни ўраб турган барча қишлоқ ва манзилгоҳларни ўрганишга тартибли ёндошув уни манзилгоҳ ривожланишининг юқори ва сифат жиҳатидан фарқли босқичи деб туркумлаш имконини беради.

**Қадимги шаҳарлар ҳақидаги ривоятлар ва уларни
археологик маълумотлар билан қиёсий солиштириш¹**

Шаҳар кўҳна номи	ёки шаҳар	Ривоятларга қараганда шаҳар асосчиси	Археологик маълумотлар шаҳарга солинган вақт	бўйича асос
Марв		Тахумарс	Мил.авв. бошлари	I – м.й.
Ерқўрғон		Жамшид	Мил.авв. бошлари	I – м.й.
Самарқанд (қалъа)		1. Кайкубоднинг ўғли Кайковус 2. Малик Туба 3. Малик Искандар Зулқарнайн	Мил.авв. бошлари	I – м.й.
Бухоро		Сиёвуш ёки Кайковус	Мил.авв. V – IV асрлар	
Термиз		Манбалар бўйича Сосоний Кавод, ривоятлар бўйича Искандар Зулқарнайн	Мил.авв. асрлар	V – IV
Далварзинтепа		Дал	Мил.авв. IV – III асрлар	
Китоб		Каюмарс	Мил.авв. асрлар	III – II
Канка		Канка Баҳодир	Мил.авв. асрлар	III – II
Гузур		Афросиёб	Мил.авв. II – I асрлар	
Қалъаи Заҳоки Морон		Жамшид, Заҳок қайта қурган	Мил.авв. II – I асрлар	
Кайкубодшоҳ		Кайкубод	Мил.авв. I аср	
Тахти Қават		Кайкубод	Мил.авв. I аср	
Хазорасп		Девлар Қурган	Мил.авв. I аср ²	
Ўратепа		Эрон шоҳи Гуштаси	Мил.авв. I – мил.аср	
Ахсикент		Анушервон	Милоднинг бошлари	
Хива		Ной ўғли Сом	Милоднинг бошлари	

¹ Ртвеладзе Э.В. Легенда об основании Среднеазиатских городов и археологическая действительность. В сб. Культура юга Узбекистана в древности и среднесековье.-Т., 1987. С.47-56.

² Ҳозирги кундаги янги тадқиқотларга қараганда Хазорасп мил.авв.V – IV асрларга оид бўлиши мумкин.

Ўтроқ манзилгоҳнинг шаҳар даражасигача ўсишининг узоқ ва сифатий натижаси ўлароқ типологик нисбийлик — манзилгоҳларни туркумлаш негизига урбанизация жараёнини таҳлидан ўтказишнинг методик асосларини ишлаб чиқишни қўяди. Буларнинг барчаси ўз навбатида, иккинчи фаол ривожланувчи йўналишга — Ўрта Осиёнинг ижтимоий — сиёсий тузилмаларини ўрганишга нисбатан тизимли ёндошувга олиб келади. Манзилгоҳ тузилмаларини тизимли ўрганиш йўналиши, ўтган асрнинг 50 — йилларидан бошлаб археологик тадқиқотлар кўламининг кенгайиши, шунингдек, ўтмиш маданиятини ўрганибгина қолмай, археологик тадқиқотларнинг натижаларини тарихий манбалар маълумотлари, этнография, экология ва суғориш тарихи билан боғлиқ йирик комплекс экспедициялар томонидан бир қатор фанлараро дастурларнинг амалга оширилиши натижасида вужудга келди.

Ёдгорликлар рўйхатини тузиш дастури (ўтган асрнинг 70 — йилларидан бошлаб) муносабати билан барча ўтмиш ёдгорликларининг комплекс ўрганилиши тадқиқотчилар олдида аҳоли жойлашувининг туб жиҳатларини ўрганишда янги истиқболлар очди. Хусусан, Ўрта Осиё минтақаларида воҳаларнинг ўзлаштирилиши босқичлари, ижтимоий — сиёсий тузилмаларни даврлаштириш ва типларга ажратиш, шаҳарлар ва қишлоқларнинг ички тузилиши масалалари қўйилди ва маълум маънода ўрганилди. Бронза, илк темир ва антик даврда урбанизация жараёнларининг моҳияти, маълум марказлар мисолида таҳлидан ўтказилмоқдаки, ушбу тадқиқотларимиз ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

Аниқланишича, бронза даврида бўлгани каби, ундан кейинги даврларда ҳам шаҳар ўз атрофидаги қишлоқлар ҳаётини мувофиқлаштирувчи марказ сифатида ривожланади. Аммо, кўп ўтмай ўзининг асосий иқтисодий вазифасига — қишлоқларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қайта ишлаш ҳамда уни тақсимлашга ўтади. Ўз навбатида бу ҳолат шаҳарларда маҳсулот айирбошлаш ва савдо — сотиқнинг вужудга келишига туртки беради. Мил. авв. I минг йиллик бошлари ва ўрталаридаги шаҳарларнинг, ижтимоий тузилмаларда туб ўзгаришлар содир бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот тақсимооти ҳамда уни истеъмол қилишда тенгсизлик юзага келади. Ушбу хусусиятлар илк

давлатчиликнинг ижтимоий – иқтисодий омиллари учун ҳам хосдир.

Бу йўналишда тадқиқотлар олиб борилиши натижасида илк бор жойлашув тизимининг қонуниятлари, суғориш тармоқлари билан унинг алоқаси, қадимги манзилгоҳлар типологияси масалалари кўтарилди. Кўп йўналишга йўналтирилган йирик экспедициялар ўрганган муаммолар орасида қадимги деҳқончилик воҳалари суғорилиши тарихи алоҳида йўналишга ажралиб чиқди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, тоғ олди ва текисликлардаги кенг ҳудудлар учун уч босқичли суғориш тармоғи: каналлар, тарқатувчи шахобчалар ва далаларга сув узатувчи ариқлар хос бўлиб, манзилгоҳлар айнан мана шу тизимга мос равишда бунёд этилган. Тоғли ҳудудларда эса ҳовуз ва кўлчалардан фойдаланилган ҳолда жилғалаб суғориш услуби хосдир.

